

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ  
КУТУБХОНАСИ


# БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ



БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ КУТУБХОНАСИ

# БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Н. А. Ветлугина  
таҳрири остида



ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1981

Болалар боғчасида эстетик тарбия. Болалар боғчаси тарбиячилари учун қўлланма. Н. А. Ветлугина таҳрири остида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1981.

Қўлланмада таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши (музика, тасвирий фаолият машғулотларида, турли ўйинлар жараёнида) болаларни эстетик тарбиялаш мақсадларида ёритилган.

Гарчи бу методик қўлланма иттифоқимизнинг барча республикалари учун умумий бўлган «Болалар боғчасида тарбия программаси» асосида ёзилган бўлса-да, китобнинг ўзбек тилига қилинган таржимасидан маҳаллий шароитни ва миллий колоритни ҳисобга олган ҳолда ижодий фойдаланиш тавсия этилади.

© Просвещение, 1978;

© Ўзбек тилига таржима, «Ўқитувчи», 1981.

## КИРИШ

Коммунистик партия ва совет ҳукумати ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бадий бойликларни умумхалқ мулки деб эълон қилган тарихий Ленин декретларидан бошлаб социалистик давлат кенг меҳнаткашлар оммасини маданий бойликлардан баҳраманд этиш борасида изчил иш юритиб келмоқда. Ҳозирги кунда дунёдаги ҳеч бир мамлакат бу фаолиятнинг кўлами ва амалий натижалари жиҳатидан бизнинг мамлакатимизга тенглаша олмайди. Тарихда биринчи марта улкан аҳамиятли вазифа — барча совет кишиларини юксак маданиятга эриштириш вазифаси илгари сурилган.

Бу вазифани қандай қилиб муваффақиятли ҳал этиш мумкин? Янги, коммунистик келажак кишиси қандай бўлиши керак? Унинг дунёқараши, эстетик идеалларини қандай шакллантириш мумкин?

Педагогика фани ва илғор тажриба ходимлари ўз фаолиятини ушбу муаммоларни ҳал қилишга бағишлайди. Улар томонидан эстетик тарбиянинг инсоннинг бутун ҳаёти даврини қамраб олувчи қатъий системаси ишлаб чиқилган.

Эстетик тарбия борлиқ (табиат, турмуш, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт) ва санъат (музика, адабиёт, театр, бадий-тасвирий ижод асарлари) таъсирида амалга оширилади. Болаларнинг эстетик фаолиятларини ташкил қилиш формалари хилма-хилдир. Ўйинлар, машғулотлар, экскурсиялар, байрамлар, кўнгил очишлар шулар жумласидандир.

Болаларни эстетик тарбиялашнинг совет системаси ғоявий мақсадга йўналганликни, ахлоқий ва эстетик идеалларнинг узвий бирикшини, санъат ва адабиёт ҳар хил турларининг ўзаро таъсирини кўзда тутди.

Боланинг бадий қизиқишлари, ижодий фантазияси ва қобилиятларининг ўсиши, улар томонидан амалий малакаларнинг эгалланиши илк болаликдан бошланади. Тарбиячининг бу йўналишдаги иши илмий асосда қурилган бўлиши ва санъатнинг ҳар хил турлари ривожланишининг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, талабларнинг аста-секин, изчил мураккаблашиб бориши принципига риоя қилиб, турли ёшдаги болаларнинг билим ва кўникмаларига фарқлаб ёндашишни назарда тутадиган муайян программа асосида олиб борилиши жуда муҳимдир.

Мазкур китобнинг мақсади — ҳар бир болада табиат, турмуш,

меҳнат, санъатга эстетик муносабатни тарбиялашда педагогик таъсир этишнинг турли форма ва методларини очиб беришдир.

Китобга киритилган бир қатор материаллар илгари мазкур темага бағишланган монографияда<sup>1</sup> эълон қилинган эди, бироқ кўпгина боблар янгидан ёзилди ёки педагогиканинг замонавий талаблари асосида қайта ишлаб чиқилди.

Китоб уч бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда болаларда атроф-муҳитдаги ҳаёт ва санъатга эстетик муносабатни тарбиялашнинг асосий вазифаларни кўздан кечирилади, бу ишнинг мазмуни ва методлари асослаб берилади, унинг тахминий программаси баён қилинади.

Иккинчи бўлимда, бадий фаолиятни ташкил қилишнинг турли формалари тавсифи берилган. Машғулотларда икки-етти ёшдаги болаларга таълим бериш масалаларига катта ўрин ажратилган. Мазкур китобнинг ҳар бир ёш группаси учун махсус қўлланма эмаслигини назарда тутган авторлар болаларни туғилгандан то уч ёшгача ва тўрт ёшдан етти ёшгача ўқитиш методларини умумлаштириб беришган. Тўрт ёшдан етти ёшгача (катталар томонидан бевосита йўналтириб бориладиган) бўлган боланинг мустақил бадий фаолияти махсус ажратиб берилган, унинг мазмунининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Болаларда эстетик кечинмаларнинг ҳосил бўлишида бой манба бўлган байрам ва кўнгул очишларнинг роли таъкидлаб ўтилади.

Китобнинг учинчи бўлимида болаларни бадий фаолиятнинг айрим турларига ўргатишда турли қўлланма ва техник воситалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилади.

Китобдаги суратлар болаларнинг бадий фаолиятларини акс эттиради, китобнинг охирида берилган рангли расмларда эса китобхон бино ва болалар боғчаси участкасини безаш эскизларини топади.

*Педагогика фанлари доктори  
Н. Ветлугина*

<sup>1</sup> Қаранг: Система эстетического воспитания в детском саду. Н. А. Ветлугина таҳрири остида. М., 1962.

## БОЛАЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

### БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Совет педагогикаси эстетик тарбия бу ҳаёт ва санъатдаги гўзалликни идрок этиш, ҳис қилиш, тушуниш қобилиятларини ўстириш, атроф-муҳитни гўзаллик қонуниятларига мувофиқ қайта яратишда иштирок этишга интилишни тарбиялаш, бадий фаолият билан шуғулланиш ва ижодий қобилиятларни ўстиришдир деб таърифлайди.

Эстетик тарбияда санъатга алоҳида аҳамият берилади. У болаларни ҳаяжонлантириб ва қувонтириб, уларга ҳаёт ҳодисаларининг ижтимоий маъносини очиб беради, уларни атроф-муҳитга синчковроқ қарашга, биргаликда қайғуришга, ёмонликни қоралашга ундайди. Санъат воситалари ёрдамида эстетик тарбиялаш «бадий тарбия» термини билан ифодаланади.

ҚПСС Марказий Комитетининг XXV съездида Ҳисобот докладыда «Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир. Биз шуни яхши биламизки, бадий сўз, бўёқлар жилоси, тошдаги нақшлар, товушларнинг оҳангдорлиги замондошларни илҳомлантиради, қалбимизда авлодимиз тўғрисидаги, замонамиз, унинг ҳаяжонлари ва бунёдкорликлари тўғрисидаги хотираларни келажак авлодларга етказди»<sup>1</sup> деб қайд этилди.

Болани инсоний муносабатлардаги яхшилик ва ёмонликни фарқлай билишга, шакл, чизиқ, товуш, бўёқлар гўзаллигини идрок эта билишга ўргатиш — демак, бу уни яхшироқ, софроқ мазмундорроқ қилиш демакдир.

Психолог ва педагогларнинг ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари кейинги йилларда болаларнинг ақлий ҳамда эстетик фаолиятлари даражаси, ахлоқий-продавий сифатлари сезиларли ўсганлигини кўрсатди. Бу хислат уларнинг илк ёшлик вақтлариданоқ намоён бўлмоқда. Шунинг учун болалар боғчасининг боланинг ахлоқий сифатларини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Давлатимиз барпо бўлаётган даврлардаёқ В. И. Ленин ва унинг сафдошлари, Коммунистик партия мактабгача тарбияга катта аҳамият берган эди. Бу Н. К. Крупская ва А. В. Луначарский-

<sup>1</sup> ҚПСС XXV съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 109—110-бетлар.

нинг актив иштирокида маориф бўйича давлат комиссияси томонидан тайёрланган ўша даврнинг программ ҳужжатлари — 1918 йил, 16 октябрдаги «Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги Низом» да ва «Ягона меҳнат мактабининг асосий принциплари»да ўз аксини топган эди. Асосан мактабга тааллуқли бўлган бу ҳужжатлар болалар боғчасида эстетик тарбия назарияси ва практикасини ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнади.

Болалар боғчасига ягона халқ маорифи системасининг биринчи босқичи сифатида қаралган эди. Болалар боғчасидан университетгача бўлган нормал мактабларнинг бутун системаси бир мактаб, бир узлуксиз зинадир<sup>1</sup>. Бунда илк эстетик тарбия тарбиянинг умумий системасига киради деб таъкидланган эди.

Ўша даврларда мактабгача тарбия педагогикаси эндигина илк қадамларини ташлаётган эди, унинг ибтидосида турган кишилар эса жиддий қийинчиликларга дуч келишарди: жамоат мактабгача тарбия муассасаларини ташкил қилишда тажриба етишмасди, кўпгина назарий қоидалар ҳали аниқ ифодалаб берилмаган эди. Мактабгача тарбия педагогикасининг ривожланишига эркин тарбия назарияси муайян даражада таъсир кўрсатарди. Формал ўқитишга қарши чиқувчи, эски, анъанавий услубларни парчаловчи бу назария айни вақтда тарбиячининг етакчи ролини тан олмасди. Унда бадий ижод болаларнинг ўзларининг мустақил фаолиятлари тарзида талқин қилинарди; бу жараёнга педагогнинг аралашishi эса қораланарди.

Мактабгача тарбия системасининг марксча-ленинча назария асосида ривожланишига халқ маорифи бўйича дастлабки Бутунроссия съездлари сезиларли ҳисса қўшди. Съезд ишида Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, амалиётчи-мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Мактабгача тарбия мутахассислари (Л. Шлегер, В. Шмидт, Д. Лазуркина, Е. Тихеева, М. Свейтицкая, Р. Орлова, А. Суровцева) ҳам, умумий педагогика, психология, физиология арбоблари (С. Шацкий, П. Блонский, Е. Аркин, К. Корнилов, В. Гориневский) ҳам ўз нутқларида янги тарбия системасининг қимматли тажриба ва ижодий изланишларини очиб бердилар. Эстетик тарбия масалалари бўйича докладлар фаолиятлари тор методик изланишлар билангина чекланиб қолмаган мутахассислар томонидан қилинди. Сўзга чиққанларнинг кўплари санъат табиатини яхши билар ва болалар билан ишлаш тажрибасига эга эдилар (Г. Рошаль, В. Шацкая, М. Румер, Н. Преображенский, Н. Доломанова ва бошқ.).

Илгариги педагогик назарияларнинг асоссизлиги исботланган эди, бироқ тарбиянинг конкрет формаларидаги, айниқса бадий тарбиядаги уларнинг таъсири оқибатларини тугатиш осон бўлмади. Жумладан, боланинг эстетик кечинмалари бошқариладиган ва шакллантириладиган ҳодиса деган фикр билан келишиш қийин бўлди.

Ўқитиш ва ижод проблемаларини болаларни бадий фаолиятга

<sup>1</sup> Қаранг: «Народное образование в СССР» М., 1957, 39-бет.

эриштириш воситаси сифатида турлича тушуниш ҳам фикрлар тўқнашувига сабаб бўлади.

Педагогик процесснинг бу икки томонини қарама-қарши қўйиш ёки параллел олиб борилиши 30-йиллар учун характерлидир. Бу босқичда эстетик тарбия масалаларини ишлаб чиқишда Е. Флерина, Н. Сакулина сезиларли роль ўйнади. Айрим назарий қондалар кўп йиллар давомида ўз актуаллигини сақлаб қолди.

40- йилларнинг охири ва 50- йилларнинг бошларида А. Усова ва унинг ходимлари мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш проблемаларини хусусий методикаларга қарама-қарши қўйган ҳолда тадқиқ қилдилар. Айниқса, боланинг бадий кечинмаларини бошқаришнинг кийинлиги туфайли ўқитишнинг ўзи шубҳа остига олинган бадий тарбия батафсил тадқиқ қилинди. Ҳақиқатан ҳам тарбиянинг ҳамма соҳаларига қарши ўлароқ бадий тарбияда ижобий натижаларга эришиш, асосан, фақат болалар раҳбарлик қила билиш санъатини эгаллабгина қолмай, балки санъатнинг ўзини ҳам яхши биладиган ҳамда тушунадиган педагогнинг талантлилигига, моҳирлигига боғлиқ бўлади. Кўпгина педагоглар турли йўллар билан бориб ва хилма-хил воситалардан фойдаланиб, болаларни бадий жиҳатдан ўстиришда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Мутахассислар қўлланаётган методларни тушунтириш ва анализ қилишга, ўқитишнинг умумий қонуниятларини очиб беришга ва барча педагогларни бу билимлар билан қуроллантиришга интилганлар.

60- йилларга келиб ўтказилган илмий тадқиқотлар ва илғор тажрибани умумлаштириш асосида мактабгача тарбия ёшидаги болаларни эстетик тарбиялаш системаси тўла шаклланди ва у «Болалар боғчасида тарбия программаси» (1962) да ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатда бутун тарбия процессини, бола ҳаётининг дастлабки ойларида бошлаб то етти ёшигача психик ва жисмоний ривожланишининг бирлигини кўрсатишга, бола фаолиятини ўйин ва машғулотларда, турмуш ва меҳнатда ташкил қилишнинг формаларини белгилашга, шу тариқа турли ёшдаги болаларнинг бадий қобилиятларини аниқлашга ёрдам беришга илк бор уриниб кўрилган.

Замонавий ҳаёт тарзи, кишиларнинг меҳнати, ижтимоий муносабатлари, теварак-атрофдаги табиат болани эстетик ривожлантириш учун замин яратади. У турли халқларнинг ижоди, рассомлик ва ҳайкалтарошлик, музика ва рақслар, қўғирчоқ театрининг спектакллари, мультфильмлар ва шу кабилар билан танишиб санъат дунёсига кириб боради.

Совет ёзувчилари — В. Маяковский, С. Маршак, К. Чуковский, С. Михалков, А. Барто, композиторлари — Д. Шостакович, С. Прокофьев, Ан. Александров, Д. Кобалевский, М. Красев, М. Раухвергер, Е. Тиличеева, Т. Попатенко, рассомлари — Н. Жуков, А. Пластов, А. Каневский, Е. Чарушинлар болаларга аталган жуда кўп ажойиб асарлар яратганлар.

Педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетларида, СССР ПФА Мактабгача тарбия илмий-тадқиқот институти-



да бадий тарбиянинг тасвирий санъат (Н. Сакулина, И. Гусарева, Е. Ковалевская, В. Косминская, В. Езикеева, Т. Комарова, Т. Казакова, кейинроқ Г. Пантелеев, Л. Пантелеева, Г. Локуциевскаялар), адабиёт (М. Кониная, О. Соловьева, Н. Карпинская кейинроқ О. Ушакова, А. Полозова), музыка (Н. Ветлугина, И. Держинская, Р. Зинич, С. Шоломович, М. Палавандишвили, А. Катинене) фаолияти билан боғлиқ бўлган айрим проблемалари ишлаб чиқилди; эстетик тарбиянинг айрим томонлари ўртасидаги алоқалар ҳам тадқиқ қилинди ва назарий асосланди. Бу тадқиқотларнинг натижалари 1962 йилда нашр этилган «Система эстетического воспитания в детском саду» номли китобда ўз аксини топди. Мазкур китобда болаларни санъат воситалари ёрдамида ўқитиш ва тарбиялашнинг назарияси ҳамда практикасидаги принципиал қоидалар ҳам асослаб берилган.

Эстетик тарбия педагогиканинг ажралиб қолган соҳаси эмас, балки унинг барча томонлари билан ўзаро таъсирда бўлади.

Тўлақонли ақлий ва жисмоний ривожланиш, ахлоқий софлик ва ҳаёт ҳамда санъатга актив муносабат ахлоқий такомиллашганлиги кўп жиҳатдан эстетик тарбияга боғлиқ бўлган мукамал, гармоник ўсган шахсни англатади.

Илк болаликдаги бадий таассуротлар жуда кучли бўлиб, хотирада узоқ, баъзан бир умр сақланиб қолади. Болани бадий жиҳатдан муваффақиятли ривожлантириш учун педагог болалар машғулот ва кўнгил очишларининг турли форма ҳамда кўринишларидан уларнинг ёшларига мувофиқ тарзда тўғри фойдаланиши зарур.

Эстетик тарбия замон билан узвий алоқада ва кўп жиҳатдан у билан белгиланади. Борлиқни эстетик идрок этиш ҳаётга яқинликни, борлиқни, жамиятни, табиатни, предметли муҳитни ўзгартиришга интилишни назарда тутади.

Бизнинг болаларимиз Ленин васиятлари бўйича коммунизм қурилишини давом эттиришлари керак. Лекин кичкинтойларнинг имкониятлари жуда чекланган бўлади, бироқ қўлидан келадиган меҳнат, машғулот ва ўйинлар ёрдамида ҳар бир болани ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш имконияти мавжуддир. Билиш процесси эстетик кечинмалар билан қанчалик узвий боғланса, унинг, яъни билиш процессининг идрок этилиши шунчалик чуқурроқ ва натижалари тўлақонлироқ бўлади.

Гарчи эмоция (ҳис-туйғу), хаёл, интуиция (туйиш, фаҳмлаш) га тааллуқли кўпгина ҳал қилинмаган проблемалар мавжуд бўлсада, атроф-муҳитга эстетик кечинмалар кўринишидаги ўзига хос реакция материалистик асос бўлиши шубҳасиздир. Ҳар бир болада унинг қобилиятларининг ўсишига таъсир этувчи ўзига хос анатомик-физиологик хусусиятлар мавжуддир. Бироқ совет педагоглари ўз ишларида академик И. П. Павловнинг нерв системасининг пластиклиги ҳақидаги таълимотига таяниб, туғма қобилият ва истеъдодни муайян йўналишда шакллантириш мумкинлигини исботлайдилар.

Ҳозирги кунда жаҳон педагогикасида бу проблема бўйича муно-

заралар олиб борилмоқда. Кўпгина чет эл психологлари ва ўқитувчилари мақсадга мувофиқ бошқариш (муайян мақсад асосида тарбиялаш) спонтан ривожланишга қарама-қаршидир деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъбирича, боланинг шахсий тажрибаси тарбиячининг таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз қонуниятларига мувофиқ шаклланиб боради. Табиийки, бевосита таъсир қилиш барча болаларнинг бир хилда ривожланишига олиб келади, деб ўйланса жуда соддадиллик қилинган бўларди. Шахснинг индивидуаллиги ҳар бир болага ўз қобилиятларини ҳар томонлама тўлиқ намоён қилиш имкониятини берувчи бадий ижодда очиқ кўринади. Бироқ барча болаларга қулай шароитлар яратиб берилса уларнинг ҳар бири эстетик фаолиятнинг ўзига тушунарлироқ тажрибасини муваффақиятли эгаллайди деб умид қилиш мумкин.

Ҳозирги шароитларда совет болалар боғчасида эстетик тарбиянинг қуйидаги вазифалари илгари сурилади:

1. Болаларнинг гўзалликни идрок этишлари, эстетик ҳиссиётлари ва тасаввурларини системали тарзда ўстириш. Санъатнинг барча турлари, табиат ва турмуш бунга кўмак беради, бевосита эмоционал ҳозиржавоблик, шодлик, ҳаяжон, завқ ҳамда қизиқиш уйғотади.

2. Болаларда турмуш, табиат, ижтимоий муносабатларга қўлларидан келганича гўзаллик элементларини қўшиш эҳтиёжи ва одатини тарбиялаб, уларни санъат соҳасидаги фаолиятга яқинлаштириш.

3. Болаларда эстетик дид асосларини ва санъат асарларини ҳамда ҳаётдаги ҳодисаларни мустақил баҳолай билиш қобилиятини шакллантириш.

4. Болаларнинг бадий-ижодий қобилиятларини ўстириш. Кичкинтойларнинг санъат билан боғлиқ бўлган фаолиятлари доимо эркин, завқли интилиш, ижодий тасаввур, ташаббускорлик билан тўла бўлиши керак. Бола қанчалик эстетик ривожланган бўлса, унинг бадий малака ва кўникмалари шунчалик пишиқ бўлади, унинг ижодий фаолияти янада тўлароқ намоён бўлади.

70-йиллар охирида мактабгача тарбия практикасида бадий тарбия доирасини кенгайтириш, уни ҳаётга яқинлаштириш эҳтиёжи туғилди. Эстетик тарбия нима? Унинг моҳияти нимада? Уни қандай шаклларда ва қайси методлар ёрдамида амалга ошириш керак деган саволлар борган сари кўпроқ илгари сурилмоқда.

### ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ

Болалар боғчасида эстетик тарбия юзасидан олиб бориладиган иш тарбия процессининг барча томонлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уни ташкил қилиш формалари жуда хилма-хил ва унинг натижалари фаолиятининг ҳар хил турларида намоён бўлади. Бу иш:

— турмушдаги ижтимоий ва табиат ҳодисалари билан таништириш орқали, шунингдек меҳнат, ўйин процессида атроф-муҳитга эстетик муносабат тарбиялашни;

— санъат воситалари (бадий тарбия, ижодий қобилиятларни ўстириш) ёрдамида эстетик тарбиялашни назарда тутди.

«Болалар боғчасида тарбия программаси»да болаларнинг атроф-муҳитга эстетик муносабатини, қизиқиши ва қобилиятини ўстиришнинг асосий вазифалари ифодалаб берилган. Боланинг ёш имкониятлари назарда тутилган ҳолда эгаллаши керак бўлган билим, тасаввур, малака ва кўникмаларининг ҳажми кўрсатиб берилган.

Атроф-муҳитга эстетик муносабатни тарбиялаш бола шахсига оид кўпгина сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу ёш босқичларини аниқ белгилаш жуда қийин бўлган мураккаб ва давомли процессдир.

Машғулотларда олиб борилаётган бадий тарбия программасини эса етарлича аниқ ифодаласа бўлади. Илмий тадқиқотлар асосида бадий фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича билим ва малакалар ҳажминини турли ёш гуруппаларидаги болалар қобилиятларининг устунлик даражаси ҳамда тарбияланганликларини аниқлашга муяссар бўлинди.

Болалар боғчасидаги тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири болани мактабга тайёрлашдир. Шунинг учун мактабга тайёрлов гуруппасидаги (олти-етти ёшли болалар) ишнинг мазмуни замонавий мактаб талаблари ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши керак. Боланинг мактабга тайёрланганлиги фақат унинг керакли билим ва малакалар ҳосил қилишида эмас, балки унинг янги вазиятда бемалол йўл топа олиши ҳамда ҳаракат қила билишида ҳам намоён бўлади. Агарда педагог ўқитиш ва тарбиянинг ҳар бир босқичида болалар томонидан эгалланган билим ва малакаларга таянган ва анча юқорироқ босқичда бола дуч келадиган янгиликларни мўлжаллаб иш кўрган тақдирдагина яхши натижаларга эришиши мумкин.

Эстетик тарбияга доир ишни тўғри ташкил қилишда ҳар бир ёш гуруппасидаги болалар учун унинг тахминий мазмунини белгилаш, тарбиянинг умумий вазифаларига мувофиқ келувчи конкрет талабларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу эстетик тарбия восита ва методларини танлашда тасодифийлик, стихиялилик, бир томонламаликнинг олдини олишга имкон беради, педагог-практикларга ишни планлаштиришга, материални муайян изчилликда тақсимлашга, унинг пировард натижаларини кўришга ёрдам беради.

Эстетик тарбия программаси идрок, тасаввур, хотирани шакллантиришга ҳамда ҳаётга актив муносабатнинг пайдо бўлишига ёрдам берувчи қизиқиш, ҳиссиёт, майл ва қобилиятларни ўстиришга қаратилган. Бу сифатларнинг намоён бўлишини, уларнинг ривожланишини кузатиш билим ва малакаларнинг конкрет натижаларини кузатишдан кўра қийинроқдир. Бу ривожланишнинг изчиллигини аниқлаш муҳимдир. Эстетик тарбия — мураккаб процесс. Шунинг учун ҳам биз баъзан «болаларни эмоционал идрок этишга ўргатиш», «лаззатланмоқ», «севмоқ ва иңтилмоқ», «қобилиятларини намоён қилмоқ» ва шу каби ифодаларга асосланамиз, бунда у айнан, нималарда намоён бўлишини конкретлаштириб берамиз.

Масалан, «музикачилик ва шоирлик қобилиятини намоён қилиш» талаб этилади ва айтилганми-йўқлигини тинглаб аниқлаш, юқори ва паст товушларни, уларнинг кучи ва баландлигини, куйлашдаги, шеър ўқишдаги темпнинг алмашувини фарқлаш» тушунтирилади.

Эстетик тарбия умумий педагогик процесдан ажралиб турмайди. Эстетик тарбия бола ҳаётининг кўпгина томонларига сингиб кетиб, болаларнинг ахлоқий, ақлий, жисмоний ривожланишлари билан узвий боғланади ва улар фаолиятини ташкил қилишнинг асосий формаларида: ўйин, машғулот, турмуш, меҳнат, байрам ва кўнгил очишларда амалга ошади. Программа талаблари қаторида маданий ахлоқ малакалари — тартибли кийиниш ҳамда ечиниш, гозалик, ташқи кўринишни кузатиш ва шу кабилар қайд қилинган. Бу талаблар жисмоний ривожланишга ҳам, маданий-гигиеник малакаларни эгаллашга ҳам тааллуқлидир. Бироқ ахлоқнинг элементар нормаларини эгалламай туриб, боланинг эстетик тарбиясини тасаввур қилиш мумкинми? Бундай оддий ва кундалик ахлоқ кўринишларини эстетик сифатларнинг шаклланиши деб ҳисоблаш табиий эмасми? Пировард натижада улар болани анча теран ахлоқий кечинмаларга олиб келишга имкони беради.

Эстетиклик ва этикликнинг узвий бирикуви меҳнатга, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатда янада равшанроқ намоён бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда борлиққа бўлган эстетик муносабат ўзига хос формаларда, аста-секин, баъзан сезиларсиз тарзда содир бўлади. Масалан, агар уч ёшли болалар сюжетли ўйинга тарбиячининг ташаббуси билан киришсалар ва унинг кўмагида ўйнасалар, тўрт ёшли болаларга тарбиячи мустақил ўйнашни тавсия қилади, улар ҳатто сюжетни ўзлари топа оладилар ҳам, беш ёшли болаларга сюжетни мустақил топиш ва ҳаракатни очиш тавсия қилинади, каттароқлари бунинг ўз ташаббуслари билан ҳам қила оладилар.

Тушунарли ва оддийлардан бошлаб, талаблар аста-секин мураккаблашиб боради. Масалан, кичик гурӯҳда болалар қурилиш материаллари билан ўйнаб эканлар, кубикларни тартибли ва чиройли тахлаб, шакли ҳамда рангига кўра симметрик қўйиб чиқадилар. Баъзилари эса ташаббус кўрсатиб, чизиқлар ва бўёқларнинг бирикишида ихтирочилик қилиб симметриядан воз кечадилар. Шундай қилиб, энг оддий талабларни бажариш натижасида илк ёшли болаларда ритм, форма ва рангнинг ҳис қилиш шаклланади.

Санъат ва ҳаётдаги гўзалликни тушунишни ўрганиш учун элементар эстетик таассуротлар, кўриш ва сезиш ҳиссиётларини жамғаришнинг узоқ йўлини босиб ўтиш, эмоционал ва билиш процесларининг маълум даражада ривожланган бўлиши зарурдир.

Тавсия этилаётган программа бу процеснинг хусусиятини: эстетикликнинг тарбиянинг бошқа томонлари билан узвий бирлигини, бола шахси ахлоқий сифатларининг шаклланиш динамикасини очиб беради.

## Икки-уч ёшдаги болалар учун

**У й и н .** Сюжетли ўйинчоқлардан фойдаланиб; жўр бўлиб қўшиқ айтиш, ўйнаш, уларнинг қиёфаси, кийимларининг рангини пайқаш; образли ўйинчоқлар билан оддий ўйин ҳаракатларини бажариш; ғиштчалар ва кубикларни тартибли тахлаб, деворчалар, уйчалар, дарвозалар қуриш, уларнинг тартибидан лаззатланиш.

**Дидактик ўйинларда товушнинг баландлигини** («Мен нимани чаляпман?»), унинг кучини («Паст-баланд»), тембрини («Бу нима?»), темпи ва ритминини («Қўғирчоқ юраяпти ва югураяпти») аниқлаш; икки-уч рангни (қизил, яшил, сариқ), предмет шаклини (шар, ғиштча,) фарқлаш ва айтиш.

**Т у р м у ш .** Катталарнинг саволларига жавоб бериш, уларнинг буюрган ишларини бажариш, одоб билан саломлашиш, хайрлашиш, минатдорчилик билдиришга одатланиш.

**Юриш-туришнинг оддий қоидаларига риоя қилиш:** қўлни ювиш, овқатни қошиқ билан ейиш, тартибли бўлиб, ифлос қилмаслик, ўйинчоқларни сочмаслик.

**М е ҳ н а т .** Катталарга ёрдам бериш, озодалик ва тартибни сақлаш, ўйнаб бўлгач, ўйинчоқларни жой-жойига қўйиш, шундай қилинганда қулай ва чиройли бўлишини қайд қилиш.

**Т а б и а т .** Об-ҳаводаги ўзгаришларни кузатиш: қуёш чарақлаб турибди, ёмғир томчилари чакиллаб тушмоқда, қор учқунлари чир айланиб тушмоқда, шамол дарахт шохларини силкитмоқда;

**табиат объектлари рангини таърифлаш:** осмон кўм-кўк, ўрмон ям-яшил, қор оқ, бўтақўз кўк, мойчечак оқ, айиқтовон сариқ;

**балиқларнинг бир текисда сузишини, қушларнинг учиши, жангдор ва ёқимли оҳангда сайрашини қайд қилиш.**

**И ж т и м о и й ҳ а ё т .** Бинонинг бежирим жиҳозланганлигини идрок этиш, байрамдан завқланиш;

**коллектив орасида одоб-ахлоқнинг оддий қоидаларига риоя қилиш:** ўртоғига ёрдам беришга иштиёқ билдириш, биргаликдаги фаолиятга иштирок этишга интилиш.

**Б а д и и й ф а о л и я т т у р л а р и б ў й и ч а м а ш ғ у л о т л а р .** Қўшиқлар, чолғу пьесалар, шеърлар, ҳазилларни тинглаб шодланиш;

**расм солиш, фигуралар (лой ва пластилиндан) ясаш, шеър айтиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш — буларнинг ҳаммасини бажону дил бажариш.**

**М у с т а қ и л б а д и и й ф а о л и я т в а к ў н г и л о ч и ш л а р .** Китоблардаги расмларни кўриш, ўз истагига кўра расм солиш;

**рақсга тушиш, тарбиячи билан биргаликда мураккаб бўлмаган қўшиқлар айтиш (жўр бўлиш);**

**эртақ ва қўшиқлар тинглаш, қўғирчоқ театри спектаклларидан саҳналар кўриш, томошага ўз муносабатини фаол билдириш, кўнгил очишлар ва байрамлардан шодланиш.**

## Уч-тўрт ёшдаги болалар учун

У й и н . Сюжетли ўйинлар ўйнаш вақтида эртақ ва шеърлардаги таниш иборалардан фойдаланиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш; қурилиш материали билан ўйнашда кубикларни маълум тартибда, бир-бирининг устига бир текис қўйиш; мозаникадан энг оддий шакллар яшаш; уларнинг чиройли бирикканлигини қайд қилиш;

ранглар (қизил, кўк, яшил, оқ, қора, сариқ), шакллар (дума-лоқ, тўғри бурчакли), товушлар (уларнинг баландлиги, кучи, тембри) ни фарқлаш; ҳайвонларнинг товушларига тақлид қилиб овоз чиқариш, уларни оғзаки дидактик ва сюжетли ўйинларда қўллаш;

ҳаракатли ўйинлар, хороводларда ҳаракатлар изчиллиги ва шакли (доира қатор) га риоя қилиб иштирок этиш; тарбиячи ёрдамида сафланишнинг тўғрилигини аниқлаш; таниш ўйинларни ўйнаш, хороводларни бошқариш.

Т у р м у ш . Боғчага келганда саломлашиш, кўрсатилган хизмат учун миннатдорчилик билдириш («раҳмат»), уйга қайтаётганда хайрлашиш, катталарни диққат билан тинглаш, уларнинг гапини бўлмаслик; машғулот ва сайр вақтида қичқирмаслик; хонадан чиқишда рухсат сўраш; катталарга исми ва отасининг исмини айтиб мурожаат қилиш;

стол атрофида тўғри ўтириш, тартибли овқатланиш, қошиқ ва вилкадан фойдаланиш; қўлни тоза ювиш;

кийимлари ва сочни тарашдаги тартибсизликни сезиш ва катталар ёрдамида уни тузатиш; ухлашдан олдин ва сайрдан кейин ечинганда кийимларни тўғри тахлаш (тарбиячи ёрдамида), маълум тартибда кийиниш.

М е ҳ н а т . Расм бўйича машғулотларга тайёрланишда катталарга ёрдам бериш; ўйинчоқларни йиғиштириш ва бунда хона тоза ҳамда чиройли бўлиб қолганлигини сезиш.

Т а б и а т . Сайр вақтида об-ҳаво ҳолатини қайд қилиш: қуёш чарақлаб турибди, кун илиқ, осмон мусаффо ёки осмонни булутлар қоплаган, қор ёяпти, сумалаклар ялтираб турибди;

табиатда кузатиладиган нарсалар (барг, қор, осмон) рангини айтиш;

товушлар баландлигини фарқлаш (қуш нафис, баланд товушда сайраяпти; пароход паст товушда гудок чалаяпти); ҳайвонлар товушларига тақлид қилиш (мушук миёвлайди, кучук во-вуллайди, сигир маърайди, жўжалар чиёвлайди ва ҳоказо);

сайр ва дам олиш вақтида табиат ҳақида шеър, қўшиқлар тинглаш, майда тошчалардан нақшлар яшаш.

И ж т и м о и й ҳ а ё т . Хонанинг чиройли, тоза, тартиблилигини сезиш, хонани байрамга тайёрлашда иштирок этиш; уй, кўча ва майдонларнинг чиройли безатилганлигидан, одамларнинг ясанганлигидан завқланиш.

Б а д и и й ф а о л и я т т у р л а р и бўйича машғулот-

лар. Расмлар кўришда, музыка ва шеърлар тинглаганда қизиқишни намоёиш қилиш, диққатни тўплай билиш; ўйинчоқлар шакли ва рангини фарқлаш;

мустақил ва коллектив орасида қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, шеър ўқишга одатланиш, расм солиш, нарсалар (пластилин ва лойдан) ясаш билан шуғулланиш, бу машғулотлардан завқланиш;

ўз тенгдошларининг қўшиқ айтиш, ўқиш, расм солиш, нарсалар ясашдаги муваффақиятларига эътиборли бўлиш;

тарбиячининг ашула, шеър, ўйинлар, шунингдек расм ва нарсалар ясашнинг мазмунига оид тушунтиришларини тинглаш, унинг саволларига жавоб бериш.

Мустақил бадиий фаолият ва кўнгил очишлар. Мустақил ёки тарбиячининг тавсияси билан расмларни кўриш, расм солиш, ашула тинглаш, рақсга тушиш, музыкали ўйинчоқларни ўйнаш;

катта группа болаларининг чиқишларини, стол ва қўғирчоқ театри спектаклларида саҳналарни фаол идрок этиш;

байрам эрталиклари ва кўнгил очишларда қатнашиш.

### Тўрт-беш ёшдаги болалар учун

Ўйин. Ўйинларда қатнаша туриб, сюжетлар ўйлаб топиш, турли ўйинчоқлар ва атрибутлардан фойдаланишда ихтирочиликни намоёиш қилиш: қўғирчоқларни чиройли ва тартибли кийинтира билиш, қўғирчоқнинг жиҳозларини тўғри жойлаштириш; ўз иштиёқи билан ашула айтиш, шеър ўқиш, бадиий машғулотларда эгалланган кўникмаларни қўллаб нарсалар ясаш, расм солиш; қурилиш материалларидан уларни тартибли, чиройли, тўғри чиқишли қилиб тахлашга ҳаракат қилиб қурилмалар (уй, гараж) ясаш;

дидактик ўйинчоқлар (минора, қўзиқорин, ёйча, шарчалар)даги асосий рангларни таниш ва қиёслаш, кузатувчанликни намоёиш қилиш (қўғирчоқнинг кўйлаги қанақа рангдалигини эслаб қолиш, бир хил расмларни таниш), доира, квадрат, учбурчак шакллари фарқлаш (қисмларга ажраладиган ўйинчоқлар ва мозаикани йиғиш); товушларни (кўнғироқча, ксилофон, барабан), музыка турини (алла, марш, рақс), овоз тембрини («Қўғирчоқ нима қияпти?» ўйини) фарқлаш;

хайвонларнинг овози, поезднинг қичқириши, автомобилнинг сигналга тақлид қилиш; ўйин ва хороводларда ҳаракат ҳамда сафлинишларининг муайян изчиллиги (доира, жуфтлар)га риоя қилиш, индивидуал ҳаракатларни ўз вақтида бажариш;

уйда ўз ўйинчоқларини тартибли сақлаш, улар турган жойда ҳамма нарса тартибли ва чиройли бўлишини кузатиб бориш.

Турмуш. Оила аъзолари ва боғчадагилар билан саломлашиш, боғчадан қайтишда хайрлашиш; кўрсатилган хизмат (ёрдам) учун миннатдорчилик билдириш (катталарнинг эслатишисиз); илтимос билан мурожаат қилганда «илтимос», «марҳамат» сўзларини қўшиб

айтиш; катталарга исми ва отасининг исмини айтиб мурожаат қилиш; паст овозда, бир-бирларининг гапани бўлмай суҳбатлашиш; овқатланиш пайтида стол атрофида тўғри ўтириш, тартиб билан овқатланиш, қошиқ, вилка, салфеткалардан тўғри фойдаланиш, уларни ўз жойига қўйиш; столдан тарбиячининг рухсати билан туриш;

ётоқхона (ухлайдиган хона) да гаплашмаслик;

ўз ташқи кўринишини кузатиб юриш; уст ва оёқ кийимида, соч таралишида тартибсизликка йўл қўймаслик; дастурмолдан фойдаланиш, уни чўнтакка солиб қўйиш; қўлни ювишдан олдин енгларни тартиб билан шимариш, қўлларни тоза ювиш ва артиш;

боғчага келганда пальто, бош кийим, кўчаллик оёқ кийимини шкафга қўйиш ва шиппакча кийиб олиш; сайрга чиқишда мустақил кийиниш; ётоқхонада ечинганда ички кийимларни стулга маълум тартибда тахлаб қўйиш;

бу малакаларнинг ҳаммасини уйда ҳам қўллаш.

**М е ҳ н а т.** Катталарнинг меҳнатини кузатиш: қоровул кўчани тозалайди, энага хонани тартибга солади, нарсаларни тартиби билан қўяди ва хона шинам ҳамда чиройли бўлади;

катталарга стол тузатишда ёрдам бериш;

ўйин бурчагида, группа хонасида, уйда тозалик ва тартибга риоя қилиш.

**Т а б и а т.** Ёз ва қиш вақтидаги сайрларда табиатнинг гўзаллиги ҳамда хилма-хиллигини: баргларнинг яшиллигини, ўрмоннинг шовқинини, қушларнинг сайрашини, ариқлардаги сувнинг жилдираб оқшини, қорнинг оппоқлигини, сумалакларнинг ялтирашини сезиш.

дарахт навларини (қора қарағай, қарағай, қайин), барглар ҳамда меваларнинг шакли ва рангини фарқлаш;

жойларда предметларнинг жойлашишини кўра билиш (дарахтлар девор яқинида, уйлар олдида ўсади, самолёт осмонда учади); товушларни тинглаш ва фарқлаш (сувнинг шариллаши, қушларнинг овози); ҳайвонларнинг ҳаракатларидан завқланиш;

йил фаслларининг характерли белгиларини: ёзда гулларнинг тиниқ рангини, кузда баргларнинг сариқ ва қизғиш рангини, қишда оппоқ қор қатламини, баҳорда майин майсани сезиш;

табиат бурчаги ва болалар боғчаси территориясидаги тартиб ва тозаликни кузатиш: хона йиғиштирилгандан сўнг тоза ва чиройлироқ бўлишини сезиш;

майда тошлар, сўталар, барглар, гуллардан нақшлар ва қордан қурилмалар (қорбобо, қорқиз, сирпанчиқ ва бошқалар) ясашда ихтирочиликни намоён қилиш.

**И ж т и м о и й ҳ а ё т.** Теварак-атрофдаги ҳаётга қизиқиш билан қараш, сайрлар вақтида чиройли бинолар, машиналар ранги ва шаклини қайд қилиш, йўл ҳаракатини тартибга солувчи милиционернинг чаққон ҳаракатларига, ҳарбийларнинг тартибли ташқи кўринишига (улар чаққон ва жасурдирлар. Ватанни ҳимоя қилдилар) эътибор бериш;

группа хонасида тозаликни сақлаш, тартибсизликка салбий муносабат билдириш, бинонинг йиғиштирилганлигини сезиш;



машғулотларда келишган ҳолда баравар ҳаракат қилиш; байрамга тайёрланишда шодликни ҳис қилиш; группа хонасини безашда иштирок этиш.

**Б а д и и й ф а о л и я т т у р л а р и б ў й и ч а м а ш ғ у л о т л а р**  
Музыка ва шеър тинглаш, расмлар ҳамда бадиий ўйинчоқлар томоша қилиш;

санъат асарларини тўғри идрок этишга ўрганиш; ижрочига халақит бермаслик, расмни диққат билан томоша қилиш, унинг мазмунини (нима акс эттирилган, нима ҳақида ҳикоя қилинади, куйланади) англашга ҳаракат қилиш, асарнинг ифодали, тушунарли эканлигини ва тасвирий воситаларини қайд этиш;

мустақил бадиий ижод эҳтиёжини ҳис қилиш: расм солиш, нарсалар ясаш, куйлаш, рақсга тушиш, шеър айтиш;

ўйинлар, драматизациялар ва рақсларда навбат билан бир-бирига ёрдам бериб, келишган ҳолда ҳаракат қилиш;

ижодий қобилиятларини намойиш қилиш: кичик-кичик ашуларни тўғри айтиш, шеърларни ифодали ўқиш, расм ва пластилиндан ҳамда лойдан ясалган нарсаларда предмет ҳамда ҳодисаларни яхши тасвирлаш, тарбиячи ёрдамида расм, ашула, ўйин мазмунини гапириб бера билиш.

**М у с т а қ и л б а д и и й ф а о л и я т в а к ў н г и л о ч и ш л а р.** Ашула, музыка тинглаш (граммофон ёзувида), хороводларни бошқариш, рақсга тушиш, ўз ташаббуси билан расмлар кўриш ва уларни бўяш, расм солиш: таниш эртак, шеърларни қайта айтиш, топишмоқлар айтиш;

қўғирчоқ театри ёки соя театри («Фонус хаёл») спектаклларини диққат билан тинглаш, агарда бошқарувчи томошабинларга мурожаат қилса, луқмалар ташлаш ва жавоб бериш;

байрам чиқишлари ва кўнгил очишларда фаол иштирок этиш иштиёқини билдириш;

ашула, рақс, ўйинларни ижро этишда (коллектив ва индивидуал) шодликни ҳис қилиш.

### **Беш-олти ёшдаги болалар учун**

**Ў й и н.** Ўйин учун сюжетни мустақил ўйлаб топиш, ҳаракатни кучайтириш, ўзини маълум ролда кўрсатиш, луқмалар ташлаш, персонажлар ўрнида ҳаракат қилиш, жиҳозларни, нарсаларни ҳажми, ранги, вазифасига қараб тўғри тахлаб чиқиш; қўғирчоқлар кийимидаги рангларнинг уйғунлигини кузатиш; машғулотларда эгалланган кўникмаларни қўллаш — ашула айтиш, шеърлардан парчалар ўқиб бериш, ўзи чизган расм ва ясаган нарсасини қўллаш;

қурилиш материалларини уларнинг шакли ва рангига қараб симметрик жойлаштириб ўйнаш; симметриядан воз кечишда ихтирочилик кўрсатиш; асосий ва қўшимча рангларни ажратиш, уларни айтиш, баъзиларига афзаллик бериб, уларни қиёслаш;

жуфт расмларни танлашда кузатувчанлик ва диққатни намойиш қилиш (лото типигаги ўйин); расм намуналари бўйича ишларни бажаришда (мозаика ёки шунга ўхшаш), геометрик шаклларни (доира, квадрат, тўғри бурчак, учбурчак), шаклига кўра уларга ўхшаш

бўлган предметларни ажратиш ва айтиш, уларни ҳажми, ранги, пропорциясига (баланд, паст, кенг, тор) қараб қиёслаш;

рояль ёки ксилофонда кетма-кет чалинган икки товушнинг йўғонингичкалигини фарқлаш («қушчалар чуғурлайди»-соъла, «она қуш жавоб беради»-да), қўнғироқ ва кичкина шақилдоқнинг, доира ва барабаннинг товушини фарқлаш ва қиёслаш, музика асарларини фарқлаш (музикали топишмоқлар);

оғзаки ўйинлар вақтида зеҳни ўтқирликни намойиш қилиш; савол, илтимос, розилик беришнинг интонациясини такрорлаш (А. Бартонинг «Кто как кричит?» шеъри);

сафланишнинг тўғри бўлишини таъминлаган ҳолда ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил қила билиш; ўз ташаббуси билан мураккаб бўлмаган хороудларни бошқариш, айрим ролларни ижро этиш, санок ўйинларни қўллаш;

таниш ўйинларни уйда ҳам такрорлаш; ўз ўйинчоқлари, материаллари, китобларини тартибли сақлаш.

Т у р м у ш. Боғчага келганда ҳамма билан саломлашиш; группадан чиқишда, уйга қайтишда рухсат сўраш: паст овозда гаплашиш, тарбиячи ва ўртоқларини диққат билан тинглаш; нотўғри ҳаракат қилган бўлса кечирим сўраш, хушмуомала ва жонкуяр бўлиш: туртинмаслик, кичикларни олдинга ўтказиш, группада тартиб сақлаш, ўйинчоқларни йиғиштириш;

сайрлар вақтида гулларни юлмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, кўча ва майдонларни ифлос қилмаслик; кичикларни бу ҳақда огоҳлантириш;

стол атрофида тинч ўтириш, ортиқча ҳаракатлар қилмаслик, шошилмасдан овқатланиш, қошиқ ва вилкадан тўлиқ ишонч билан фойдаланиш; ётоқхонада шовқин қилмаслик, бошқаларга халақит бермаслик; ташқи кўриниш (кийим, оёқ кийими, соч)нинг доимо тартибли бўлишига эътибор бериш, юз ва қўллар тоза бўлиши учун уларни совун билан мустақил ювиш, сувни сачратмаслик, ювиниб бўлгандан кейин баданини қуригунча артиш; кийимининг бирор жойи йиртилган ёки ифлос бўлган бўлса, ёрдам сўраб мурожаат қилиш; ечиниш ва кийинишни билиш, кийимни шундай тартибли қўйиш керакки, улар фикимланмайдиган бўлсин.

Меҳнат. Катталарнинг меҳнатига қизиқиш билдириш, ойнасининг ўйни қандай йиғиштиришини, безашини гапириб бера билиш;

столни тушлик ва чой ичиш учун мустақил тузай билиш;

ўйнаб бўлгач, ўйинчоқларни тўплаш, уларни жой-жойига қўйиш;

группа хонаси, ўйин бурчаги, ўз уйда тартиб сақлаш ва шундай қилинса яхши бўлишини тушуниш;

участкада тозаликни сақлаш: қоғозлар, чиқиндилар, қуруқ баргларни тўплаш, қорни кураш ва шундай қилинса ҳовли чиройли кўринишини фаҳмлаш;

Табиа т. Табиатнинг гўзаллигини кўра билиш ва ундан завқлана билиш (оқ булутли осмон кўм-кўк, яшил баргли гуллар қипқизил, ҳидлари ажойиб, капалакнинг ранги ёрқин);

гул, барг, клумба<sup>1</sup> ариқлар шаклини фарқлаш ва қиёслаш; табиатдаги товушлар гузаллигини, ариқлардаги сувнинг шилдираши, қушларнинг сайраши ва бошқаларни идрок қилиш; турли ҳаракатларни кузатиш: кескин ва чаққон — кучукларда, оҳиста — мушукларда, равон — балиқларда;

табиатдаги йил фасллари алмашинувини: баҳорнинг майин майсалари, ёзнинг ёрқин рангли гуллари, кузнинг олтин рангли япроқлари, қиш қорининг оппоқлигини сезиш;

табиат бурчагида тартиб ва озодаликни сақлаш, усимликларни фарқлаш, уларни ташқи кўринишига қараб қиёслаш, парвариш қилиш, ўсиши ва ривожланиши билан қизиқиш;

сайр вақтида қўшиқ айтиб юриш; шеърлар ўқиш, хороводларни бошқариш, ўйинларда саноқ ўйинларидан фойдаланиш; гулларнинг чиройли бирикишига эътибор бериб, букетлар йиғиш; қум ва қордан ҳар хил иморатлар яшаш.

И ж т и м о и й ҳ а ё т. В. И. Ленин жуда кўп ғамхўрлик қилган, аҳил, кучли мамлакатимиз билан фахрланиш; пойтахтдаги Қизил майдон тасвирланган расми томоша қилиш; Ватанни жасур, мард солдатлар ҳимоя қилишини билиш ва улар ҳақида қўшиқлар айтиш; мамлакатимизнинг турли халқлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи расмларни, миллий кийимлардаги қўғирчоқларни куриш, миллий эртакларни тинглаш; боғча, уй, кўча ва майдонлар яқинидаги диққатга сазовор жойларга, қишлоқнинг диққатга сазовор жойларига қизиқиш билдириш;

группа хонаси ва залнинг чиройли йиғиштирилганлигини сезиш;

биргаликдаги машғулотларда уюшган ҳолда ҳаракат қилиш; ҳамма нарса тартибли ва чиройли бўлишини кузатиш; тартибсизликка салбий муносабатда бўлиш;

бинони 7 Ноябрь ва 1 Май тантаналарига безашда катталарга ёрдам бериш; байрамни қандай ўтказишни, унинг қандай ўтганлигини биргаликда муҳокама қилиш; байрам кунлари уйда қандай ўтказилганлигини айтиб бериш.

Б а д и и й ф а о л и я т т у р л а р и б ў й и ч а м а ш ғ у л о т л а р. Машғулотларда музика, шеър, ҳикояларни диққат билан тинглай билиш, расмларни кўздан кечири билиш, ўртоғининг фикрини бўлмай тинглаш; ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш; расм, ясалган нарса, аппликацияларни кўриб чиқишда уларнинг сифатини баҳолаш; таниш асарларни фарқлаб, улардан энг ёққанларини ажратиш;

баъзи ҳодисалар, воқеалар, санъат воситалари (эртаклар, ашулалар, расмлар) орқали берилиши мумкинлигини тушуниш;

маълум малакаларни эгаллашга, тарбиячининг қийин бўлмаган топшириқларини аниқ бажаришга интилиб, санъатнинг ҳар хил турлари билан шуғулланишга қизиқиш билдириш;

машғулотлар мазмунини туғри тасаввур қилиш (расм солиш,

<sup>1</sup> Клумба — гулпушта, гулзорнинг бир бўлаги (пуштаси). (Ред.)

нарсалар яшаш, қирқиш, шеър ўқиш, музика тинглаш, ашула ай-тиш ва рақс тушишни ўрганамиш);

музика ва шеър тинглаш қобилиятини намоён қилиш: оддий ашулаларнинг интонациясини тўғри айтиш, йўғон ва ингичка регистр (товушнинг кучи ва баландлиги), жаранглашни фарқлаш; шеърлардаги оҳанглар (сўроқ, тасдиқ) ни ифодали бериш;

ритмни ҳис қилишни кўрсатиш: ритмик муқомни такрор ай-тишга, метрик урғуни аниқлашга уриниш; шеър ритмини ҳис қилиш ва бера билиш; декоратив расм солишнинг оддий нақшларини маълум ритмда тўғри алмашлаб бериш;

музика (қўшиқнинг бошланиши, нақорат), шеър ва проза шаклини ҳис қилиш ва фарқлаш; лой ва пластилиндан нарсалар яшашда предметлар муносабатини, уларнинг расмда, аппликацияда жойлашишини тушуниш;

асарни баҳолашга уриниш; ёқиб қолганини яна бир бор тинглашга интилиш;

драмалаштирилган ва музикали-сюжетли ўйинда маълум ролни мустақил бажариш иштиёқини билдириш;

расмдаги асосий нарса — темани, тасвир воситасини (бўёқлар уйғунлиги, композиция) ни ажратиб бериш;

ўз ўртоқлари ишининг: расмлар, ясалган нарсалар, қўшиқ ижроси, ҳаракат, шеър ўқиш сифатини баҳолаш.

Мустақил бадий фаолият ва кўнгил очишлар. Исталган қўшиқ, чолғу пьеса, китобни танлай билиш, музикали ўйинчоқлардан фойдалана билиш; ҳаваскорлик концертини ташкил қилишда ташаббус кўрсатиш: ашула айтиш, рақсга тушиш, шеър ўқиш, хороводларни бошқариш;

кўриб чиқилаётган расмлар бўйича китоб мазмунини эслаш, бир-бирига кичик эртақ, ҳикоялар айтиб бериш; қалам, бўёқлардан танлаб, ўз ўрнида фойдаланиш; музикали ва оғзаки дидактик ўйинларда фаол қатнашиш, стол ўйинларини ўйнаш (расмларни ранги, шакли, бадий тузилишига кўра фарқлаш);

қўғирчоқ, стол, «Фонус хаёл» театрининг спектаклларини, концертларини диққат ва қизиқиш билан томоша қилиш, бошқаларнинг чиқишларига илтифот билан қараш;

ўйинларда ҳозиржавоблик, кўнгил очиш кечаларида ташаббус ва мустақилликни намоён қилиш; ўйин персонажларини тасвирлашда уларнинг характерли хусусиятларини таъкидлаш, индивидуал чиқишларда ифодали куйлаш, рақсга тушиш, шеър ўқиш;

байрам эрталикларида қилинадиган ишларни муҳокама қилишда қўлидан келганча иштирок этиш;

уйда байрам репертуаридан энг қизиқ, хотирада яхши сақланган ашула, рақс ва шеърларни ижро этиш.

## Олти-етти ёшдаги болалар учун

Ўйин. Ўйин сюжетини унинг изчил ривожланишини назарда тутиб мустақил ўйлаб топиш; керакли тайёргарлик (қўғирчоқлар, уларнинг кийимлари, бошқа атрибутлар ва ҳоказолар) кў-

риш, ролларни тақсимлаш; ўйинчоқларнинг характерли хусусиятларидан вазиятлар ва луқмаларда тўғри фойдаланиш; ролларни ифодали ижро этиш; ўйинларда, бадий машғулотларда эгалланган куникмалардан фойдаланиш (рақсга тушиш, қўшиқ айтиш, шеър ўқиш);

қурилиш материаллари билан ўйнашда ташаббус ва ижодкорликни намойиш қилиш; қурилмани лойиҳалаштиришда шакл, чизик, рангни чиройли бириктириш; ўртоқлари қурган қурилмаларнинг сифатини, нималарни муваффақиятли қила олганларини қайд этиб, баҳолай билиш;

рангларнинг нозик тусларини, предметларнинг шакли, мутаносиблигини, жойларда жойлаштирилишини билиш ва қиёслаш ҳамда ҳаётда учрайдиган ҳоллардан мисоллар келтириш (кўйлагинг, костюминг ва шу кабилар рангига мувофиқ келувчи қийқимни танла); кўриш хотирасидан фойдаланиб, расмлар билан ўйнашда кузатувчанликни намойиш қилиш (тарқоқ иллюстрацияларни эртақ, ҳикоянинг сюжетини ривожлантирадиган маълум тартибда жойлаштириш);

турли чолғу асбоблари овозининг ўзига хос жаранглашини билиш; фортепьяно, ксилофон, қўнғироқча, шақилдоқ, треугольник<sup>1</sup>, барабан, доира («Чолғу асбобни бил», «Товушни такрорла»); расмни томоша қила туриб, унга мувофиқ келувчи ашулани айтиш («Музикали лото»);

фортепьяно ҳамда ксилофонда чалинган йўгон ва ингичка товушларни аниқлаш (интерваллар: катта секунда, терция, квинта), жаранглаш кучини фарқлаш («Предметни топ» типдаги ўйин); оғзаки ўйинларда («Аксинча», «Нима учяпти», «Биз ҳам») зеҳни ўткирликни намойиш қилиш; кичик ҳикояни мустақил ўйлаб топишни ҳамда тарбиячи бошлаган ҳикояни давом эттириш ёки якунлашни билиш; рифмани фаҳмлаш; сўроқ, жавоб, ажабланиш интонациясини эслаб қолиш ва такрорлаш («Садо»);

сайр вақтида ташаббус ва билагонликни намойиш қилиб, вақтни тўғри аниқлаш, жойни тўғри топа билиш (тўнка, кичик жарлик ва бошқалардан фойдаланиш); ўз танловига кўра хороводларни бошқариш; ўйинда чиройли ва тўғри сафланишга риоя қилиш; жисмоний тарбия машғулотларида чаққонлик, аниқлик, ҳаракатларнинг ифодалилигини намойиш қилиш, ҳаракатни қўшиқ билан бириктира билиш;

уйда ўйин бурчагида ўйинчоқ ва материалларни чиройли қилиб, маълум тартибда жойлаштириш; мустақил ўйнай билиш.

Ту р м у ш. Хушмуомала бўлиш: катталарнинг эслатишисиз саломлашиш, хайрлашиш, ташаккур билдириш, кечирим сўраш; саломлашган ва хайрлашганда бошни бир оз эгиш;

хушмуомала, сокин, паст овозда суҳбатлашиш малакасини эгаллаш, сўзловчидан четга қарамаслик, қўл силтамаслик, катталарнинг суҳбатларига аралашмаслик; хонага кираётган катталар-

<sup>1</sup> Треугольник — учбурчак шаклида лўлат симдан эгиб ишланган (ўзи жаранглайдиган) урма музика асбоби. (Ред.)

га пешвоз чиқиш, уларга ўтиришни таклиф қилиш; ногўғри ҳаракат қилганда кечирим сўрай билиш; кичикларга кийиниш ва ечинишда ёрдам бериш; катталарга йўл бериш; гурӯҳда шовқин солмаслик, нарсаларни сочмаслик, ўйнаб бўлгандан кейин ўйинчоқларни йиғиштириш;

боғча участкасида тартиб ва тозаликни сақлаш;

овқатланганда стол атрофида тўғри ўтириш, қимирлайвермаслик, тирсакни столга тирамаслик; овқатланиш воситаларидан тўғри фойдаланиш; пичоқни ўнг қўлда, вилкани чап қўлда ушлаш, қошиқни тақсимчага қўйиш; нонни қўл билан олиш ва уни кичик бўлақларга ушатиб ейиш;

ётоқхонада тапиллатмай юриш, сўзлашмаслик;

ташқи қиёфани тартибли ва ёқимли кўринишда сақлаш, кийим ва сочдаги тартибсизликни сезганда, уни иложи борича мустақил бартараф этиш; қўл ва юзни доимо озода сақлаш, туалетдан сўнг катталарнинг эслатишисиз қўл ювиш; катталарнинг ёрдамисиз кийиниш ва ечинишни, кийимларни ўз жойига, маълум тартибда тахлашни билиш;

гўзаллик, тартиблилик, тозалик нималигини билиш.

**Меҳнат.** Меҳнатни қувонч деб тушуниш. Бирор топшириқни бажаришда коллектив равишда меҳнат қилишнинг гўзаллигини қайд қилиш; катталар ўз меҳнатлари билан ҳаётимизни қандай гўзаллаштираётганликларини кўриш;

столни нонуштага, тушликка, ўқишга мустақил тузай билиш; уйда стол тузаш ва овқатланиб бўлгач, уни йиғиштиришда катталарга ёрдам бериш;

ўйинчоқлар ва бадий машғулотлар қўлланмаларининг донмо тоза ҳамда тартибли туришини таъминлаш; ўзи ясаган нарсаларни чиройли безатиш;

катталар ёрдамида боғча территориясини тозалашда иштирок этиш, бажарилган ишдан сўнг ҳовли анча чиройлироқ бўлиб қолганлигини ҳис қилиш;

арча ўйинчоқларини, онасига, кичкина болаларга совға қилинадиган нарсаларни мустақил яшаш, уларнинг шакли ва рангини танлашга ташаббус ва иштиёқни намоён қилиш.

**Табиат.** Ўрмон, дала, боғларнинг гўзаллигини кузатиш ва қайд қилиш. Табиатдаги айрим ҳодиса ва объектлар: қоп-қора булутлар, ёруғ юлдузлар, қумуш балиқлар, акварнумдаги хилма-хил рангли майда тошлар ва шу кабиларнинг гўзаллигини ҳис қилиш;

аёзнинг деразага солган расмларини, қор учқунларини, қорнинг ялтирашини кўриш ва қайд қилиш;

гул ва барглар, дарахтлар, клумба ва эгатларнинг шаклини фарқлаш ҳамда қиёслаш, предметларнинг қиёслангандаги катталиги, ранги ва шаклини, уларнинг жойлашишини сезиш;

табиатдаги товушлар: шамолнинг гувиллаши, баргларнинг шитирлаши, баҳорги ёмғир томчиларининг чакиллаши, қушларнинг сайрашидаги гўзалликни идрок қилиш; табиатдаги мавсумий ўзгаришларнинг энг характерли хусусиятлари (ранглар, ҳид-

лар, товушлар)ни фарқлаш ва қиёслай билиш; табиатнинг инсон меҳнати натижасида (дарахт ва гуллар, ўтқозиш) қандай ўзгаришини ҳис қилиш;

қор ва рангли муздан ҳар хил иморатлар ясаш, гулдан гулдасталар (букетлар) ясаш, аквариумларни безашда ижодий фантазия ва мустақилликни намойиш қилиш; сайрлар вақтида табиат ҳодисаларини кузатишда ўз ташаббуси билан ўша дамга мувофиқ келадиган қўшиқни эслаш ва куйлаш, шеър ўқиш, табиий материалдан қандай фойдаланишни уйлаб топиш;

унда табиат бурчагини мустақил ташкил қилиш.

И ж т и м о и й ҳ а ё т. Ўзининг буюк ватани — Совет Иттифоқини, қадимий Кремли, В. И. Ленин мавзолеи, гўзал проспекtlари, кўча, майдонлари бўлган унинг пойтахти Москвани билиш ва севиш; теварак-атрофни кузатиш, расмларни томоша қилиш, ватан, унинг туғилган куни 7 Ноябрь ҳақида музика ва шеърлар тинглаш; она ўлка, шаҳар, қишлоқ ҳақидаги ўз таассуротларини мустақил ижодда акс эттириш (ўйин, қўшиқ, расм);

давлатимизнинг асосчиси В. И. Ленинни севиш, унинг совет халқи ҳақида қандай ғамхўрлик қилганини билиш, у ҳақидаги қўшиқ ва шеърларни тинглаш ва ижро этиш;

мамлакатимиз халқлари ҳақида дўстона ҳиссиётни ҳис қилиш, уларнинг қўшиқлари, рақслари, ўйинлари, миллий урф-одатлари, кийимлари билан қизиқиш, халқлар дўстлиги байрами — 1 Майни байрам қилишда актив ва шодлик билан қатнашиш;

СССР Гимнини тинглаш, герб, байроқларни кўриш, ҳар бир республиканинг ўз герби, байроғи борлигини билиш; Совет Армияси кунига бағишланган бадий асарлар билан танишиш, Совет Армияси билан фахрланиш, унинг жасоратларини билиш;

умумхалқ байрамлари Улуғ Октябрь ва 1 Майнинг яқинлашиб келадиганлигидан шодланиш, байрам эрталигида Ватан, Ленин, совет халқи ҳақидаги қўшиқ ва шеърларни ижро этиб, иштирок этишга интилиш; катталар билан биргаликда боғчани байрам тантанаси учун безаш; улар ҳақидаги ўз таассуротларини ота-оналари ва тенгдошлари билан ўртоқлашиш;

ўз шаҳри, ўлкаси, қишлоғини севиш, уларнинг бино, хиёбон, кўчаларининг гўзаллигига эътибор беришга одатланиш; уларнинг безалишини (вивеска, витрина, байроқлар) ҳис қилиш ва қиёслаш; йўл ҳаракати ритмининг хусусиятларини (транспорт ва одамлар ҳаракатининг изчил алмашиб туриши) идрок қилиш; кўчада озодлик ва тартиб қандай сақланишини кўриш;

боғчадаги турли биолар жиҳозланишидаги ўзига хосликни сезиш, уларни озода ва тартибли сақлашга ҳаракат қилиш;

тенгдошларида камтарлик, жасурлик, ҳамжиҳатлик ва ростгўйлик каби сифатларнинг намоён бўлишини ижобий баҳолаш;

ўз ўртоқларига эътиборли бўлиш, уларнинг туғилган кунларини коллектив бўлиб нишонлаш;

қўполлик ва очкўзликнинг намоён бўлишига салбий муносабатда бўлиш;

боғчада кунлик режимида, барча юриш-туриш қондаларига

тулиқ роя қилиш: ҳамма ерда ва ҳамма нарсада гузалликнинг намоён бўлишини пайқаш; жисмоний тарбия машғулотларида сафланишнинг аниқлиги, уюшганлиги ва бир текисда бўлишига роя қилиш, ҳаракатларнинг гузаллигини сезиш, ўйин инвентарларидан тартибли фойдаланиш.

Бадий фаолият турлари бўйича машғулотлар. Эътиборли ва актив бўлиш, музыка, эртак, ҳикоялар тинглаётиб, расмлар кўраётиб, бадий асар персонажлари билан биргаликда воқеаларни бошдан кечириш;

бадий асарнинг мазмунини эмоционал идрок этиш; унинг мазмуни ва ифода воситалари ўртасидаги алоқани англаш (расмда қалин ўрмон қорамтир бўёқларда, дарахтлар яқинроқ жойлаштириб берилган; қувноқ рақс музыкаси тез, аниқ, баланд жаранглайди);

таниш асарларни билиб олиш, янгиларини эслаб қолиш, уларни аввал ижро этилганлари билан қиёслаш;

бадий фаолиятнинг барча турлари билан бажону дил шуғулланиб, улардан бирини афзал деб билиш;

машғулотларда топшириқларни аниқ ва тартибли бажариш; музыкали ўйинлардаги мусобақа натижаларига, расмлар, қўшиқлар ва шеърлар ижросини баҳолаш ва қиёслашга тўғри фикр билдириш;

ўйин-драматизацияларда кўникмани намоён қилиш, ўз вақтида луқма ташлаш; тасвирий фаолият бўйича топшириқ бажаришда ўйлаб қўйган фикрини охирига етказиш;

қўшиқнинг яхши куйланиши, расмнинг яхши чизилиши, шеърнинг ифодали ўқилиши учун нималар қилиш зарурлигини билиш;

музыкали-ритмик машғулотларда қоматнинг тўғри тутилишини кузатиш, коллектив ва жойларда чамалаб бажариладиган ҳаракатларни аниқ бажаришга ҳаракат қилиш;

лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, расм солиш ва аппликацияда техник малакалар эгаллаш;

эшитиш малакаларини қўллаш: қўшиқнинг соф интонациясини бериш, унинг тўғри айтилган-айтилмаганини аниқлаш, баланд ва паст товушларни фарқлаш; куйлашда темплар алмашувини, шеър ўқишда жаранглаш кучини бошқара билиш;

ритми ҳис қилишни намоён этиш: қўшиқнинг ритмик муқомини, унинг айрим такрорланадиган элементлари (акцент, метрик, ургу)ни аниқ такрорлаб айтиш; шеърнинг ритмик хусусиятини сезиш; декоратив расм солишда симметрияни топиш; расм, нарсалар ясаш ва аппликацияни техник жиҳатдан маълум изчилликда бажаришга интилиш;

музыка асарининг шакли (қисмлар, иборалар), шеър шакли (байтлар, нақоратлар) ни ҳис қилиш ва фарқлаш; тасвирий санъат асарининг композициясини, симметриясини кўра билиш;

эртак, шеър, қўшиқларни қайта айтишда, ўйин, расмларни тунтиришда, ўйинлардаги турли образларни беришда нутқнинг ёрқин оборотларини ифодали оҳанг ва ҳаракатлар топиш ҳамда тасаввур қила билишни намоён қилиш;



расмлар, ўйин-драматизация ҳамда қўшиқлар мазмунини изчил ва кенгайтирилган тарзда бера билиш;

қўшиқ ва шеър текстларидаги образли иборалардан фойдаланиш, бўёқлар, шакллар, товушлар, шеърый образларга алоқадор баъзи терминларни билиш;

болаларга тушунарли бўлган айрим асарларни, шу асарларга хос бўлган ёрқин, ифодали воситаларни қайд қилиб, баҳолаш; расм, ҳаракат, қўшиқ, ўқишдаги энг муваффақиятли ўйинларни кўрсатиб, ўзи бажарган ишни тўғри баҳолашга интилиш.

Му с т а қ и л б а д и и й ф а о л и я т в а к ў н г и л о ч и ш л а р . Томошаларнинг ҳар хил турларини (кино, театр, цирк ва бошқалар) билиш ва улар билан қизиқиш, пьеса, инсценировканинг умумий мазмунини, концерт тематикасини тушуниш; қўшиқ, шеър, ҳаракатлар ижросини таниш ва эслаб қолиш;

севимли асарни музикали ёзувда (магнитофон, пластинка қўйиш ва бошқалар орқали), қизиқ эртак ёки ҳикояни эшитиш иштиёқини билдириш;

ўз ташаббуси билан таниш куйни металлофонда эшитиб танлаш, бўяш, қирқиш, елимлаш, расм солиш; музикали, оғзаки ва дидактик стол ўйинларини ўйнаш; шеърларни ёдга тушириш ва ўқиш; ўқилган китоб мазмунини муҳокама қилиш;

ижодий ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятларини намоёиш қилиш; кўнгил очиш кечалари ёки концертлари программасини тузишда бошқарувчини, қўшиқ айтадиган, рақсга тушадиган, хороводни бошқарадиган, шеърлар ўқийдиган «артистлар»ни тайинлаш; ўйинларда, шунингдек, инсценировка персонажларининг ҳаракатларини кўрсатишда ихтирочиликни намоёиш қилиш; ўйин-драматизациялар ва музикали спектаклларда ҳаракатларни очиб бериш изчиллигини ёдда тутиш; ўйин образларининг ифодалилигини баҳолаш;

уйда байрам эрталиклари ва кўнгил очиш кечаларида энг қизиқ эса қолган саҳналарни ижро этиш.

## ЭСТЕТИҚ ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ. ИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШ

### Эстетик тарбия методлари

Эстетик тарбия методикасининг асосида педагог ва боланинг унда бадий бойликларни идрок этишдаги ижодий қобилиятларини, самарали фаолиятини, социал, табиий предмет муҳитига онгли ёндашишни ўстириш бўйича ҳамкорликдаги фаолияти ётади.

Бу ишдаги муваффақият кўп жиҳатдан тарбияланувчининг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёж ва қизиқишлари қанчалик назарда тутилишига, унинг умумий онглилик даражасига боғлиқ бўлади.

Ҳаётий ҳодисалар доимо индивидуал ва танлаб идрок этилади. Унинг асосида гўзалликка бўлган эмоционал таъсир ётади. Бола доимо табиатдаги, предметлар дунёсидаги, санъатдаги гўзалликларга, кишиларнинг хайрли ҳиссиётларига ўз муносабатларини билдиради. Бунда кичкинтойнинг шахсий тажрибаси, унинг истаги, интилиши, кечинмалари катта аҳамиятга эга бўлади.

Эстетик тарбия методлари жуда хилма-хилдир. Улар кўпгина шароитларга, бадий ахборотнинг ҳажми ва сифатига, фаолиятини ташкил қилиш шакллари ва турларига, боланинг ёшига боғлиқ бўлади. Педагогнинг тайёргарлик даражаси, маҳорати ва қобилияти ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бола эстетик ахборотни кўпгина воситалар (ижтимоий муҳит, предметлар дунёси, табиат ҳодисалари, бадий асарлар) орқали олади. Шунинг учун ҳам расмлар, эртақлар, фортепьяно пьесаларининг музикали-образли тузилишини яхлит идрок қилиш методи жуда муҳимдир. Кейинчалик педагог болага товушларга диққат бериб қўлоқ солишида, предметнинг ранги ва шаклини яхшилаб кўриб олишида ёрдам бериш учун унинг эътиборини анча ба-тафсилроқ идрок қилиш, мақсадга мувофиқроқ кузатиш томон йўллайди. Масалан, телевидение кўрсатувларини кўришда катта ёшдаги одам болага айрим персонажларга, уларнинг ахлоқи, хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор беришни тавсия қилади.

Болалар эстетик ахборотларни қандай олишларига кўра (музика пьесаси, қўшиқ, эртақ тинглаб, расмлар томоша қилиб ёки тарбиячининг ҳикоя қилиши, тушунтириши, саволлар бериши орқали санъат асарлари билан бевосита танишадилар) эстетик тарбиянинг метод ва усулларини кўрсатмали ва оғзакига ажратиш мумкин. Уларга маълум талаблар қўйилади. Адабий ва музика асарларининг ижроси бадий ифодали, эмоционал бўлиши керак, акс ҳолда санъат билан танишув ўз таъсирини кўрсата олмайди. Оғзаки методда ҳам ёрқин образлиликка эришиш керакки, токи болалар фақат расм, шеър, қўшиқ мазмунини ёки топшириқ маъносини тушунибгина қолмай, балки персонажлар кайфиятига мувофиқ келувчи кайфиятни ҳам ўз бошларидан кечирсинлар.

Методлар фаолиятини ташкил қилиш формаларига кўра ўзгаради. Педагог бадий машғулотларда аниқ кўрсатма беради, вазифани бажариш усулларини кўрсатади ёки уни топишни болаларнинг ўзларига ҳавола қилади ва ҳоказо. Масалан, шеър ёки қўшиқларни ёд олиш уларнинг олдин катталар томонидан ижро этилишини, асарнинг мазмуни ва кайфиятини ифодаловчи бадий сифатлари ҳақида суҳбатлар ўтказишни, кўрсатмали қуроллардан фойдаланишни (эҳтиёж бўлса), болалар томонидан текстнинг бир неча марта такрорланишини ва шу кабаларни талаб қилади. Бадий нарсалар яшаш машғулотларида болаларнинг айрим қисмлардан предметлар яшаш ёки бутун материал (лой ва пластилин)дан айрим деталлар яшашларига имкон берувчи усулларга ўргатилади. Демак, ўқитиш етарлича тўғри (бевосита) характерда бўлади. Боланинг мустақил фаолиятига тарбиячи раҳбарлик қилиши бевосита таъсир этишдан иборат бўлиб, у фақат ҳаракатга ундаб, эслатиб туради ёки хатоларини тўғрилайди.

Эстетик тарбия методларининг моҳияти болаларнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлади. Тарбиячи кичкинтойларни гўзаллик оламига олиб кирар экан, уларнинг эътиборини кузда баргларнинг қандайлигига, агарда хонада тартиб ва озодалик бўлса қандай яхши бўлишига

қаратади. Каттароқ тарбияланувчилар олдиға бошқача вазифа — катталар раҳбарлигида борлиқни «қайта яратишда» қўлидан келганича, бироқ актив иштирок этиш вазифаси қўйилади. Улар фақат кузатиш ва баҳолашнигина эмас, балки ўзини бурчагини жиҳозлашни, гербарийлар ясашни ва шу қабиларни ҳам билишлари керак. Шундай қилиб, кузатувчанлик, мустақил ҳаракатлар, ўз фаолиятини планлаштириш ва ўйлаб қўйилганларни амалга оширишни шакллантириш методлари амалда қўлланилади. Методлар болаларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, индивидуал эҳтиёж ва интилишларининг ўсишига кўра мураккаблашиб боради.

Шундай қилиб, биз эстетик тарбия методларининг характерини аниқловчи қўлгина таркибий қисмларни кўриб турибмиз. Уларни аниқ классификация қилиш қийин, чунки, улар доимо бир-бири билан узвий алоқада мавжуд бўлади. Масалан, болалар билан аквариумдаги балиқчаларнинг чиройли ҳаракатларини кузатар экан, тарбиячи кўрсатмали методдан фойдаланади. Агар бунда у саволлар берса, бирор нарсани тушунтирса, оғзақ методни ҳам қўллаган бўлади. Болаларнинг эътиборини аквариумнинг ускуналанишига, унинг жиҳозланишига қаратиб, педагог амалий ҳаракатлар методидан ҳам фойдаланади.

Педагогика фани ва илғор тажриба болаларда эстетик ҳиссиёт, муносабат, фикр юритиш, баҳолаш, амалий ҳаракатларни шакллантиришда ёрдам берувчи бир қатор энг самарали методларни белгилайди:

— эстетик идрок этишни ўстиришга йўлланган ишонтириш методи, баҳолаш, диднинг дастлабки намоён бўлиши;

— атроф-муҳитни ўзгартиришга ва ахлоқ маданияти малакаларини шакллантиришга мўлжалланган ўргатиш методи, амалий ҳаракатларда машқ қилиш;

— ижодий ва амалий ҳаракатларга ундовчи проблемали вазиятлар методи;

— биргаликда қайғуриш, гўзалликка нисбатан эмоционал-ижобий илтифотлилик ва атроф-муҳитдаги хунукликка нисбатан салбий муносабатни уйғотиш методи.

Ишонтириш методини эстетик тарбияга татбиқ қилишнинг хусусияти шундан иборатки, ундан фақат идрок этилаётган ҳодиса — гўзал бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Болада эмоционал таъсир санъат асари билан бевосита тўқнаш келганида, у ижтимоий байрамлар ва шу қабиларда иштирок этганидагина пайдо бўлиши мумкин. Бу методни ҳақли равишда кўрсатмали қатнашиш методи ҳам, оғзақ метод ҳам дейиш мумкин, чунки болаларнинг ҳар қандай кузатишлари ҳам болада ҳиссиёт ва фикр уйғотувчи тарбиячининг айни шу вақтда ёки ундан кейин бўладиган шарҳи билан бирга олиб борилади. Муҳими, энг ёрқин ва таъсир этувчи бадий асарлар усталик билан танланиши шунга мувофиқ вазият ва кайфиятни яратишдир. Педагог болаларга тавсия қилинаётган материални пухта эгаллаб олиши керак. Унинг нутқи аниқ, ифодали бўлиши лозим. Тарбиячи, болалар эътиборини гўзалликнинг турли шаклларда намоён бўлишига жалб

қилар экан, уларни «нима яхши-ю, нима ёмон»лигига конкрет мисоллар асосида ишонттиради.

Ўргатиш, машқ қилиш методининг моҳияти шундан иборатки, унда бола тинглаш, кўриш, гўзалликни баҳолашни ва шунга мувофиқ актив ҳаракат қилишни ўрганиб олиши керак. Бадний фаолиятда мунтазам машқ қилиш, яқин атроф-муҳитни ўзгартиришда қўлдан келганча иштирок этиш болалар активлигини чуқурлаштиради.

Ўргатиш, машқ қилиш методи кўп такрорлашни талаб қилади. У турли шароитларда қўлланилади. Вазиятларнинг ўзгариши болага эгалланган малакаларидан фойдаланишида, уни янада такомиллаштиришга интилишида ёрдам беради. Ўзгарувчи шароитларда кўп машқ қилишлар керакли натижаларга муваффақиятлироқ эришишда ёрдам беради. Масалан, тарбиячи болаларга расмни штриховка қилишни ўргатар экан, бир ҳолатда расм контури доирасидан чиқмасликни, иккинчи ҳолатда эса «қалин майса», «учли бандлар» ҳосил бўладиган қилиб штриховка қилишни талаб қилади. Бошқа мисол. Педагог болада тўғри мусиқий овозни ўстирар экан, текстни турлича ўқишни: аввал оҳиста, сўнгра сўзларни бир мақомда фортепьяно жўрлигида ёки айрим «қийин сўзлар»ни бўрттириб айтишни ва шу кабиларни талаб қилади.

Ишонттириш ва ўргатиш методлари ажралган ҳолда мавжуд бўлмаслигини билиш муҳимдир. Болани яхши хатти-ҳаракатнинг ахамиятлилигига ишонттирар экан, тарбиячи гўё болаларга яхши хатти-ҳаракатни ўргатаётгандек унга такрор-такрор қайтади. Эгалланган малакаларни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш теварак-атроф ҳақида яхши сўзлар айтиб, унинг аксини қилувчи боланинг сўзи ва иши ўртасидаги узилишни бартараф қилиш имконини беради.

Боланинг гўзаллик билан бевосита муносабатда бўлиши қанчалик муҳим бўлмасин, бари бир бунинг ўзи кифоя қилмайди. Эстетик кечинмалар доимо этик кўринишлар билан боғлиқдир. Этиклик ва эстетикликнинг бирлиги бўлажак коммунизм қурувчисининг шахсини шакллантиришнинг энг муҳим алоҳида хусусиятидир. Фақат санъат, жамият, турмуш, табиатдаги гўзалликнинг бевосита таъсири билангина ишонттириш керак эмас. Болани амалий ҳаракатларга жалб қилиб, унинг онгига сўз билан актив таъсир қилиш лозим. Кўриб чиқиладиган методлар болаларда гўзалликни ҳис қилиш, ўзларига хос, болаларча, бироқ гўзаллик қонуниятлари бўйича ҳаракат қилиш иштиёқини уйғотишга ёрдам беради. Д. Б. Кабалевский «Гўзаллик эзгуликни уйғотади» дейди.

Замонавий педагогика фанида алоҳида роль машғулотларда изланишли «проблемали» вазиятларни яратиш, ҳар бир болага фарқлаб ва индивидуал ёндашишни назарда тутувчи бадний ўқиш методикасига тааллуқлидир.

Машҳур дидактлар М. Н. Скаткин ва И. Я. Дернер бу ҳақда: «...ҳар қандай метод ўз олдига қўйилган мақсадни, шунга мувофиқ фаолиятни (ҳаракатлар системасини), керакли воситаларни,

объектни ўзгартириш процессини, эришилган мақсадни (методни қўллаш натижасини) назарда тутати.»<sup>1</sup>— деб ёзилади.

Эстетик тарбиянинг мақсади ва унинг конкрет вазифалари «Болалар боғчасида тарбия программаси»да кўрсатиб берилган. Бадий фаолият санъат ва адабиётнинг ҳар хил турларига мувофиқ келади, у болаларни расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, саҳналаштирилган ўйинлар ва шу кабиларда қатнашишларига йўллангандир. Бу ўринда қўлланадиган воситаларга бадий адабиёт ва музыка адабиётларни расмлар, кичик ҳайкалчалар, қўғирчоқ ва «Фонус хаёл» театрлари ашёларини, аппликацияга мўлжалланган бадий материалларни ва шу кабиларни киритиш мумкин. Улар ҳаракатнинг турли усулларини ўзлаштиришга ёрдам беради, чунки бу ҳаракатлар воситасида боланинг эстетик камол топиш жараёни вужудга келади. Олинган натижалар мақсадга эришилганликдан далолат беради. Болалар билан танишишда уларнинг ҳар бирининг ривожланганлик даражаси баҳоланади.

Ўқитишнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи характерини кучайтириш учун тарбия методлари (ишонтириш, ўргатиш), шунингдек мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорликни ўстирувчи ўқитиш методларини қўллаш лозим. Бу совет дидактикасида кенг қўлланиладиган проблемали изланиш методининг моҳиятидир. Тарбиячи белгиланган фикрнинг ечимини топишни болаларнинг ўзларига ҳавола қилиши туфайли бу метод проблемали изланиш методи дейилади. Масалан, эртақ тинглаиб бўлингандан сўнг болаларга унинг персонажларидан бирини тасвирлаш тавсия қилинади. Бу вазифани улар мустақил ҳал қиладилар. Персонажни қўлай ёки ноқўлай танлаш ва бунинг натижасида вазифанинг бажарилишини қийинлаштириш ёки осонлаштириш мумкин. Персонажни қандай тасвирлаш (лойдан ясаш ёки расмини чизиш) маъқуллигини, ўз фикрини қайси усуллар билан яхшироқ гавдалантиришни ўйлаб кўриш керак бўлади. Шундай қилиб, бола ўйлаш, излаш, ечимни топишни, яъни изланиш ишларини олиб боришни ўрганади.

Ўқитиш ривожлантирувчи характерда бўлиши учун тарбиячи конкрет методик приёмлар асоси бўлган умумлаштирувчи ҳаракат усулларини қўллаши лозим.

Бундай усуллар қаторига қуйидагилар киради:

— товуш, кўрув ҳисларида чамалаш усуллари, санъатнинг ҳар бир тури ифодали тасвирий воситаларини идрок қилиш қобилияти (болаларнинг бадий асарлар билан танишувини ҳис қилишга асосланиши керак);

— болаларни асарларнинг ғоявий-эмоционал мазмунига уларнинг иштирок этишлари ва биргаликда қайғуришлари йўли билан эриштириш усуллари (агарда бола биргаликда қайғуришга ўрганса, зарур бўлган ахлоқий-эстетик самарага эришилади);

<sup>1</sup> Дидактика средней школы. М. А. Данилова ва М. Н. Скаткина таҳририда. М., 1975, 150-бет.

— бадий ҳодисаларга яхлит ва аналитик ёндашиш усуллари (болалар, одатда, асарни бевосита ва яхлит идрок этадилар; бироқ қарама-қаршилиги ёки ўхшашлигига кўра ифода воситаларини фарқлаш малакасининг эгалланиши уларга асарни кейинги марта ўқиётганларида уни тўлиқроқ ва чуқурроқ идрок этишларига ёрдам беради);

— идрок этиш, ижро этиш ва самарали ижоддаги мустақил ҳаракатларида йўналтириш усуллари.

Шундай қилиб, асарларни ўрганишда ёки бадий вазифаларни ҳал қилишда болаларнинг сезгилари, уларнинг эмоционал идроклари, яхлит ва дифференциация қилинган, мустақил, ижодий фаолиятларини мақсадга мувофиқ бошқариш имкониятларини берувчи воситаларни фаол қўллаш лозим.

Машғулотлар ўқитишнинг ташкилий формаси сифатида бадий дид ва боланинг материалга ҳамда ўқитиш процессининг ўзига маънадорлик муносабатини шакллантиришга планли ва мунтазам таъсир этиш имконини беради. Бу ўринда гап фақат музыка, расм-сوليш, поэзия ҳақидагина эмас, балки нутқни ўстириш, ижтимоий ҳодисалар, табиат билан таништириш ва шу кабилар ҳақида ҳам боряпти. Бундай таъсирга материалдан фойдаланиш, ўқитиш процессининг бориши ва унинг жиҳозлари орқали эришилади. Масалан, тарбиячи машғулотни қизиқарли яхши суръатда тушунтириш, саволлар бериш ва расмлар кўрсатишни усталик билан бириктириб олиб боради. Болалар барча топшириқларни қизиқиб, бажонидил бажарадилар. Машғулотнинг жиҳозлари ҳам фақат ўқув вазифаларигагина эмас, балки бадий талабларга ҳам жавоб бериши керак. Агарда, айтайлик, бола ҳисобга ўрганишда чиройли ранг ва шаклдаги ўзига жалб қилувчи замонавий материалларидан тайёрланган қўлланмалардан фойдаланса, қанча лаззатни ҳис қилади. Бунда унинг билиш функциялари активлашади.

Ўқитиш ва ўқиш қўйидагиларни:

— тарбиячи томонидан қўлланадиган ўқитиш методларини;

— бола бадий билим ва кўникмаларни эгаллашда фойдаланадиган ўқиш усуллариини ўз ичига олувчи икки томонлама процессдир.

Педагог ҳаракатининг хилма-хил характери болаларда шунга мувофиқ таъсирланишни келтириб чиқаради. Масалан, тушунтириш-иллюстратив метод ижро этиш, репродуктив ҳаракатларга сабаб бўлади («Мен кўрсатганимдек чиз», — бола кўрсатмаларга тўлиқ риоя қилади). Тушунтириш-ундовчи метод мустақил изланишга йўллайди («Пьесани тинглаб, унинг қандай характердалигини ўйлаб кўр. Рақсда музыка оҳангига кўра ҳаракат қил»).

Ўқитиш метод ва усулларида фойдаланиш катталар болада қандай сифатларни, қобилиятларни ўстиришни назарда тутишига боғлиқдир. Бир ҳолатда исталган фаолиятни амалга оширишда керак бўладиган ташаббускорлик ва мустақилликни, иккинчи ҳолатда эса музыка, рассомлик, оғзаки-бадий практика билан боғлиқ махсус қобилиятларни ўстиришга тўғри келади.

Замонавий педагогик практикада мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда энг самарали метод ҳисобланувчи ижодий топшириқлардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ўз топишмоқлари, қофияларини ўйлаб топиш, синонимларни излаш болаларда ташаббускорликни ўстиради. Тарбиячи болаларда қўшиқларни импровизация қилиш, ўйинда оригинал ҳаракатни топиш, рақсда янги композициялар яратиш иштиёқини ўйғотади. Тасвирий фаолиятда ўйланган фикрларнинг яхшироқ амалга ошиши учун тарбиячи материаллар, ранглар, шакллар ўйғунлигини танлашда қизиқарли ечимларни топишни болаларнинг ўзларига буюради. Бу топшириқларнинг бажарилиши ўқитишни ижодий процессга стимул берувчи муҳим факторга айлантириш имконини беради.

Болаларнинг бадиий фаолиятларида муҳим шарт уларнинг ўзларининг мустақил ҳаракатлари бўлиб, у ўз навбатида катталарнинг ҳаракатлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Усулларнинг шундай системасини таъминлаш керакки, боланинг топшириқни ўзи уддалашига имкон бўлсин. Идрок этиш, такрорлаб баён қилиш, ижро этишнинг шаклланишига таъсир этиш усулларининг икки тури мавжуддир.

**Б и р и н ч и с и.** Педагог болаларни асарнинг мазмуни, характери, ифода воситалари ҳақида мустақил фикр-билдиришга, ўзи ва тенгдошлари томонидан топшириқларнинг бажарилишнинг баҳолашга, болаларнинг ўзлари томонидан ўтказиладиган турли қиёслаш ва таққослашларга ундайди.

**И к к и н ч и с и.** Болалар топшириқни тарбиячининг кумагисиз, анча мураккаброқ шароитларда бажарадилар. Масалан, қўшиқни фортепьяно жўрлигисиз айтадилар, олдиндан эслатишларсиз ҳаракат қиладилар, расмни ўз фикрлари асосида чизадилар. Мустақил ҳаракатлар анча осонроқ шароитларда ҳам намоён бўлади. Бунда тарбиячи нима қилиш кераклигини айтади ва бола ўз-ўзини контрол қилган ҳолда ўзи бажарган ишдаги нуқсонларни мустақил бартараф қилиш топширигини олади.

Мустақил ҳаракат усулларини машғулотларда эгаллаб олган бола уларни бошқа шароитларда ўзгаларнинг ёрдамисиз қўлайди.

Эстетик тарбия идрок қилиш ва қайта айтиш сифатлари; ранглар, шакллар, ҳажмлар бирикмасини фарқлаш; музыка товушларини уларнинг йўғонлиги, чўзиқлиги, тембри, динамикасига кўра қиёслаш музыка, шеърий қобилият, бадиий дид ва шу кабиларни ўз ичига олувчи ижодий қобилиятларни ўстирувчи махсус усулларни назарда тутати. Методик усуллар (улар бадиий тарбия соҳасига тааллуқлилиги туфайли) эмоционал асосни, ўқув мақсадини англашни, машқ характеридаги машғулотларни ва мустақил ҳаракатларни назарда тутиши керак. Бу иш илк болаликдан бошланади ва ёш босқичларига мувофиқ аста-секин чуқурлашиб боради.

Метод ва усулларни амалий қўллаш болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳамда у бутун кол-

лектив ва ҳар бир боланинг алоҳида қанчалик илгарилаганини ҳисобга олган ҳолда фарқлаб ташкил қилинади. Болаларда ашула айтиш, рақсга тушиш, шеър ўқиш, расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш қобилиятлари эрта намоён бўлади. Уларнинг майлларини ўрганишда турли мураккабликдаги топшириқларнинг кенг бажарилишини назарда тутувчи методикани ишлаб чиқиш лозим.

Мактабгача бўлган болаликда ўйин билан боғлиқ методик усуллар кенг қўлланилади. Агарда тарбиячи ўйинли ҳолатлар яратса, бадий материал қизиқарли формада берилган бўлса, болалар ўртасида ўйинга хос мусобақа ҳоллари намоён бўлса, бола турли фаолиятларни муваффақиятлироқ эгаллайди.

Айрим методлар қарама-қарши характерга эгадир. Бироқ уларни ташкил этувчи усуллар бир-бирини тўлдириб туради. Улардан баъзилари қуйидагилардир:

— тарбиячининг сўзи (тушунтириш, кўрсатиш) ва санъат асарларини намоён қилиш билан тугалланувчи кўрсатмали ва бажариш усулларини кўрсатувчи методлар;

— онгли ёндашишнинг ўсиши, анализ қилиш ва қиёслаш кўникмаларини ўстирувчи ҳамда эмоционал кечинмаларга ундовчи усуллар;

— аниқ риоя қилиниши керак бўлган ҳаракатларни кўрсатиш ва мустақил ҳаракатни шакллантирувчи усуллар;

— машқ қилиш, малакаларни чиниқтиришга йўлланган ва оригиналлик, ижронинг ўзига хослиги, ўйлаб топиш, вариантликни назарда тутувчи усуллар;

Умуман айтганда, барча методларнинг биргаликда қўлланилишигина боланинг тўлақонли бадий ривожланишини таъминлаши мумкин.

### **Эстетик тарбия бўйича ишларни планлаштириш**

Тарбия турли ташкилий формаларда амалга оширилади. Бу ишни бошқариб бориш учун «Болалар боғчасида тарбия программаси»га асосланиб, уни планлаштиришни ўрганиш лозим.

Мактабгача муассасалар ўз характерига кўра хилма-хил шариоитдадирлар. Болаларнинг бу муассасаларда бўлиш муддатлари ва ўсиш даражасига кўра составлари бир хил эмас. Бу юқоридаги барча хусусиятларни тўғри бириктиришга имкон берувчи қўшимча материалдан фойдаланишда маълум интилишларни талаб қилади.

Ишни ҳар кунга планлаштириш лозим. Анча узоқроқ муддатлар учун перспектив, тахминий планлар (1—2 ойга) тузиш фойдалидир. Бу планлар тарбиячига, музика раҳбарига тadbирларнинг умумий манзарасини кўришга, улар ўртасида ўзаро боғлиқ муносабатлар ўрнатишга ёрдам беради.

Перспектив планда ишнинг айрим формалари: машғулотлар, байрамлар, мустақил бадий фаолият, кўнгил очишлар назарда тутилади, уларни икки бўлимга — машғулотларга ва машғулотдан ташқари бўлимларга бириктириш мумкин. Машғулотлар бў-



лимида бадий фаолият турлари (расм солиш, пластилин ва лойдан нарсалар яшаш, аппликация ва бошқалар) қайд қилинади. Шундан сўнг программа мазмуни белгиланади. Бироқ бунда у программадан айнан кўчирилмай, балки конкрет материал билан бириктириб берилади. Масалан, Е. Тиличеванинг «Маме в день 8 Марта» қўшиғини ўрганиш назарда тутилган бўлса, унда музика раҳбари планга: «Оҳангдор, аммо жонли, энгил кўйлашга динамик оҳанг, паузаларни ижро этишга ўргатиш» деб ёзиб қўяди.

Шундан сўнг планда музикали адабий репертуар, расмлар, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш тематикаси аниқланади. Программа, шунингдек, у ёки бу кварталда болаларнинг имкониятларига кўра қанча асар ўргатиш кераклигини назарда тутди. Бу кўрсатмаларга амал қилар экан, тарбиячи планлаштиришда ўзининг конкрет имкониятларини ҳисобга олади. Баъзан тавсия этилаётган планни ўзгартиришга ёки уни программа талабларига мувофиқ келувчи янги элементлар билан тўлдиришга тўғри келади.

Планнинг бўлимларидан бирида ўқитишнинг натижаларини қай йўсинда текшириш мумкинлиги белгилаб ўтилади. Ҳар бир ёш группаси учун йил охирида бериладиган тахминий контрол топшириқлар шакллантириб берилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, перспектив план қўйидаги схема кўринишида тузилиши мумкин:

Фаолиятнинг шакл ва турлари	Программ мазмуни	Расмлар тематикаси, адабий музикали репертуар		Ўқитиш ва бадий ривожланиш натижаларини текшириш
		январь	февраль	

Бадий мустақил фаолиятни планлаштириш унинг қутилмаганда болаларнинг ташаббусига кўра намоён бўлиши ҳамда улар томонидан катталарнинг иштирокисиз бажарилишига кўра мураккаблашади. Бироқ бу ҳолатда ҳам билвосита раҳбарлик қилиш усулларини қўллаш эсдан чиқарилмаслиги керак. Тарбиячи «зона», яъни группада маълум жойни ажратиши ва у ерга болалар ёрдамида бадий фаолият учун қўлланмалар, материаллар (киребчалар, дидактик ўйинлар, музика асбоблари, музика чалиш учун ўйинчоқлар ва бошқ) ни жойлаштириш, байрам ёки кўнгил очишларни ўтказиб бўлгач, унга турли атрибутларни киритиши мумкин, бола эса бу атрибутлардан фойдаланиб, ўзи эгаллаган бадий таассуротларни ифодалайди.

Ҳамма гап болаларнинг мустақил фаолиятлари намоён бўлиши учун қулай вазиятни яратишдангина иборат эмас. Тарбиячи ким ёрдамга муҳтожлигини, ким ўз ҳаракатларида қатъиятсиз-

<sup>1</sup> Қаранг: Воспитание и обучение в детском саду. А. В. Запорожец ва Т. А. Маркова таҳрири остида. М., 1976, 273—274-бетлар.

ликни ҳис қилаётганини кўриб туради. Купинча болалар ҳикоя, қўшиқ, расмга қизиқмаганлари учун эмас, балки керакли малакаларга эга бўлмаганлари учун уз қобилиятларини намоён қилмайдилар. Педагог уларга энг қизиқарли материалларни тавсия қилади, музика асбобини қандай чалиш зарурлигини кўрсатади, кўриб чиқиляётган расмларнинг мазмуни ҳақида суҳбатлашади, пластинка қўйиб беради, эртак айтади. Бу педагогик ҳаракатларнинг бир қисми олдиндан планлаштирилади, қолган қисми — ҳисобга олиш вақтидагина қайд қилинади.

Тематикаси ва ўтказиш формалари олдиндан назарда тутилган кўнгила очинлар, концертлар, театрлаштирилган томошаларни планлаштириш анча осондир. Шунингдек, томошаларни кўриш вақтида болаларнинг гидрокларини активлаштирувчи усуллар ҳам назарда тутилади. Бундай томошалар аҳён-аҳёнда — ойда 1—2 марта уюштирилади.

Кундалик иш планларига программа топшириқларини бажариш билан бирга ўқув материалнинг тематикаси, ижро этиляётган репертуар, методик усуллар ҳам киради. Ўзни тутиш маданияти, табиат гўзаллигини кузатиш малакаларини сингдириш иши ҳар кун амалга оширилади, шунинг учун ҳам у иш планида эмас, балки перспектив планда акс этирилади.

Кундалик планнинг структураси бадний фаолият турига боғлиқдир. Расм, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, анпликация бўйича машғулотларни планлаштиришда тема, программа мазмуни, методик усуллар кўрсатилади. Ифодали нутқни ўстириш машғулотида икки топшириқни, масалан, эртак айтиш ва шеърни ўрганишни амалга ошириш мумкин. Музика машғулотини планлаштириш анча мураккаб, чунки бу ўринда машғулотнинг боришини, пьесалар, ўйинлар, машқлар номини, программа мазмунини ўрганишда ёрдам берадиган айрим приёмларни кўрсатишга тўғри келади. Бутун репертуар кетма-кет, машғулотнинг боришига кўра қайд қилинади.

Қуйида катта группа музика машғулоти планини тузиш намунасини келтирамыз.

1. М. Раухвергернинг «Баландроқ-пастроқ» машқи.

Ҳаракатда динамик ўзгаришни акс эттира билиш.

М. П.<sup>1</sup> Болаларнинг бир группаси музика баланд бўлганда, иккинчи группаси паст бўлганда чапак чалади.

2. Н. Любарскийнинг «Дедушкин рассказ» ва Д. Кабалевскийнинг «Қлоуны» пьесаларини тинглаш.

Характерига кўра турлича бўлган асарларни қиёслаш.

М. П. чолгу пьесаларнинг турли характерига тўғри реакцияни ва ўз таассуротларини айтиш иштиёқини уйғотиш.

3. Рус халқ ашуласи «Бай-қачи-қачи»ни айтиш.

Маълум интонация билан аниқ талаффуз қилиш.

<sup>1</sup> М. П.— методик приёмлар. Планлаштириш тежамлироқ бўлиши учун уларни кўрсатмаслик ҳам мумкин.

М. П. Турли оҳангларда машқ қилиш.  
4. М. Йорданскийнинг «Голубые санки» қўшиғи.  
Тугри, аниқ гапиришга ўргатиш.  
М. П. Текстни музика жўрлигида пичирлаб тушунарли  
аниқ талаффуз қилиш.  
5. Е. Тиличеванинг «Барабан» қўшиғи.  
Куйни аниқ такрорлаш.  
М. П. Тарбиячи жумлани куйлайди, бола уни аниқ такро  
лайди.

6. М. Красевнинг «Игра с бубном».  
Ўйинларнинг тўғри ўзлаштирилишини текшириш.  
М. П. Болаларга мустақил ўйнашни буюриш.  
Машғулот ўтказилгандан сўнг тарбиячи барча болалар пр  
рамма талабларини қандай бажарганликларини, уларнинг х  
бири нимани ва қандай даражада эгаллаганини ёзиб қўяди.

1<sup>1</sup>. Катя, Таня ҳаракатни ноаниқ бошлашди.  
2. Оля: «Ҳечам бир-бирига ўхшамайдиган музика», Пе  
«Кулгили, масхарабозлар ҳақида». Серёжа: «Музика бобо ҳақи  
қикоя қилади. У овоз чиқармай, оҳиста юради».

3. Топпириқни группанинг учдан бир қисмигина удалади.  
4. Болалар музика жумласидаги охириги сўзни ортиқча бала  
лаштириб айтдилар.

5. Петя, Надя, Оля аниқ ва тўғри куйладилар. Кўпгина бо  
лар нақоратни нотўғри такрорладилар.

6. Ўйинни барча болалар яхши ўзлаштирдилар.  
Шундай қилиб, кунда ҳисобга олиб бориш ҳар бир машғул  
нинг конкрет натижаларини, алоҳида ва коллектив бўлиб иж  
етишнинг сифатини, болаларнинг музикага нисбатан бўлган ре  
цияларини, ўтилган репертуарнинг ўзлаштирилишини қайд қил  
имконини беради.

Хилма-хил эстетик фаолият болалар боғчаси тарбиячила  
дан ҳар томонлама билимдон бўлишларини талаб қилади. Тарб  
чи профессионал тайёргарлик билан бирга, унинг эстетик томон  
ҳам ёдидан чиқармаслиги керак.

Қатталар болалар билан бўладиган кундалик муомалада ул  
га ҳурмат ва ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлишлари, ул  
нинг нутқлари тўғри ҳамда ифодали, гаплашиш оҳанги сокин, та  
қи кўринишлари жозибали бўлиши керак.

Боланинг хулқ маданиятида талабларнинг системали ва д  
мийлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Педагог болаларнинг эъти  
рини ижтимоий ҳаётга, теварак-атрофдаги табиат ва предметла  
ҳар куни жалб қилар экан, булардан тарбия мақсадларида ф  
даланади.

Тарбиячи болаларнинг ижодий қобилиятларини шаклланти  
ва ўстирар экан, ўзининг ифодали ўқиш, қўшиқни аниқ айтиш,

<sup>1</sup> Планада кўрсатилган рақам сақланади.

фис ҳаракат қилиш, образли расм солиш ва шу каби малакаларини системали тарзда такомиллаштириб бориши шартдир.

Эстетик тарбия бўйича бўладиган барча фаолиятда педагогик процесснинг мазмунини ташкил қилувчи ҳамма нарсага ижодий муносабатда бўлиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Худди мана шунда тарбиялаш санъати, ҳар бир боланинг қизиқиши ва қобилиятларини аниқлай олиш кўникмаси жуда тулиқ намоён бўлади.

## **БАДИИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФОРМАЛАРИ**

### **МАШҒУЛОТ — БАДИИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФОРМАСИ**

#### **Бадий-нутқий фаолият**

#### **Бадий-нутқий тарбиянинг вазифалари**

Бола шахсини шакллантириш жараёнида бадий адабиёт муҳим ўрин тутди. Китоб боланинг онг-билим даражасини кенгайтиради, уни ҳаётни акс эттирувчи бой образлар дунёсига олиб киради, эмоционал билиш фаолиятини, ҳаётга актив муносабатини ўстиради, санъатга муҳаббат уйғотади, дидни ўстиради. Китоб болада ўқиганлари ҳақида шахсий мулоҳазаларнинг пайдо бўлишига, ўз фикрини айтиш эҳтиёжининг туғилишига ёрдам беради, нутқни ўстиради. Бола бадий-нутқий фаолияти, яъни бадий асарларни идрок этиш, уларнинг ижро этилиши, топишмоқлар, қофиялар, эртақлар, ҳикоялар ўйлаб топиш билан боғлиқ хилма-хил ижодий кўринишларда намоён бўладиган фаолият пайдо бўлади.

Болаларни адабиёт ва фольклор билан таништириш, уларни ҳикоя қилиш ва такрор айтиб беришга, шеър, овутомачоқлар, масалларни ёддан ифодали ўқишга ўргатиш, нутқнинг образли ва ифодали ҳамда оғзаки ижоднинг бошланғич формаларини ўстириш бўйича ишлар — буларнинг барчаси қўйдаги вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бериши лозим:

— бадий асарларни тинглаш, уларга эмоционал жавоб қайтариш кўникмасини ўстириш;

— асар мазмунини шакли билан бирликда идрок этишга, улар ўртасидаги функционал алоқани тушунишга, асосли баҳолашга, асарларнинг жанр жиҳатидан хилма-хиллигини, тасвирий-ифодали воситаларнинг хусусиятларини тушунишга ўргатиш;

— образли воситалар ва иборалар (эпитетлар, қиёслашлар, эртақлардаги такрорлашлар) дан ўринли фойдаланиб, маълум жанрда эмоционал мантиқий, изчил қайта ҳикоя қилишга, асарни маъно урғулари, паузалар, интонациялардан фойдаланиб, овоз кучи ва ўқиш темпини бошқара бориб, ифодали ижро этишга ўргатиш;

— образли нутқдан эмоционал таъсирланишни, шеърини қобилият, қофия, ритм, услубни ҳис қилишга ўргатиш;

— болаларни машгулотларда олган билим ва малакаларни мустақил фаолиятда қўллашга ўргатиш.

Бадий-нутқий тарбия энг аввало адабиётга муҳаббат ва қизиқишни ўстиришга йўллангандир. Болада тингланган ҳикоя, эртак, шеърга нисбатан туғилган эмоционал жавоб уларни яхшироқ тушуниш ва эгаллашга ёрдам беради, адабий асарларнинг на фақат ақлий, балки ахлоқий ва эстетик планда ҳам тарбиявий аҳамиятини кучайтиради. Бу қийин ва узоқ муддатли меҳнат талаб қиладиган: болада овутмачоқ, ҳикоя, эртак тинглашга эътибор пайдо бўлгандан бошлаб, унда асарнинг мазмуни ва шакли ўрта-сидаги функционал алоқани тушунишга, ижодий идрок этишга, уни ифодали ижро этишгача давом этадиган процессдир.

Болалар боғчасида болаларни бадий адабиётнинг турли жанрлари: ҳикоя, эртак, шеър, масал билан таништирилади. Исталган асарни болаларга бериш формаси унинг жанри ва болаларнинг ёшига боғлиқдир, бироқ барча гуруҳларда ҳам тарбиячи ҳикоя қилади, китобдан ёки ёддан ўқийди.

Бола ифодали нутқ малакаларини эгаллар экан, у маънавий бойийди, унда бадий образни ҳис қилиш, шеъринг бўгиннинг вазн-лилизини сезиш қобилияти ўсади. Индивидуал ижро образли нутқ воситаларини излашга ундайди, асарнинг сюжетига ва персонажига ўз муносабатини ифодалашга ёрдам беради.

Бадий-нутқий тарбия бўйича ишни планлаштиришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва мазмуни, ифода воситалари ижро этилишига кўра болаларга тушунарли асарларни танлаш лозим.

*Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг бошланғич бадий-нутқий фаолиятлари турларига раҳбарлик қилиш методикаси*

Бу ёшдаги болаларнинг нутқий ўсишлари нутқий активликнинг тез ўсиши, тушунчали ва лексик материалнинг интенсив жамғарилиши, она тилининг структураси, унинг товуш маданияти асослари ва грамматика қоидалари элементларини эгаллаш билан характерланади. Бадий сўзни идрок этиш активлашади. Болалар адабиёти асарларини тинглаш ва тушуниш малака ҳамда куникмаси эгалланади, қизиқиш ва унинг асосида эмоционал идрок ҳамда тингланган қисқа шеър, кичик эртакчаларни эслаб қолиш ва такрор-такрор айтиш, китоб безакларини томоша қилиш, унинг мазмуни ҳақида гапириш иштиёқи пайдо бўлади.

Болакайлар улғайган сари болалар адабиётининг анча мураккаброқ асарларини тушуна бошлайдилар; улар турли жанрдаги асарлар билан таништирилади. Биргаликда тинглаш малакаси шаклланади, қизиқувчанлик, тинглашга қатъий қизиқиш ва муҳаббат, китоб билан муомала қилишнинг бошланғич формалари тарбияланади. Биргаликда қайғуриш, баҳолаш муносабати, ачиниш, бирга иштирок этишнинг бошланғич формалари туғилади. Болалар

тингланган асар юзасидан берилган саволларга жавоб бера оладилар, унинг мазмунининг элементлари оддий формалардаги ўйинларда акс этади. Тушуниш ва эмоционал муносабат асосида ижро этишининг бошлангич малакалари: шеърларни айтишда бевоситалик, табиийлик, оддийлик, жушқинлик шаклланади. Бошлангич техник малакалар: бурро нутқ, темпни идора қилиш, тўғри нутқ, нафас олиш эгалланади. Аста-секин болада ижро этиш иштиққи лайдо бўла бошлайди.

Болаларга аталган адабиёт ҳар бир ёш группасининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, педагогик вазифаларни бажаради. У эмоционал хайрихоҳликни тарбиялашга, ижобий реакцияларни активлаштиришга, катталар ва болалар ўртасида янада мустаҳкамроқ алоқа ўрнатилишига ёрдам беради. Дастлаб бадий текстлар турли ҳаракатли ўйинларга киритилади, ўйин характери, ижронинг интонацион ифодалилиги мавжудлиги туфайли улар болалар ўртасидаги муомаланинг ўсишига ёрдам беради. Бадий сўз кичкинтойни ақлий тарбиялаш, унинг нутқини ўстиришда амалий воситадир. Нутқни тушуниш процесслари — айрим сўзлардан бошлаб (бир ёшдаги болаларга) бадий текст мазмунини тушунишгача (3—4 ёшли болаларда) такомиллаштирилади. Овозли нутққа тақлид қилиш асосида боланинг шахсий нутқи ҳам активлашади.

Бир ёшгача бўлган давр. Бир ёшгача бўлган боланинг яхши ривожланиши унга катталарнинг муомаласи характерига боғлиқ. Олти ойлик болага илиқ сўзлар билан мурожаат қилган катта ёшли одам унда жавоб реакция — жилмайиш, шўх ҳаракатлар, дастлабки товуш реакцияларини уйғотади. Бу ҳали нутқ эмас, бу ғудурлаш, чуғурлашдир. Кейинчалик, олти ойлардан кейин бир ёшга тўлгунча, катта ёшли одамнинг бола билан бўладиган муомаласи суюмли, ёқимли, ритмик нутқи билан қўшиб олиб бориладиган (кўпинча бу кичик шеърый қаторлардан иборат бўлади) эмоционал-ҳаракатли ўйинлар шаклида ҳам содир бўлади. Бундай муомалага одатда энг кичкинтойларга мўлжалланган фольклор материали хизмат қилади. Булар кичик ашула ва шеър: аллалар ва овутмачоқлардир. Шундай қилиб, бола бир ёшдаёқ биринчи марта бадий сўз билан учрашади. Бола сўзларнинг маъносини тушунмайди, бироқ уларнинг ифодали айтилиши, қуйланиши, завқли жаранглаши, ёқимли интонация ва ритм каттанинг кичкинтой билан эмоционал-ўйинли ва нутқий алоқа воситаси сифатида юзага чиқади.

Пестушка («естовать» сўзидан) — қисқа-қисқа шеърлар бўлиб улар орқали катта киши кичкинтойнинг ҳаракатларини бошқаради ва қувватлайди; бундай шеърларда болага булган беқисс илиқ меҳр, унга омонлик тилаш истаги мужассамлашади. Пестушкалар билан бир қаторда боланинг бармоқлари, қўллари, оёқларини ўйнатишга мўлжалланган кичик-кичик қўшиқлар — овутмачоқлардан ҳам кенг фойдаланилади. Пестушка ва овутмачоқлар жуда қисқа, масалан, кетма-кет айтиладиган иккита бир

хил сўздан иборат бўлиши мумкин. Баъзи қушиқчалар маълум сюжетларга асосланган бўлади. «Ладушка», «Сорока», «Идет коза рогатая».. Катта киши кичкинтой билан ўйнар экан, айрим сўз ёки шеърини текстни доимо шодликни ҳис қилиб, жўшқин айтади. Уйини элементи фақат ҳаракатдагина эмас, балки шеърларнинг (овозли ўйини) аниқ, равои вазнида ҳам намоён бўлади. Шўхлик қилиб, талашиб-тортишиб ўйналадиган ўйинлар болага катта ҳузур бахш этади.

Бундай эмоционал-ҳаракатли ўйинлар методик адабиётда контактли ўйинлар деб ҳам аталади: бунда боланинг орқасига қоқиб-қоқиб қўйилади, аллаланади, силанади, осмонга отиб, тортишиб ўйналади. Буларда ўйин алоқаси нутқ алоқаси билан органик бирикиб кетади. Актив нутқ манбаи катта кишидир: товуш, сўз, сўз бирикмаларининг кўп марта такрорланиши нутқнинг бола томонидан аста-секин тушунилишининг ўсиб бориш шартидир. Контактли ўйинларда ҳаракат айтилаётган сўзлар ритмига бўйсунди. Катта киши ҳаракатни шеърини (ритмик) нутқ билан қўшиб олиб боради, ҳаракат ритмини товушлар билан таъкидлайди. Нутқнинг товушли, ритмик ва интонацион томони эса бир ёшгача бўлган бола учун тушунарлидир.

Қўшиқ, овутмачоқларнинг мазмуни, айрим сўзлар бундан мустасно қилинса, кичкинтойга ҳали тушунарсиздир. Бироқ ритмик ва интонацион уюшган бундай қўшиқ ва овутмачоқлар кичкинтойга товуш муҳитини фаҳмлашга ёрдам беради ҳамда жўшқин реакция, эмоционал жавоб уйғотиб, унинг катта киши билан муомала қилишида муҳим восита бўлиб қолади. Бундай муомаланинг мақсади кичкинтойда бир ёшга тўлганда индивидуал машғулотлар процессида бир қатор кўникмаларни шакллантиришдир. Кичкинтой нутқини активлаштиришнинг асоси сифатида болада катталар нутқини диққат билан тинглаш ҳамда унга оддий сўз реакциялари билан жавоб бериш кўникмасини ўстириш зарурдир.

Икки ёшгача бўлган давр. Бу она тилини жадал эгаллаш давридир. Болада бадий сўзни тўғри идрок этиш, кичик шеър, қисқа эртақ, ҳикоя маъносини тушуниш, уларнинг жарангдор вазнига эмоционал жавоб қилиш, сўзма-сўз такрорлаш, товушларга тақлид қилиш шаклланади.

Бир ёшдан сўнг, агар катта ёшдаги одам текстни ифодали ва образли талаффуз қилса, текстнинг ўзи — жарангдор ва ритмик бўлса, бола кичик бадий текстни диққат бериб тинглаши мумкин. Уқиш кўп марта такрорланади ва аста-секин (икки ёшда) тинглашга нисбатан ижобий муносабат шаклланиб, бадий асарларни диққат бериб тинглаш кўникмаси таркиб топади. Бу боланинг актив нутқи ўсишининг шароитидир. Ритм, вазн, интонацияни идрок этиш дастлаб бадий сўз эстетик таъсирининг асосини ташкил қилади, кичкинтойнинг катта киши нутқига тақлид қилишга таянувчи шахсий нутқий фаолиятини келтириб чиқаради.

Бола аввал катта ёшли одамдан кейин (бир хил наузларда) товушлар бирикмаси ва бир бўғинли сўзларни, масалан, «бер-бер»

«ла-ла», «бай-бай» такрорлайди; шеър ритмида чапак чалади, қўлини силкитади, бошини сарак-сарак қилади ёки бутун гавдаси билан тебранади. Вақти келиб у катта кишидан кейин фақат қаторларнинг қофияли якунишигина такрорлаб қолмай, балки сўзларни ёки унинг бирикмаларини тўлиқ, буида интонациясини аниқ такрорлаб айта бошлайди. Катта киши нутқидаги интонация ўзгартиришга бола мимика, позасини ўзгартириш, диққат бериброк тинглаш ёки жилмайиш, кулги, хитоб билан жавоб қайтаради. Текстини кўп марта ўқиш ва катта кишининг болани эмоционал муомала — ўйинда бирга суҳбатлашишга ундовчи зўр бериши натижасида бола катта одамдан кейин шеърый қаторларни проза текстининг оддий жумлаларини айта бошлайди.

Икки ёшдаги болаларда бадий-нутқий фаолиятнинг бошланғич формаларини ўстиришдан мақсад болаларда янги нутқ қўлиқмаларини шакллантириш ва болалар мустақил фаолиятда, ўйинда, бошқа болалар ҳамда катталар билан муомалада эгаллашларни мумкин бўлмаган билимларни бериш машғулотларда борган сари катта аҳамият касб этмоқда.

Машғулотлар кичик-кичик группаларда ўтказилиб, уларнинг давомийлиги болаларнинг активлиги ёки аксинча чарчаганлик даражаларига кўра бир неча минутдан ун минутгача ўзгартириб турилади. Машғулотлар миқдори кейинги группалардагидан кўпроқдир. Сезиларли ўрин олдиндан таниш материални такрорлашга берилади, янги материал билан таништиришда эса уни аста-секин мураккаблаштириб бориш принципига албатта риоя қилинади.

Икки ёш боланинг умумий жадал ўсиш давридир. Шунинг учун машғулотларда фаолиятнинг ҳар хил турлари — нутқий ва ҳаракатли турларини органик бириктириш лозим. Ўйин ва ҳаракат овутмачоқ, пестушқалар билан органик бирикади. Бола «Ладуи ки», «Пальчик — мальчик» овутмачоқларни тинглар ва такрорлар экан, қўлчалари, бармоқчалари билан маълум ҳаракатларни амалга оширади.

Юришни ўрганиб бораётган бола юриш билан боғлиқ кўпгина ҳаракатлар қилади, катта киши эса уларни ўйин шаклида такомиллаштиришга ёрдам беради. Буидай машғулотдан намуна келтирамиз.

Тарбиячи болаларни ўйинга таклиф этиб, аввал секин, паст овозда дейди:

Борарди илдам  
Оёқлар йўлдан:  
Тўп, тўп, тўп,  
Тўп, тўп, тўп.

ва оёқнинг қандай юришини кўрсатади: катта ва секин қадам ташлайди, оёғини кўтариб, урғули бўғин тактига мувофиқ қадам ташлайди. Сўнгра болалардан бирининг қўлидан ушлаб, у



билан бирга майда қадамлар ташлаб, баланд овозда жадал суръатда дейди:

Кичкина оёқчалар  
Йул буйлаб чопиб борар:  
Туп, түп, түп, түп, түп,  
Туп, түп, түп, түп, түп.

Болаини ҳаракат, товуш ритми ўзига жалб қилади; у тўхтаб, оёғини тапиллатиб, «түп, түп, түп...» деб такрорлай бошлайди.

Шундан сўнг тарбиячи бошқа боланинг қўлидан ушлайди ва ҳоказо. Болалар ҳаракат қилиб ва «түп, түп» деб ритмни такрорлаб, ўйинни эслаб қоладилар.

Бундай ўйин-машғулоти кўгирчоқ ва ўйинчоқ мушукдан фойдаланиб «Катя, Катя маленька» ва «Киска, киска, киска брысь!» оутмачоқлари билан ҳам ўтказиш мумкин.

Оҳангдор сўзни ўйинчоқ кўрсатиш билан бирга олиб бориш бир ярим ёшгача бўлган болалар билан ўйинлар ўтказишда, сўзни идрок этиш учун конкрет образни кўриш идроки зарур бўлган вақтда эшуда самаралидир. Каттароқ ёшдаги болаларга шеърлар, оутмачоқлар ўқиб беришда уларнинг эътиборини сўзнинг эмоционал таъсирини ифодали ижро этиш билан кучайтириб, текстни тинглаб идрок этишга йўллаш лозим.

Бир ярим ёшли болаларга машғулотда мазмун бирмунча мураккаброқ, боланинг ўзининг ўйин-ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган шеърларни «Петушок, петушок, золотой гребешок», «Курочка — рябучечка» ни ўқиб бериш керак.

Оутмачоқлар билан бирга бола ҳаётига дастлабки расмни китоб ҳам кириб келади. Одатда текст ва иллюстрация — персонажнинг тасвири, сюжет саҳнаси бир саҳифага жойлаштирилади. Катта киши расмни кўрсатар экан, текстни ифодали ўқийди, нималарнинг расми солинганлигини гапириб беради. Болалар расмни диққат билан кўриб чиққанларидан сўнг, тарбиячи текстни такрор ўқиб беради. Икки ёшли болалар энди китобдаги расмни мустақил кўра оладилар, расмларни кўрсатиб, унинг устидан бармоқлари, қўлчаларини юргизиб, бўғинлар бирикмаси, айрим сўзларни айта бошлайдилар.

Бола икки ёшга тўлгач, унга дастлабки эртақлар, масалан, «Курочка ряба», «Репка» ўқиб берилади. Катта киши ўқиётган ёки гапириб бераётган вақтида ўйинчоқ, расмларни кўрсатиб боради. Ўқининг ўзи етарлича ифодали бўлиши лозим. Тарбиячи ўқир экан, ритмни таъкидлайди, овозининг кучи, йўғонлиги, темпи, интонациясини ўзгартириб болаларни эртақдаги воқеага жалб қилади. Масалан, «Репка» эртагини ҳикоя қилишда «тортишибди-тортишибди» деган сўзларни айтаётган тарбиячи болалардан бирини ушлаб олиб сўз оҳангига мувофиқ у билан бирга ҳаракат қилади ва «Шолғомни суғуриб олишибди» деган охириги жумлада болани ҳазиллашиб ўрнидан тортиб олади. —

Худди мана шу ёшда машғулотларда болалар совет шоирла-

ри: А. Барто, О. Висотская, М. Ивенсен ва бошқаларнинг дастлаб-ки шеърлари билан таништирилади.

Уч ва тўрт ёшгача бўлган давр. Бу ёшдаги болалар нутқининг ўсиши ҳам жадал бўлади. Нутқ кичкинтойнинг катталар ва тенгдошлари билан муомаласида асосий восита бўлиб қолади. Икки-уч ёшли болалар атрофдагилар нутқини анча яхши тушунадилар, энди катта киши бола билан фақат айни пайтида нимани кўраётгани ва нимани идрок қилаётгани ҳақидагина эмас, балки унинг ҳаётида бўлган ва бўладиган воқеалар ҳақида ҳам гаплашади. Бундай суҳбат учун қуйидагилар амалга оширилиши шарт: боланинг кузатиш, умумлаштириш қобилиятлари системали тарзда ўстирилиши керак, чунки бунинг натижасида те-варак-атроф ҳодисаларининг бир-бирига боғлиқлиги ва бир-бирига бўйсунishi, предметларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўрни ҳақидаги тасаввур шаклланади. Бола энди боғланган ҳикояни идрок эта олади, сюжети кенгайтирилган ва персонажларни қиссан кўп бўлган сахналар мазмунини тушуна олади; у расмлар, китобларни диққат билан кўра олади, ўқиладиган нарсани чалгимай тинглай олади; китобни кўриб бўлгач, уни ўз ўрнига тартибли қўя олади. Бу ёшдаги болада яхши ва ёмонга тўғри муносабатни, гўзалликни тушунишни тарбиялаш мумкин.

Бола уч-тўрт ёшга кирганда унинг актив нутқининг ўсиши сезиларли даражада кучаяди. Уч ёшда боланинг луғат бойлиги бир ярим миңг сўзгача кўпайиши мумкин. Кичкинтой янги сўз ва яхлит жумлаларни фақат такрорлабгина қолмай, балки уларни мустақил қўллаб содда ва мураккаб гаплар ҳам тузади. Унинг нутқининг товуш тартиби такомиллашади. Нутқи грамматик жиҳатдан анча тўғри, интонация жиҳатидан анча ифодали бўлиб қолади.

Тўрт ёшга тўлгач, бола энг оддий ҳикоялар туза олади, олдиндан танини, бир неча бор тингланган текстни қайта айтиб бера олади, бир неча бөр тингланган кичик шеърни эслаб қола олади, такрорлай олади. Нутқий активлик боланинг янги сўз яратишда, сўзлар, қофиялар билан ўйнашида ҳам ўз ифодасини топади.

Тарбиячи болаларда бадий сўзни идрок этиш қобилиятини шакллантириш устида катта иш олиб бориши — уларни фольклор ҳамда улар учун тушунарли бўлган ўзбек, рус ва совет болалар адабиёти асарлари билан таништириши лозим. Болалар энди кичик шеър, овутмачоқ, эртақлар, қисқа ҳикоялар тинглай оладилар, уларнинг мазмунини тушунадилар. Шунинг учун уларда эслаб қолиш ва овутмачоқларни такрор айтиш, таниш китоблардаги расмларни кўриш, у ҳақда гапириб беришга қизиқиш, иштиёқ уйғотиш жуда муҳимдир.

Катта киши болани таништирадиган бадий асарлар доираси аста-секин кенгайиб боради, бироқ ҳали ҳам сезиларли ўрни фольклорнинг кичик шакллариغا берилади. Катта киши болага таниш бўлган овутмачоқ, кичик қўшиқларни такрорлаш билан



Машғулотлардаги образли ўйинчоқ—кичкинтойлар нутқий активлигининг асоси.

бирга уни анчагина мураккаброқ, персонажлари кўпроқ, сюжетли, илк ёшдаги кичкинтойларга мўлжалланган шеърлардагидек оддий бўлмаган, стили, тили, товуш ифодалари мураккаброқ бўлган шеърлар билан таништира боради.

Кичик шаклдаги поэзияда асосий иштирок этувчилардан бири боладир. Бироқ болалар фольклорида жониворларга бағишланган қўшиқча ва шеърчалар оз эмас. Товуқ, хўроз, кучукча кичкинтойларга фақат ўйинчоқлар, расмлар орқалигина таниш эмас, уч ёшда болалар уларнинг ўзини ҳам кўрадилар. Мушук боласининг бир неча марта кўрган ёки ҳатто у билан ўйнаган, уни силаган ва овқатлантирган бола мушукча ҳақидаги шеърни осонроқ ўрганиб олади. Тарбиячи машғулотда шеърни ўқиш вақтида ўйинчоқ мушукчани кўрсатади. Бир неча такрорлашлардан сўнг болалар аввал икки-тўрт қаторни, кейинроқ бутун текстни ҳам мустақил айта оладилар.

Тарбиячи ўйин характеридаги бадний материаллардан фойдаланадиган машғулотлар асарга қизиқишни устиради ва уни яхшироқ эслаб қолишга ёрдам беради. Мушукча ҳақидаги овутмачоқ диалог асосида тузилган: «Қисонька — мурысенька, ты где была?». — «Тегирмонда...». Икки-уч марта такрорлангандан кейин болалар «мушукча бўлиб» ўзлари жавоб бера оладилар. Бунда роъларга бўлиниб ўқиш — болага катта шодлик бахш этувчи дастлабки энг оддий ўйин-драматизациядир. Тарбиячи савол ва жавобларнинг интонациясини ҳам, мушукчага мурожаат қилинадиган ҳазил эркалаш интонациясини ҳам саволларга ажабланиш

нинг аста-секин ўсиб боришини, қаерга бординг, нима қил  
ва бошқаларни аниқ ифода қилиб бериш кераклигини унут  
лиги лозим. Сўнги жумлани у ҳазил, ўпка билан насиҳато  
боланинг қўлига оҳиеста урган бўлиб — мушукчага «жазо»  
риб айтади. Ҳазиллашиб уни ҳайдаб юбориш ҳам мумкин  
кичкинтой кулиб қочиб кетади. Кичкинтойлар муғомбирона  
билан, ингичка овозлари билан катта кишининг интонация  
такрорлайдилар. Улар бундай ўйин-драматизацияда луқма-сав  
тинглашни, овутмачоқнинг умумий ритми тактида ўз вақ  
жавоб беришни, ролини ижро этишни ўрганадилар.

Овутмачоқлар ва халқ қўшиқларидаги ҳамма сўзлар ҳам  
лалар учун тушунарли бўлавермайди (масалан, «с пылу, с жа  
«пригорышки», «березовы лычки»). Буларни тушунтиришга  
маслик керак: шунингдек, тақлидий овознинг боиланишини  
«чи-качи», «тюшки», «чики-чики») ҳам, чунки улар фақат  
вуш, ёрдамчи ўйин ролларинигина бажарадилар.

Бола шолғом, чипор она товуқ ҳақидаги эртакларни кўп  
та тинглаган, уч ёшга келиб уларни ўзи ҳам айтиб беришни  
ниб олган. Тарбиячи энди машғулотларда болаларни анча  
узунроқ, сюжети тилига кўра анча мураккаброқ янги эрта  
билан таништиради, булар халқ эртаклари «Теремок», «Коло  
дир. Тўрт ёшга қадам қўйганларида уларга Л. Толстой  
«Три медведя» эртагини ва «Снегурочка и лиса», «Кот, пету  
«Маша и медведь», «Заяц, лиса и петух». «Петушок и  
бвое зернышка», «Волк и козлята» (А. Толстой қайта ишла  
«Коза — дреза» (украин эртаги) ўқиб берилади.

Бу эртакларнинг ҳаммасида воқеанинг «боғлиқ» ривожла  
услуги қўлланган: таниш эпизодлар, луқмалар такрорланади.  
бола эътиборини бир жойга тўплайди, эртакни тушунишга ва  
лаб қолишга ёрдам беради. Ҳатто сўзлар ва ибораларнинг  
маси ҳам болаларга тушунарли бўлмаган тақдирда ҳам у  
нинг барчасини тушунтиришга уринмаслик керак: уч ёшли бо  
лар барибир «по сусекам скребен» сўзи нималигини тушун  
дилар. Мўҳими, уларнинг эътиборини эртакнинг умумий маъ  
ни ўзлаштириб олишга йўллаш, воқеанинг ривожланишини к  
тишга ўргатиш, қаҳрамонларга хайрихоҳлик уйғотишдир.

Болаларни халқ эртаклари билан таништиришда эртак  
мазмунининг кўп вариантлилигини ёдда тутиш лозим. Икк  
ёшли кичкинтойларга ҳикоя қилиб бериш учун шу ёшдаги  
идрокининг имкониятларига максимал жавоб берадиган, у  
нинг психологиясига мувофиқ келадиган вариантни танлаш  
зим. Кичкинтойлар эртакдаги драматик ҳодисаларни жиддий  
бул қиладилар, улар ҳамма нарсанинг яхшилиқ билан тугаш  
истайдилар, шунинг учун уларга М. Булатов қайта ишла  
«Колобок» ва «Теремок» эртагини, эчки-улоқлар ҳақида  
К. Ушинский қайта ишлаган эртакни айтиб бериш лозим. Бу  
риантларда яқун яхши тугаган: уйчада истиқомат қилувчилар  
ларига янги, олдингисидан яхшироқ уй қуриб оладилар, бўри

улоқларни алдай олмайди ва улар ҳеч бир зарар кўрмайдилар. Совет ёзувчиларининг асарлари билан танишиш давом эттирилади. Булар энг аввало А. Бартонинг ўйинчоқлар ҳақидаги бола-ларга таниш ва янги шеърлари: «Мячик», «Зайка», «Флажок» дир. Уч ёшга тўлгач, кичкинтойларга бу циклдаги қолган шеър-ларни: «Бычок», «Грузовик», «Слон», «Козленок», «Кораблик» ни ҳам ўқиб бериш мумкин. Май байрами ҳақида О. Висотская-нинг «Флажок» шеъри ўқилади. Бу шеърда боланинг фахрлани-ши — байроқчани ўзи ясаганлигида ва байрамнинг давом этиши- ҳам, унинг яна қайта келишини шодланиб кутиш ҳам ўз ифо-дасини топган. З. Александрованинг «Октябрьская песня» шеъри-да ҳам болаларнинг умумхалқ байрамига қатнашиши шодли-ҳиссиёти билан суғорилган. Тушунарлилиги, мазмунининг содда-лиги, шодиёна жаранглаши, ритми аниқ бўлганлиги туфайли болалар бу шеърни осон эслаб қоладилар ва тез ёдлаб оладилар. А. Бродскийнинг «Солнечные зайчики» шеърда болалар кўпин-ча табнатда кузатадиган ҳодисалар шеърини формада очиб бери-лади. Енгил ўйноқи вазн ва қувноқ интонация ҳаракатли ижро-ўйинининг характерига тўлиқ жавоб беради: сирпанувчи, тутқин-бермас қуёш шуълаларига етиб олиш осон эмас, улар болалар-билан худди бекинмачоқ ўйнаётгандек бўлади.

Болаларни ўтмиш шоирларининг шеърлари билан кичик ёши-даёқ таништирилади. В. Жуковский «Котик и козлик» деган оҳангдор, жозибадор шеър яратган. Л. Толстой болаларга атаб махсус кўпгина кичик ҳикоялар ёзган ва улар ҳозирги кунда ҳам тарбия мақсадларига хизмат қилади. Баъзи ҳикояларни, масалан «Пошла Катя по утру по грибы», «у Розки были шенки» машғулот-ларда ўқиб бериш мумкин. Уларнинг мазмуни болаларнинг ту-шунишлари учун осон, тили жуда аниқ, лўнда, образлидир.

Совет расмони А. Пахомов Л. Толстой ҳикояларини моҳирона-безаган. Катта киши болалар билан расми китобчани бирга кў-рар экан саволларга жавоб беради, ҳикояни такрор ўқиб беради. Болалар аста-секин тингланган асар ҳақида суҳбатлашишга ўрга-надилар. Бунда уларнинг тасаввурлари аниқланади, тарбиячи-тушунарсиз бўлганларини тушунтириб беради, болаларнинг нут-қи образли адабий иборалар билан бойийди.

Кичкинтойларга Я. Тайцнинг «Карандаш», «Поезд» ҳикоялари-ўқиб берилади. Бу ҳикоялар Маша деган қиз ҳақидаги қисқа во-қеалар циклига кирди; бу циклдаги ҳикояларнинг бири билан болалар олдинроқ танишганлар («Праздник»). Қалам қандай қи-либ бўлиб элинганлиги ва қандай қилиб поезд-поезд ўйнаган-лиги ҳақида қисса бола учун тўлиқ тушунарлидир, улар болани-худди содир бўлаётган ҳодисалар ичига олиб киргандек бўлади. Моҳирона берилган сюжетлар болани ўзига қизиқтириб олади-фақат саволларининггина эмас, балки шахсий фикрин, эмоционал-муносабат ва баҳолашда аниқликни ҳам келтириб чиқаради. Улардаги қизиқарли мазмун мукамал, таъсирли шакл би-лап органик бирликда юзага чиқади. Бу кичик ёшдаги бола-

ларга аталган замонавий ҳикояларнинг энг яхши намуналаридандир.

Уч-тўрт ёшли болаларни системали тарзда бадний — нутқий ўқитиш кўпчилиги ўйин шаклида ўтказиладиган машғулотларда амалга оширилади. Бироқ бу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ўйин машғулотлари икки ёшли болалар билан олиб бориладиган машғулотларга нисбатан анча мураккабдир. Икки-уч ёшли вақтида кичкинтойларнинг ижтимоий ҳаётининг айрим ҳодисаларини аке эттириш ва катталарга тақлид қилишга интилишлари анча сезиларлидир — бу сюжетли ўйинларнинг бошланғич формаси. Болаларни атрофдаги ўзларига тушунарли бўлган ҳодисалар билан системали тарзда таништириш ўйин мазмунини бойитишга, ўйин ҳаракатларининг мақсадга йўлланганроқ бўлишига ёрдам беради. Бунда муҳим роль бадний адабиётга тааллуқлидир. Шундай бўлса ҳам болани реал борлиқ манзараларини қайтадан яратувчи бадний образлар дунёсига олиб кирадиган катта кишининг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Н. М. Аксариннинг болалар хатти-ҳаракатини тадқиқ қилиб, болаларни ўйинга ўргатиш керак, бунинг учун эса бевосита рағбатлантириб ёки ўйин усулларини тўғридан-тўғри айтиб турувчи катта кишининг иштироки зарур деган хулосага келди.

Ўйинни машғулотда бошлаб, уни кейинроқ давом эттириш мумкин. Педагог уч ёшли болаларга Я. Тайцнинг таниш ҳикояси «Праздник»ни ўқиб беради ва қизил кўйлак кийдирилган ҳамда қизил бант тақилган қўғирчоқ Машани кўрсатади: «Бир қўлида қизил байроқча, иккинчисида қизил шар». Қўғирчоқ болалар ихтиёрига қолдирилади, улар қўғирчоқни ураб олиб, унинг кийимини томоша қиладилар, бирга «парадга» олиб чиқадилар. Кейинги кунларда ўйин давом эттирилади: қизил бантлар, шарлар, байроқлар олинади, болалар Маша билан биргаликда парадга боришади, уларга таниш шеърлар ўқиб берилади: О. Висотскаянинг «Как весело у нас», М. Ивенсоннинг «Мой флажок» ва бошқалар. Қизлардан бирига Машанинг, иккинчисига онанинг роли топширилади. Ҳикоя сюжети кенгайтирилади: Машани фақат «она-сигина» эмас, балки бошқа болалар ҳам ясантиришади ва қизил шар, байроқчаларни кўтариб, ҳаммалари биргаликда «парадга боришади». Ўйин давомида тарбиячининг болалар билан диалог юзага келади, болалар тарбиячидан сўнг таниш бўлган кичик шеърларни, масалан, А. Бартонинг «Флажок» шеърини такрорлашади; Маша ва «она» ўртасида ҳам диалог юзага келади, болалар «Праздник» ҳикоясидаги сўзларни эслайдилар ва талаффуз қиладилар.

Тарбиячи машғулотда ҳикоя, шеър, эртакни ўқиб бериб, уни бир неча марта такрорлаб, болаларнинг тақлид қилишга интилишларига асосланиб, бошланиши, бир қатор ўзаро боғланган ҳаракатлари ва охири бўлган сюжетли ўйин намунасини беради.

Ўйналадиган сюжет давомида болалар бевосита фикр билдирадилар, бу фикрлар уларнинг шахсий истаклари билан пайдо бўлиб, ҳаракатнинг ривожланишини ҳам, содир бўлаётган нарса-



Биринчи кичик  
группада нутқ ўстириш  
машғулотида

ларга муносабатларини ҳам, улар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳам акс эттиради. Бундай бевосита юзага келувчи суҳбатларда тарбиячи бошқа кичкинтойларга таниш бўлган ҳикоя, шеърларни эслатиши, қисқа овутмачоқ топшимоқ айтиши мумкин.

Ўйинларни ташкил қилишга асосланиладиган, сюжетларига кўра хилма-хил бўлган бундай машғулотларни такрорлашлар болаларни икки-уч сюжетни бирлаштиришга одатлантиради. Ўйин сюжетларни ривожлантириш иштиёқи бадий адабиётни идрок этишни такомиллаштириш, тасаввурни бойитиш, нутқ активлигининг ўсиши натижасида пайдо бўлади.

Айтилганлар асосида катта киши машғулотлар ва ўйинлар давомида бола билан муомалада бўлиб, уни бадий адабиётнинг бой образли дунёсига олиб киради, деб хулоса чиқариш мумкин. Кичик ёшдаги болалар билан бўладиган ишни методик бошқаришнинг хусусияти соддалик, эмоционал муомала, кўрсатмалилик, ўқитишнинг ўйин характеридалигидир.

*Тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган болалар бадий-нутқий фаолиятларининг мазмуни ва ўқитиш методлари*

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бадий-нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларига ўқитиш мазмуни ва методлари ҳақида гапиршдан олдин эришилган ўсишни қисман бўлса-да таърифлаб бериш лозим, чунки у тарбиячининг бу йўналишдаги кейинги вазифаларини белгилаш ва мазкур ёшдаги болаларнинг турли жанрдаги бадий асарларни ўзлаштириш имкониятларини аниқлаш имконини беради.

Беш ёшгача бўлган болалар анчагина катта луғат запасига, теварак-атроф ҳақида маълум тасаввурлар жамғармасига эга

булиб, уэларни гувоҳи булган (нарсалар) ҳодисаларга эмоционал жавоб қайтарадиган, анчагина эътиборлироқ бўлиб қоладилар, умуман олганда бадний асарни етарлича чуқурроқ идрок этадилар: улар сюжетни тушунибгина қолмасдан, балки ёрқин, образли нутқни, эртак ва ҳикояларнинг жозибадорлигини ҳис қиладилар, персонажларга ўз муносабатларини билдирадилар. Бадний шаклни идрок этиш қобилияти ҳам анчагина фарқланган (дифференциация қилинган) бўлиб қолади — болалар, агарда тарбиячи албатта ўзининг ифодали нутқи билан уларнинг эътиборини жалб қилса, проза ва шеърый нутқни кичик ёшдагидан кўра аниқроқ фарқлайдилар, эпитетларни, қиёслашларни сезадилар. Беш ёшда, улар кўпгина овутмачоқ, тўртликларни биллиб олган бўладилар, булар билан улар фақат машғулотлардагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам танишадилар. Уларда ижрочилик фаолияти активлашади. Болалар тарбиячининг барча топириқларини бажону дил бажарадилар; сюжетни расмлар ёрдамида баён қилиш орқали эртакни қайта айтиб берадилар, маълум эртакларни драматизациялаштирадилар, нутқларида, мишикаларида тақлид қилинаётган персонажнинг характерида хусусиятларини такрорлашга, уларга ўз муносабатларини билдиришга интиладилар. Улар ёддан айтиш ва ҳикоя қилишни интонацион ифодали бажаришга урипадилар.

Беш-олти ёшда болалар асарларни эътиборни бир жойга тўплаб, диққат билан тинглаш малакасини, мазмун, персонажга нисбатан ўзларишиг асосланган муносабатларини билдириш кўникмасини эгаллаган бўладилар; уларда асарларнинг мазмуни ва унинг тасвирий-ифодали воситалари ўртасидаги алоқани сезиш қобилияти ўсади. Бу ёшдаги бола маълум асар ва жанрларни ўзи ажрата бошлайди, болада уларни қиёслаш, ҳозиргина тингланини олдиндан маълум бўлгани билан таққослаш иштиёқи пайдо бўлади. У шеърый нутқни проза текстидан фарқлашнингина бўлиб қолмай, балки шеърый нутқнинг хилма-хиллигини, ҳикояни эртакдан фарқлашни, эртаклар, ҳикоялар, шеърлардаги ифодали-тасвирий воситаларни ажратиб кўрсатиб, уларнинг зарурлигини тушунтириб бера оладилар. Фаолиятнинг маълум турига қатъий қизиқиш пайдо бўлади: бири шеър ўқишни, бошқаси эртак айтиб беришни яхши кўради. Ижодий қобилиятлар ўсади: болаларнинг ўзлари топишмоқлар, шеърлар ўйлаб топа бошлайдилар, олдиндан маълум бўлган эртакларга ўхшаган эртаклар тўқийдилар. Тенгдошларнинг ижод намуналари ва ижрочилик фаолиятларини баҳолаш муносабати шаклланади: болалар ким яхшироқ ўйлаб топганини, ҳикоя қилганини, ёддан айтиб берганини қайд қиладилар.

Ёш улғайиши билан бирга катта киши болани таништирадиган асарлар доираси ҳам кенгайиб боради. Булар мазмуни ва бадний шакли жиҳатидан анча мураккаб асарлардир: «Сестрица Алёнушка и братец Иванушка», «Царевна-лягушка», «Хаврошечка», «Снегурочка», А. С. Пушкин, В. Ф. Одоевский ва бошқа ёзувчиларнинг эртакларидир. Эртак болани ўз мазмуни билан ўзига ром



қилади, унинг тасаввури, фантазиясини қўзғайди, шу билан бирга уйдирмага асосланган, воқелик билан боғлиқ бўлган эртақ боланинг ҳаётини тасаввурларини кенгайтиради, унга ахлоқ, одилликдан дастлабки сабоқ беради, ёвузликка қарши курашини зарурлигини уқтиради. «Ҳар қандай эртақда ҳам ҳақиқат элементлари бўлади...<sup>1</sup>. Эртақнинг худди мана шу В. И. Ленин кўрсатиб ўтган хусусиятида бой тарбиявий имкониятлар яширингандир.

Бола эртақнинг хайрли туганидан, ҳақгўй, виждонли, жасур қаҳрамоннинг ғалабасидан, бардошлилиги, меҳнатсеварлиги эвазига эришган мукофотида шодланади. Эртақ кичкинтойни она тилининг раволиги, ифодалилиги билан таништиради. Болалар фақат эртақнинг маъносинигина ўзлаштириб қолмай, балки такрорлашлар, эпитетлар, эртақка хос ибораларни эслаб қоладилар, яъни шаклнинг гузаллигини, стилнинг ўзига хослигини тушуниб, ўзлари эслаб қолган сўз ва жумлаларни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Эртақлар билан бир қаторда воқеликнинг турли ҳодисалари образли шаклда ифодаланадиган топишмоқлар ҳам болаларнинг борлиқ билан танишишларида муҳим педагогик вазифа бажараяди. Уларни айрим предмет ва ҳодисаларнинг конкрет деталлари ҳақидаги бидим билан бойнатади. Халқ топишмоқ-ҳазиллари болаларнинг кўнглини очар экан, улардан билагонлик ва зийраклик талаб қилади, уларнинг хотирасини, қузатувчанликларини ўстиради.

Топишмоқ энг прозаикдай кўринган нарсаларнинг шеърий томонларини очиб тингловчи уни актив идрок этганда воқеликка шеърий қарашни ўстиради.

Фольклорнинг кичик формалари, топишмоқлар, овутмачоқлар, тез айтишлар билан танишиш боланинг эмоционал дўирасини шакллантириш, унинг образли тафаккури, ижодий тасаввурини ўстириш учун қанча муҳим бўлса, нутқ аппаратини ўстириш учун ҳам шунча муҳимдир. Тез айтишлар, овутмачоқларга хос бўлган ҳамоҳанг уйин болани қувонтиради, уни фонетик қийинчиликларни енгишига ва товушни тўғри талаффуз қилиш малакасини эгаллашга мажбур қилади.

Ҳикоялар ўқиш болаларни ахлоқий ва эстетик тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг тематикаси жуда кенг ва хилма-хилдир. В. И. Ленин, унинг ҳаёти, характер хусусиятлари, ишлари ва кураши ҳақидаги, Советлар мамлакатининг қаҳрамонона тарихи, халқнинг меҳнатдаги жасоратлари тушунарли шаклда тасвирланадиган китоблар болаларга беқиёс тарбиявий таъсир кўрсатади.

Коммунистик партиянинг энг кекса арбобларидан бири В. И. Ленинни яқиндан билган В. Д. Бонч-Бруевич у ҳақда туркум ҳикоялар яратган бўлиб, улар орасида болалар ўртасида

<sup>1</sup> В. И. Ленин ТАТ. 36-том, 21-бет.

машҳур бўлгани ва севилиб ўқиладигани «Қот Васька», «Общество чистых тарелок»дир. Тематиканинг соддалиги, суҳбат формасидалиги, тасвирийлик, турғунлиkning йўқлиги бу ҳикояларни кичкинтой китобхон учун тушунарли қилади.

Я. Пенясовнинг «Обыкновенные варезки» ҳикоясида ленинча меҳрибонлик, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ўзига хос, социал планда очиб берилган. Сюжетнинг мароқли ривожланиши, баённинг динамикаси, диалогнинг устуңлиги, узундан-узоқ тасвирлаш ва чеклишларнинг йўқлиги, ижтимоий-тарихий вазият — очарчилик, вайронгарчиликни кўрсатиб беришда ишонарлилик олти-етти ёшли китобхонларга асарни эмоционал идрок этишларида ёрдам беради. Н. Қ. Крупская, М. И. Ульянова, М. Прилежаева, А. Кононов ва З. Воскресенскаянинг ҳикоялари ҳам В. И. Ленинга бағишланган. В. И. Лениннинг болалиги ҳақидаги ҳикоялар болаларда катта қизиқиш уйғотади: булар М. Зошченконинг «Графиня», «Серый козлик», Л. Коннинг «Володя и гуси» ва бошқа ҳикоялардир. М. Рильскийнинг «Ильич и девочка» дилкаш шеърӣ ҳикояси болаларга эмоционал таъсир кўрсатади.

Тажрибанинг кўрсатишича, адабий асарлар орқали болаларни ўзларининг шахсий ҳаёт тажрибалари доирасидан четга чиқувчи воқеалар ва ҳодисалар билан таништириш мумкин. Ёзувчининг бадий маҳорати мураккаб темаларнинг тушунарли бўлишида ёрдам беради:

Рус классик ва совет адабиётининг илғор ёзувчилари болалар китоблари тарбиянинг энг кучли воситаларидан бири эканлигини тушуниб, инсон меҳнатининг қанчалик хилма-хиллиги, қизиқарлилиги, аҳамиятлилигини, жамият учун фойдали бўлган ишнинг қанчалик муҳимлиги ва зарурлигини кўрсатишга интилиб, меҳнат ва қаҳрамонона жасорат темасига ўзларининг мафтуңликларини ифодалашга катта эътибор берганлар.

С. Я. Маршак «Живые буквы» китобида болаларга ўзлари ҳаётларида босиб ўтишлари мумкин бўлган меҳнат йўлларини лўнда, образли қилиб тасвирлаб берган. Болалар адабиётининг кўпгина асарлари масалан, Б. Житковнинг «Обвал» ва «На льдине» ҳикоялари меҳнат жасоратига бағишлангандир. В. Маяковский ўзининг «Копь-огонь», «Кем быть?» шеърлари билан ўсиб келаётган авлодга ҳаётга актив муносабатни, меҳнат жараёнига ҳурматни сингдиришга интилган.

Касбни муҳимлиги С. Михалков томонидан болаларнинг оналар ҳақидаги, уларнинг болаларга ва бутун халққа керакли касби ҳақидаги болаларча қувноқ суҳбати формасида ёзилган «А что у вас?» шеърӣда очиб берилди.

Шундай қилиб, бадий адабиёт асарларининг идрок қилиниши болаларнинг ёши, тажрибалари, индивидуалликларига боғлиқдир. Ёш хусусиятларини ўрганиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларда адабиёт ва фольклорни эмоционал эстетик идрок этишни, яъни фақат мазмунинигина эмас, балки асарнинг шаклини ҳам

тушуниш ва ҳис қилиш кўникмасини, шеърний асарни идрок қилиш қобилиятини образли нутққа, интонациянинг ифодалилигига ўз муносабатини билдиришни ўстириш мумкинлигини кўрсатади.

Бадний асарлар воситасида тарбиялаш ва ўқитиш турли методлар қўллашни талаб қилади. Бу методлар фақат болаларни атроф-муҳит ҳақидаги билимлар билан бойитишгагина эмас, балки уларнинг эгаллаган билимларига муносабатларини ўстиришга, ҳиссиётларини тарбиялашга ҳам йўлланган бўлиши керак. Билимларни эгаллаш — инсон маънавий дунёсини, унинг қарашларини, эътиқодини, ахлоқни таркиб топтириш каби узоқ давом этадиган ва мураккаб жараённинг бошланишигина холос.

Асосий методик усулларни — адабий-шеърний сўз (асар тексти) ва тарбиячининг сўзи ўртасидаги ўзаро алоқани ишлаб чиқишда юқорида қайд қилинган вазифалардан, бадний материалнинг спецификаси ва боланинг ёш хусусиятларидан келиб чиқмоқ лозим. Бу вазифаларнинг изчиллигини белгилаш ва болаларни бадний-нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларига ўқитиш методларини аниқлаш имконини беради.

### *Бадний адабиёт асарлари билан танишиш*

Болаларни бадний адабиёт билан мақсадга йўллаган ҳолда пухта ўйланган тарзда таништириш уларнинг ижодий қобилиятларини, нутқ, фикр юритишларидаги мустақилликларини ўстиришга ёрдам беради. Бу жараёнда — тарбиячи бадний адабиёт асарларини ўқиб ёки ҳикоя қилиб бериши катта аҳамият касб этади. Бироқ асарни болаларга ўқиб беришдан олдин тарбиячининг ўзи уни анализ қилиб чиқши, унинг ғоявий мазмунини тушуниб, бадний мужассамлаштириш усулига мувофиқлигини аниқлаб олиши керак. Ҳикоя ёки шеърнинг ғоявий йўналганлигини тушуниш, унинг сюжет-мантқий, маънавий қисмларни, умуман қайфиятни ажратиб кўрсатиш, уларнинг ҳар бирида автор нима демокчи бўлганлигини аниқлаш муҳимдир. Тўғри тушунилган ёзувчи фикри, бадний образлар китобни ифодалироқ ўқишга ёрдам беради.

Текстни болаларга ифодалироқ тақдим этиш учун баъзи техник усулларни ҳам эгаллаган бўлиш керак: нафас олишни, овоз тембрини, унинг кучини бошқара билиш, дикциянинг аниқлиги, урғуларнинг тўғрилигини кузатиш. Ўқишда интонацион жиҳатдан хилма-хилликка эришиш овозга эмоционал тус бериш орқали мазмун бера билиш тасвирланган ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олиш муҳимдир. Фақат ифодали ўқишгина асарнинг бола томонидан тўлақонли идрок этилишига ёрдам беради, уни фикр юритишга, асар мазмунини персонажлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга ундайдн. Бунга суҳбат орқали, асарнинг нимаси ёққанлиги, нега ёққанлиги, нимани эслаб қолганлиги ва шу каби саволлар орқали эришиш мумкин.

Болани у ёки бу асар билан бевосита таништиришдан олдин уни асарни идрок этишга тайёрлаш керак. Бунинг учун тарбиячи

болалар билан олдиндан турли суҳбатлар ўтказилади. Бу суҳбатлар жараёнида тарбиячи ҳар бир тингловчининг шахсий тажрибасига мувожаат қилади, унинг хотирасида шунга мувофиқ бир-бирини эслатувчи айрим психологик тасаввурлар пайдо қилади. Сайрлар, экскурсиялар вақтида ҳам ўтказилиши мумкин бўлган бундай дастлабки суҳбатларда болаларга асар сюжетиغا асос қилиб олинган фактлар, воқеалар, ҳодисалар ҳақида гапириб берилади. Масалан, тарбиячи С. Есениннинг «Поёт зима аўкает» шеърини ўқишдан олдин болаларнинг эътиборини дарахтларнинг қор босган шохларига, осмондаги кул ранг, қора булутларга, шумшайиб, совқотиб ўтирган қушларга тортади. Баҳор ҳақидаги шеърлар — Якуб Коласнинг «Песня о весне» ва С. Маршакнинг «Весенняя песенка», «Снег теперь уже не тот» шеърларини тинглашдан олдин суҳбат ўтказилиб, бу суҳбат баҳор келиши билан табиатда юз берган ўзгаришлар: қорнинг қорайиши, йўлкалар очилиб қолганлиги, дарахтларда куртаклар бўртиб қолганлиги, чумчуқларнинг дадил-дадил чирқиллаши ва бошқаларни кузатиш билан бир вақтда ўтказилиши керак.

В. И. Ленин ҳақидаги, мамлакатимизнинг тарихий ўтмиши ҳақидаги ҳикояларни ўқиш тарбиячидан жуда пухта тайёргарликни талаб қилади. Педагогнинг вазифаси болаларга бу ҳикояларнинг ғоявий-бадиий маъносини очиб беришдир. Бунга экскурсиялар вақтидаги дастлабки суҳбатлар, тематик альбомларни, китобларга чизилган иллюстрацияларни кўздан кечириш орқали эришилади.

Ўқилганини чуқурроқ тушуниш ва актив идрок этиш учун ҳикоя, эртаклар тексти юзасидан ўтказиладиган суҳбатлар жуда фойдалидир. Суҳбат жараёнида мактабгача катта ёшдаги болалар билан асарнинг элементар анализи амалга оширилади. Бундай суҳбатлар болалар эътиборини асарнинг мазмунини, адабий тилнинг шеърликлигини, гўзаллигини англашга йўллайди, образларни болаларнинг ўзлари мустақил таърифлаб беришга, бу образларни асосли ҳолда баҳолашга, воқеаларни қаҳрамонлар билан биргаликда бошдан кечиринишга тайёрланишга, ўқилганига ижодий ёндашишга олиб келади.

Суҳбат жараёнидаги саволларнинг характери асарнинг жанри, унинг мазмуни, боланинг ёшига кўра ўзгариб туради.

У р т а г р у п и а даги болалар кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ўқиб берилган эртак, ҳикоя шеърлардан мазмун бўйича ҳам, формаси жиҳатидан ҳам мураккаброқ бўлганлар билан таништирилади. Программада, масалан, В. И. Ленин ҳақидаги баъзи асарларни: А. Кононовнинг «Мальчик и Ленин», М. Зошченконинг «Графиня», С. Погорелевскийнинг «Портрет В. И. Ленина» ўқиш назарда тутилади. Тарбиячи тингланган асарнинг ҳар бир бола томонидан эмоционал идрок этилишига, унинг мазмунига тушунишига, персонажларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш билганишга эришишга интилади.

Болаларнинг ёш хусусиятлари иш жараёнида асар мазмуни бўйича суҳбат методидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Тарбиячи болаларни эртақ, ҳикоя тексти билан таништириб, бунда китоблардаги расмлардан, ясси театр (одам, ҳайвон ва бошқа нарсаларнинг картон ҳамда қоғоздан ясалган фигурачаси ёрдамида эртақ, ҳикоя персонажини ёки уларнинг айрим саҳналарини кўрсатиш), фланелеграф ёки музикали-адабий инсценировка, граммофон ёзувини қўллаб, болаларга савол беради. Бу саволлар, энг аввало болаларнинг асарга умумий муносабатларини аниқловчи саволлардир: «Эртақ ёки ҳикоя ёқдими? Нимаси ёқди?» Савол турлича тузилиши мумкин. Шундан сўнг асар мазмунини болаларнинг тушунишларига: «Нима ҳақида ҳикоя қилинади?» сюжет ривожланишидаги изчилликни англашига ёрдам бериш мақсадидаги саволлар тавсия қилинади. Тарбиячи боланинг фикрини қўзғаб, уни тингланганлар юзасидан фикр юритишга мажбур қилиб, савол беради, масалан, «Нима учун қиз болани Қизил шапкача деб аташган» (Ш. Перронинг «Красная Шапочка» эртаги). Нима учун айиқ болалари очкўз дейилган? («Два жадных медвежонка», венгр халқ эртаги)

Кейинги саволлар туркуми болаларни баънининг образлилигига шеърини оборотлар, эпитетларнинг такрорланишига, бошланиши ва якунланишининг ўзига хослигига эътибор беришга мажбур қилади: «Эртақ қандай сўзлар билан бошланади? Унда қандай такрорлашлар учрайди?» Сўхбат ўтказиш тушунилган, англаганларни эслаб қолишга ҳам ёрдам беради.

В. Маяковскийнинг «Что такое хорошо и что такое плохо» шеъри юзасидан ўрта гурпада ўтказиладиган тахминий машғулот намунасини келтирамиз.

Машғулотга тайёрланиш. Тарбиячи болаларни шеър билан таништиришдан олдин ўзи анализ қилиб чиқади: асосий ғояни аниқлайди — болалар характери, ҳулқидаги яхшилик ва ёмонлик намуналарини қиёслаш воситасида уларни меҳнатни севишга, дангасалик, қўрқоқлик, қўполлик қилмасликка, тартибли бўлишга ўргатади; шеърнинг болалар тушунишлари керак бўлган асосий қисмларини ажратади: воқеалар тугуни «Қрошкка сын (отцу пришёл...»), воқеанинг ривожини (отанинг ҳикояси), кульминация (автор хулосаси), ечим (боланинг қарорини: «Яхши ишни қиламан, ёмон ишни қилмайман»); шеърнинг поэтик хусусиятлари, унинг услуби жиҳдиди, шу билан бирга енгил юморли суҳбат, ёқимли ҳазил-мугойибали сузлашув, авторнинг шеърини образларини шу жумладан, вазини эмоционал идрок этишини кучайтирувчи бадний усулларини олдиндан ўйлаб қўяди. Шеърнинг бундай олдиндан қилинган ғоявий-бадний анализ тарбиячига авторнинг фикрларини болаларга сингдириш ва шу орқали ахлоқий ва эстетик тарбиянинг муҳим вазифасини амалга ошириш имконини беради.

Машғулот ўтказиш учун қўрсатмалли материал олдиндан тайёрланади. Бу А. Пахомовнинг «Что такое хорошо и что такое плохо» китобига чизган расмлари, мазкур шеър бўйича яратилган диафильм бўлиши мумкин.

Тарбиячи шеър ўқилгандан сўнг болалар билан ўтказиладиган суҳбатни ҳам пухта ўйлаб қўяди. Саволлар жуда кўп бўлмаслиги лозим, улар персонажлар хатти-ҳаракатининг маъноси болалар томонидан тушунилганлигини, болаларнинг уларга муносабатини, автор позициясини тушуна олганликларини очиб бериши, шеърини шаклга кизиқини уйғотиши лозим.

Машғулотнинг программ мазмуни. Болаларда шеър мазмунига эмоционал муносабат уйғотиш. Теварак-атрофдаги нарсаларни шеърини образлар билан қиёслаб билишни ўстириши. Инсоннинг шеърда очиб берилган ижо-

бий ва салбий хислатларини асосланган ҳолда баҳолай билишга ургатиш. Шеърини текстни мазмуни ва шакл бирлигида идрок этишига ургатиш.

Машғулоти ўтказиш методикаси ва машғулотнинг бо-риши.

1. Машғулоти темасини эълон қилиш.

2. Шеърини ифодали ўқиш.

3. Суҳбат — ўқилганлар бўйича саволларга жавоб бериш.

Шеърда нима ҳақда ҳикоя қилинади?

Нима учун болалардан бири яхши, иккинчиси ёмон дейилган?

Яхши ва ёмон хатти-ҳаракат нима билан қиёсланади?

Қайси бола ёқди? Нима учун?

Суҳбат жараёнида асар мазмунини тушуниш чуқурлашади, шеърини образлар, масалан, ёмон хатти-ҳаракатнинг бўрон билан («Агар шамол томни бузса...»), яхши хатти-ҳаракатнинг куёшли об-ҳаво билан («Қуёш чарақлагин бутун оламда») қиёсланиши ёдда қолади. Суҳбат орқали болалар сузлаб беришга ургатилади.

4. Шеърда ишланган расмларни кўрсатиш.

Тарбиячи расмларни кўрсатар экан, аини пайтда уларни шеър текстини айтиб, шарҳлаб боради. Бу идрок этишини кучайтиради ва яхшироқ ёдда саклаб қолишга ёрдам беради. Ўқишдан сўнг расмлар ўрнига диафильмлар намойиш қилиш мумкин.

Машғулоти охирида болалар шеърдан билиб олган нарсаларни умумлаштириш, персонажларга муносабатни яна бир марта таъкидлаш фойдалидир.<sup>1</sup>

Қатта группани бадий адабиётлар билан таништириш вазифаси мураккаблашади. Масалан, тарбиячи эртақ ўқир экан болаларга фақат унинг ғоявий мазмунининггина эмас, балки жанрнинг хусусиятларини, композициянинг ўзига хослигини (муқаддима ва хотиманинг, уч карра такрорлашларнинг хусусиятларини, сюжет тузилишининг комулятивлигини), образли иборалар, мақоллар, маталлар ўзига хос сўз оборотларига бой бўлган эртақ услубининг типиклиги, эртақдаги образларнинг поэтиклигини ҳам билиб олишга ёрдам беради.

Ўқилган эртақ болаларда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларига нисбатан эмоционал жавоб уйғотиши, асосланган баҳо олиши керак.

Рус халқ эртаги «Крылатый, мохнатый да масляный» бўйича тахминий машғулоти нисол қилиб келтирамиз.

Тарбиячи эртақда баён қилинган турли вазиятларни интонация жиҳатдан тўғри бериб, уни ифодали қилиб сўзлаб беради: уртоқларнинг биргаликдаги дўстона ҳаётдан қониқиш; жапжал, умумий муваффақиятсизликлар тасвирланганда афсусланиш; хайрли яқундан шодланиш, бундан ташқари тарбиячи ҳар бир персонаж нутқидаги хусусиятларни таъкидлаб ўтади.

<sup>1</sup> Машғулоти бошлашнинг турли вариантлари бўлиши мумкин. Масалан, тарбиячи текстнинг маълум қисмига тааллуқли расмларни танлаб кўрсатади: «...тунда ҳам қора ўғил, лой чапланиши бетига...» ва «...совун, тиш чўткасига ҳамшишалик дўст бола...». Болалар расмларни кўриб чиқадилар, шундан сўнг тарбиячи шу болалар ҳақида В. Маяковскийнинг «Что такое хорошо и что такое плохо» шеърини ўқиб беришини айтади. Расмларни кўриб чиқишнинг бошқа тарбиячининг шарҳсиз варианты бўлиши ҳам мумкин. Болаларга расмларни кўрсатиб: «Расмда нимани кўряпсиз? Бола нима қилляпти? Нима учун у қаргадан қўрқди?» деган саволлар берилади. Болалар саволларга жавоб берад эканлар, гапириб беришни ўргандилар.

Эртакнинг ғоявий-бадний мазмунини англашга суҳбат ёрдам беради. Тарбиячи ўз саволлари билан болаларнинг эртакка умумий муносабатларини, нима уларга кўпроқ ёққанини аниқлайди. «Нима учун эртак «Крылатый, мохнатый да масленый» деб аталган саволи болаларнинг эртак мазмунини унинг номи билан қиёслашларига ёрдам беради. Эртак мазмунини аниқлаш учун болаларга «чумчук, сичқон ва қўймоқнинг биргаликдаги ҳаёти ҳақида эртакнинг бошланишида қандай ҳикоя қилинади? Уларнинг ҳаётини нима ўзгартиради? Нима учун чумчукнинг жаҳли чиқди? деган ва бошқа саволлар бериш мумкин.

Тарбиячи эртак мазмунини шу йўсинда анализ қилар, экан, болаларнинг элтиборини умумий манфаат учун жиғлашган коллектив ишнинг муҳимлигига, ҳар ким ўз меҳрати билан барчага фойда келтириши зарурлигига, шунингдек, жанжал, домангирлик, ҳасад дўстлик ва бахтни бузишга олиб келишга қара-тади.

Мазмун бўйича бериладиган саволлардан ташқари катта гуруҳда асарнинг бадний хусусиятларини: композициянинг хусусиятлари, тугун, ечим, такрор, образларнинг гузаалиги, афсонавийлиги, тилнинг ифодалилигини очиш мақса-дидаги саволлар миқдори кўпаяди.

Агарда болалар айтиб утилган темалар бўйича берилган саволларга (Эртак-да қандай такрорлашларни сездингиз? Қандай ёрқин, чиройли ибораларни эслаб қолдингиз?) жавоб беришга қийиналсалар, тарбиячи текстдан кўчирма келтириб айтиб туради: «Бирга яшашарди, бирга туришарди, бир-бирини хафа қилишмасди», «Столга утиришарди-ю, мақтанишдан тўхташмасди», «Мен бўлсам ёғли қўймоқ, хурмагача бир шўнғиб чиқсам мана шу ҳам ёғлироқ!», «Улар мана шундай яшашарди, бир-бирини мақташарди, уларини ҳам хафа қилишмасди... «шунингдек қўйидагича савол ва топшириқларни: «Эслаб кўринг-чи, чумчукнинг жаҳли чиққанлиги ҳақидаги эртакда қайси сўзлар айтилган? (Оёқ-ларини таниллатиб, қанотарини қоқа бошлади)». Сичқон, чумчук ва қўймоқ дўстликлари бузилганлигидан жуда хафа бўлганликларини қайси сўзлардан билиш мумкин?» деган савол бериш мумкин.

Диққатни асарнинг маъносигагина эмас, балки бадний томонига ҳам қаратиш болаларнинг образли ибораларни эслаб қолишига, унинг мазкур контекстда ўринли ишлатилганлигини тушунишларига ёрдам беради.

Катта гуруҳда ҳикоя билан ишлашнинг мақсади — ғоявий мазмуннинг образли гидроқ этилишига эришиш, уни бадний шакл билан қиёслаш, ҳикоянинг жанр жиҳатидан ўзига хослигини, унинг эртакдан фарқини англаш, услуб хусусиятларини (қаҳрамонлик, лирик, юмористик, фантастик ва бошқалар) тушунишдир.

Мақтабга тайёрлаш гуруҳида болаларни бадний асарлар билан таништириш мураккаблашади, суҳбатлар анча жиддийлашади, саволлар кенроқ ва хилма-хил бўлади.

Тарбиячи суҳбат бошида худди кичик гуруҳларда бўлганидек боланинг асарга бўлган умумий қизиқишини аниқлайди, унинг текстда ўзига энг ёққан ва ёдида қолган эпизодни қайд қилишига ҳамда бунга ўз муносабатини билдиришига ёрдам беради. Шундан сўнг айрим персонажлар, қаҳрамон характерининг қайси хусусиятлари қандай сўзлар билан баён қилинганлигини сўрайди. Бу саволлар фикрни активлаштиради. Ҳар бир сўзнинг маъносини ўйлашга, таърифларнинг аниқ ва тўғрилигини пайқашга мажбур қилади. Асар номи ҳақидаги кейинги савол болани айрим эпизодларни қиёслаш ва бир бутун қилиб боғлашга, уларни асосий нарса атрофида тўплашга ҳамда ушбу асосий нарса асар номида қандай акс эттирилганлигини аниқлашга мажбур қилади. Агар гап эртак

ҳақида борса (масалан, «Сивка — бурка») тарбиячи эртак баёни-нинг типиклиги болалар томонидан эгалланган ёки эгалланмаган-лигини аниқлаш учун қуйидаги саволларни беради. «От қандай тасвирланган? У ҳақида қандай ҳикоя қилинади? Иванушканинг соҳибжамол навқиронга айланаши қандай юз беради?» Педагог, шунингдек Иванушканинг бир хилдаги ҳаракатлари неча марта қайтарилишини, эртак қандай сўзлар билан бошланишини ва якун-ланишини сўрайди, яъни болаларнинг эътиборини композициянинг хусусиятларига қаратади. Болалар услубнинг хусусиятларини, халқ лексикасининг ўзига хос хусусиятларини тушуниб олишлари-да қуйидаги саволлар орқали ёрдам бериш мумкин: «Текстда уч-райдиган қандай чиройли иборалар, такрорлашлар, мақол ва ма-талларни эслаб қолдингиз?» Машғулот охирида ижодий толшириқ берилади.

Болаларни бадний адабиёт асарлари билан таништиришда тар-биячи бу асарларни тасвирий санъат асарлари билан қиёслаши мумкин. Масалан, Ф. И. Тютчевнинг («Весенние воды») шеърини И. И. Левитанининг «Весна», «Большая вода» картинаси билан, А. С. Пушкиннинг «Зима» шеърини В. А. Серовнинг «На севере диком» картинаси билан, М. Зощенкoning «Охота» ҳикоясини Н. Жуковнинг «Птицы поют» картинаси билан қиёслаш мумкин. Бундай қиёслаш болалар идрокини чуқурлаштиради, тафаккур, ку-затиш, фикр юритиш, хулосалар чиқариш кўникмасини ўстиради. Бола бир ҳодисанинг ўзини шоир ҳам, рассом ҳам ўзига хос: шеърда ифодали сўз, картинада эса мўйқалам билан чизилган ёр-қин тасвир ёрдамида очиб беришини аста-секин тушуна бош-лайди.

Болаларни проза, поэзия, фольклор билан таништирадиган машғулот таркибий ва комбинациялаштирилган бўлиши мумкин. Бундай машғулотлар жараёнида тарбиячи текст билан таништи-ришни болаларнинг ифодали путқлари устида ишлаш, унинг грам-матик тўғрилигини такомиллаштириш иши билан бириктиради. Комбинация қилинган машғулотнинг иккинчи қисмида тарбиячи болаларга машғулотнинг асосий қисми билан боғланган ижодий ўйинлар, ўйин-машқларни тавсия қилади. Машғулотнинг сюжет-мазмунни яхлитлиги, унинг тематик бирлиги шундай йўл билан сақ-лаб қолинади. Тарбиячи болалар нутқининг грамматик тўғрили-гини такомиллаштирувчи машқларни тавсия қилар экан, шу орқа-ли адабий шеърини текстнинг умумий мазмунини болалар чуқурроқ эгаллашларини таъминлайди ва умумий мақсад билан бирлаш-ган бир қатор вазифаларни ҳал қилади.

Бадний асарлар билан таништириш бўйича машғулотларни бо-лаларнинг тасвирий фаолиятлари ва ижодий ҳикоя қилишлари бўйича машғулотларни ҳам назарда тутувчи комплекс планга ки-ритиш мумкин. Масалан, рус халқ эртаги «Снегурочка» учун урта бошқа-бошқа машғулотни ажратиш мумкин: биринчиси — эртакнинг тарбиячи томонидан айтиб берилиши, суҳбат (асар ана-лизи, ижодий машқлар, тематик топишмоқларни ўйлаб топиш, бо-



лалар нутқининг грамматик тўғрилигини такомиллаштирувчи машқлар); иккинчиси— тасвирий фаолият (болалар «Снегурочка» эртагининг мустақил танланган темаларини чизадилар); учинчиси — ижодий ҳикоя қилиш («Снегурочка» эртаги мотивлари асосида ўз эртагини ўйлаб топиш). А. С. Пушкиннинг «Сказка о царе Салтане...» асари ва бошқа асарлар бўйича ҳам шундай машғулотлар комплекси ўтказилади.

Замонавий ҳаёт шароитлари, илмий-техника прогресси болалар богчасида ўқитишнинг техник воситаларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Намойиш қилинаётган картинанинг динамиклиги, раңглилиги, ёрқинлиги ва намоишнинг ифодали ўқиш билан бирга олиб борилиши болаларда эмоционал кечинмалар қўзғайди, бу эса билиш фаолиятига асос, эстетик тарбияга замин яратади.

Бадний адабиёт бўйича машғулотларда қандай техника воситаларидан фойдаланиш мумкин? Уларни тарбиячининг ўқиб бериши ёки ҳикоя қилиши, иллюстрация материаллари кўрсатиш билан болаларнинг ўзларининг фаолиятлари — улар эгаллаган билим, малака кўникмаларни қайта тиклашларини намоиш қилишлари билан қандай боғлаш мумкин.

Мактабгача ёшдагиларни тарбиялаш ишида хилма-хил техника воситаларидан, энг аввало диафильмларни намоиш қилиш учун фильмоскоплардан, диапозитивларни кўриш учун эпидиаскопдан ёзилган овозларни тинглаш учун проигриватель ва магнитофондан фойдаланилади. Техника болаларни янги бадний текст билан таништиришда (унинг чуқурроқ идрок этилишига ёрдам беради), олинган билимларни мустаҳкамлашда, уларнинг болалар томонидан қанчалик эгалланганлигини текширишда, қайта айтиб бериш, ифодали ўқиш, ҳикоя қилишга ўргатишда, ўзи ҳикоялар тўқишида тарбиячининг ёрдамчисига айланмоқда. Бироқ техника воситаларидан фойдаланиш қатъий тартибга солинган бўлиши керак. У билан бошқа методик усулларни алмаштириш мумкин эмас. Агар бутун машғулот, диафильм кўриш ёки грампластинка тингладангина иборат бўлса, бадний нутқ тарбиясининг бир қатор программ вазифаларини амалга оширишнинг имкони бўлмай қолади, катта киши билан бола ўртасидаги бевосита жонли муомала бузилади.

Ўқитишда техника воситаларидан фойдаланишдан мисоллар келтирамиз.

Мактабгача тайёрлов группасида болаларни А. С. Пушкиннинг «Сказка о царе Салтане...» асари билан таништириш машғулотида тарбиячи қуйидагиларни вазифа қилиб қўяди: асарнинг гоёвий-бадний мазмунини очиб бериш, болаларни қаҳрамонлар (Шоҳ Султон; Гвидон маликалар, Оққуш малика)га тўғри характеристика бера билишга ўргатиш, уларга тилнинг шеърийлиги, образлиглигини кўрсатиш, такрорлашлар, қиёслашлар, ўткир ибораларни қайд қилиш ва уларнинг текстда зарурлигини тушунтира билишга ўргатиш.

Эртақ ҳажм жиҳатидан каттадир, барча вазифаларни бир маш-

ғулотда амалга ошириш қийин, шунинг учун аввал болаларга диaposитивлар кўрсатиш, бир вақтнинг ўзиде эртақни ўқиб ҳам бериш лозим. Рангли, ёрқин тасвир, тарбиячининг ифодали ўқиши кичкина тингловчиларга эмоционал таъсир қилиб, уларни кўрганлари ва эшитганлари устида фикр юритишга мажбур этади. Эртаси кун и машғулотда тарбиячи эртақнинг мазмунини эслатади, ундаи айрим эпизодларни ўқиб беради, сўнгра болага эртақнинг мазмунини, бадний хусусиятларини, ифодали воситаларини (такрорлашлар, образли қислашлар: «Гапни шундай гапирди», «жилгадай шилдирайди», «совуқ бақадай боқилди» ва бошқалар) англашга, шеър и текстни проза текстидан фарқлашини ўргатади, эртақ қахрамонлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадиган суҳбат ўтказиб, саволлар беради.

Агар адабий асарнинг ҳажми кичик бўлса, диaposитивлар бевосита машғулотда кўрсатилади. Масалан, С. Михалковнинг «Цирк» асарини ўқишдан олдин тарбиячи диaposитивларни кўрсатади. Болалар ўзларининг севимли цирк артистларини: ақлли, ўргатилган кучуклар, айиқчалар, шерлар, дорбозлар, жонглёрларни қизиқиш билан томоша қиладилар. Шундан кейин педагог текстни ифодали ўқийди, сўнгра суҳбат ўтказад и ва суҳбат давомида асар мазмуни болалар томонидан қанчалик тўғри эгалланганлигини текширади.

Диaposитивлардан бадний асарни фақат дастлабки, бошланғич идрок этишдагина эмас, балки таниш материални такрорлашда, болаларнинг қайта ҳикоя қилиш ва ифодали ўқиш малакаларини мустаҳкамлашда, улар иждодий вазифаларни бажараётганларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тарбиячи турли эртақларнинг айрим эпизодларини ҳам диaposитивлар билан иллюстрация қилиши мумкин, бундан кутилган мақсад бола улардан бирортасини таниб, мустақил гапириб бера олишидир.

Иждодий топшириқларни бажариш ва ифодали ўқиш малакаларини мустаҳкамлаш учун одамлар, ҳайвонлар, қушлар, айрим предметлар, сабзавотлар ва шу кабилар тасвирланган диaposитивларни намойиш қилиш мумкин. Болаларга ҳозир кўриб турган предметлари ҳақида топшироқ айтиш (ўзи олдиндан билганини ёки янғисини ўйлаб айтиш) таклиф этилади, ҳозир курадиганлари ҳақида (диaposитив кўрсатилади) ёки ҳозир биладигани ҳақида шеър айтиш тавсия қилинади (гуллар: чучума, момақаймоқ, бўтакўз тасвири туширилган диaposитив кўрсатилади). Машғулот ўйин формасини эгаллайди. Болаларда иложи борича кўпроқ шеърни ёдга тушириш, уларни ифодалироқ ўқиш, қизиқроқ топшироқлар айтиш иштиёқи тугилади.

Диaposитивлар ҳикоялар, эртақлар мазмунининг янада чуқурроқ идрок этилишига ёрдам беради. Болаларни тарихий-революцион мазмундаги асарлар билан таништиришда диaposитивнинг роли айниқса каттадир. Диaposитивлар давр руҳини ҳис қи-

лиш имконини беради. Бу жуда муҳимдир, чунки мактабга-ча тарбия ёшидаги болаларда тарихий истиқболни ҳис қилиш ҳали ривожланмаган, улар ўтмишни тасаввур қилишда, тарихий воқеаларни бирор маълум давр билан боғлашда қийналишади.

Болалар боғчасида адабий материалнинг яхшироқ эгалланиши ва эслаб қолиниши учун такрорий машғулотлар кенг қўлланилади. Бундай шароитда ҳам диафильмлар қўлланилади. Масалан, тарбиячи болаларга рус халқ эртаги «Хаврошечка»ни айтиб беради ва мазмунни яхшироқ тушуниб олишлари учун улар билан суҳбат ўтказади. Бир оз вақт ўтгач эртақ қайтадан энди диафильм кўрсатилган ҳолда ўқилади. Таниш қаҳрамонлар экранда жонланади, уларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракати, нутқи ёдда яхши сақланиб қолади. Нутқнинг афсонавий, шеърӣ оборотлари қиёслашлар, метафоралар билан бола нутқини сезиларли бойитади, уни образли ва ифодали қилади.

Санъат усталари ўқиган шеърларнинг граммофон ёзувларини тинглаш болаларни ифодали ўқишга ўргатишда, уларни драматизациялар қилишга тайёрлашда ёрдам беради.

Болалар боғчасида магнитофоннинг қўлланилиши ҳам хилма-хилдир. Педагог ундан лентага ёзиб олинган ҳикоялар, шеърлар, инсценировкалар билан болаларни таништиришда ёки бола ижроси ёзувини тинглаб, унинг бадий-нутқӣ фаолиятини анализ қилиш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу болаларга ўзлари уйлаб топган эртақлар, топишмоқларни ўзлари баҳолашларига, энг яхшиларини ажратишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, машғулотларнинг (қайта айтиб бериш, ёддан ифодали ўқиш бўйича) ва кўнгил очишларнинг магнитофон ёзувлари нутқни ўстириш бўйича иш методикасининг самаралилигини ёки аксинча камчиликларни қайд қилиш имконини беради, боланинг бадий-нутқӣ ўсишининг тадрижий ривожланиб боришини кузатишга (агарда болаларнинг бирорта эртақ ҳақидаги фикрлари, қайта ҳикоя қилишлари ёки ўз ижодлари юзасидан йил бошида ва охирида қилинган ёзув қиёслаб кўрилса) ёрдам беради.

Шундай қилиб юқорида айтиб ўтилганлар асосида тарбиячи ўзининг бадий адабиёт билан бўладиган педагогик ишида қўллайдиган қуйидаги материалларни айтиб ўтиш мумкин:

— болани проза, поэзия, фольклор билан таништиришдан олдин бўлиб ўтадиган суҳбат;

— болаларни асарни идрок этишга тайёрлайдиган тематик экскурсиялар;

— тарбиячининг болалар билан эмоционал алоқасини вужудга келтирадиган, уларда қаҳрамонлик ҳиссиётини бошидан кечиришни кўзгайдиган, фикрни актив ишлашга мажбур қиладиган туйғуларни ўстирувчи ифодали ўқиш ёки ҳикоя қилиш;

— асарни унинг мазмуни ва формасининг бирлигида эстетик идрок этишга ҳамда уни анализ қилишга ёрдам берадиган суҳбат;

— образли сўзлар ва она тилидаги ибораларни тушунишга



Катта группаларда бадий-нутқий машғулот.  
Наташа эмоционал, ифодали ҳикоя қияпти.

ёрдам берувчи шеърний эшитиш қобилиятини ўстирадиган ижодий топшириқлар;

— нутқнинг грамматик тўғрилиги ва ифодалилигини такомиллаштирувчи машқлар;

— сўз таъсирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи сюжетли репродукциялар, китоб иллюстрациялари, техника воситаларини қўллаш.

### *Ёддан ифодали ўқишга ўргатиш*

Тарбиячи болалар билан бу йўналишда ишлар экан уларни аниқ, табиий овоз билан, сўзлардаги барча товушларни аниқ талаффуз қилиб уларга ёрқин, образли интонациялар бериб дикломация қилишга, ўқиладиган текстга ўз муносабатини билдиришга ўргатишга ҳаракат қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги катта болалар ўз овозларини бошқара билишлари, темпни турлашлари, текстда маъноли моментларни ва урғуларни ажратиб беришлари, паузалардан фойдаланишлари керак.

Ёддан ифодали ўқишга ўргатиш бўйича машғулотнинг асосий принциплари қизиқарлилик, турли усуллар, шу жумладан, ўйин усулларини ҳам қўллашдир.

Шеърний текстнинг маъносини тушуниб эслаб қолиш учун бола идрокини бунга тайёрлаш зарур. Бунда шеър мазмуни билан болани ўраб турган воқелик ўртасидаги алоқани туғдирувчи суҳбат ёрдам беради. Масалан, ўрта группада Е. Благинанинг «Флажок»

шеърини ўрганишда тарбиячи болаларга байроқчани кўрсатиб, улардан худди шундай байроқчани қачон ва қаерда кўрганликларини сўрайди. Е. Серованинг «Колокольчик», «Одуванчик» шеърларини ўрганишдан олдин ўтказиладиган суҳбат яшил майсазорга уюштирилган тематик экскурсия бўйича берилган икки-уч саволга болаларнинг жавоб қайтаришларидан иборат бўлиши мумкин. Баъзан бу суҳбат тарбиячи топган шеър темасига мувофиқ келувчи расм бўйича ҳам бўлиши мумкин.

Бундай тайёргарлик ишларидан сўнг бутун асарни олдин тарбиячининг ўзи ўқиб беради (намуна беради), сўнгра текст бўйича суҳбат ва такрорий ўқиш ўтказилади, бунда болаларнинг эътибори текстнинг интонациясига қаратилади ва ниҳоят уни декламация қилиш болаларга (2—3 болага) ҳавола қилинади. Шеърни ёдлаш бадний образни, шеърини нутқнинг жаранглилигини, оҳангдорлигини, вазнлилигини ҳис қилиш, унинг интонацион ўзига хослигини тушуниш қобилиятларини ўстиради.

Тарбиячи машғулотга тайёрланар экан, машқ қилиб шеърни ифодалироқ ўқишга ўрганади, суҳбатни пухта ўйлаб чиқади, мазмун ва шакл бирлигини бола онгида бирлаштиришга ёрдам берадиган аналитик характердаги саволлар тузади. Масалан: «Шеърда нима ҳақида гапирилади?» Қим биринчи бўлиб, «Мудрок қирғоқни уйғотади» ва баҳор келганлигини «эълон қилади?» (Ф. Тютчев. «Весенние воды»). Қайси сўзлар такрорланади ва нима учун? Нима учун шоир баҳорни кўйлаяпти деган фикрга келдингиз? (Я. Колас. «Песня о весне») Нима учун Совуқ ҳурпайган деб аталган? Баҳор қуёши, жилғалар қандай сўзлар билан таърифланган? Баҳорда ер қандай кўринишда бўлади? Нима учун бойчечак разведкачи, баҳор элчиси деб аталган? (Е. Серова. «Подснежник»).

Болаларнинг жавоблари текстга яқин бўлиши керак. Худди мана шундагина улар образларнинг шеърини ҳис қиладилар, тапиш нарсалар ҳақида чиройли гапириш мумкинлигини тушунадилар, вазннинг ўзига хослигини, шеърини бўғиннинг оҳангдорлигини сезадилар, асарнинг жанр жиҳатидан ўзига хос хусусиятини англайдилар. Буларнинг барчаси шеърни эслаб қолишга, уни ёддан айтишга ёрдам беради. Бунда нима ўқилди, шеърми ёки ҳикоями, уларнинг фарқи нимада, деб берилган савол болада қийинчилик туғдирмайди.

Текст чуқурроқ англаниши учун тарбиячи болаларга шеър темасига мувофиқ келувчи расмлар кўришни тавсия қилади. Шеърни бадний ўқиш усталари ижросидаги граммофон ёзувини тинглаш шеърни эслаб қолиш ва ифодали ўқишга яхши ёрдам беради.

С. Есениннинг «Поет зима — аукает...» шеърини ёд олиш бўйича машғулотнинг тахминий конспектини келтирамыз:

Машғулотга тайёрланиш. Тарбиячи шеърини анализ қилади: шеърнинг гоёвий мазмунини, унинг бадний ифодаланиш усулларига мувофиқ келишини аниқлаб олади, шеърнинг асосий оҳангдорлигини, кайфиятини белгилайди, ундаги сюжет, мапикций, маъноли қисмларни ажратади, уларга саволлар тайёрлайди:

«Бу қисмда автор нима демоқчи? У қандай манзарани тасвирлаган? Тингловчида қандай кайфият тугилади?»

Мазкур асарда тўртта маъноли қисм: 1) қиш ўрмонининг тасвири; 2) қор бўрони ва ҳовлида совуқ қотган қушлар; 3) кўчаётган қор бўрони ва 4) мудраётган қушларнинг баҳор-ҳақидаги орзуси ажратилади.

Биринчи қисмда автор уйкуга кетган, бўрон томонидан аллаланган ўрмон манзарасини тасвирлайди. Уни оҳангдор, шовилмай ўқиш лозим. Иккинчи қисмда худди «етимлар сингари бир-бирининг иinjига кириб дераза олдида турган оч, чумчуқларга ачиниш ҳиссини интонация орқали ифодалаш керак. Учинчи қисмда овоз бир оз баландлашади ва ўқиш темпи тезлашиб, бўрон тасвирини яратади, бўрон эса «қутурган ҳайқириқ билан дераза ойналарига урилади». Сўнгги қисм — якуни ўйланиб, баҳор билан бирга келувчи шодликни ҳис қилиб ўқиш лозим.

Тарбиячи болалар билан бўладиган суҳбатни ўйлаб қўяди, бу суҳбатлар учун саволлар тузади, иллюстрация материалларини тайёрлайди.

Машғулотнинг программ мазмуни. Болаларда шеърни эмоционал ҳис қилишни уйғотиш. Уларга табиат ҳодисаларини шеърини образлар билан қиёслаш мумкинлигини кўрсатиш, бу эса ўз навбатида текстни онгли эслаб қилиш имконини беради. Шеърни маълум интонация билан, тўғри мантикий урғулар қўйиб, сўзларни аниқ талаффуз қилиб, овоз темпи ва кучли талаффуз этилаётган текстга мувофиқ келишини кузатиб ифодали ўқишга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси ва машғулотнинг бориши.

1. Тарбиячи шеърни ўқишдан олдин болалар билан қиш ҳақида суҳбат ўтказиши ва болалар йилнинг бу фасли ҳақида нималарни билишларини аниқлайди. Буни фақат машғулотда эмас, балки экскурсия, сайрлар вақтида болалар эътиборини қиш манзарасига тўриб ўтказиш ҳам мумкин. Тарбиячи болалар билан ҳамкорликда қиш ҳақидаги шеърлар, топилмоқларни ёдга туширади.

2. Темани маълум қилиш. «На родине С. Есенина» комплексида рангли диапозитивлар (Ёзувчининг портрети. Константиновка қишлоғи. Ота-онасининг уйи. Хона бурчаги. С. Есенин ижод этган стол. Рязань кузи) намойиш қилиш. Тарбиячи диапозитивлар кўрсатишни ижод ҳақида, Есенин ўз Ватанининг табиятини жуда севганлиги ҳақида гапириб бериш билан қўшиб олиб боради. У Ока дарёсининг баланд қирғоғига жойлашган қишлоқда тугилиб ўсган. Бу қирғоқдан кенг, яшил ўтлоқлар, ўрмон ва қўллар кўришиб турарди. Она табиатнинг гўзаллиги унга ажойиб шеърлар яратишида ёрдам берган.

Бундай кириш сўздан сўнг тарбиячи шеърни ифодали ўқиб беради.

3. Қуйидаги саволлар бўйича суҳбат:

Шеърда нима ҳақда гапирилади?

Шоир қиш ҳақида худди жонли мавжудот ҳақида гапираётгандеклиги қайси сўзлардан сезилиб турибди.

Чумчуқчалар ҳақида нима дейилади? Улар нималар билан қиёсланади?

Нима учун ўрмон «пахмоқ» дейилган?

Қор бўрони ҳақида қандай гапирилади? «Нозик қушчалар» нималарни орзу қилишади? Баҳорни улар қандай тасаввур қиладилар?

4. Суҳбатдан сўнг шеър такроран ўқилади, сўнгра эслаб қолган болаларга шеърни ёддан айтиш топширилади. Тарбиячи уларнинг ёддан айтишларининг ифодалилигига эътибор беради, тўғрилайди, нима учун бошқача эмас, шундай ўқил кераклигини ташутиради.

5. Машғулот охирида нутқнинг образлилигини ўстирувчи ижодий машқлар тавсия қилинади:

— берилган сўз (ўрмон, булут)га таъриф топиш;

— «чумчуқчалар» сўзига қиёсланадиган сўзни топиш.

Тарбиячи болаларга ўрмон шеърда «пахмоқ» деб айтилганини эслатиб сўрайди: «Ўрмонни яна нима деб аташ мумкин? Ўрмоннинг ўзи қандай? Чумчуқлар етим болалар билан қиёсланадими? Уларни яна нималар билан қиёс-

лаш мумкин?» Худди шундай саволларни педагог бошқа образли қисёлаш керак бўлган сўзлар бўйича ҳам беради.

Машғулотдан сўнг китоб бурчагига С. Есениннинг иллюстрацияли китобини қўйиш мумкин. Расмларни кўриш болаларнинг шеърни тезроқ эслаб қолиши ва уни ёддан айтиш иштиёқларини рағбатлантиради.

### *Нутқнинг ифодалилиги ва образлилигини ўстириш*

Болаларнинг бадний-нутқий ўсишлари курсаткичларидан бири улар нутқининг образлилиги, ифодали ўқиши ва ҳикоя қила билишидир. Бу хусусиятлар шеърни ёдлаш ва ёддан айтиш, мақолларни эслаб қолиш, топшмоқлар айтиш, махсус машқлар жараёнида ўсади.

Тарбиячи ифодали ўқиш намунасини берад экан, болаларда асарга нисбатан қизиқиш уйғотади. Улар шеърний оборотларни, характерли ибораларни эслаб қоладилар ва уларни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Аниқ талаффузни таркиб топтиришга тез айтишлар ёрдам беради. Аввал оддий текстлар билан секин темпда машқ қилиш, уни аста-секин мураккаблаштириб ва темпни ошириб бориш керак. Талаффузига кўра бир хил ёки яқин бўғинларни такрорлаш нутқ аппаратини ўстиради, дикцияни яхшилайти, бу эса ифодали ўқиш учун зарурдир.

Шеърний қобилият, яъни ифода воситаларини ажратиш ва уларнинг мазмун билан нисбатини аниқлаш қобилиятини активлаштиришга ижодий топшириқлар ёрдам беради. Топшириқларнинг характери ва мазмун педагогик жараёнинг конкрет вазифалари билан аниқланади. Катта мактабгача тарбия ёшида қуйидаги типдаги топшириқлар берилиши мумкин:

— топшмоқлар айтиш ва топш, булар зийраклик ва кузатувчанликни ўстиради. Болалар бу ўйида бажону дил иштирок этадилар, улар фақат ўзларига маълум топшмоқларни айтишинигина эмас, янгиларни ўйлаб топишни ҳам яхши кўрадилар;

мақол, маталларни ёддан айтиш. Бу топшириқлар болага ўз фикрини қисқа, аниқ, тушунарли ва образли ифодалаш малакасини эгаллашида ёрдам беради, шу билан бирга шеърний нутқининг оҳангдорлиги ва ритмининг ҳис қилиш қобилиятини шакллантиради;

— берилган сўзга таърифлар ўйлаб топиш (*ўрмон — қалин, ўтиб бўлмас* ва шу кабилар);

— айрим текстларни қофиялаш, бу шеърний нутқининг хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Бундай топшириқлар шеърний асар билан танишни бўйича машғулот охирида бажарилади. Болаларга қуйидагича ўйин тавсия қилинади: охири бир хил айтила-диган сўзларни ўйлаб топиш. Тарбиячи бир сўзни айтади, болалар эса бошқа сўзлар билан қофиялайдилар: *боғ-тоғ* ва *ҳоказо*.

Ифодали ёддан айтиш ва ҳикоя қилиш малакаси шакллантирилар экан, болаларни бадний нутқни ҳис қилишга ўргатиш, уларда сўзга нисбатан уқувлиликни ўстириш, нутқ техникасига,

тугри нафас олиш, аниқ дикция, уз овозини бошқара билишга ўргатиш лозим. Бу уринда махсус топшириқлар бажариш фойдалидир. Нутқнинг ифодалилиги ўстирилар экан, қайта ҳикоя қилишда персонажларнинг характерини интонация ёрдамида таъкидлаш лозим. Масалан, «Волк и семеро козлят» эртагида бўрининг ўрнига паст, дағал овозда ,улоқлар ўрнига эса заиф, ингичка овозда гапириш лозим ва шу кабилар. Шунингдек, аини битта жумланинг ўзини турли оҳангларда айтиб, кайфият аниқланадиган топшириқлар ҳам бўлиши мумкин. Тарбиячи «Қиш келди» жумласини гоҳ қувноқ-қутаринки, гоҳ ғамгин-ташвишли талаффуз қилади. Болалар қайси ҳолатда шодлик, қайси ҳолатда ғамгин туйғу ифодаланаётганлигини аниқлашлари керак. Болани текстдаги мантиқий урғуни ажрата билишга ўргатиш учун уларга тўрт қатор шеърни ўқиб бериб нима учун у ёки бу сўзни ажратиш лозимлигини сураш мақсадга мувофиқдир. Бунга ўхшаш топшириқлар бундай малаканинг такомиллашишига ёрдам беради, бола нутқини ифодали оҳанглар билан бойитади.

Нутқнинг образлилиги бадий текстларни тинглашда, ёд олишда ҳам махсус ижодий топшириқларни бажаришдагидек берилган сўзга синоним танлашда (*йўл — кўча, хафа—ғамгин, қувноқ — шод*), антоним топишда (*ёруғ—қоронғи, шод—хафа*), қиёслаш ўйлаб топишда (*қийёш—гўё саҳий сеҳрғар*) ўсади. Бундай топшириқларни бажарар эканлар, болалар сўзларнинг маънолари устида ўйланиб қоладилар, у ёки бу белги, предмет, ҳодисани аниқ таърифлашга ҳаракат қиладилар. Улар сўзнинг образлилиги ҳақидаги дастлабки тасаввурни эгаллайдилар, уларда сўзнинг турли маъно оттенкаларини тушуниш ўсади.

### *Гапириб бериш ва ҳикоя қилиш*

Бадий-нутқий тарбиянинг вазифаларидан бири қайта гапириб беришга, ҳикоя қилишга ўргатиш, оғзаки ижоднинг бошланғич формаларини ўстиришдир.

Тарбия программаси ўрта группадан бошлаб гапириб беришга ўргатишни ва аста-секин (текстдан нимани эслаб қолган бўлсалар, шунга гапириб беришнинг) мактабгача катта ёшдаги болаларни гапириб беришнинг анча мураккаброқ формаларига ўргатишни назарда туттади. Агар тўрт ёшли болалар ўзларига кичик группадан маълум бўлган («Теремок», «Курочка ряба» ва бошқалар) қисқа эртаклар мазмунини тарбиячининг саволлари ёрдамида гапириб бера олсалар, каттароқ болалар ҳикоя ёки эртакнинг мазмунини ўз нутқларида эртак такрорлари, доимий эпитетлари, образли ибораларни таъкидлаб ва қўллаб, мустақил тарзда изчил, мантиқий эмоционал гапириб бера оладилар.

Гапириб беришга ўргатиш машғулоти методикаси хилма-хилдир. Булар фланелеграф, стол театри, иллюстрациялардан фойдаланиб ўтказиладиган машғулотлар бўлиши мумкин. Тарбиячи болаларга таниш бўлган персонажлар тасвирланган расм-



ларни олдиндан тайёрлаб, улардан бирини фланелеграфга кўчириб, болалардан у қайси эртақданлигини айтиб беришини сураш. Шундан сўнг болалардан бири эртақни гапириб беради, унинг сюжетининг ривожланиши фланелеграфда тасвирланиб туради. Гапириб беришни қисмлар бўйича ўтказиш ҳам мумкин. Бола ўртоқларининг ҳикоясини баҳолайдилар, энг яхшисини ажратиб, у нима учун кўпроқ ёққанлигини айтадилар. Болаларни уз дошларининг ижроларини мустақил, асосланган бундай болалардан намуна бериб, баҳолашга ургатиш керак. Маса текстдаги энг характерли шеърни оборотлар, персонажлар хаттерини очиб берадиган тасвир воситалари қўлланган қайта айтиб беришни энг яхши намуна деб эълон қилиш.

Олдиндан таниш бўлмаган материални гапириб бериш бўйича машғулот қуйидагича ташкил қилинади: текстни аввал тарбиячининг ўзи ўқийди, суҳбат ўтказилади, бунда асарни анализ қилишчи саволлар бериб, сўнгга текстни яна бир марта ўқийди, шундан сўнггина болалар унинг мазмунини иллюстрациялар, сўз қўғирчоқ театри ёки диалоглар ёрдамида гапириб беради. Роллар бўйича ҳам гапириб бериш мумкин. Таниш эртақларни гапириб бериш машғулотларида болага асарни ва унга мувофиқ келувчи кўрсатмаларни воситаларни мустақил танлаш имкони берилади. Текст олдиндан таниш бўлганлиги учун гапириб беришдан мазмунни баён этишда маънавийлик ва изчилликни, танишнинг ёрқинлигини, образлилигини — нутқда эртақка хос оборотлар, эпитетлар, такрорлар, муқаддима ва хотимадан фойдаланишни, мазмунга, қаҳрамонларга ўз муносабатини билдиришни, нутқнинг интонацион ифодалилигини талаб қилиш мумкин.

Қайта сўзлаб бериш болаларнинг мустақил бадиий-нутқий фаолиятларида ҳам кенг қўлланади. Улар машғулотларда эртақда қолган ва ёд олган бадиий текстларни бир-бирларига гапириб берадилар, уларни драмалаштиридилар.

Тарбиячи болалар ижросининг ифодалилигига катта эътибор бериши лозим. Бунга фақат юқорида қайд қилинган машғулотларгина эмас, балки машғулотлардан ташқари вақтларда музикали адабий ишқенировкаларнинг граммофон ёзувлари тинглаш ҳам ёрдам беради. Масалан, таниш эртақни бундай тинглаш бола нутқини ўстиради ва сезиларли бойнатади, унинг хотирасида маълум эртақ оборотлари, иборалар, қиёслашларни ўрнашиб қолишига, бирор персонаж томонидан ижро этиладиган қўшиқнинг эса қолишига ёрдам беради. Болалар турли оҳангларни берилиб тинглаш эканлар, кейинчалик гапириб бериш драматизациялаштиришда унга тақлид қилишга ҳаракат қилишади. Пластинка тинглаб бўлингач, тарбиячи болалар билан ижронинг ифодалилиги ҳақида албатта суҳбатлашиши керак. Масалан, «Три поросёнка» эртаги тинглангач, қуйидагича, суҳбат ўтказилиши мумкин:

Тарбиячи. Буни эшикни очишларини қандай овоз билан талаб қилди?  
Саша (наст, ириллаган овозда, бўйруқ оҳангида). Ҳозироқ эшикни

Тарбиячи. Бўри чўқчаларни алдамоқчи бўлгандай қандай гапирди? Ира (*ингичка, ёқимли овозда, сўзларни чўзиб*). Бу мее-и, бечора қўзи-чоқман!

Тарбиячи. Бўридан қочаётган чўқчаларга нима учун ачинасиз? Миша. Улар мунгли, қўрқиб чийиллашади.

Болалар кейинчалик гапириб беришда ва ҳикоя қилишда қўл-лайдиган ижрочилик малакаси ана шундай мустақамланади.

Гапириб беришнинг ҳар хил турлари (расм, тажриба, оғзаки намуна бўйича) дан катта мактабгача тарбия ёшида ижодий гапириб бериш малакасини таъкидлаш лозим. Бу малакани болалар нутқни активлаштирувчи турли топшириқларни бажариш: сўзга таъриф бериш, қофияланувчи сўзларни танлаш, синонимлар, антонимлар, қиёслашларни топиш, маълум ёки исталган темада топишмоқ, эртақлар тузиш жараёнида эгаллайдилар.

Бундай топшириқлардан мисоллар келтирамиз:

1. Болаларга бирор ҳайвон ҳақида топишмоқ айтиш топширилади, бунда гап қайси ҳайвон устида бораётганлигини топишмоқ мазмунидан англаш мумкин бўлсин. Болалар топишмоқларини айтишади: «Семиз, қўнғирман, асални яхши кўраман, ўрмонда яшайман, панжамни сўраман», «Сариқ алдамчи товук ўғриси, кечаси ўз уйида ухламайди».

2. Айти шу сўзни, масалан, «шодланиш» сўзини ифодалайдиган, бироқ бошқача айтиладиган сўзни ўйлаб топиш таклиф қилинади.

3. Бир неча болага навбати билан қўғирчоқ ҳақида, бир-бирларини такрорламай гапириб бериш топширилади. Бола масалан, қуёнга қараб сўзлаб беради: «Қуён оппоқ, сержун, қулоқлари узун, думи кичкина, чиройли, бўйнида қўнғироқчаси бор, сахий, қўрқоқ, ҳуркак». Шундан сўнг тарбиячи бу ўйинчоқ қуённи бошқаси билан қиёслашни сўраб, кул ранг, анчагина катта қўғирчоқ қуённи кўрсатади. Бундай топшириқлар ўз фикрини образли ифодалаш малакасини ўстиради, ижодий ҳикоя қилишга тайёрлайди.

4. Ҳар бир болага ўзича эртақ ёки ҳикоя ўйлаб топиш тавсия қилинади. Бунда эътибор персонажлар танлашга қаратилади («Эртагингда нима ҳақида гапирасан?»—«Тулки ва қуён ҳақида», «Тулки, қуён ва кучук ҳақида»), эртақ айтишнинг характерли хусусияти эслатилади («Эртақ қандай сўзлар билан бошланади?»—«Бор эканда, йўқ экан», «Баланд тоғлар ортида, шовиллаган ўрмонда»). «Эртақ нима билан тугайди?» деган саволга болалар турлича жавоб берадилар. Баъзилари «Шу билан эртақ тамом, омон бўлинг, вассалом» деса, бошқалари ўз жавобларида мазмуннинг моҳиятини айтадилар: «Яхши энгади, ёмон энгилади». Бундай топшириқларни бажаришда фланелеграф, стол театри, образли ўйинчоқлардан фойдаланиш назарда тутилади. Боладан нимани гапириб бериш (эртақ, ҳикоя), уни нима билан иллюстрация қилиш (фланелеграф, стол театри, мувофиқ келувчи расмлар) вазифасини мустақил ҳал қилиш кўникмаси талаб қилинади. Беш-олти ёшли болаларнинг ижодий фаолиятлари

мактабга тайёрлов группасидаги болалар фаолиятига нисбатан кўпроқ даражада тарбиячи томонидан йўллаб борилади. Тарбиячи болага ҳикоя планини тузишида, композициясини ўйлашида ёрдам беради, у билан эртакни баён қилишнинг характерли хусусиятларини такрорлайди.

Машғулот якунида тарбиячи саволлар ёрдамида болаларга ўз ўртоқларининг ижодларини баҳолашларига ёрдам беради. Тания: «Сашанинг эртаги менга кўпроқ ёқди, чунки у жуда яхши бошланади: «Бор эканда, йўқ экан, чопқир қуён, тулки хола ва Барбосик лақабли кучукча бор экан». Эртак қисқа ва қизиқ. Қуён билан кучукча иноқ бўлиб яшашарди, улар айёр, алдоқчи тулки холани уйларидан қувиб чиқардилар».

Болаларнинг мустақил ижодларидан олдин уларнинг тарбиячи билан ҳамкорликдаги ижодлари бўлиб ўтади, бундай ижод билан аввал тавсия этилган сюжетни давом эттиришида, баёни кенгайтириб беришни фақат эртак ёки ҳикоянинг бошланишига кўра эмас, балки сюжет воқеасининг асосий ўринларидан ҳам ўрганишда намоён бўлади. Халқ эртақларини яхши эслаб олган бола ўз персонажларини мустақил ўйлаб (аналогия бўйича) топа бошлайди.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган ва амалда текшириб кўрилган машғулот турлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг бадий-нутқий тарбиясини ташкил қилишдаги асосий машғулотлар ҳисобланади.

## Музыка фаолияти

### *Музыка тарбиясининг вазифалари*

Бола учун музыка қувноқ кечинмалар дунёсидир. Унинг олдида бу дунёнинг эшигини очиш учун унда қобилиятларни, энг аввало музыка оҳангларини тўғри қабул қилиш ва эмоционал илтифотлиликни ўстириш лозим. Акс ҳолда музыка ўзининг тарбиявий функцияларини бажара олмайди.

Илк болалигида кичкинтой музикани ўз атрофидаги товушлар, шовқинлардан фарқлайди. У ўз эътиборини тингланган куйга қаратади, маълум вақт жим қолади, тинглайди, унга жилмайиш, ғуғулаш, айрим ҳаракатлар билан жавоб беради, «жонланишлар комплексини» намоён қилади.

Каттароқ болалар анчагина ўсган психологик қобилиятларга эга бўладилар. Улар ҳодисалар ўртасидаги баъзи алоқаларни англайдилар, оддий умумлаштиришларни амалга ошира оладилар — масалан, музыка характерини, ижро этилган пьеса қайси белгиларига кўра қувноқ, шодмон, сокин ёки ғамгин эканлигини айтиб бера оладилар. Уларга характерига кўра турлича бўлган қўшиқларни қандай куйлаш кераклиги, тинч хороводда ёки ҳаракатли рақсда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақидаги талаблар ҳам тушунарлидир. Музыка қизиқишлари ҳам шаклланади: фаолиятнинг у ёки бу турига, музыка жанрига мойиллик

билдирилади. Олти-етти ёшга келиб, бадий диднинг бошланғич куртакларининг намоён бўлиши — асарга ва унинг ижросига баҳо бера билиш қобилияти кузатилади.

Бу ёшда ашула айтиладиган овоз жарангдорлик, оҳангдорлик, ҳаракатчанлик касб этади. Диапазон тенглашади, вокал интонация анча барқарорлашади. Агар тўрт ёшли болалар ҳали ҳам катта киши қўллаб-қувватлаб туришига муҳтож бўлсалар, системали тарзда ўқитиш натижасида олти ёшли болаларнинг кўпчилиги музыка асбоби жўрлигисиз ҳам куйлай оладилар.

Музыка машғулотларида болаларнинг хатти-ҳаракатлари ўқув ва ижодий топшириқлари бажаришга йўлланади. Улар ижрочилик малакаларини эгаллайдилар ва ўзларининг содда оҳанглари ни бадиҳа қиладилар, турли рақсларни ижро этишда эса турли рақс ҳаракатларини, музыкали ўйин образларини ўзларича ифода-далашга уринадилар.

Бола шахсининг ҳар томонлама камол топиши эстетик тарбиянинг ахлоқий, ақлий ва жисмоний тарбия билан узвий алоқаси туфайли рўёбга чиқарилади. Ғоявий-ахлоқий таъсирнинг амалга оширилишига тўғри ишлаб чиқилган ва болаларнинг ёш имкониятларига мувофиқ танланган программа ёрдам беради. Бироқ энг асосийси — музиканинг ўзига хос хусусияти туфайли шаклланадиган «ҳиссиётлар мактаби» бўлиб, тингловчида биргаликда ҳис қилиш туйғусини уйғотишдир.

Музыка машғулотларида билиш ва ақлий фаолиятлар ҳам активлашади. Болалар музикани диққат бериб тинглар эканлар, кўп нарсаларни билиб оладилар. Бироқ, бунда улар музиканинг энг умумий хусусиятлари, энг ёрқин образларинигина идрок этадилар. Агар боланинг олдига музикани эътибор бериб тинглаш, унинг ифода воситаларини фарқлаш, қиёслаш, ажратиш вазифалари қўйилган бўлса, эмоционал муносабат ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу ақлий ҳаракатлар бола ҳиссиёти ва кечинмалари доирасини бойитади ҳамда кенгайтиради, уларга онглилик беради.

Музыкали эстетик тарбиянинг гармониклигига музыка фаолиятининг мактабгача ёшдаги болаларга тушунарли бўлган барча турларидан, ўсиб келаётган инсоннинг барча имкониятларидан фойдаланилган тақдирдагина эришиш мумкин. Шу билан бирга педагогик вазифалар мураккаблаштирилар экан, болаларнинг ўзларига хос таъсирчанликларини суистеъмом қилмаслик лозим. Музыка санъати, унинг ўзига хос хусусиятлари педагогнинг олдига бир қатор специфик вазифаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўяди:

1. Музыкага муҳаббат ва қизиқишни тарбиялаш. Фақат эмоционал берилувчанлик ва мойилликни ўстиришгина музиканинг тарбиявий таъсиридан кенг фойдаланиш имконини беради.

2. Болаларни муайян уюштирилган система ёрдамида турли хилдаги музыка асарлари ҳамда унда фойдаланиладиган ифода воситалари билан таништириб, уларнинг таассуротларини бойитиш.

3. Болаларда музика ҳамда ашула айтиш, ритмика, болалар музика асбобларини чалиш соҳасида энг оддий ижрочилик малакаларини шакллантириб, уларни музика фаолиятининг хилма-хил турларида қатнаштириш. Уларни музика саводининг бошланғич элементлари билан таништириш. Буларнинг барчаси болаларга онгли, бевосита, ифодали ҳаракат қилиш имконини беради.

4. Болаларда умумий музика қобилиятини (сенсор юқори ладда эшитиш, ритми ҳис қилиш қобилиятларини) ўстириш, хонандалик овози ва ҳаракатларнинг ифодалилигини таркиб топтириш. Агар мазкур ёшда болани актив амалий фаолиятга ўргатилса ва қатнаштирилса, унинг барча қобилиятлари шаклланади ва ўсади.

5. Бошланғич музика дидининг камол топишига ёрдам бериш. Музика ҳақида олинган таъсир ва тасаввурлар асосида аввало ижро этилаётган асарларга нисбатан танлаш, сўнгра эса баҳолаш муносабатлари намоён бўлади.

6. Болаларда музикага, энг аввало уларнинг бундай фаолиятлари учун қулай бўлган музика ўйинлари ва хороводларга образларни ифодалаш, таниш рақс ҳаракатларида янги бирикмалар қўллаш, хиргойи қилишларни бадиҳа қилиш каби фаолиятларга ижодий муносабатни ўстириш. Бу кундалик ҳаётда ўрганилган репертуардан фойдаланиш, музика асбобларини чалиш, ашула айтиш, рақсга тушишларни қўллашдаги мустақилликни, ташаббус, иштиёқни аниқлаш имконини беради. Албатта юқоридагиларнинг намоён бўлиши кўпроқ ўрта ва катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун характерлидир.

### **Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг бошланғич музика фаолиятлари турларини бошқариш методикаси**

Музика болага ҳаётининг биринчи ойларидаёқ таъсир этувчи санъатдир. Музиканинг эмоционал таъсири бошланғич жавоб ҳаракатларининг пайдо бўлишига имкон беради. Бу ҳаракатларда музикага бўлган асосий қобилиятларнинг аста-секин шаклланиш асосларини кўриш мумкин.

Болаларнинг бу йўналишдаги ўсишлари муваффақиятли амалга ошиши учун музика тарбияси бўйича ишларни музиканинг хусусиятини ҳамда болаларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозим.

Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларни музика фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш, уларда музикага эътибор ва қизиқишни таркиб топтириш, уларни айрим ижрочилик малакаларини эгаллашга тайёрлаш музика тарбиясининг мазмуни ҳисобланади.

Педагог бола ҳаётининг биринчи йилларидаёқ уларни музика билан таништиради, уларда энг оддий куйларни (куйланган ёки болалар музика асбобларида ижро этилган) тинглаш тажрибасини орттириб, бунга овоз ёки ҳаракат воситасида жавоб қайтариш-

га ундайди, болада ўсишнинг кейинги босқичларида актив музика фаолияти учун замин яратади.

Айни вақтда асосий музика қобилиятлари: музикага эмоционал муносабат, музикани тинглай билиш, ритмни ҳис этиш ҳам пайдо бўла бошлайди.

Болаларда бадний фаолиятнинг барча турлари ўсишида энг муҳим звено музика-ҳиссиёт қобилиятининг шаклланишидир. Н. В. Ветлугина музика кечинмалари аслини олганда доимо сенсор қобилиятга асосланади, чунки музика — энг оддий ҳам-оҳанглик ҳам, мураккаб образлар ҳам энг аввало ҳиссиёт орқали идрок этилади деб таъкидлайди. Шунинг учун сенсор процесслари асарни яхлит идрок этишни, ифода воситаларини дифференциация қилиш ҳамда илк болалик ва кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун жуда муҳим ҳисобланувчи музика товушларининг айрим хусусиятларини идрок этиш билан боғлиқ намоён бўлишларини акс эттиради. Болаларнинг музика — сенсор қобилиятларини ўстириш асосида тинглаш, фарқлаш, товушнинг тўрт асосий хусусияти: йўғонлик, узунлик, тембр, кучни такрор бера билиш ётади.

Дидактик характерда (ўйин формасида)ги бир қатор топшириқлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни бажаришда музика товушларини тинглаш, қиёслаш ва фарқлаш, уларни интонацияларда куйлаш, ритмик ҳаракатларда ифодалаш орқали ёдга тушириш, баъзи музика асбобларини чала билиш керак. Бу топшириқларнинг энг оддийларини болалар илк ёшлик вақтларида бажара оладилар.

Музикали-сенсор қобилиятни ўстирувчи машқлар қўйилган дидактик вазифаларга мувофиқ тарзда группалаштирилади.

Товушнинг йўғон-ингичкалигини фарқлаш топшириқлари. Икки ёшдаги болалар учун йўғон-ингичкалиги ҳар хил бўлган товушларни фарқлаш бўйича биринчи топшириқ сифатида овозли ўйинчоқлар: катта ва кичик хўроз, мушук ва мушукча, катта-кичик айиқ, қўғирчоқлар ва шу кабилар қўлланилади. Бола икки ёшга тўлиш арафасида ва уч ёшда бу топшириқ болалар музика асбобларини қўллаш воситасида бажарилади. Болалар катта ва кичик барабан, доира, (ҳар хил рангли), қўнғироқчаларнинг йўғон ва ингичка товуш чиқаришини тинглайдилар ҳамда фарқлайдилар. Бунда металлофондан ҳам фойдаланилади. Болаларга До<sub>1</sub> ва До<sub>2</sub> товушлари чалиб берилади ҳамда айни вақтда катта ёки кичик қушча тасвирланган расм ёки мос келувчи қўғирчоқлар кўрсатилади. Бу товушлар такрор эшиттирилганда болалар расм ёки ўйинчоқни кўрсатиб, «қайси қушча сайраётганлиги»ни билиб оладилар.

Уч-тўрт ёшдаги болалар контраст товушларни фақат фарқлабгина қолмай, балки ўзлари ҳам қайта ифодалай оладилар. Масалан, Е. Тиличеванинг<sup>1</sup> «Чей домик?» музикали-дидактик

<sup>1</sup> Қаранг. Музыка в детском саду. Вып. I. М., 1965.

ўйинида бола мушук ёки унинг боласининг миёвлашига йўғон ёки ингичка товуш билан тақлид қилади.

Товуш чўзиқлигини фарқлаш топшириғи. Бу топшириқлар ҳам олдингилари сингари болалар томонидан бирор образли ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган турли чўзиқликдаги товушларни идрок қилиш ва қайта айтиб бериш асосида тузилади. Масалан, доирани ора-сира чалиш — «айиқ келяпти», тез-тез чалиш «қуёнчалар сакраяпти» ўйин образларини англатиши мумкин. Икки ёшли болалар педагогнинг доира, барабани ҳар ритмда уриб, ўйинчоқлар билан ҳаракат қилишини кузатадилар, холос. Уч ёшда ўйин образи билан боғлиқ бўлган: «мушук келяпти», «мушук чопаяпти» контрастини бир текис ритмда доира, барабанга мустақил уриб машқ қилдириш мумкин.

Тўрт ёшли болага Е. Тиличееваннинг музыкали-дидактик ўйини «Кукла шагаёт ва бегаёт» дан анча мураккаброқ вазифа берилади, унда бола музикани тинглаб қўғирчоқ нима қилаётганини аниқлаши ва шунга мувофиқ ҳаракатни бажариши лозим.

Товушларни тембр бўйича фарқлаш топшириқлари. Икки ёшли болаларга товушларнинг тембр оҳангларини фарқлашни машқ қилдириш мумкин, чунки уларнинг эшитиш тажрибасида турли музика асбоблари (сурнайча, металлофон, духовой гармоника)нинг овози ҳақида тасаввур мавжуддир. Бу топшириқлар аввал ўйинчоқлар (мушукча, хўрозча, сигир ва б.лар)ни қўллаб ўтказилади, буларни болалар уларнинг товушларидан фарқлайдилар ва билиб оладилар. Каттароқ болалар бундай топшириқни музика асбоблари билан бажарадилар. Аввал улар контрастроқ (сурнайча, барабан, металлофон-доира), сўнгра анча ўхшашроқ (доира-барабан, духовой гармоника-сурнайча, металлофон-треугольник ва шу кабилар) товушларни таниб олишлари керак. Агарда бола қайси асбоб чалинганини эшитиб топса, педагог унга шу асбобни чалишга рухсат этади.

Товуш кучини фарқлаш топшириқлари. Болалар педагогнинг металлофон пластинкасига қараб қандай — секин ёки қаттиқ («ёмғир томчиламоқда», «кучли ёмғир ёғмоқда») урушини тинглайдилар, музика қаттиқ эшитилганда қўлларини кўрсатадилар, у паст бўлганда, қўлларини бекитадилар, музика товушига мувофиқ тарзда секин ёки қаттиқ чапак чаладилар.

Юқорида қайд қилинган барча топшириқлар бола бадий жиҳатдан ривожланишининг зарурий звеноси ҳисобланувчи музыкали-сенсор қобилиятининг изчил таркиб топишини таъминлайди. Бу ўринда бир нарсага, яъни барча топшириқлар музика товуши хусусиятларининг ифодали аҳамияти болалар томонидан тўғри идрок этиладиган қилиб тузилиши кераклигига эътибор бериш лозим. Бу кейинчалик яхлит музыкали образ хусусиятларини тушунишга олиб келиш имконини беради.

Айрим музика фаолияти турларининг пайдо бўлиши ва қарор топиши илк ёшликданоқ бошланади.

Илмий тадқиқотлар анализи музикани ҳис этишнинг замин-

лари бола ҳаётининг дастлабки ойларида пайдо бўлишини кўрсатади; бола маълум йўғонликдаги товушларни идрок қилар экан бунга эмоционал жавоб қилади,— сезиларли жонланади: жилмаяди, энг содда қўшиқ, куйларни диққат бериб тинглайди. Боланинг эмоционал жавобисиз унга музика тарбияси бериш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Боланинг музикани идрок қилиши ўз тараққиётида қатор босқичлардан ўтади. Музика ва шодлик кичкинтой онгида узвий боғланиб кетади. Катта кишининг куйлаши ёки музика асбобининг чалиниши бир ёшли болада у ёки бу даражада ифодаланган умумий шодлик ҳолатини келтириб чиқаради, бир ёшга тўлгач бола рақс ёки алла куйидан турлича таъсирланиши мумкин. Қундан-кунга атроф-муҳитни идрок этиш чегаралари кенгайди ва музика куйининг таъсирида болада маълум ҳиссиёт ва образлар туғила бошлайди: марш тетикликни ҳис қилишни уйғотса, рақс — шодлик, қўшиқ бирор персонажга ачиниш ҳиссини уйғотади.

Педагог болаларни қўшиқ, пьеса билан таништиришда энг аввало уларда асар кайфиятига мувофиқ келувчи эмоционал жавоб уйғотишга ҳаракат қилади. Асарни ифодали ижро этиш ва кўрсатмалли қуроллардан фойдаланиш бунга ёрдам беради. Тажрибанинг кўрсатишича, бу мақсадда бир ёшли бола учун ўйинчоқлардан фойдаланиш энг катта самара беради. Педагог одатда қўшиқ ижро этилишидан олдин ўйинчоқни кўриш ва унинг характерли хусусиятларини, музикали образ билан ҳамоҳанглигини (қуш учади, чирқиллайди, қуён энгил сакрайди, автомобиль тез юради ва б. лар) қайд қилиш учун болаларга беради. Шундан сўнг асар икки-уч марта ижро этилади. Педагог қўшиқ мазмуни ҳақида суҳбат олиб борар экан, ўз нутқининг ифодали оҳангги ёрдамида болаларда юзага келган эмоционал кайфиятни мустаҳкамлашга интилади. Кейинги машғулотларда болалар таниш асарни тинглаб, ундан эмоционал таъсирлансалар ўйинчоқни кўрсатмаслик ҳам мумкин.

Музикани идрок қилишнинг иккинчи хусусияти уни ажрата ва фарқ қила билишдир. Фарқлай билиш асарнинг умумий кайфиятинигина эмас, балки музика образи ривож идрок қилингандагина тўлақонли бўлади. Агар бир ёшли болани турли куйлар билан таништириш натижасида уларда фақат эшитиш тажрибаси ва музика тинглаганда диққатни бир жойга тўплаш малакаси ҳосил бўлса, икки ёшга кирганда уларда илгаридан таниш бўлган қўшиқларни таниб олиш кўникмаси ривожланади. Каттароқ болаларнинг идрок қилиши анча конкретлашади ва улар ёрқин, ўзига хос чиқишларни, хулосани (яқунни), қарама-қарши қисмлар сменасини (куйнинг тезлашиши, секинлашиши) ва шунга ўхшашларни ажрата оладиган бўладилар.

Болалар икки ёшга тўлганларида тарбиячи уларда тасвирий воситаларга қизиқиш ҳиссини уйғотиб, энди улар эътиборини музика асарларининг энг ёрқин хусусиятларига қаратади. Масалан, юқори регистрдаги оҳангдор куйлар қушларнинг чирқиллашини эслатади, стакатода ижро этиладиган арпеджио аккордлари кучукнинг хури-





Образли ўйинчоқ музика машғулотларида болаларда керакли эмоционал кайфиятни яратишда самарали воситадир

шига, глиссандо тоғдан учиб тушаётган чанага нисбат қилинади. Болалар бу хусусиятларни эслаб қолишаркан, музиканинг қайта ижро этилишида бу овозларнинг пайдо бўлишини кутадилар, шу тариқа бутун қўшиқни ёки пьесани эсга оладилар. Таниш малакаси анча эрта ривожланади. Кичкинтойлар бошда 2-3 асарни билишади ва бир-биридан фарқлашади, кейин эса бу билишнинг доираси кенгайди.

Боланинг илк бор музика оҳангига ўз овози билан қўшилиши қўшиқ айтиш иштиёқининг асоси бўлиб хизмат қилади. Қўшиқ ва куйларнинг катталар томонидан сидқидилдан, яхши ижро этилиши болада ғу-ғулаш, эшитилаётган товушларга мослашиш каби реакцияни қўзғайди. Аммо бу ҳолатлар мунтазам характерда эмас. Педагогнинг куйлашига қилинган тақлид аста-секинлик билан мустақиллаша боради.

Икки-уч ёшли болалар аввал катталар айтганда такрорланадиган жумлаларни, кейинчалик эса мураккаб бўлмаган қўшиқлар ва хиргойиларни тўлиқ куйлай бошлайдилар. Бошланғич вокал-хор малакаларининг эгалланиши кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларда куйлаш овозининг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Ҳаммадан олдин болаларнинг куйлаш қобилиятларини активлаштириш зарур. Боланинг бошда алоҳида товушларни педагог ижросида идрок этиб, унга жавоб қилиши муҳимдир. Ва фақат бола бутун жумлаларни куйлашни ўргангандан сўнггина унда куйлаш малакасини шакллантиришга киришиш мумкин.

Болалар катталарга тақлид қилишаркан, қўшиқни маромига ет-

казиб, табиий куйлашга, ҳар бир сўзни тушунарли ва аниқ талаффуз қилишга ўрганишади. Асосий диққат-эътиборни куйни тўғри бера билишга (ижро этишга) қаратиш лозим. Бунинг учун педагог болалар билан бирга чолғу асбоби жўрлигисиз куйлайди: уларни мустақил куйлашга ундайди, қўшиқ куйини фортепьянода ва триолда чалиб кўрсатиш билан болаларни куйни тинглашга, уни тўғри ижро этишга тайёрланишга ўргатади.

Ўйин усуллари ва ўйинчоқлардан фойдаланиш ҳар бир болада кутилаётган ҳаракатларга нисбатан жонли қизиқиш пайдо қилишга ёрдам беради. Масалан, педагог улар нималар ҳақида қўшиқ куйлашга тайёрланишаётганини топишларини айтар экан, бир қанча ўйинчоқлар, шу жумладан қўшиқда куйланадиган ўйинчоқни ҳам кўрсатади. Ёки куйни таниб олишни топширар экан, ўша куйни ҳар хил музыка асбобларида ижро этади.

Бу ёшдаги болалар билан куйни тартибли, иноқлик билан куйлаш устида иш олиб бориш ҳам талаб қилинади. Кўпгина кичкинтойлар қўшиқни бир-бирларидан орқада қолиб, ёки аксинча илгарилаб кетиб куйлайдилар. Шунинг учун ҳам тарбиячи болалар билан бирга қўшиқ ижро этар экан, улар диққатини қўшиқни биргалликда куйлаш лозимлигига қаратиши керак.

Ритмик ҳаракатлар ривожини ҳам музыка билан алоқадорликка асосланади — улар музыка асарларининг хусусиятларини акс эттиради. Бу фаолиятнинг асосий ролини бола ҳаракатидаги музыкага алоқадор бошланғич ритмиклик ўйнаши лозим (алоҳида ҳаракатлар, бир ёшли бола ва катта ёшдаги кишининг биргалликдаги ҳаракатлари). Кейинчалик икки-уч ёшда болалар музыка ва ҳаракатдаги оддий алоқадорликни актив равишда ўзлаштириб борадилар. Улар текис ритмни, марш ёки рақснинг характерини, пьесанинг боши ва якунини, унинг икки қисми ўзгаришини ҳис қила оладилар ва ҳаракатда бера оладилар. Бора-бора музыка, ўйин ва рақс ҳамда машқлар (улар учун махсус репертуар танланади) вақтида музыка жўрлигида ҳаракат қилиб, болалар музикали-ритмик малакаларни эгаллайдилар.

Машқларда алоҳида элементлар ўзлаштирилади: ритмик равишда чапак чалишлар, рақс ҳаракатлари шулар жумласидандир. Ўйин ва рақслар контраст музыка оҳангининг қарама-қарши икки қисмини-қийслашга асосланади. Масалан, сокин оҳанг янграйди — болалар хонада осойишта айланиб юрадилар, қувноқ музыка янграйди — болалар тўхтайдилар ва кафтларида чапак чала бошлайдилар.

Боланинг ҳаракат активлиги кун сайин ривожланиб боради. Бошда кичкинтойнинг ҳаракати музыкага унчалик мослашмайди. Мунтазам ўтказилиб бориладиган машқлар жараёнида унда ўзига кўпроқ ишониш, музыка оҳанги остида аниқроқ ҳаракатлар қилиш, ўз қобилиятини намоён қилишда мустақиллик хислатлари пайдо бўлади. Биринчи машғулотларда ҳаракатларнинг музыка характерига боғланиши унчалик ҳам қовушимли чиқмайди, аммо шуни баҳолаб ўтиш керак. Тарбиячи болага фақат музыка янграгандагина ҳаракатга киришиш кераклигини айтади.

Аста-секинлик билан болалар музикали асарнинг формасини англашгача бориб етадилар, улар музикали асарнинг икки қарама-қарши қисмини ҳис қила оладиган, аввал педагогнинг кўрсатиши билан, кейинчалик мустақил равишда музика асосида ўз ҳаракатларини ўзгартирадиган бўладилар.

Икки ёшдаги кичкинтойлар кўпинча кўрсатишга муҳтожлик сезадилар. Кейинчалик уларнинг айримлари педагог билан бирга, активроқлари эса педагогнинг кўрсатиши билан ҳамда мустақил равишда ҳаракат қила бошлайдилар. Қолганлари уларга эргашиб ҳаракат қиладилар. Уч ёшли болалар ўйин, рақс, машқ музикаларини ажрата олишлари мумкин. Пьесани тинглаганларидан кейин улардан нима қилишлари лозимлигини сўраш мумкин. Болалар: ўйинга тушиш, юриш, сакраш ва ҳоказолар деб жавоб қиладилар. Бу уларнинг онгли равишда ишонч билан ҳаракат қилишларига имкон яратади.

Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган рақс ва ўйин ҳаракатлари унчалик хилма-хил эмас. Шунинг учун бу ўринда улардан аста-секин изчил ўрганиш талаб қилинмайди. Тарбиячи ҳаракатни кўрсатар экан, шу заҳотиёқ уни бажаришни болаларга топширади. Масалан, М. Раухвергернинг «Гуляем и пляшем» рақси билан таништиради экан, тарбиячи тинглаб кўринлар-а, қандай ажойиб музика! Юринглар сайр қиламиз, хона бўйлаб юрамиз»,— дейди. Музиканинг биринчи қисми ижро этилади, бунда болалар тарбиячи билан бирга хона бўйлаб эркин юрадилар. Иккинчи қисм ижро этилганда қувноқ рақсга тушадилар.

Куйлаб рақсга тушишда ҳаракат текст билан айтиб турилса, олдиндан кўрсатишни талаб қилмайди. Болалар ҳаракатни яхши ўзлаштириб олишлари учун ҳар бир бандни 2-3 марта такрорлаш кифоядир.

Яхши кўрган ўйинчоқ эмоционал кўтаринкиликни, ўйнаш, рақсга тушиш иштиёқини уйғотади. Масалан, кичкинтойлар қувноқ рақсга тушадилар, кейинчалик ўйинчоқ кучук пайдо бўлганда ўз жойларига қочиб кетадилар. Агарда болалар ҳузурига айқича меҳмон бўлиб келса, ҳар бир бола у билан навбати билан рақсга тушади.

*Тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни турли хил музика фаолиятларига ўргатиш методлари ва мазмуни.*

Бола ва унинг қобилиятларининг ўсиши катта киши томонидан уюштириладиган фаолиятда: қўшиқ, ритмика, музика тинглаш ва музика асбобларини чалишда содир бўлади. Болалар ўзларининг музика эшитиш тажрибалари асосида ўз тасаввурларини қўшиқ, ўйин, рақс ижодида намоён қилишга ва музика саводининг оддий элементларини эгаллашга қодирдирлар. Шу билан бирга фаолиятнинг ҳар бир тури умуман музика қобилиятларининг ўсишига, маҳсус қобилиятларнинг шаклланишига масалан, ашула айтиш, ашу-

лачилик овози ва куй қобилиятининг таркиб топишига ёрдам беради.

Буларнинг барчаси турли ташкилий формаларда: машғулотларда, ўқишдан ташқари ишларда (болалар боғчаси турмушида музика) ва мустақил фаолиятларда бўлиб ўтади.

Барча болалар билан бир вақтда ва музика практикасининг барча турлари бўйича планли олиб бориладиган машғулотлар ишнинг энг муҳим формаси ҳисобланади. Педагог ўз ишини планлаштирар экан, болалар билан бўладиган ҳар бир учрашувнинг конкрет вазифалари унга равшан бўлиши керак, ўқув материални бутун ўқув даврига тақсимлайди. У бутун коллективга мурожаат қилар экан, ҳар бир болани ўз назар-эътиборида тутаяди. Бу уни машғулотни динамик, вариантлаб олиб боришга, болалар эътиборини усталик билан бошқа томонга буришга, уни ижро этилаётган музика характерини тўғри идрок этишга йўллашга мажбур қилади. Шу билан бирга машғулот ягона режа билан бириккан бўлиши керак.

Практика жараёнида машғулотлар ўтказишнинг қуйидаги тартиби шаклланган. У болаларнинг тинглаш қобилиятини, эътиборини тўплаб, коллективни яхши уюштирадиган музикали-ритмик машғулотлардан бошланади. Шундан кейин болалар сокин, эътиборини четга қочирмай ўтириб, ашула айтадилар ва музика тинглайдилар. Улар ўзларини, ўртоқларини, педагогнинг кўрсатмаларини тинглаб, ашула айтадилар, эшитиш қобилиятини ўстириш машқларини, ашула айтиш импровизациялари учун ижодий топшириқларни бажарадилар, янги қўшиқлар ўрганадилар, яхши таниш бўлганларини такрорлайдилар. Машғулот охирига яқинлашганда тинч ҳаракатлар билан якунланадиган ўйин, рақс, хороводлар ўтказилади.

Музикали-эстетик тарбия жараёнида бир қатор муҳим вазифалар амалга оширилади.

Му з и к а г а э м о ц и о н а л ж а в о б н и ў с т и р и ш. Бу ўринда ифодали ижро этиш ва асар мазмуни ҳақида образли ҳикоя жуда муҳимдир. Педагогик амалиётда музика фольклори, классик ва ҳозирги замон асарларидан кенг фойдаланилади. Турли инсоний кечинмаларни ифода этишга қодир бўлган музика тингловчиларни бирлаштиради ва улар ўртасида муомала воситаси вазифасини ўтайди. К. Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, қўшиқ бир неча айрим ҳиссиётларни бир кучли ҳиссиётга ва бир неча қалбларни — битта кучли ҳис қилувчи қалбга бирлаштириши мумкин. Агар болани музика, қўшиқни тинглаётганда, рақс ижро этилаётганда кузатиб турилса, унинг мимикаси, ҳолати, ҳаракати қандай ўзгаришига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бола умумий кайфиятини таърифлашда хато қилиши, тўғрироғи уни англатиш учун керакли сўзлар топа олмаслиги мумкин, бироқ, унинг бутун хатти-ҳаракати уни асар қанчалик қамраб олганини ва ўз ҳиссиётини ифода этишни иштини айтиб туради. Музика ахлоқий ҳиссиётларни тарбиялашга, ўз яқинларига, совет халқига, унинг қаҳрамонлари ва ҳарбий-

ларига муҳаббат уйғотишга ёрдам беради. Музыка бола ҳиссиёти ва фикрларини такомиллаштиради.

Музыка таассуротлари билан бойитиш. Бу вазифа болаларни ўзларининг ёшларига мувофиқ келувчи асарлар билан таништириш орқали амалга оширилади. Уқув музыка репертуари бола ҳаётини, унга тушунарли ҳодисаларни акс эттирувчи чолғу пьеса ва қўшиқлардан ташкил топган. Бу ерда фожиали тўқнашувлар, нозик оҳанглар йўқ. Шакл ва услуб етарлича содда, оҳанглар ёрқин ифода этилган. Шунингдек бетўхтов тараққий этувчи ифода воситалари (куй интонацияси, гармоник бирикмалар, лад безаги) янгилашиб борувчи, болаларни замонавий музикани идрок этишга тайёрлайдиган асарлардан ҳам фойдаланилади.

Болаларни музыка фаолиятининг ҳар хил турларидан қатнаштириш: идрок этиш, ижрочилик (қўшиқ айтиш, ўйин-инсценировка, болалар музыка асбобларини чалиш), музыка таълими билимлари, музыка ижоди. Бу вазифа музыка асарларига қўйилиши асосий талаб — юксак бадийлик ва соддаликка риоя қилинган тақдирдагина ҳал қилиниши мумкин. Ритмик ҳаракатлар (фортепьяно ва вокал)га мўлжалланган асарлар динамиклиги, характерлиги, аниқ структураси билан ажралиб туради. Болаларнинг имкониятларига кўра уларга аталган қўшиқлар унчалик мураккаб эмас, бироқ интонация жиҳатидан етарлича ифодалидир. Тинглаш учун берилган репертуар анчагина кенг ва хилма-хилдир.

Музыка фаолиятнинг ҳар бир тури сингари билим доирасини кенгайтиради, қўшимча билимлар эгаллашга ёрдам беради. Масалан, қўшиқ айтиш вақтида болалар куй характери белгиларига дуч келадиларки, уларни қўзиқ ёки қисқа, оҳангдор ёки оддийгина ижро этишлари керак бўлади. Улар айрим ибораларни тинглаб, куйнинг йўналиши (юқорига ёки пастга)ни, товушларнинг бирикишини (йўғон-ингичка, узун-қисқа) аниқлайдилар. Пьеса, қўшиқ, ўйин, рақс болаларни тушунчалар, музыка терминлари: музикали муқаддима, хотима, фраза, қисм ва шу кабилар билан таништиради.

«Болалар боғчасида тарбия программаси»да бола эгаллаб олиб, кейинчалик ўз фаолиятида қўллаши мумкин бўлган билим ва кўникмалар ҳажми кенгайтириб берилган. Албатта мустақиллик даражаси ҳамма болада ҳам бир хил эмас ва у ҳар бир тарбияланувчида индивидуал намоён бўлади. Бироқ, ўсиб борувчи йўналишда музыка тажрибасига эга қила бориш сезиларли натижаларга олиб келади.

Умумий музыка қобилияти, индивидуал қобилиятлар, ашулачилик овози ва ҳаракатларнинг ифодалилигини ўстириш. Музыкага қобилиятнинг сифат даражаси (энг оддий эмоциядан тортиб, то ижоднинг намоён бўлишигача), боланинг индивидуал мойиллиги, ирода кучи ва ақлий қобилиятларига боғлиқ бўлади. Бу ўринда энг асосийси эмоционал ва эшитиш компонентларидир. Болаларда ашула интонациялари, турли характердаги чолғу пьесаларга нисбатан эмоционал таъсир тарбияланади. Шу билан бирга уларни асарни таниш, фарқлаш, қарама-қарши ва ўхшаш қисмларини қиёслашга, товуш, ритм, дина-

мик узаро муносабатларни билишга ўргатиб, музыка, куйлаш қобилияти, ритмни ҳис қилиш ва шунингдек ижрочилик қобилиятлари ўстирилади.

Музыкага бўлган дидни ўстириш. Болаларни кузатиб, улардан баъзилари куйлаш ёки рақсга тушишни, музыка асбобларини чалишини ёки музыка тинглашни афзал кўришига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу доимо ўстириб ва такомиллаштириб борилиши керак бўлган болалар дидининг хилма-хиллигидан далолат беради.

Ўсиш нимадан бошланади? Музыка образлари бола ҳиссиётини қўзғайди, уни музыка нима ҳақида «ҳикоя қилаётганлиги» устида фикр юритишга мажбур қилади. У товушларни, улар бирикмасини гўзаллигини, гармониклигини идрок қилар экан, буларнинг барчасини бирорта реал нарса билан қиёслашга интилади ва аста-секин жарангловчи оламнинг интонация табиатини тушуниб етади: жўшқин ёки сокин ҳикоя, узук-юлуқ ёки равон баён, саволлар, жавоблар, хитоблар.

Бадий образ анча тушунарли ва конкрет бўлиб боради, музыка ифодали воситаларининг шеърий сўз (қўшиқда), сюжет (программали пьесада), ҳаракат (драмалаштирилган ўйин, рақсда) билан бирикиши туфайли кучли таассурот қолдиради.

Ҳатто илк гўдаклик вақтида ҳам болалар асарнинг умумий кайфияти ва характерини, унинг эмоционал мазмунини ҳис этишга қодирдилар. Бу уларда ажабланиш, қониқиш ишоралари, чапак чалиш, сакрашларда намоён бўлади. Бир оз каттароқларида ихтиёрий эътибор, музыкага қулоқ солиш, қизиқиш кўникмаси шаклланади. Бола бирор асарни ёқтириб қолади, уни такрор-такрор ўқиш иштиёқи пайдо бўлади ва ундан ҳар гал бирорта янги нарсани топади. Кузатувчанлик шундай ҳосил қилинади. Энди болалар фақат умумий кайфият ва характернигина эмас, балки уларнинг бутун музыка асари давомида алмашинувини ҳам сеза бошлайдилар. Улар ўзига хос таърифлар топиб, айрим ифода воситаларини кўрсатишга уринадилар: «Жуда секин, оғир музыка» (В. Ребиковнинг «Медведь» пьесаси). Бола ўз ўсишида маълум даражага етгач, борлиқнинг айрим воқеаларини музикадан олган таассуротлар билан қиёслаши мумкин. Масалан, П. Чайковскийнинг «Болезнь куклы» пьесасини тинглаб, қизлардан бири: «Ғамгин музыка. Қўғирчоққа ачинаман...» деди.

Шундай қилиб, эмоционал таъсир ва болалар бадий образнинг оддий хусусиятларини англаш асосида музыка дидининг дастлабки намоён бўлиши содир бўлади.

Музыкага ва музыка фаолиятига ижодий муносабатни ўстириш. Машҳур совет психологи Б. М. Теплов болаларни (фақат истеъдодлиларинигина эмас) ижодий фаолиятга жалб қилиш «умумий бадий ўсиш учун жуда фойдали, бола учун тамоман табиий ва унинг эҳтиёжлари ҳамда имкониятларига тўлиқ жавоб беради»<sup>1</sup>,— дейди.

<sup>1</sup> Теплов Б. М. Психологические вопросы художественного воспитания. «Известия АПН РСФСР», 1947, № 11, 16—17-бетлар.

Педагог болаларни ўқитар экан, уларга маълум билим ва малакаларни эгаллашларида ёрдам беради. Ҳар бир болада ижодий тасаввурларни, яъни идрокнинг бевоситалилиги, образни ўзича ифодалаш, қўшиқ, ўйин, рақсда бадиҳағўйликка қизиқиш ҳамда иштиёқни ўстириш керак. Бу муҳим методик талабдир.

Музыка фаолиятининг барча турлари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш ҳам аҳамияти кам бўлмаган талабдир. Болалар боғчасининг катта группаларидаги машғулотларда музыка тинглаш, қўшиқ айтиш, ритмика, музыка асбобларини чалиш гўё «бўлимларга» ажратилади. Масалан, қўшиқбоп овоз диапазони мунтазам кенгайтириш усули билан ўстирилиши мумкин. Педагог болаларга машқни — турли оҳангларда модуляция қилиб куйлашни тавсия қилади. Ритмикада бу усул қўлланилмайди. Шундай қилиб, фаолиятнинг ҳар бир тури ўзига хос методикага эга бўлган алоҳида «предмет» ҳисобланади. Бироқ, уларни бирлаштирувчи хусусиятларни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ерда гап предметлар ўртасидаги алоқа (мактаб педагогикасида) ҳақида — бола томонидан исталган музыка фаолиятида идрок этишда, қўшиқ ёки рақсни идорк этишда, элементар билимни эгаллашда ёки ижодий намоён бўлишларда зарур бўлган ҳаракатнинг умумлашган усуллари эгалланиши устида боряпти. Улар тарбия ва ўсишнинг умумий вазифаларини болаларнинг ўзларининг ҳаракатларида амалга оширишга ёрдам бериши туфайли умумлашган дейилади. Табиийки, болаларнинг ёши улғая борган сари бу усуллар мураккаблашиб боради. Бола қўшиқ айтиш вақтида музыка асарини тинглашнинг умумлашган усулини эгаллаяпти дейлик. Агар ўрта гуруҳда ҳар бир бола катта киши овозига тақлид қилса, айниқса катта ва тайёрлов гуруҳида у ўзидаги интонацион сўздаги нуқсонларни сезади ҳамда уларни бартараф қилишга уринади. Ўрта гуруҳида болалари бу усулни музыкали ўйинлар, рақслар, хороводларни ўрганишда қўллаб, асар қисмларини (айниқса, қарама-қаршиларини) осонгина фарқлайдилар ва шунга мувофиқ ўз ҳаракатларини ўзгартирадilar. Каттароқлари қиёслашга ва муқаддима, хотима, музыкали ибораларни ҳаракатлар орқали беришга қодирдилар.

Болалар тинглайдиган ёки ижро этадиган музика асарлари ўз характери, жанри, тақрор баён қилиш усулларига кўра ҳар хилдир ва улар ўртасидаги алоқа ўхшашлиги ва фарқи, мувофиқ ва зидлигига кўра ўрнатилади.

Музыка асарлари педагогик мақсадларда танланар экан, қуйидагиларга — музика, қўшиқлар текстлар характерида ва программали чолғу пьесаларнинг нормаларида очиб бериладиган эмоционал-образли мазмунга, тематик йўналганликка;

— жанрга — лирик-вазмин, қаҳрамонона-тантанали, ҳазил-қувноқ;

— структурасига — айрим қисмлар, иборалар, муқаддима, хотима;

— ифодалилиқ воситаларига — юқори ладдан эшитишга, регистр, динамик, темпли, метр-ритмик, тембрга эътибор бериш лозим.

Наташага рақса импровизация қилиш  
жуда ёқади.



Ўқитиш жараёнида болаларга асарнинг характери, жанрлари, шаклидаги умумийлик ва фарқларни аниқлаш тавсия қилинади.

Агарда болалар қийналсалар, педагог уларга ёрдам бериши керак. Масалан, тарбиячи катта группа болаларида марш ва лирик жанрлар ҳақидаги тасавурларни мустаҳкамлаяпти, дейлик. Болалар аввал Н. Римский-Корсаковнинг эркаловчи, осойишта «Қолибельная»сини ва Д. Қабалевскийнинг жўшқин «Походный марш»ини тинглаб, улардаги фарқларни топадилар. Шундан сўнг уларга марш характеридаги таниш қўшиқлар (Е. Тиличеванинг «Труба» ва «Барабан»)ни эслаш ва айтиб бериш топширилади. Болалардан бири музика характерини таъкидлаб, ритмини барабанда чалиб туради, қолган болалар жойларида ҳарбийларча қадам ташлаб қўшиқни ижро этадилар. Шундан сўнг болалар Е. Тиличеванинг «Небо синее» қўшиғини куйлайдилар. Қўшиқ нафис, осойишта айтилиши керак.

Педагог болаларни музиканинг турли ритмлари билан таништириш мақсадида бир-бирига зид икки асарни: Л. Сидельниковнинг «Мы военные» ўйинини (ундаги ғайратчан, жўшқин музика болаларни ҳаракатларда маршлиликни таъкидлашга руҳлантиради) ва рус халқ хороводи «Кто у нас хороший?»ни (унда куйнинг мулойим, вазмин характери оҳиста, шошилмай қилинган ҳаракатлар билан таъкидланади) ҳам қўшади.

Шундай қилиб, болалар музика асарларини умумлашган ҳолда идрок этиш усулларини англайдилар ва ўзлаштириб оладилар.

Тематика фаолиятнинг ҳар хил турларини яхши бирлаштиради (айниқса, умумхалқ байрамларига тайёрланишда). Масалан,



катта группа болалари Е. Тиличеванинг «Майская песня»сини ўрганадилар. Бу қўшиқда қуйидаги нақорат алоҳида кўтаринкилик билан айтилиши лозим:

Ойналарни кенгроқ оч —  
Май, ҳар уйга қувонч соч!

Худди мана шу кўтаринкилик ва руҳланганлик В. Агафонниковнинг таниш бўлган «Собирайся, народ в хоровод, в хоровод» қўшиғини ижро этишда ҳам бўлиши керак:

Эй, халойиқ, отлан, тур,  
Хороводга қани юр!  
Меҳнатда тер тўкса ким  
Куйласин, рақсга тушсин!

Тантанали марш садолари остида байроқчалар билан байрамга сафланиш музикада ифодаланган умумий кўтаринкилик ва шодликни мустаҳкамлайди, болаларнинг ҳиссиётини қўшиб юборади.

Асарларни танлашда ифодалиликнинг бирор элементи ҳам бирлаштирувчи асос бўлиши мумкин. Масалан, тарбиячи болаларни регистрлар жаранги хусусиятлари билан таништирар экан, аввал бу энг контраст ифодаланган «Зайцы и медведь» ўйинини такрорлайди. Бунда Н. Римский-Корсаков қайта ишлаган, юқори регистрда чалинадиган (учинчи октава) рус халқ куйи «Зайка» ва В. Ребиковнинг пастки регистрда ёзилган (кичик ва катта октавалар) «Медведь» пьесасидан фойдаланилади. Кейинчалик Е. Тиличеванинг «Два барабана» дидактик ўйинида регистр муносабат яқинлаштирилади. Куй фақат биринчи октавада ижро этилади. Жўр бўлаётган фортепьяно кичик барабани ифодалаб (биринчи октава), баланд ва пастроқ — катта барабан (кичик октава) жаранглайди.

Болаларнинг эътибори асарлардаги умумийлик ва фарқларни қиёслашга қаратилади. Масалан, С. Прокофьевнинг «Ходит месяц над лугами» пьесаси лирик, унда қўшиқ характери ёрқин ифодаланган, Е. Тиличеванинг «Барабан» қўшиғи эса марш жанрида ёзилган. Бу ерда Д. Б. Кабалевский томонидан қўшиқлилиқ ва маршлилик деб аталган нарса гарчи қўшиқлилиқ билан чолғу пьеса, маршлилик билан қўшиқ таърифланаётган бўлса-да қиёсланади.

Фаолиятнинг барча турлари ўртасидаги ўзаро алоқани қайд қилиб, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини ҳам назарда тутиш лозим. Идрок этиш ва ижрочилик малакаларини шакллантириш, болаларга музика ҳақида элементар билимлар бериш ва уларга музика саводини ўргатиш учун уларнинг ҳажми ва мазмунини ҳар бир ёш группасига қўллаган ҳолда аниқлаш лозим.

Улар «Болалар боғчасида тарбия программаси»да конкретроқ шакллантириб берилган, шу билан бирга улар анча қисқартирилган, кўрсатмалироқ шаклда ҳам берилиши мумкин. Болага билим

# БАРАБАН

Музыка Е. Тиличевой

Слова Н. Найдиновой

Не спеша, четко

*mf*

1. Я се - го - дня о - чень

*mf*

рад, - ба - ра - бан при - нес мой брат! Тра - та - та -

- та! Тра - та - та - та! Ба - ра - бан при - нес мой

брат! Тра - та - та - та! Тра - та - та -

-та! Ба - ра - бан при - нес мой

Для повторения | Для окончания

брат! 2. По - за - // -рад!

# ДВА БАРАБАНА

(Игра на различные высоты звука)

Слова Ю. Островского

Музыка Е. Тиличевой

Умеренно

Э - то ба - сит ба - ра -

The first system of the musical score. It consists of a vocal line and a piano accompaniment. The vocal line is in G major and 2/4 time, starting with a repeat sign. The lyrics are "Э - то ба - сит ба - ра -". The piano accompaniment features a rhythmic pattern of eighth notes in the right hand and a similar pattern in the left hand, with some chords marked with 'v' and 'в'.

- бан ве - ли - кан:

The second system of the musical score. The vocal line continues with the lyrics "- бан ве - ли - кан:". The piano accompaniment continues with the same rhythmic pattern, featuring chords and notes in the right hand and a bass line in the left hand, with some notes marked with 'v' and 'в'.

трам - та - ра - бан,

The third system of the musical score. The vocal line continues with the lyrics "трам - та - ра - бан,". The piano accompaniment continues with the same rhythmic pattern, featuring chords and notes in the right hand and a bass line in the left hand, with some notes marked with 'v' and 'в'.

1. | 2.

трам - та - ра - бан! // бан!

*tr*

Э - то зо - вет нас ма - лыш - ба - ра - бан:

Б Б Б

трам - та - ра - бан, трам - та - ра - бан!

*tr* Б М Б

# ХОДИТ МЕСЯЦ НАД ЛУЧАМИ

Музыка С. Прокофьева

Неторопливо

*pp*  
*p* *molto dolce*  
*legato*

The first system of the musical score consists of two staves. The upper staff is in treble clef and the lower staff is in bass clef. The key signature has two sharps (F# and C#) and the time signature is 2/4. The music begins with a piano (*p*) dynamic and a *molto dolce* (very sweet) character. The upper staff features a melodic line with a long slur over the first two measures. The lower staff provides a harmonic accompaniment with a steady eighth-note pattern. The word *legato* is written below the lower staff.

The second system continues the musical piece. The upper staff has a melodic line with a slur over the first two measures. The lower staff continues the accompaniment with eighth notes. The dynamics and tempo markings from the first system apply to this section.

The third system continues the musical piece. The upper staff has a melodic line with a slur over the first two measures. The lower staff continues the accompaniment with eighth notes. The dynamics and tempo markings from the first system apply to this section.

*dim.*

The fourth system concludes the musical piece. The upper staff has a melodic line with a slur over the first two measures. The lower staff continues the accompaniment with eighth notes. The dynamic marking *dim.* (diminuendo) is written below the lower staff, indicating a gradual decrease in volume. The system ends with a double bar line.

ва малакалар беришгина эмас, балки болаларни улардан мустақил фойдаланишга ўргатиш ҳам муҳимдир. Шунинг учун қуйида келтириладиган схемада ўқитиш процессида болалар тарбияси ва ўсишининг вазифаларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

Умумий шаклда баён этилган музика тарбиясининг вазифалари кейинчалик фаолиятнинг айрим турлари бўйича ва ҳар бир ёш группаси учун конкретлаштирилиб борилади. Масалан, ашула айтиш бўйича мактабга тайёрлов группасининг программасида қуйидаги талаблар санаб ўтилади: ифодали, жарангдор овоз билан, оҳангдор ва жонли куйлаш; қўшиқни куйлашдан олдин фразалар

**Таълим жараёнидаги музика тарбияси ва уни ривожлантиришнинг вазифалари.**

Ўрта группа	Катта группа	Мактабга тайёрлов группаси
-------------	--------------	----------------------------

**1. Музикага нисбатан идрок ва эмоционал ҳозиржавобликни ривожлантириш**

<p>Музикага қизиқиш ва, муҳаббатни, уни тинглаш, музика таассуротини боёйтиш, музикали-сенсор қобилиятини ўстириш иштиёқини тарбиялаш.</p>	<p>Музикавий қобилиятни ўстириш, музика воситалари ёрдамида теварак-атроф, она табиатга эстетик муносабатни тарбиялаш, турли характердаги музикани тушунишни тарбиялаш, юқори овозлилик, лад, ритмик, тембри ва динамик эшитиш қобилиятини ривожлантириш.</p>	<p>Музикага барқарор қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш, қўшиқлар, рақсларни биргаликда ижро этиш, умумий муваффақиятдан шодланишга интилиш, эмоционал ҳозиржавоблик, тембр, динамик эшитиш қобилиятини, ритмни ҳис қилишни ривожлантириш.</p>
--	---	---

**2. Музика ижрочилик ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш**

<p>Ашулачилик овози, музика билан бажариладиган ҳаракатларнинг ифодалилиги ва ритмчилигини ривожлантириш, металлфон чалиш усуллари билан таништириш.</p>	<p>Ашулачилик овози, ҳаракатларнинг ритмиклиги ва ифодалилигини ривожлантириш, металлфон ва зарбли асбобларни чалишнинг дастлабки усуллари ўргатиш, қўшиқ, рақс ва музикали-образли ҳаракатларни бадиха қилишни рағбатлантириш</p>	<p>Диапазонни кенгайтириб, ашулачилик овозини ўстириш-куйлашнинг ифодалилигини, ҳаракатларнинг образлилиги ва ритмиклигини ўстириш, турли болалар музика асбобларида индивидуал, ансамблда чалиш кўникмаларини шакллантириш, қўшиқларни импровизация қилишда, музикали ўйин образини ифодалашда, турли қўшиқлар инсценировкаларида мустақиллик ва ижодий ҳаракат усуллари-ни шакллантириш.</p>
--	--	--

орасида нафас олиш ва уни охиригача сақлаш; сўзларни аниқ айтиш, сўз охиридаги унли ва ундош товушларни аниқ бериш; қўшиқни бирга бошлаш (муқаддимадан сўнг) ва бирга якунлаш; овозни тезлатиб ва секинлатиб, кучайтириб ва сусайтириб, музыка фразаларининг охирини юмшатиб, ритмик тасвирни аниқ бажа-риб куйлаш.

Агар бутун программа анализ қилинса, топшириқлар группадан группага мураккаблашиб боришини яққол кўриш мумкин.

Программа талабларини тўлиқ бажариш учун катта киши ва боланинг актив ўзаро таъсири асосида қурилувчи метод ва усулларни пухта ўйлаб чиқиш лозим. Бунда етакчи роль педагогга тааллуқлидир. Унинг бу ишдаги муваффақияти кўп жиҳатдан боланинг эҳтиёж ва қизиқишларига ҳамда унда мавжуд бўлган индивидуал тажрибага таяниши ёки таянмаслигига боғлиқдир.

Музыкали эстетик тарбия фақат қандайдир қобилиятларни ўстиришгагина қўлланмаган. Гап бола шахсини шакллантириш устида борапти. Демак, методлар пировардида боланинг музыкага нисбатан эстетик муносабатининг тарбияланишини таъминлаши лозим. Методлар ўзининг йўлланганлигига кўра яхлитдир ва улар болаларга фақат қўшиқлар айтиш, рақсга тушиш, музыка асбобларини чалишни ўрганишларидагина ёрдам бериб қолмай, балки уларнинг умумий музыкали эстетик камол топишларига ҳам кўмак бериши лозим. Бу методларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Музыка тинглашга ўргатиш методикаси. Музыка санъатига қатнашиш усуллари биринчи навбатда асарларнинг мазмуни ва характери, уларнинг қандай ижро этилишига кўра аниқланади. Хорми ёки солист куйлаётими, вокал музиками ёки чолғу музика жаранглаётими, граммофон ёзувими ёки жонли ижромими—буларнинг барчаси методикада ўз аксини топади. Масалан, педагог болаларни вокал жанри билан таништирар экан, кичик тингловчиларнинг шеърӣ ва музыкали ифодаларнинг бирлигини ҳис қилиш, адабий асос композиторга ифода воситалари: интонацион-ритмик оборотлар, темп, динамика ва шу кабиларни кўрсатганлигини тушунишларига ёрдам берувчи усулларни қидиради. Чолғу музикада имкониятлар бошқачадир. Агарда программадаги пьесанинг номи ҳаётӣ ассоциацияларни келтириб чиқарса, болаларнинг эътибори ифодали воситаларга қаратилади. Бу воситалар ёрдамида автор ўйланган программани амалга оширади. Рақс пьесалари билан таништиришда оҳиста рақс, гўзал полька, тезкор галоп (сакраб чопиш) ва шу кабиларнинг характери тасвирланади.

Ўрта ва айниқса катта группа болалари билан тингланган музика ҳақидаги суҳбат анча кенгайтирилган характерда бўлади. Энди уларнинг эътибори яхлит образга ва айрим ифода воситалари мўлжалланган нарсаларга жалб қилинади. Тайёрлов группасида П. Чайковскийнинг «Комаринский» пьесасини (пьеса рус халқ куйи асосида вариацион шаклда ёзилган) ижро этар экан, педагог музиканинг тасвирий характери (рақс енгил, сокин бошланади, раққос аста-секин «ечилади», унинг ҳаракатлари кенг, тез, шўх бўла боради; куй бирдан тўхтади, рақс тугайди), халқ музика



асбоблари (биринчи вариацияда — сурнайча, иккинчида — бала-лайка, сунгра гармонь)га иммитация қилувчи музика воситаларининг ифодали аҳамияти ҳақида гапириб беради. Сухбат айрим вариациялар, темалар, фразалар ижроси жўрлигида олиб борилди. Шундай қилиб, пьеса ривожланишида, бирор нарса ҳақида ўзича баён қилинишида идрок этилади.

Оғзаки тушунтирилганда музиканинг ҳаётий ҳодисалар билан алоқасини қайд қилиш жуда муҳимдир. Бунга бадий адабиёт — образли қисқа ҳикоя, эртақ, шеър ёрдам беради. Сўздан фойдаланиш дастлаб туюлганидек осон эмас, чунки энг аввало ҳар бир бола ўзича идрок этади. П. Чайковскийнинг «Песня жаворонка» асари ижро этиляпти деб фараз қилайлик. Болалар ҳали асарнинг номини билмай туриб, унинг умумий, ёрқин осойишта характери ни ҳис қилиб, гарчи бир хил тайёргарликка эга бўлсалар-да, ундан турлича таъсирланадилар. Пьеса баъзиларида табиат, қушлар тасвири ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Бошқалари эса фақат баён характердагина баҳолайдилар: «секин, енгил, ингичка». Учинчилари эса бирорта ҳаётий ҳодисалар билан ассоциацияга киришмайдиған ёқимли ҳолатни ҳис қиладилар. Педагог бу индивидуал таъсирларни назарда тутган ҳолда кечинмаларнинг умумийлигини келтириб чиқаришга интилади. Сўзлар воситасида тушунтиришлардан фойдаланиб, у болалар эътиборини композитор назарда тутган куйлаётган тўрғай образи томон йўллайди. Музика ҳақида гапириш осон эмас. Муҳими, озгина сўзлардан фойдаланиб, образларнинг аниқ ва поэтик характеристикасини топа билишдир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлашда кўрсатмали-кўриш приёмларидан фойдаланиш: рангли расмлар, ўйинчоқлар, турли қўлланмаларга мурожаат қилиш катта ёрдам беради. Урта группа болалари учун музика садолари остида «ҳаракат қилувчи»: юрувчи, гапирувчи, турли вазиятларга тушувчи бадий ўйинчоқлардан фойдаланиб, ўзига хос театрлаштирилган спектакллар уюштирилади. Каттароқ болалар билан бўладиган ишда китоб иллюстрациялари ва эстамплардан кўпроқ фойдаланилади. Шундай қилиб, болаларнинг табиат, меҳнат, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари тасвирий ва музика санъати воситалари билан тўлдирилади.

Шунингдек, бола идрокини активлаштирувчи турли методик қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бир мисол келтирамиз. Кичик карточкаларда рақсга тушаётган ва сафда марш билан юраётган болалар тасвирланган. Рақс ёки маршни тинглагач, ҳар бир бола шунга мувофиқ келувчи расмни кўрсатади. Бошқа мисол. Чопиб кетаётган бола ва секин юриб келаётган кишининг тасвири тез ёки оҳиста ҳаракатни ифодалайди. Икки ёки уч қисмли темпи ўзгариб турадиган пьесани тинглаб, болалар уни фланелеграфда мувофиқ келувчи тасвир билан қайд қиладилар.

Бир асарнинг ўзи бир неча марта такрор тингланади. Шунинг учун ишнинг шундай методи зарурки, ҳар бир такрор тинглашда бола бирорта янги нарсани англаб шодлансин.



Композиторлар, уларнинг ижодлари билан ишлаш, танишиш болалар учун музикали машғулотлардаги ишнинг муҳим қисмидир.

Биринчи танишиш вақтида педагог асарнинг яхлит идрок этилишига ҳаракат қилади. Шунинг учун уни ифодали ижро этиш, унга қисқача характеристика бериш жуда муҳимдир.

Такрор тинглашда болаларнинг, айниқса, катта гурпуадагиларнинг эътибори композитор умумий фикрининг бадийи мужассамланганлигига эмас, балки айрим деталларга ҳам жалб қилинади. Ҳар бир такрор тинглашда вазифа мураккаблашиб боради. Масалан, Д. Қабалевскийнинг «Марш» пьесасида аввал ундаги кўтаринки руҳнинг умумий характери (пионерлар аниқ, қувноқ, шахдам қадам ташлаб бормоқдалар) қайд қилинади. Кейинчалик бутун музикали тасвири кенгайтириб, муқаддима ва хотиманинг ифодалилигини (горн янграб, пионерларни тўплайди) таъкидлаш мумкин. Кейинчалик бу маршни алла ёки рақс билан қиёслаб, ҳар бир жанрнинг характерли хусусиятлари ҳақида тасаввур бериш мумкин. Машғулотлардан бирида жаранглаш динамикаси (пионерлар яқинлашишади, сўнгра узоқлашишади) ҳақида гапириб бериш мумкин. Музика билан ҳар бир учрашув болани янги таассуротлар билан бойитади, қувонтиради.

Куйлашга ўргатиш методикаси. Программа вокал (товуш ҳосил бўлиши, нафас олиш, дикция) ва хор (ансамблда куйлаш, интонациянинг софлиги, овознинг уйғунлиги) малакаларининг шаклланишини назарда тутати. Буларнинг барчаси репертуарини ўрганиб боришга мувофиқ мураккаблашиб боради. Булардан ташқари болада қўшиқчилик ижодини ҳам ўстириш лозим.



Болаларнинг кичик группалари билан ишлаш куйлашга ўргатиш усулларидан биридир

Ашулачилик овози, музика қобилиятини ўстириш, музика саводи элементларини эгаллаш мактабда ноталар бўйича куйлашни муваффақиятли ўрганишга имкон беради.

Педагог қўшиқ айтишни ўргатар экан, болалар уни қандай эгаллаётганлигини кузатиб боради ва мувофиқ келувчи приёмлар билан товуш ҳосил қилиш ёки соф интонация қўйишда, нафас олиш ёки дикцияда уларга ёрдам беради. Масалан, товуш ҳосил қилиш устида ишлашда катта киши ёки яхши куйлайдиган бола буни қандай бажариш кераклигини кўрсатиб беради. Оҳангдорликка эришиш учун унли товушларни (а, о, у, ў, э, и) яхши айтишга ўргатиш лозим. Бу мақсадда турли хил машқлар ёки қўшиқларнинг айрим куйларидан фойдаланилади.

Дикцияни ўстириш усуллари (тўғри, аниқ талаффуз қилиш) кўп жиҳатдан бадиий текстга, унинг маъносини тўғри тушунишга боғлиқдир. Қўшиқда талаффуз қилиш қийин бўлган сўзлар кўп учрайди ва катта киши уларга эътибор бериб, тушунтиради, бир неча марта такрорлайди. Агарда мурожаат («Пой труба», «Где ж мои ребятки, серые котятки?») фразалар ажратилса, эркалаш, ўпкалаш, маъқуллаш ифодаланса ёки образларнинг характерли белгилари, эпитетлар (қўрқоқ қуён, ғазабланган бўри) ва шу кабилар қайд қилинса, ижронинг ифодалилиги кучаяди. Болалар музикалишеърий образлар маъносини тўғри тушунишни ўрганиб олишлари керак.

Интонация софлигининг ўсиши тинглаш малакалари ва энг аввало эшитиб, ўз-ўзини тинглаб, контрол қилишнинг шаклланишига боғлиқдир. Болага айтилган ёки музика асбобида чалинган куйни тинглаш ва ўзини контрол қилиб, уни такрорлаш топширилади.

Тўрт — етти ёшли болалар соф интонацияни ўстириш учун турли топшириқларни бажара оладилар:

— қўшиқни куйлашдан олдин мослашиш; педагог пардани айтади (қўшиқнинг биринчи товуши), сўнгра болалар товушни аста-секин текислаб такрор айтишлари керак;

— педагогнинг қўл ишорасига кўра янграётган куйни тингланган ҳолда товушни ушлаб туриш (чўзиш, айниқса қўшиқнинг охирига товушини чўзиш);

— қўшиқни ўрганишдан олдин турли тонликлардаги кичик қўшиқларни хиргойи қилиш;

— қўшиқда учрайдиган қийин қисмларни ҳамма билан биргаликда ёки индивидуал тарзда бир неча марта айтиш;

— ўзларининг овоз диапазонларига мувофиқ келувчи тонликда куйлаш;

— куйнинг йўналишини, йўғон ва ингичка товушларни идрок қилиш, бу музика тинглаш тасавурларининг шаклланишига ёрдам беради (беш — етти ёшли болалар учун приёмлар);

— тинглаш тасавурларини кўриш тасавурларига қўшимча қилиш (қушча баландда туриб, баланд, жарангдор овоз билан тирқилляпти, бошқаси эса пастга кўниб, ингичка овоз билан куйляпти);

— дирижёрнинг қандай — баланд ёки паст куйлаши кераклигини кўрсатувчи шартли ишоралари (қўлнинг ҳаракати)ни тушуниш;

— ҳеч нарса жўрлигисиз, энг қийин жойларда катта кишининг ёрдамида (овоз ёки музика асбоби) куйлаш.

Тартибли куйлаш усуллари (темп, ритм, тембр, жаранглаш кучи бўйича) коллектив машғулотлар жараёнида таркиб топади. Болалар байрам қўшиқларини шодон, тантанали, аллани — майин, оҳиста куйлаш кераклигини ҳис қилишлари учун ижро этиладиган қўшиқнинг умумий кайфиятини доимо уларга эслатиб туриш керак. Ашула айтиш малакаларига ўргатиш ёлғиз мақсад бўлиб қолмай, балки ифодали, бевосита ва онгли ижро этишга ёрдам берувчи воситадир.

Болалар қўшиқни ўрганар эканлар, музика, унинг мазмуни, куйининг характери (оҳангдор, узуқ-юлуқ), тепми (секин, ҳаракатли), динамикаси (баланд, секин) ҳақида маълумотга эга бўладилар. Бу белгилар билан танишиб олган болалар уларни ўз гапларида, жавобларида қўллай бошлайдилар.

Боланинг овози ва қобилияти фақат қўшиқ ўрганиш жараёнидагина эмас, балки товуш баландлиги қобилияти, ашула айтиш интонацияси, уларнинг координациясини ўстирувчи махсус машқлар орқали ҳам шакллантирилади.

Машғулотларда вокал машқлар фақат 2—4 минутгина давом

этади, бироқ уларни системали тарзда такрорлаш товушнинг тўғри шаклланишига ва овознинг тиниқ чиқишига ёрдам беради.

Болалар боғчасида нота билан куйлашга ўргатилмайди, бироқ боланинг қобилияти мураккаб ҳаракатлар — товуш ва ноталарни қиёслашга тайёрланади. Болаларга нота стани, ключи, ҳажми, тактлари тушунтирилмайди, бироқ улар узунлик (нимчорак, чорак), товушлар баландлиги, мелодик ҳаракатларнинг йўналиши (юқорига, пастга, бир босқичда, босқич оша) белгиланадиган қўлларнинг шартли ҳаракатлари ва график тасвирини тушунадилар. Бола музика товушини унинг график ва мотор белгилари билан қиёслашга ўргатилади.<sup>1</sup>

Ҳар бир қўшиқни ўрганиш бир неча босқичларни босиб ўтади. Қўшиқ аввал болаларни қизиқтириши, уларни жалб қилиши, уларнинг қўшиқни айтишга иштиёқини уйғотиши керак. Ифодали ижро этиш ва педагогнинг образли тушунтириши мана шунга йўллангандир. Шундан сўнг қўшиқни ўрганиш жараёнида қўшиқ айтиш малакаси эгалланади, овоз ва қобилият ўсади. Ҳар бир кейинги машғулотда янги топшириқлар қўйилади: куйнинг қийин жойлари алоҳида куйланади, текст керакли ритмда, пичирлаб айтилади, айрим фразалар навбатма-навбат ижро этилади, ҳамма биргаликда жўрсиз куйлайди ва бошқалар. Натижада оҳанг яхши ўзлаштирилиб, қўшиқ ифодали куйланади. Қўшиқ бола ҳаётига мана шундай кириб келади.

Музыкали-ритмик ҳаракатларга ўргатиш методлари ва приёмлари ҳам хилма-хилдир. Бу кўрсатмали эшитиш (музиканинг педагог томонидан ифодали ижро этилиши), кўрсатмали кўриш (ўйин, рақс, ҳаракатларнинг айрим элементларини кўрсатиш), оғзаки (янги ўйин, рақс ҳақида образли ҳикоя қилиш, уларни ижро этиш вақтида тушунтириш, эслатиш ва шу кабилар) методлардир. Кўп ҳолда такрорлаш машқлари методи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Булар фақат ҳаракат малакаларини эгаллаш учунгина эмас, балки болаларнинг мустақил ҳолатларида, улар ижодий топшириқларни бажараётганларида ҳам қўлланади.

Худди қўшиқни ўрганиш жараёнида бўлганидек, ритмика бўйича иш методикаси репертуарни аста-секин ўрганиш қўшиқлар, ўйинлар, рақслар, айниқса энг мураккабларини назарда тутади, шунингдек, ҳар бир боланинг ёш хусусиятлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олади. Барча метод ва приёмлар бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдириб туради.

Музыкали ўйинларни ўрганишда педагог фақат кўрсатишдангина эмас, балки образли формада қисқа, аниқ кўрсатмалар формасидаги сўздан ҳам фойдаланади. Ўйин билан дастлабки таништиришда қуйидаги метод энг мақсадга мувофиқ бўлиб кўринади: аввал музика яхлит ижро этилади, сўнгра ўйиннинг қисқача баёни берилиб, музика такрорланади, шундан сўнггина болалар ўйинни ижро

<sup>1</sup> «Нотагача» бўлган босқичнинг методикаси, Н. А. Ветлугинанинг «Музыкальный букварь» китобида баён қилинган. М., 1973.



Ўйин болаларга хиргойиларнинг ритмик тасвирини ифодалашларида ёрдам беради

этишга киришадилар. Бундай усулга ўйин сюжетли бўлмаган, бироқ у ўз ҳаракатлари билан аниқ бўлган вақтда кўпроқ мурожаат қилинади. Тексти ҳаракат томонидан айтилиб туриладиган қўшиқ жўрлигидаги ўйинни тушунтиришда ҳам ана шу методдан фойдаланиш мумкин. Рус халқ қўшиғи «Как на тоненький ледок» бунга яққол мисолдир.

Музыка ижросидан олдин ўйин ҳақида ҳикоя қилиш йўлидан бориш ҳам мумкин. Масалан, мактабга тайёрлов группасидаги болаларга улар ҳозир поезд-поезд ўйнашлари айтилади ва қуйидагича тушунтириш берилади: «Поезд аввал секин, шошмасдан, сўнгра тезроқ, жадалроқ ва ниҳоят жуда тез юради. Станцияга келганда поезднинг ҳаракати секинлашиб, поезд тўхтайтиди. Келдик! Тушинглар! Энди нима қиламиз? Бу ҳақда музыка шундай ҳикоя қилади. Бундай метод музыка ва сюжет ривожланишининг бирлигини идрок қилиш имконини беради. Болалар бир-бирларининг орқаларидан (Е. Тиличеванинг «Поезд» пьесаси) ҳаракат қилиб, ритмик қадамлар билан ғилдиракнинг тақиллашини ифодалайдилар, қадамларини музыкага мувофиқ тарзда тезлаштирадилар ёки секинлаштирадилар. Шундан сўнг сокин, ёрқин, лирик пьеса ижро этилади, бу вақтда болалар яланг ўтлоқда сайр қилдилар, гул, қўзиқорин, мевалар терадилар».

Агар ўйин масалан, «Айиқ ва қуёнлар» маълум вазият ва персонажлар ҳаракатига эга бўлса методик приёмлар ўзгаради. Бун-

дай ҳолларда аввал қуёнлар ҳақида ҳикоя қилиб ва дарҳол рус халқ куйи «Зайнка»ни (Н. Римский-Корсаков қайта ишлаган) ижро этиш, сўнгра айиқ ҳақида ҳикоя қилиб, В. Ребиковнинг «Медведь» пьесасини ижро этиб ўрта группа болаларини жалб қилиш лозим.

Шундай қилиб, приёмлар доимо болага асарнинг мазмуни ва характерини эгаллашида ёрдам беришга йўллангандир.

Ўйиннинг бундан кейинги эгалланиши асарларнинг хусусиятларини фарқлаш ва керакли ифодали ҳаракатларни эгаллаш бўйича янги топшириқларнинг тўғри қўйилишига боғлиқ бўлади. Агар ўйин вазияти анчагина мураккаб бўлса, музыкали воситалар ва шунга мувофиқ ҳаракатлантирувчи таъсирларни фарқлашга тайёрловчи машқлар қўллаш мумкин.

Ашула, рақс, хороводларни ўрганиш ўйин приёмларига ўхшаш усулларни қўллашни назарда тутати. Бу ерда ҳам қизиқиш муҳитини яратиш, масалан, рақс музыкасини чалгач, образли ҳикоя ёрдамида рақс ҳақида умумий тасаввур бериш, унинг ҳаракатларини кетма-кет кўрсатиш мумкин. Зарурияти бўлса, турли тренировка машқларини қўшиш лозим.

У ёки бу ҳаракатларни кўрсатиш керак, албатта. Болалар мустақиллигининг ўсишини ривожлантирувчи усулларнинг ҳам аҳамияти кам эмас. Бундай ҳолда асар биринчи марта тинглангандан сўнг педагог боладан музыка таъкидлаётган мазмун ва ҳаракат ҳақида ўз фикрини билдиришини сўрайди. Болалар, ҳатто кўрсатилган ҳаракатлардан фойдалансалар ҳам уларга рақс-ни чиройлироқ ижро этиш учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини гапириб бериш, рақс ҳаракатлари изчиллигини санаб ўтиш, улардан бирортасини кўрсатиш ва шу кабиларга ундаб мустақил қидирувларга йўллаш лозим.

Табиики, хоровод ёки ўйиндаги образли ҳаракатлар ўзини индивидуал кўрсатишга, ижодий ҳаракат қилишга катта имкониятлар беради. Бола мустақиллигини активлаштирувчи усуллар жуда хилма-хилдир. Мана бир неча мисол. Тасаввурдаги предмет билан ўйналадиган ўйинлар («Тўпни ўйна», «Қор бўрон ўйнанг»)ни тавсия қилиб, болаларга ҳаётий вазиятлар шунга мувофиқ музыка билан иллюстрация қилиб эслатилади. Ўйиң машқларида («Биз нима кўрсатаётганимизни топ») барча иштирокчилар икки группага бўлинади. Бир группа ҳаракатларни ўйлайдилар ва кўрсатадилар (бу ҳақда олдиндан педагогга айтидилар ва у шунга мувофиқ келувчи музикани чалади), бошқалари эса уни топадилар. Рус халқ рақси принципи асосида ҳар бир болага ўз ҳаракатини эслаш ва ижро этишга имкон бериш мумкин.

Турли ўйинли машқлар ва сюжетли-образли ўйинлар ижодий мустақилликни ўстиришда, катта имкониятлар беради. Бу ўйинларда болаларнинг фантазиялари ҳар бир болага у ёки бу персонажни ўзича ифодалаш имкониятини беради.

Музыка асбобларини чалиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг музыка фаолиятларидан биридир. «Музи-

кали ўйинчоқ» ва «болалар музика асбоби терминларини адаштир-маслик лозим. Биринчиси — овозли ўйинчоқлар бўлиб, улардан сюжетли ролли ёки дидактик ўйинларда фойдаланилади; иккинчиси — бола учун махсус мослаштирилган ҳақиқий асбобларнинг нусхаси бўлиб, ташқи кўриниши ҳам, овоз чиқариш усули ҳам асл нусхасига ўхшашдир. Униси ҳам, буниси ҳам болаларни қизиқтириб, уларга ўйин соатларида музика чалиб, оркестрда иштирок этиб, ўзларини намойиш қилишларига, музика машғулотларда актив бўлишларига ёрдам беради. Буларнинг иккаласи ҳам маълум талабларга жавоб бериши керак: мураккаб бўлмаган хиргойини, тинглаб танланган таниш куйни мустақил ижро этишга, ритмларни, музика оборотларини бадиҳа қилишга. «музикали садо» ўйинини ўйишга, ўзи қўшиқ айтаётганда жўр бўлишга ундаши керак. Шундай қилиб, болалар айтиб бир вақтда ўзларини ўзлари ўқитадилар ва кўнгилхушлик қиладилар. Баъзи ўйинчоқлар ва музика асбоблари ўқитишда кўрсатмали дидактик қўлланма бўлиб, педагогга болаларнинг музикали-сенсор қобилиятларини ўстиришда, уларни музика саводининг элементлари билан таништиришда ёрдам бериши мумкин. Ниҳоят ансамблда ёки кичик оркестрда иштирок этиш маълум асбобларнинг мавжуд бўлишини ва қуйидагилардан иборат ўқитувни талаб қилади. Болалар музика асбобларининг номи, чалиниш характери, йўғон ва ингичка товушларнинг жойлашиши (металлофон пластинкаларида булар кўрсатилган), фойдаланиш ва сақлаш қоидалари билан танишгач, чалиш усулларини эгаллайдилар, улар мустақил ва ансамблда умумий динамика, темпога риоя қилиб, ўз партияларини вақтида бошлаб ва якунлаб қўшиқ, хиргойи қилиш, санок ўйинларни ижро этишлари мумкин.

Ишнинг яхши текширилган методлари — кўрсатиш ва оғзаки тушунтириш қаторига янгилари қўшилади. Болага нотаниш асбобни катта киши ёрдамисиз чалиш, у ёки бу группа асбоблар чалинишининг изчиллигини эслаш, ижодий топшириқлар бажариш ва шу кабилар тавсия қилинади.

Музика асбобларини навбатма-навбат ўзлаштириш керак. Аввал болаларни асбобни, масалан, цитрани чалиш билан таништириб, бир неча машғулот давомида икки-уч хиргойини чалишни ўргатиб, болалар ўз ташаббусларига кўра чалиш усулларини тақомиллаштира олишлари учун чолғу асбобни группада қолдириш керак. Баъзан «излаш вазияти»ни яратиш: чолғу асбобини (металлофон, триол, аккордеон) болалар билан биргаликда кўриб чиқиб, хато қилганларида тузатиб, уни чалиш усулини мустақил топишни топшириш ҳам фойдали бўлади. Фақат ритм бериладиган зарбли асбоблар (барабан, доиралар, кастаньеталар) ни бир вақтда ўзлаштириш мумкин.

Ҳар бир чолғу асбобининг ифодали усулларини таърифлашда уларнинг садосини қушлар, ҳайвонларнинг овози, инсон нутқи, ариқнинг шилдираб оқиши ва шу кабиларга таққослаш фойдалидир. Масалан, цитрани чалганда, «қушчалар баланд, жа-



рангли, ёқимли сайрашади» дейсиз, барабанга ритмик уришни момақалдироқ билан қиёслаш мумкин ва бошқалар.

Бошланғич босқичдаёқ болани ансамблда иштирок этиш учун зарур бўлган ҳамкорликдаги уйғун ҳаракатларга ўргатиш лозим. Шу мақсадда ўзига хос «ритмик оркестрлар» тузилиб, унда болалар чапак чалиб, оёқларини тапиллатиб, ёғоч таёқчалар, пластмасса қутичалар (буш ёки майда тош, нўхот тўлдирилган)ни тақиллатиб «чалишади». Бу ерда ҳам турлича овоз бериш шакллантирилади. Агар кафтларни ҳовуч қилиб чапак чалинса, овоз қаттиқ, бўғиқроқ чиқади, кафтлар ясси ҳолатда бўлса, овоз аниқ ва жарангли чиқади. Бир қўлнинг узатилган ёки сал букилган бармоқлари билан иккинчи қўлнинг кафтига уриб овоз чиқаришни ўзгартириш мумкин. Тапиллатиш бутун оёқ билан, оёқ учи билан, пошна билан, навбатма-навбат оёқ учи ва пошна билан қилинади, сонга кафт, панжалар билан уриб овоз чиқарилади. Ёғоч, пластмасса, темир предметлар ҳам турли тембрда овоз чиқариш имконини беради. Буларнинг барчаси болаларни жалб қилиб, турли ритмик топшириқларни тўғри бажариш ва дастлаб вазлаштирилган гаплар, нутқ интонациялари, речитативлардан фойдаланиб музика чалиш малакаларини эгаллаш имконини беради.

Энди болаларни музика асбобларини чалишга ўргатиш, унинг приёмларини эгаллашга олиб келувчи методик усулларни кўриб чиқамиз. Педагог маълум ритмни қарсақ уриб чалади ва болаларга кимни чақирганини — Таняними, Андрюшаними ёки Мишеньканими топишни айтади. Шундан сўнг болалар аввал мувофиқ келувчи ритмик тасвирдан фойдаланиб, бир-бирларининг «отларини айта бошлайдилар», кейинчалик уни фланелеграфга қўядилар. «Музикали алифбе»даги хиргойилар ритминини энди улар фортепьяно жўрлигида металлофон, триол ёки зарбли асбобларда ижро этадилар. Турли ритмик тасвирларни ижро этиш малакалари эгаллаб бўлингач, куйларнинг аввал қисқасини, кейинроқ узунроқларини ижро этишга ўтиш мумкин.

Бундай тайёргарликдан сўнг болалар оркестрга бирлаштирилади. Музика раҳбари улар билан оддий бир қисмли пьесаларни (материали кўп марта такрорланадиган), кейинчалик бир нечта турли характердаги қисмлардан иборат бўлган асарларни ўрганади<sup>1</sup>.

Музика асбобларини чалишни ўргатишни пьеса ва қўшиқларни ўрганиш билан чеклаб бўлмайди. Муҳими, бу фаолият боланинг мустақиллигини ўстириши ва ижодий характерда бўлишидир. Бунда тинглаб туриб таниш куйларни танлаш, куйни бир товушдан иккинчисига кўчириш, товуш чиқаришнинг «ўз усулларини» қидириш ёрдам беради. Ижоднинг намоён бўлиши болаларга педагог билан биргаликда пьесаларни «оркестрлаштириш», бадиҳа қилиш, ижод қилишга мувофиқ келувчи шароитларнинг яратиб берилишини талаб қилади. Бу ишни катта киши болаларга музи-

<sup>1</sup> Қаранг. Н. А. Ветлугина. Детский оркестр. М., 1976.

ка асбобида «каккунинг кукулашини», «қушнинг сайрашини», «ёмгирнинг ёғишини», «момақалдиуроқнинг гулдирашини» ва шу кабиларни чалишни тавсия қилиб, йўллаб бориши керак. Бу ўринда эътиборга лойиқ бўлган металлофон ва ксилофонда чалиш приёмларини қўллаш мумкин: бунда *фа* ва *си* пластинкаларини олиб ташлаб (агарда пластинка олинадиган бўлса) ёки елимлаб қўйиб, ҳаммага бир вақтда бадиҳа қилишга рухсат этилади. Баъзи ҳолларда бадиҳа ритмици топиш болаларнинг ўзларига ҳавола қилинади, бошқа ҳолларда маълум (тўртинчи ёки иккита саккизинчи) ритм берилади. Бу приёмларнинг барчаси чолғу асбобларини чалиш ҳар бир боланинг умумий ўсиши учун қизиқарли ва фойдали эканлигини кўрсатади.

Умумий кечинмалар, умумий фаолият билан бирлашган коллективни таркиб топтирувчи музика фаолиятининг хилма-хил турлари педагогдан бутун группани назарда тутувчи методик приёмлар қўллашни талаб қилади. Шу билан бирга машғулотларда ҳам, ундан ташқари вақтда ҳам болаларга индивидуал ва фарқлаб ёндашиш жуда муҳимдир.

Шу мақсадда қуйидаги приёмларни тавсия қилиш мумкин:

1. Эгалланган малакалар ва қобилиятлар ўсувининг индивидуал даражаларини ҳисобга олиш. Бу мақсадда у ёки бу болани вақт-вақти билан текшириш, унинг хатти-ҳаракатини доимо кузатиб бориш керак.

2. Машғулотларда индивидуал ёндашишни қўллаш:

иккиланувчи болаларни активлаштирувчи ва ўзига бино қўйган болаларнинг ортиқча активликларини чекловчи ҳолат яратиш;

фақат бутун коллективга эмас, балки айрим болаларга қаратиладиган кўрсатмалардан фойдаланиш (бу ҳар бир болада ўзи билан қизиқиляётганлиги ва уни кузатишаётганлиги тасаввурини яратади);

болалар томонидан индивидуал ролларнинг ижро этилиши, бирор топшириқни навбатма-навбат бажариш ва уни баҳолаш.

3. Зарурияти бўлса, жуда қисқа (2-3 минутлик) қўшимча индивидуал машғулотлар ўтказиш.

Бу метод ва приёмларнинг барчаси ҳар бир боладаги мустақил, ижодий қобилиятларнинг намоён бўлишини ўстиришга ёрдам беради.

## Тасвирий фаолият

*Тасвирий фаолият воситалари билан тарбиялашнинг вазифалари*

Тасвирий фаолият билан шуғулланар эканлар, болалар ўз таасуротларини, атрофларидаги ҳаётни ўзларича тушунишларини ва унга эмоционал муносабатларини бадий ижодда: расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, аппликацияларда ифодалаш имкониятига эга бўладилар.

Расм солиш — предмет ва ҳодисаларни графика-рассомлик усулида тасвирлаш бўлиб, унинг асоси колорит, шакл ва композициядир. Предметни кузатар эканлар, болалар расмда унинг характерли хусусиятларини ифодалайдилар; бадий образ яратар эканлар, сюжетни акс эттиришни ўрганадилар; расм солиш техникасининг бошланғич малакаларини аста-секин эгаллаб, нақшнинг баъзи элементларини ўзлаштирадилар (декоратив расм чизишда).

Лой ва пластилиндан нарсалар яшаш — предметлар, фигуралар, ҳайвонлар, қушлар, одамларни пластик тасвирлаш усули. Қўлланадиган материал (лой, пластилин) исталган ифодаликка эришиш йўлида персонажларнинг ташқи қиёфасини, уларнинг ҳаракати, ҳолатини ўзгартириш имконини беради.

А п п л и к а ц и я — тасвирий фаолиятнинг декоратив-силуэт усули. Қоғоздан турли силуэтлар, безаклар, нақшлар қирқиш, уларни рангли фонга ёпиштириш маълум уйғунлик яратади. Бунда болада қўлларининг ҳаракатини координация қилиш, ўз-ўзини контрол қилиш ўсади, қоғоз, қайчи, елим билан ишлаганда эса техник малакалар эгалланади.

Тасвирий фаолият жараёнида тарбиялаш ва ўқитишнинг асосий вазифаси болалар томонидан ўзларининг предмет ва воқеалар ҳақидаги таассуротларини ифодали образлар ёрдамида ифодалаш кўникмаларининг эгалланишидир.

Болаларни бадий ижодга жалб қилар экан, педагог уларда атрофдаги ҳаётга эстетик муносабатни тарбиялаши, эмоционал таассуротларнинг жамғарилишига ёрдам бериши, индивидуал қизиқиш, майл қобилиятларни таркиб топтириши керак.

### *Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг тасвирий фаолиятига раҳбарлик қилиш методикаси.*

Тасвирий фаолият машғулотлари биринчи кичик гурпуада бошланиб, болаларнинг **расм солиш, лой ва пластилин**дан нарсалар яшашга бўлган қизиқшини ўстиришга, уларда теварак атрофдаги /расмлар, ўйинчоқлар/ гўзалликни сезиш қобилиятларини таркиб топтиришга йўллангандир.

Бу ёшда кичкинтойлар расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, елимлаш ишларини энди бошлаётган бўладилар, шунинг учун турли бадий материаллар билан танишишнинг ўзи уларда жонли қизиқиш уйғотади. Бу қизиқиш тарбиячи томонидан болага турли материаллар: ёрқин рангли қаламлар, қоғоз ва бўёқлар берилиши орқали қўллаб-қувватланади ҳамда ўстирилади.

**Биринчи кичик гурпуа** болаларини ўқитиш программаси катта эмас. У турли материаллар билан танишишни, улар билан ишлашнинг дастлабки малакаларини эгаллашни ҳамда қоғозга ўнг қўлда ушланадиган қалам, бўёқ чўтка билан расм чизилиши, лойни кафтларда думалоқлаб нарсалар ясаллиши ҳақидаги билимларнинг эгалланишини назарда тутати.

Болаларни бўёқлар, чизиқлар, гувалачаларни билиб олишга, улар қандай предмет ва ҳодисаларни ифодалаши мумкинлигини

тушунишга ўргатилади. Тарбиячи болаларда кузатувчанлик ва диққатни ўстириб, уларнинг воқелик ҳодисалари билан ўхшашликларни топишга ва мураккаб бўлмаган предметларни (курساتма бўйича ва мустақил) қайтадан ясашга ўргатади. Чизилган, ясалган биринчи образларни бола худди жонлидек идрок қилади ва ундан завқланади.

Иккинчи кичик группадаги тасвирий фаолият программаси анча мураккаблашади, чунки асосий эътибор шакл ҳосил қилувчи ҳаракатларнинг эгалланишига қаратилади. Болалар фақат турли йўналишлардаги чизиқларни чизишнигина эмас, балки маълум шаклни ифодалашни ҳам ўрганиб олишлари керак. Бола предмет расмини чизиши ёки уш лой ва пластилидан ясаши учун у шакл (думалоқ, тўртбурчак, тўғри бурчак, шар, цилиндр, диск шаклида ва бошқалар) малакаларини эгаллаган бўлиши керак. Уларнинг ёрдамида расмда уй, машина ракетанинг расми, лой ва пластилидан одам, қуш, ҳайвон тасвири ҳосил бўлади. Кичкинтойлар билан теварак-атрофни кузатар экан, тарбиячи болаларнинг эътиборини ҳамма предметлар турли шаклга, рангга эга эканлигига қаратади. Рангли қалам билан юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга бўяб (контурдан чиқиб кетмай) ёрқин қизил байроқча ёки ҳаво шарини чизиш мумкин. Бўёқни эса фақат тук бўйлаб ва албатта бир томонга қараб суриш керак, шунда у қоғозга бир текисда ётади.

Икки-уч ёшли болалар билан декоратив расм чизиш бўйича машғулотлар ҳали ўтказилмайди. Бироқ уларни квадратчалар, доирачаларни елимлаш ёки ёрқин полосалар, нуқталар ва шу кабиларни ўтказиш билан (улардан чиройли гиламча расми пайдо бўлади) қизиқтириш мумкин.

Бундан ташқари, иккинчи кичик группада болалар қоғозга тайёр шаклларни (геометрик шакл-доира, тўртбурчакни, таниш ҳайвонлар, қушлар, ўйинчоқларнинг силуэтларини) елимлашни ўрганадилар.

Шундай қилиб, тасвирий фаолият программаси қиёсан оддийдир, бироқ уни муваффақиятли бажариш учун бир қатор методик приёмлар қўллаш талаб қилинади.<sup>1</sup>

Расм чизишга ўргатишда даставвал асосий эътибор қўл ҳаракатларининг уйғунлигига қаратилади, чунки қаламни ўнг қўлда тўғри ушлашга ўрганиш кичкинтой учун каттагина ишдир. Тарбиячи, болага қаламни бериб, қоғозга чизишни, айланувчи, думалоқ ҳаракатлар қилишни айтади, уни қизиқтириш учун «Қара, қандай тутун пайдо бўлди... Мана, яна, яна» деб такрорлаб, қалам билан айланма ҳаракатлар қилади. Боланинг ўзи «Тутун, тутун» дея бошлайди.

Қалам ҳаракатининг йўналишини аста-секин ўзгартириб ва «йўлкалар», «лентачалар», «тайёқчалар» ва шу кабилар билан

<sup>1</sup> Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлаш методикаси қуйидаги китобларда батафсил ёзилган: Сакулина Н. П., Комарова Т. С. Изобразительная деятельность в детском саду. М., 1973. Казакова Т. Г. Рисуют младшие дошкольники. М., 1971 г.

ассоциация уйғотиб, тўғри чизиқ қандай ўтказилишини кўрсатиш лозим. Масалан, бир нечта узун йўлакчалар чизишни тавсия қилиб, улардан кимлар ва нималар чопиб юришини сўраш мумкин. Бу йўлакчадан мушук чопиб ўтган, бунисидан кучук, бунисидан қиз бола чопиб ўтган»— дейди бола. Бажону дил чизар экан, бошда бола қўлини беихтиёр ҳаракат қилдиради. Аста-секин катта кишининг раҳбарлигида уларнинг ҳаракати анчагина аниқ мувофиқлашган ритмик бўла боради.

Агарда машғулотлар ўйин, қизиқтирувчанлик шаклида ўтказилса, кутилган муваффақиятга тезроқ эришилади. Масалан, ҳар хил рангдаги дарвозани чизишдан олдин бола ундан машина, ўйинчоқ айиқ, қуёнларни у ёқ, бу ёққа ўтказиб ўйнаши учун уларни қурилиш материалларидан яшаш мумкин. Шундан сўнг фазода ёйни чизиб, уни қоғозда бир неча бор такрорлашни болаларга топшириш мумкин. Бундай машқдан сўнг болалар рангли қаламлар билан хилма-хил рангдаги кўпгина дарвозаларни чизишлари мумкин. Болалар чизган расмлар билан танишиб, дарвозаларнинг қандайлигини баланд ёки пастми, қандай рангдалигини сўраш лозим. Машғулотни тугатиб яна қурилиш материалларидан дарвоза қуриш ва у билан ўйнаш мумкин. Бир оз вақт ўтгач, болага истаган нарсасини чизиши учун яна қоғоз ва қалам бериш лозим.

Турли бадий материаллар — рангли фонда расм чизиш мумкин бўлган қаламлар, бўёқларни қўллаш болаларнинг дастлабки расмларида образларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

Икки ёшли болалар расми бир неча бўёқлар билан чиза олмасликларини назарда тутиб, бўёқ ва қоғоз рангининг гармоник бирикишига алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, боланинг зангори фонга — кўк, сариқ фонга — қизил ва бошқа бўёқлар билан чиза олишлари учун столларга шунга мувофиқ рангдаги бўёқларни қўйиш лозим. Бўялган рангининг фон билан бирикиши болада турли ассоциациялар уйғотади, маълум кайфиятни келтириб чиқаради. Агар масалан, тўқ сариқ ранг доғ «олов» бўлса, у фақат тим кўк ёки қора фондагина «ёнади». Образ тушунарлироқ бўлиши учун тарбиячи: «Кеч кирди ва кўчада ёруғ чироқлар ёнди» дейди. Шу орқали катта киши болалар расмларидаги ижодий асосларнинг ўсишини йўлга солади.

Халқ педагогикасида ҳамкорликда ҳаракат қилишнинг ҳар хил формалари мавжуд: она билан бола «ладушка» ёки «сорока» ўйинларини ўйнайди. Бола мазмунини эмоционал идрок қилиб, ишора, хатти-ҳаракат билан жавоб қайтаради. Бундай ҳамкорликдаги ҳаракат кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан тасвирий фаолият машғулотларида ҳам қўлланилиши мумкин. Болани ёрқин бўёқлар, қаламлар, катта қоғоз варағи ўзига тортади; у тарбиячи билан биргаликда расм чизар экан, ҳузур қилади. Болалар бу ишни қувонч ва иштиёқ билан қилишларига интилиш лозим.

Бола катта киши билан бирга ҳаракат қилар экан, ўзини дадилроқ ҳис қилади. Бўёқ билан расм солишни тавсия қилар экан, катта киши боланинг эътиборини бўёқнинг рангига, қоғознинг силлиқ-

лигига, мой чўтканинг қилига тортади ва у билан биргаликда дастлабки икки-уч бўяшларни бажаради. Мана, «кузги барглар» ҳам пайдо бўлди ва улар «ҳавода айлана бошладилар» ёки «қор ёғиб, аста-секин ерга туша бошлади». Қўқ фон оқ гуашь билан яхши бирикиб, қишки қор ёғишининг тасвирини яратади.

Бошқа ҳолатда машғулотни ўзгача ташкил қилиш мумкин. Масалан, тарбиячи қоғозга бир неча дарахт, буталарни узайтирилган шаклда олдиндан чизиб қўяди. Шундан сўнг болаларни қорли қиш «образига» олиб киради. «Қиш келди ва ҳамма ёқ — дарахтлар ҳам, буталар ҳам оппоқ қор билан қопланди. Қорнинг ерга, дарахтларга, буталарга қандай тушишини чизинг»,— дейди катта киши. Болалар топшириқни мустақил бажарадилар. «Ҳамкорлик»даги ижод жараёни одатдан ташқарилиги билан ўзига жалб қилади, расмни завқ билан томоша қилишга, ундан янги деталлар топишга ёрдам беради: мана бўри юғуриб қолди, арча орқасига қуён яширинди. Бола дастлабки фикрини ўстира бошлайди. Келгуси сафар тарбиячи уйларнинг силуэтларини чизиб, уларни қора қоғоздан қирқиб ёпиштиради. Натижада шаҳар кўчаси пайдо бўлади. Болаларга уй деразаларидаги чироқларни «ёқиш» топширилади. Болалар қалам билан қилинган қатъиятсиз ҳаракатлардан аста-секин оддий композициялар яратишга ана шундай қадам қўядилар.

Уч-тўрт ёшли болани ўйланган расм мазмунини янада тўлиқроқ мужассамлаштиришга йўллаш лозим. Бу табиат ёки ижтимоий ҳаёт ҳодисаси («куз», «ёмғир ёғяпти», «мен қандай сайр қиламан», «байрамга безатилган уй»), эртақ («Репка», «Колобок») сюжети бўлиши мумкин. Расм чизиш учун сюжет танлашга катта киши ёрдам бериши керак. Масалан, болаларга халқ эртаги «Колобок»ни ўқиб бериб, «бўғирсоқнинг йўлкадан думалашини» чизишни топшириш мумкин. Куз вақтида баргларнинг тўкилиши айниқса чиройлидир. Сайрлар вақтида болалар баргларнинг қандай тўкилишини, ерни ҳар хил рангдаги гилам сингари қоплашини кузатадилар, сўнгра бу ҳодисани расмларда акс эттирадилар.

Ижтимоий тематика: 1 Май. 7 Ноябрь байрамларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Сайр вақтида тарбиячи болаларнинг эътиборини шаҳар ёки қишлоқнинг қандай безалганига қаратади ва сўнгра ҳар бир болага ўз таассуротини қоғозга туширишни: қип-қизил байроқчаларни, башанг кийинган кишиларни, безатилган уйларни, ҳаво шарларини чизишни тавсия қилади. Бу расмларни байрам қандай бўлганлигини болалар кўришлари учун стендга жойлаштириш мумкин.

Болалар билан табиатни кузатишда гул ва рангларнинг хилма-хиллиги (қизил, кўк, сариқ, зангори, оқ жигар ранг, қора)га эътиборни қаратиш керак, кейинчалик расм солишда улардан фойдаланиш учун рангларни фарқлашга ёрдам бериш керак.

Чизиқ, чизик контури болага шаклни тасвирлашга ёндашишга ёрдам берувчи ифодали воситадир. Чизиқларнинг узунлиги, уларнинг характерига кўра раемларда таниш образлар (ўт, катта ва кичик доиралар) пайдо бўлади. Тўғри, синиқ, думалоқ чизиқлар-



Коллектив аппликация кичкинтойларга катта кувонч бағишлайди.

нинг эгалланиши қўлнинг шунга мувофиқ ҳаракати билан боғлиқдир. Туташган шаклни тасвирлаш анча аниқ ҳаракатларни ва кўриш контролини талаб қилади. Бу процесслар икки ёшли болаларда ҳали унчалик ўсмаган.

Болаларнинг эътибори шаклнинг хусусиятларига қаратиладиган машғулотлар образли характерда бўлиши керак. Масалан:—«Шарлар учяпти»,— дейди тарбиячи думалоқ шаклларни кўрсатиб. Болалар шарларни тасвирлаб ёпиқ чизиқларни қатъият билан чизадилар, буни бир неча марта такрорлайдилар. Бундай малакаларни эгаллаш келгусида одам ва ҳайвоннинг расмини чизишга ёрдам беради.

Уйланган фикр бўйича расм чизиш жараёнида болалар ўз ижодий фантазияларини бойитиб, таниш образлар (гуллар ўсяпти, балиқ сузяпти, қуёш чарақляпти ва бошқалар)ни мустақил тасвирлайдилар.

Бола тасвирий фаолиятда яхши натижаларга эришиши учун уни бўёқлардан тўғри фойдаланишга, бўёқ чўтка билан бўёқни тартибли олиш, чўткани қоғоз устида қатъият билан юргизиш, чўткани латтага қўйишдан олдин ювишга, бир неча бўёқлардан фойланганда уларни аралаштириб юбормасликка ўргатиш лозим.

Машғулот мазмунига кўра фойдаланиладиган материаллар ўзгартириб турилади. Масалан, ёмғир томчиларини тасвирлаш учун тарбиячи қалам беради; мушак, ёғаётган қор гуашь билан чизилади в. б. лар.

Худди расм солишда бўлганидек, лой ва пластилин-дан нарсалар ясашда ҳам ассоциатив образлар пайдо бўлади, болалар олинган шакл ва фигураларни шулар ёрдамида номлайдилар. Масалан, айрим кўринишларига кўра гуваланинг ҳайвонга ўхшашликларини топадилар. Тарбиячи образли ифода-лашга интилишни қўллаб-қувватлайди ҳамда лой ва пластилин-дан нарсалар ясаш малакаларини эгаллашда ёрдам беради.

Қичкинтойлар ўйлаб қўйган нарсаларининг мазмунини ҳам тўлиқ бера олмайдилар. Шунинг учун бирор персонажнинг шак-лини ясаб, унинг ҳаракатини сўз билан тўлдирадилар (машина юряпти, қуён сакраяпти ва ҳоказо).

Тарбиячи болаларнинг эътиборини лой ва пластилиндан нарсалар ясашга жалб қилар экан, ўйнаш учун айиқча ёки хўрозчани қандай ясаш мумкинлигини кўрсатади. Болалар ясалган нарсаларга қараб, ўзлари бирорта қизиқроқ нарса ясашга интиладилар.

Болалар лой, пластилиндан тўғри фойдаланишга, уларни хонага сочмасликка, нарсаларни махсус тахталар устида ясашга ўргатилади.

Лой, пластилиндан олма, олча, ўрик ҳосил қилиш учун уни кафтлар орасида айланма ҳаракатлар билан думалоқ қилиш керак. Агар ҳаракат тўғри бўлса таёқча, ходалчалар ҳосил бўлади, улардан эса самолёт, қуён учун уйча, эшикча, скамейкача ясаш мумкин бўлади. Масалан, деворча ясаб, кичик ўйинчоқлардан фойдаланиш фойдалидир: хўроз юрибди, арча ўсяпти ва бошқалар.

Агар нарсалар ясашни ўргатишда ўйин приёмларидан фойдаланилса, ҳажмли шакл бола қўлида ўйинчоқ аҳамиятини касб этади. Масалан, бола қўлига олмахонни бериб, у нима еяпти, деб сўраш мумкин. Бола ёнғоқ, қўзиқорин, мева деб жавоб беради. Шундан сўнг бу болага шу предметларни ясаш тавсия этилади.

Бошқа машғулотда шу усулдан фойдаланиб, тарбиячи болаларга сабзи ясашлари учун ўйинчоқ қуённи беради (бир бўлак лойни кафтлар орасида шундай ишқалаш керакки, натижада бир учи йўғон, иккинчи учи ингичка нарса пайдо бўлсин).

Сабзилар анчагина ясалгач, болаларнинг ўзлари қуённи у билан «сийласинлар». Ўйин машғулотдан кейин ҳам давом этади.

Турли шаклларни ифодалай билиш кўникмаси аста-секин ривожланади. Тарбиячи лой бўлагини кафтлар орасида ритмик равон юмалоқлаш ёки ясашни, яссилаш, юзасини текислашни ўргатади. Бунинг учун болалар билан аввал предметлар (шарлар, олмалар, қўзиқоринлар, таёқчалар ва бошқалар)ни кўриб чиқиш, уларни қўлида ушлаб кўришга бериш, шундан сўнггина ясашни буюриш фойдали бўлади.

Бола кафтлари орасида лой парчасини яссилар экан, ундан оби нон, қуймоқлар тайёрлай бошлайди ва улар билан ўз қўғирчоқларини «меҳмон қилади». Тарбиячи бир неча қисмлардан предмет ясашни кўрсатгандан сўнг анча мураккаброқ вазибалар-



ни бажаришга: қўзиқоринлар ва улар солинадиган саватчалар ясашга киришиш мумкин.

Қуш ёки жўжа ясаш учун иккита гувалача: каттароқ — гавдаси учун, кичикроқ — боши учун олиниб, улар кафтларда думалоқланади, сўнгра уларни бирлаштириб, думча чиқарилади. Бу фигураларни умумий тагликка (яйлов, ўтлоқ) қўйиб, кичкинтойлар ўйинга жалб қилинади, ясалган фигуралар қизиқарли сюжет билан бириктирилади. Масалан, болалар ясаган ўрдакчаларни бир қатор қўйиб: «Она ўрдак болаларини олиб кетмоқда», — дейиш мумкин.

Таниш шеър, эртақ, овутомачоқлардан фойдаланиб, бу ясалган нарсалар билан қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш мумкин. Бола учун лойдан ясалган қуёнча, айиқча, қушчалар жонлидир, шунинг учун бола уларни ясашда «овқатлантиради», улар билан суҳбатлашади. Лой билан ўйнашни тақиқлаш ярамайди. Бола «жўжалар ўт устида югуриб, қуёнча ўрмонда сакраб ўйнаши учун» уларни картон, қоғоз устига қўйсин. Уч ёшли болалар бирор предмет ясар эканлар, унинг ҳаракатларини хаёлларида ёки сўзлар билан тўлдирадилар.

Лой ва пластилиндан нарсалар ясаш машғулотида болаларда қатъий қизиқиш, шаклни эстетик идрок этишни тарбиялаш, қўлларнинг координация қилинган ҳаракатларини ўстириш лозим. Бунинг учун болалар билан ясалган нарсаларни кўришда уларнинг эътиборини у ёки бу персонаж ҳолатининг ифодалилигига («жўжа югурапти», «йиқилиб тушди» ва бошқалар) кўпроқ қаратиш лозим. Лой ва пластилиндан ясалган нарсаларни болаларга улар билан ўйнашга имкон бериб, сақлаб қўйиш лозим.

Уч ёшдан бошлаб, болалар боғчасида а п п л и к а ц и я машғулоти бошланади. Бунда тарбиячи асосий эътиборни геометрик шакллардан уларнинг ранги, ҳажмига кўра ўрнини алмаштириб, жойлаштириш ва елимлар эвазига оддий безаклар ясашга қаратади. Бола сюжетли (фонарчалар, қўғирчоқ учун уйча, арава ва бошқалар) аппликацияларни қизиқиш билан елимлайди.

Янги йил арча байрами олдидан масалан, болаларга турли рангдаги доирчалар «маржон» ясашни топширинг. Ясаган нарсаларини завқланиб томоша қилинг ва болага арчада ҳам турли рангдаги маржонлар осилганлигини кўрсатинг.

Таниш предметлар, персонажлар тасвирини елимлаш учун тайёр шакллардан фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан, икки-уч қисмдан қуйидагиларнинг расмини чизиш топширилади: «Бор эканда, йўқ экан, узун қулоқ қуён бор экан», «Қушча дарчага қўнди», «Паровоз қичқирди, вагонларни тортиб кетди», «Қаранглар, қаранглар, Митянинг қандай байроқчаси бор экан». «Эҳ, мушукча, мушукча, кул ранг момиқ мушукча». Елимлашни бошлашдан олдин бу қисмларни қоғозда қандай жойлаштиришни болаларга кўрсатинг. Байрамдан олдин ярқираган, чиройли байроқчани кўрсатиб, худди шундай байроқчани қоғоздан ясашни топшириш мумкин.

Ҳайвон фигурасини елимлашда персонажларнинг характерли

хусусиятларидан фойдаланиб, кичкинтойларни қандай қизиқтиришни ўйлаб қўйиш керак. Масалан, қушчани шундай елимлаш керакки, у шохчада ўтиргандай бўлсин. Айрим қисмларни қоғозга териб, унинг боши, гавдаси ҳолатини ўзгартириб: «Қушчани нима қиляпти?», «Нима учун у бошини пастга эгди ёки кўтарди?» деб сўранг ва шу кабилар. Тайёр аппликацияда қушчанинг тўғри ифодаданганлигига албатта эътиборни қаратиш керак.

Аппликация машғулотларида тарбиячи елимлаш усулларини маълум изчилликда тушунтиради. Мўйқалам, елим, тайёр шакллар билан бўладиган бу ҳаракатларни бола: «Энди нима қилиш керак?», «Буни қандай қилиш керак?», «Яна нима етишмаяпти?», «Яна нимани елимлаш керак» ва шу каби саволлар ёрдамидан эслаб қолади.

Уч ёшли болалар аппликация процессида тайёр шакллари елимлашлари туфайли бу машғулотлар расм машғулотларида олдин ўтказилиши мумкин. Масалан, тўғри бурчак шаклини ифодалаб, болага аппликация: уйча, аравача, вагонча ясаш топширини беринг.

Уч ёшли болаларга уч-тўрт қисмдан: «Ракетамиз, парвоз қил», «Байрамга безатилган уй», «Ҳовлида қорбобо», «Деворча ва дарраҳт», «Уйча олдидаги арча» ва шу кабиларнинг расмини тузиш тавсия қилинади.

Аппликация машғулотларида ҳам ўйин приёmlаридан фойдаланилади. Мана, улардан бири. Рангли қоғозлардан ўйинчоқлар ясалади. Уларнинг қисмлари шундай алоҳида тайёрланадиган елимлаш оқибатида энг яхши кўрган ўйинчоқлар ҳосил бўлиши мумкин. Бу кулгили айиқча, найзангул ўйинчоғи, бежирим матрешка, ёки машина, аравача, самолёт, ракета ва бошқалар бўлиши мумкин. Елимлашдан олдин тарбиячи болалар билан бирга ўйинчоқ қисмларини тартиби билан қўйиб чиқиб, алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Тасвирнинг ёрқинроқ чиқиши учун рангли фондан фойдаланган маъқул.

Қандай чиройли расмлар ясалганини ҳамма болалар кўришлари учун бажарилган ишларни кўринадиган жойга қўйиш лозим. Уларни ака, опа, она, бувига совға қилиш мумкин. Қилинган аппликацияларни кўриб чиқишда болани ўз ишини мустақил баҳолашга, тасвирланган нарсага ўз муносабатини ифодалашга ўргатиш лозим. Бу жараёнда катта киши активлик кўрсатиши керак.

Тасвирий фаолият бўйича машғулотлар икки-уч ёшли болани образли вазиятларга олиб кирадиган қилиб ташкил қилинади. Бу вазият унга тарбиячи билан ҳамкорликда чизган расми, лой ва пластилиндан ясалган нарса, аппликацияни эмоционал идрок қилишида ёрдам бериши керак.

Бадий фаолият ҳар хил турларининг комплекс таъсири образга эмоционал муносабатни шакллантиришга ёрдам беради. Бола қалам, бўёқ билан расм солиб, лойдан нарсалар ясаганда, агарда бунда шеърини сўз ёки қўшиқ кўмак бериб турса, шакллар тасвирий, ранг доғларининг ёрқинлигини яхшироқ идрок этади.

Тасвирий-ифодали воситаларни эгаллаш (ритм, ранг, шакл, композиция) болага атрофдаги предмет ва ҳодисалардан ўхшашларини топишга имкон бериб, чизган расми, лойдан ясаган нарсаси, аппликациясининг мазмунини бойитади. Тасвирий фаолиятнинг сенсор асослари образли асосдан ажралган ҳолда таркиб топа олмайди. Болаларга бадий фаолиятни ўргатиш учун ҳар сафар айрим воситалар, материалларнинг ифодалигига таяниш лозим.

### *Тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни тасвирий фаолиятга ўргатиш мазмуни ва методлари*

Тасвирий санъат (живопись, ҳайкалтарошлик, графика декоратив-амалий) ўзининг конкретлиги ва кўрғазмалилик кучи туфайли болаларга кучли таъсир кўрсатади, уларни ижтимоий ҳаёт, табиат, турмушдаги янги ҳодисалар билан таништириш, тасаввурларини бойитиш имконини беради.

Бундан ташқари, бадий образ ўзининг характерлилиги, ёрқин мужассамлашганлиги туфайли хайрихоҳлик, шодлик ёки аксинча қайғу-алам ҳиссиётини уйғотиб, доимо ҳаяжонлантиради.

Тасвирий санъат асари яхлит, яъни фақат мазмуннигина эмас, балки санъаткор томонидан образли мужассамлаштиришда фойдаланилган воситаларни ҳам қамраган ҳолда идрок этилиши керак. Бунда эмоционал жавоб, унга нисбатан маълум муносабат албатта юзага келади. Мана шунинг учун ҳам педагог асар танлар экан, уларнинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга тушунарли бўлишини доимо ёдда тутиши керак.

Реал борлиқни образли акс эттирувчи реалистик санъатни идрок қилиш қузатувчанлик, хотира, тасаввурни талаб қилади. Бу атрофдаги ҳаёт ва санъат, унинг ҳар хил турлари ўртасида, илгари кўрилган билан ҳозир кўрилаётган нарсалар ўртасида ассоциация ўрнатишга ёрдам беради.

Болаларнинг ёши улғайган сари бойиб борувчи ҳаётини тажрибалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бола ўзининг бевосита туйғуларини, дастлабки ҳаётини таассуротларини онгли тушуниб, онгли англай бошлайди, унда буларни тасвир билан қиёслаш қобилияти аста-секин таркиб топа бошлайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳатто тушунишлари қийин бўлган расмларни кўриб чиқишда ҳам уни теварак-атрофдагилар билан қиёслашга интиладилар.

Санъат асарларига бўлган қизиқиш ва муҳаббатни бола эътиборини атрофидаги расмлар, ҳайкалларга тортиб, болалар боғчасининг кичик группаларидан бошлаб тарбиялаш лозим.

Беш ёшдаги болалар расм мазмуни бўйича саволларга жавоб бера оладилар, тасвирланган ҳаракат ҳақида гапира оладилар, баъзи предметларнинг ранги ва шаклини фарқлай оладилар.

Олти-етти ёшдаги болалар санъат асарларини анча чуқурроқ идрок эта оладилар. Улар образларни очиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлган характерли деталлар, белгиларни, бадий ифода воситаларини қайд қилиб, нима тасвирланганлиги ҳақида мустақил гапириб бера оладилар.

Педагог бола эътиборини тасвирланаётган ҳодисалар, одамлар, ҳайвонларнинг ифодалилигига, характерли деталларнинг бойлигига, ранг гаммасига, шаклларнинг пластиклигига доимий йўллаб, уни аста-секин идрок этилганни элементар баҳолай билишга олиб келади. Бу энг аввало бир асардан иккинчисини афзал кўришда намоён бўлади. Болалар ўзларига ёқиб қолган, хотираларида қолган асарнинг қайта-қайта намойиш қилинишини сурайдилар. Шундай қилиб уларнинг шодлик, қониқиш ҳиссиётини уйғотиш орқали билим доираси кенгайтирилади, тажрибалаари бойитиб борилади.

Тасвирий санъат асарларидан болалар боғчасидаги тарбиявий ишларда кенг фойдаланилади. Улар фақат интерьерни безабгина қолмай, балки томоша ҳам қилинади. Улар бўйича суҳбатлар ўтказилади, улардан турли машғулотларда (жумладан бадий нутқ машғулотларида) фойдаланилади. Бу биринчи навбатда қаҳрамонларнинг ёрқин, хотирада қолувчи образларини яратувчи адабий асарларнинг асосий ғоясини очиб берувчи рус классиклари, совет ёзувчиларининг китоблари, халқ ижоди асарлари тўпламларидаги иллюстрациялардир. Бу улардан болаларни бадий адабиёт билан таништириш машғулотларида кенг фойдаланиш имконини беради. Боланинг эътиборини расм мазмунига ҳам, ифодалилик воситаларига ҳам (чизиқлар, бўёқлар, расмда предметнинг жойлашиши) йўллаш лозим, чунки у гўзалликни ҳис қилсин ва тасвирланаётганнинг аҳамиятини яхши англасин.

В. Лебедев, Ю. Васнецов, А. Пахомов, В. Конашевич, Е. Чарушин, Е. Рачев, К. Ротов, А. Каневский каби болалар китобларининг иллюстрациячилари томонидан яратилган бадий образлар жуда конкрет ва эмоционалдир. Бу рассомларнинг расмлари рангдорлиги, расм ва композициянинг аниқлиги, ҳаётий кузатишларнинг тўлиқлиги билан ажралиб туради. Бу рассомларнинг ҳар бири ўз оригинал тасвирлаш услубига эга бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳис қила оладиган юқори ифодалиликка эришмоқдалар.

Асарларнинг бадий ифодалилигини идрок этишни ўстириш иллюстрацияларни намойиш қилиш методикасидаги муҳим ўринлардан биридир.

Болалар эътиборини биринчи навбатда тасвирланган персонажларнинг характеристикасига (иллюстрациялар рангли ёки оқ-қора бўлиши мумкин), уларнинг ҳолатига, ишорасига, юз ифодаларига, фигураларнинг берилишига, шунингдек, тасвирланганнинг маъносини яхшироқ эгаллашга ёрдам берувчи характерли деталларга қаратиш жуда муҳимдир. Рангли иллюстрацияларни намойиш қилишда уларнинг рангига эътибор бериш лозим. Беш ёшдаги болаларни предметнинг рангини айтишга, олти-етти ёшларни рангини маълум кайфиятни ифодалаш воситаси сифатида идрок этишга ундаш лозим. Расмларни кўриб чиқишда асарларнинг жанрини доимо ёдда сақлаш лозим.

Болалар эътиборини активлаштиришда тарбиячининг бола-

ларга берадиган саволлари катта аҳамиятга эгадир. Бу саволлар болаларга қаҳрамоннинг образини, характерли хусусиятларини тушунишларида, унинг хатти-ҳаракатларини, характерининг айрим хусусиятларини баҳолашларида, ташқи қиёфасини баён қилишларида ёрдам беради.

Эртақларга ишланган иллюстрацияларни кўра туриб бола эътиборини афсоналилик муҳитини яратувчи (реал образга хос бўлган айрим хусусиятларни бўрттириб кўрсатиш, эртақка хос колорит) ифода воситаларига албатта йўллаш лозим. Масалан, Л. Толстойнинг «Три медведя» эртагига ишланган иллюстрацияларни (рассом В. Лебедев) кўришда кичкинтойлар эътиборини албатта айиқ хонасининг сеҳрлилигига, кровать, стул, косаларнинг одатдан ташқарилигига қаратиш лозим. Беш — етти ёшли болалар П. Бажовнинг «Серебряное копытце» эртагига ишланган иллюстрацияларнинг (Рассом М. Успенская) фантастик эканлигини тушуна оладилар. Фантастикликка ранг бирикмалари (кўк «эртақнома» ранг) воситасида эришилади.

Иллюстрацияларни намойиш қилишда адабий текстга, унинг энг ёрқин, образли жойларини ўқиб бериб мурожаат қилиш керак.

Тасвирий санъатнинг бошқа турлари — рассомлик, ҳайкалтарошлик, декоратив-амалий санъат ҳам болалар боғчасидаги тарбия процессида катта аҳамиятга эгадир. Улардан фойдаланиш методикаси жуда хилма-хил. Асарларни кўриш суҳбат, болаларга бериладиган саволлар, уларнинг мустақил гапиришлари, тарбиячининг у ёки бу образнинг ифодалилигини очиб берувчи ҳикояси билан бирга олиб борилади.

Группа хонаси ёки залда бадий асарлар: суратлар, иллюстрациялар, ҳайкаллар, декоратив-амалий буюмлар репродукцияларининг кўруви ўтказилади. Болалар билан биргаликда программага мувофиқ келувчи асарларни кўриш учун музей ёки кўргазмага экскурсиялар уюштирилади.

Тасвирий фаолият бўйича ўрта ва мактабгача катта ёшдаги болалар билан бўладиган педагогик иш расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш ва аппликацияни ўз ичига олади.

Болалар боғчасининг ўрта группасида лой ва пластилиндан нарсалар ясаш ҳамда турли шакллар расмини солиш приёملарини эгаллаш давом эттирилади. Бир неча қисмдан: нисбий ҳажм ва жойлашишдан таркиб топувчи предметларни ифодалаш ҳам катта аҳамият касб этади.

Болаларнинг расмлари, лой ва пластилиндан ясаган нарсаларининг мазмуни сезиларли даражада кенгайди, мазмунда бир неча тасвирлар бирикади. Тарбиячи лой ва пластилиндан нарсалар ясашда шаклнинг характерли хусусиятларини, қисмлар пропорциясини ифодалашни ўргатади.

Аппликацияга қирқиш киритилади, бу эса елимлаш учун фақат тайёр шакллардангина фойдаланилиб қолмасдан, балки мустақил тайёрлаш имконини ҳам беради (қор, уй, вагон ва бошқалар). Бу болалар ишининг мазмунини бойитади.

Рангли қаламлар ва бўёқлар билан расм солиш боланинг ялнисига ва тартибли бўяшни эгаллашига, уларни спектрнинг асосий ранглари, нейтрал (қора, кул ранг, оқ) ҳамда баъзи оттенкалар (кўк, тўқ қизил) билан танишишга имкон беради.

Бу ёшдаги болалар билан бўладиган янгилик декоратив расм солиш ва аппликациядир. Болаларни оддий элементлардан нақшлар тузиш, шакл ва рангни чиройли бириктириш, уларни қорозга ритмик жойлаштиришга ўргатиш вазифаси илгари сурнади. Бу машғулотлар учун квадрат ва доира шаклида қирқилган қороз берилади. Нашқни уларнинг четларига, ёнларига, атрофига, ўртасига тўғри жойлаштириб безаш лозим.

Катта гуруппаларда программа талабларини: бир неча қисмлардан иборат бўлган предметларнинг асосий ранги ва шаклини ифодалаш, бир расмда уларнинг ҳажмини қиёслаш, ер полосаси ёки бутун вараққа жойлаштиришни эгаллаш давом эттирилади.

Бу ёшдаги болалар борлиқни ва тасвирий санъат асарларини эстетик идрок эта оладилар. Улар образнинг ифодалилигига интиладилар. Расм ва аппликация сюжети анча тўлиқ ва аниқроқ мужассамлашади. Декоратив расм чизишда нақш рангларини ўринли танлайдилар, уни турли шаклларда жойлаштиришнинг композицион усул (приём)ларини эгаллайдилар.

Қўлларнинг ҳаракати анча эпчил, эркин бўлиб қолади. Техник усул (приём)ларни эгаллар экан, бола текис, ялпи чизиш учун мўйқаламни қандай ушлаш кераклигини, анчагина мураккаб нақшларни чизишда, қирқишда қайчидан қандай фойдаланиш лозимлигини, бутун кафт билан эмас, бармоқ билан ёпиштириш зарурлигини тушуниб олади. Ўз ишини анчагина аниқроқ баҳолаш пайдо бўлади. Бу ишни яхшироқ бажаришга қизиқишни, иштиёқни келтириб чиқаради.

Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури предмет ва ҳодисаларнинг маълум гуруппасига мувофиқ келади. Болалар учун лой ва пластилиндан характерли тузилишга ва ҳажмли шаклга эга бўлган тирик мавжудотларни яшаш анчагина осондир. Аппликация ёрдамида аввал қурилма ва машиналарнинг тўғри бурчакли шаклларини, сўнгра эса мева, сабзавот ва тирик мавжудотларнинг думалоқ шаклларини тасвирлайдилар. Табиат манзаралари, ҳаётдаги ҳодисалар, адабий асарларнинг сюжетлари бўйича расмлар чизилади.

Мактабга тайёрлов гуруппасида болалар аста-секин натурага қараб чизишга ўтадилар. Расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, аппликация машғулотларида улар ўзлари кўриб турган предметга тўлиқроқ ўхшатишни (шакли, тузилиши, рангига кўра) ўрганадилар. Болалар фикрнинг мужассамлашишига эриша бориб, унинг характерли хусусиятларини қайд қилиб, ритм, чизиқ, контур, рангдан фойдаланадилар ва қилинган ишни ифодалилиги нуқтаи назаридан индивидуал ҳамда коллектив баҳолашга ҳаракат қиладилар.

Мустақил тасвирий фаолият амалий йўналиш ҳам касб этади:



Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг коллектив мустақил тасвирий фаолиятлари.

болалар боғча биноси ва территориясини безашда ёрдам берадилар, турли ўйинчоқ ва макетлар тайёрлайдилар. Қалам, бўёқ ва материаллардан эркин, тўғри фойдалана билиш катта аҳамиятга эгадир.

Тасвирий фаолият машғулотларида тарбиячи ўз эътиборини ҳар бир болада кузатувчанлик, тасаввур, тушунча, кўриш хотирасини ўстиришга қаратади.

Бу ишнинг методикасида кузатишларни уюштириш ва амалга ошириш масалалари етакчи ҳисобланади. Болаларнинг кузатувчанликлари ўстирилиб, улар предметларнинг характерли белгиларини қайд қилиш, шаклини анализ қилиш, ўхшашлик ва фарқини аниқлаш, ўраб турган дунёдаги ранг ва шакллар бойлигини кўришга ўргатилади.

Тадбиркорлик билан ўтказилган суҳбатлар, саволлар мақсадга мувофиқ бўлиши (масалан, кузги ўрмон тасвирланган расмда йил фасллارининг шу даври учун характерли бўлган бўёқларнинг бирикишига эътибор бериш) болаларга сайрлар вақтида дарахтлардаги тўқ сариқ, қизил, сариқ, тўқ яшил барглари, осмоннинг кўм-кўклигини, гўзаллигини ўзлари ҳис қилишларига ёрдам беради.

Педагогик практика бир предмет, ҳодисани такрор кузатиш методикасидан етарлича кенг фойдаланади. Бу ҳар бир конкрет ҳолатда маълум вазифани қўйиш ва сўнгра уни тасвирлаш воситалари орқали ифодалаш имконини беради.

Мисоллардан бирини келтирамиз. Болалар билан биргаликда теракзорни томоша қилаётганда, тарбиячи аввал эътиборни айрим дарахтнинг тузилишига қаратади (дарахт танаси, шохларнинг жойлашиши) кейинроқ бир неча дарахтларни бир-бирига қиёслашни) улар ҳар хил — катта, кичик (тавсия қилади, сўнгра эса яхлит идрок этишга олиб келади) теракзор кундуз кунни қуёш ёритганда ёки кечқурун, қоронги осмон фонида теракнинг оқ таналари аниқ ажралиб туради). Бундай кузатишнинг қиммати шундаки, болада аста-секин таассуротлар жамғарила бошлайди, дунёни образли кўриш маданияти тарбияланади.

Кузатишнинг бошқа турларида болалар тасвирлашлари керак бўлган предмет билан машғулотда танишадилар. Предметни кўриб чиқишда (ўрта группадан бошлаб) тарбиячи аввал унинг умумий кўринишини тушунтириб беради, сўнгра унинг қисмлари номини айтади ва уларни таърифлайди. Бу айрим қисмларни ва умуман предметни эслаб қолишни активлаштиради.

Предметнинг шакли, тузилиши, ранги, мутаносиблигига, яъни болаларнинг ишларида акс этиши керак бўлган сифатларига алоҳида эътибор берилади.

Болаларнинг натурадан бажарган расмларини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар: шаклнинг тасвирланиши ва ранги предметга мувофиқ келади; композиция саҳифа марказига жойлаштирилган; расм йирик, натурага мувофиқ пропорцияга риоя қилинган; тасвир контурнинг ингичка чизиги билан белгиланган; штрихлар контур ичида бир текис қилинганлиги ҳисобга олинishi зарур.

Натурадан чизиш машғулотларида болалар оддий (думалоқ, цилиндр шаклидаги, овалсимон) ва анча мураккаброқ шаклларни (икки форманинг бирикмасини: овалсимон, цилиндрсимон, думалоқ, конуссимон, шарсимон, цилиндрсимон ва бошқалар) тасвирлашни ўрганадилар.

Сабзавотлар, мевалар, ўйинчоқлар, идиш-товоқ ва ўсимликлар: арча шохи, сирень шохи, хонада ўсадиган ўсимликлар, дала гуллари, мимоза ва бошқалар натура объекти бўлиши мумкин.

Катта ва мактабга тайёрлов группаларида лой ва пластилиндан натурага қараб нарсалар яшаш машғулотлари ҳам ўтказилади. Бунда ҳам айтиб ўтилган усуллардан фойдаланилади: аввал предметнинг йирик, кейин майда қисмлари ажратиб кўрсатилади.

Ҳажмли шаклни эгаллаш албатта кўриб, сезиб, ушлаб идрок этишни тақозо этади (предмет контурини аста-секин кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб чиқиш). Булар ўз навбатида эътиборни жамлайди, болаларнинг тасвирланаётган шакл, унинг конфигурацияси ҳақидаги тасавурларига аниқликлар киритади.

Балиқ, қуш, қуён, кучук, мушук ва шу кабилар кузатиб бўлингач, болага ўйинчоқ бериш керак, у ўйинчоқни бемалол томоша қилсин, ушлаб кўрсин, унинг қисмларини айтсин, шаклларини аниқласин ва бошқалар.

Лой ва пластилиндан нарсалар яшаш машғулотларида (иложи



бўлган барча ҳолатларда) натурал предметлар (сабзавотлар, ме-валар, қўзиқоринлар ўйинчоқлар)дан фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, педагог тасвирий фаолиятга ургатишга турли кўрсатмали, оғзаки, амалий методларни қўллайди, болалар эса булар ёрдамида тасвирлаш кўникмасини эгаллайдилар.

Мактабгача педагогиканинг замонавий ривожланиш босқичида болалар ижоди проблемасини ўқитиш масалаларидан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Кузатишлар, тарбиячининг сўзи, тасвирлаш усуллари курсатиш ва бошқалар ижодий характердаги машғулотларда ҳам аҳамиятлидир. Бироқ ижодни бошқариш ўз хусусиятига эгадир.

Ижодий топшириқлар учун шундай ҳодисаларни танлаш керакки, улар образга нисбатан эмоционал муносабат уйғотсин, масалан, ўзининг кутилмаганлиги билан ҳайратда қолдирсин (биринчи қор, биринчи майса, чиройли гулдаста) ёки турли колоритни қиёслаш имконини берсин (олтин ва булутли куз, эрта ва кечки баҳор ва бошқалар).

Тематика табиат ҳодисаларини, совет воқелигимизни ҳамда эртакни ўз ичига олиши мумкин.

Мақсади бадиий асарнинг айрим элементларини очиб бериш бўлган бир неча топшириқларни кўриб чиқамиз.

### **I. Образ характери.**

**В а з и ф а:** персонажларнинг характерли белгилари, ҳолати, ҳаракатларини бериш.

**Т о п ш и р и қ л а р т е м а т и к а с и:** «Қосмонавт», «Моя мама» («Мальчиш-Кибальчиш»), «О профессиях»:

«Колобок», «Теремок», «Гуси лебеди», «Морозко», «Василиса Прекрасная», «Кот, петух и лиса», «Сивка-бурка», «Лисица, заяц и петух».

Энди «О профессиях» темасида раем солиш бўйича машғулотлар конспектини келтирамиз.

Таништириш учун В. Маяковскийнинг «Кем быть?» (Ю. Қоровин расмлари) ва С. Михалковнинг «А что у вас?» (А. Пахомов расмлари) китобларидан фойдаланиш.

Иллюстрацияларни кўздан кечиришда болаларнинг эътиборини у ёки бу касбни характерловчи деталларга, кийимнинг хусусиятларига қаратиш.

Расм солиш вақтида болаларга маълум касбдаги кишини, у меҳнат қиладиган ҳолат деталларини (кема палубасини, самолёт ва трамвай кабинаси ва бошқалар) тасвирлашни топшириш.

### **II. Колорит ва композиция.**

**В а з и ф а:** сюжетнинг мазмуни ва ифодалилигини бериш учун рангдан фойдаланиш.

**Т о п ш и р и қ л а р т е м а т и к а с и:** «Салют», «Эрта баҳор», «Кеч баҳорда», «Гўзал баҳор», «Яшнаётган ўтлоқ», «Колхоз дала-си кенг», «Олтин куз», «Булутли куз», «Қуёшли қиш кунни», «Бу-

лутли қиш куни», «Туман билан қопланган шаҳар», «Кечки шаҳар».

**В а з и ф а:** персонажларнинг ўзаро муносабати, ҳаракатлар динамикасини композицион тўғри бериш.

**Т о п ш и р и қ л а р т е м а т и к а с и:** «Космос», «Ўй қурилиши», «Футбол», «Чанғичилар», «Қишки кўнгил очишлар», «Қордаги қушлар», «Парранда фермасида», «Хашак йиғимида».

Ўрта группа болалари билан: «Менинг онам», «Яшнаётган ўтлоқ», «Қордаги қушлар», «Салют», «Майсазорлардаги жўжалар» ва бошқа темалар бўйича машғулотлар ўтказиш мумкин.

«Қолхоз даласи кенг» темасидаги машғулот конспектини келтирамиз.

**М а ш ғ у л о т н и ў т к а з и ш м е т о д и к а с и.** Машғулотдан олдин тарбиячи болалар билан биргаликда далада жавдар, беда, кунгабоқар ва бошқалар қандай ўсишини кузатади. Бу кузатишлар коллектив ҳолда ўтказилади. Улар учун характерли бўлган ранг фарқлари қайд қилинади (жавдар умумий тўқ сариқ рангга, беда яшил, қизил ва тўқ қизил ранг бирикмасига, кунгабоқар— ёрқин сариқ ва яшил ранг бирикмасига эгадир). Уша ерда, даланинг ўзида жавдар бошоғи, беда гули, кунгабоқар гулининг шакли анча батафсил кўриб чиқилади. Кузатишлардан сўнг болаларнинг ниятларини билиш (ким қандай далани чизмоқчи) ва шунга мувофиқ натура сифатида (алоҳида машғулотда) бошоқ ёки гулларни тавсия қилиш мумкин.

Бундай тайёргарликдан сўнг ҳар бир болага катта форматдаги қоғоз сарфасига маълум бир дала тасвирини чизишни тавсия қилиш мумкин.

Машғулот якунида тайёр ишлардан коллектив композиция ташкил қилинади.

Агарда шаҳар, қишлоқ дарё ёки сув ҳавзаси яқинига жойлашган бўлса, болалар уни йилнинг турли вақтларида, қуёшли ва булутли кунларда кузатиб, катта таассуротлар олишлари мумкин. Дарё ҳаёти ҳам хилма-хилдир: пароход ва баржаларга юк ортиш ва тушириш, ёғоч оқиши, балиқ овлаш ва бошқалар.

Ранг муносабатида «Чироқлари ёқилган пароход кечқурун дарёда сузаяпти» темаси ҳам жуда қизиқарли бўлиши мумкин.

Бу машғулотни қандай тайёрлаш мумкин?

Болалар машғулотдан олдин дарёда сузаётган турли пассажир пароходлари, баржалар, ракеталарни кундуз куни кузатадилар. Тарбиячи уларнинг эътиборини пароходларнинг конструкциясига, шаклидаги фарққа, катталигига қаратади. Кўрсатмали материал сифатида «Мы плывем на самаходке» китобининг расмларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Кечқурунги кузатишлар вақтида болалар эътиборини қора ва ёруғ доғларнинг (осмон ва дарёнинг қорамтир ранги ёп-ёруғ ёритилган пароход билан кескин контрастлашади) контраст бирикишига қаратиш лозим.

Расмни қоғознинг қора фонига қип-қизил, сариқ, оқ, оч кўк, оч яшил, тўқ яшил, жигар ранг бўёқлар билан чизиш керак.

Бирор ҳодиса, адабий асарнинг сюжетини аниқроқ бериш учун бола фикри (ниятининг) таркиб топишини бошқариб бориш зарур. Болалар ниманинг расмини чизмоқчи эканликларини сўраш, сўнг-ра нимадан ва қандай тасвирлашларини аниқлаш ва асосийсини

танлаб олиш керак. Мана шундай қилинганда болада қатъият ва ишида мустақиллик пайдо бўлади.

Бола расм чизишни ўйлар экан, фақат унинг мазмунини эмас, балки композициясини ҳам, персонажларни бир-бирига нисбатан жойлаштиришни ҳам, образнинг ранг характеристикасини ҳам тасаввур қилади.

Расм солиш жараёнида тарбиячи турли фазовий шаклларга (тасвири бутун саҳифага, ўрта группа учун полосага жойлаштириш) тушунтиришлар бериши мумкин.

Болаларнинг юксак даражадаги расмлари қизиқарли сюжети, шакл, фигуралар характерли хусусиятларининг берилиши, ранг масаласининг ҳал қилиниши, композициянинг оригиналлиги, образнинг ифодалилиги билан ажралиб туради.

Ўрта, катта ва мактабга тайёрлов группасидаги болалар учун лой ва пластилиндан ясалган нарсаларда образнинг ифодалилигини бериш катта аҳамият касб этади. Бу ўринда ҳам бир ижодий топшириқнинг мазмуни ҳамда конкрет характерини аниқлаш ва очиб бериш лозим.

Ижодий топшириқларнинг икки типни ажратилди. Биринчиси образ характерини очиш — одам, ҳайвон ҳаракатини тасвирлаш билан боғлиқ. Иккинчиси образ характерини бўлганидек ҳаракатлар динамикасини ҳам персонажлар ўртасидаги пропорционал муносабат ва ўзаро муносабатни бериш ётувчи икки, уч фигурадан ташкил топувчи ҳайкалчалар группасини лой ва пластилиндан яшаш масаласини ҳал қилишга йўллангандир.

Биринчи типдаги топшириқларни бажариш учун болалар олдига ё у ёки бу персонажни ҳаракатда ифодалаш заруриятини кўндаланг қуювчи тематикани тавсия қилиш мумкин. Бола фақат кузатибгина қолмай, балки ўзи бажарган ҳаракатларни кўрсатиш имконини берувчи темаларни ҳам танлаши мумкин: «Чанғичилар», «Байрамда мен қандай рақсга тушаман», «Ҳоккей ўйини». Бу диққат билан кузатишни, диққатни деталларга (гавда қисмлари: қўллар, оёқлар, қомат, бошнинг ҳолати)га қаратишни талаб қилади. Масалан, чанғида учишнинг ҳар хил усулларини — юриш, югуриш, тепаликдан тушиш, тепаликка чиқиш ва шу кабиларни ўргатишда болалар эътиборини гавда қисмларининг ҳолати ўзгаришига, қоматнинг тўғрилигини муҳокама қилишга қаратиш лозим.

Ижодий топшириқ чанғичининг гавда ҳолатини бола ўзи танлаган ҳолатда лой ва пластилиндан яшашдан иборат бўлади.

Машғулот якунида ишлар қор босган текислик ёки тепаликни тасвирловчи макетга қўйилади. Чанғичиларнинг қанчалик тўғри ясалганлигини ҳамма коллектив бўлиб баҳолайди.

«Бу тепаликдан йиқилиб тушади. У тик турибди, тепаликдан эса тиззаларни букиб, олдинга эгилиб тушиш керак...» дейди болалар.

Болаларни «Мен байрамда қандай рақсга тушаман» темаси бўйича лой ва пластилиндан нарсалар яшаш машғулотига тайёр-

лар экан, тарбиячи уларга байрамда рақсга тушишни ўргатишда уларнинг эътиборини турли рақс вазиятларида гавда, қўл, оёқларнинг ҳолатига қаратади. Мана шундай қилинганда болаларнинг лой ва пластилидан ясаган нарсаларидан фигураларнинг рақсга тушаётганлигини ва ҳатто қайси рақсгалигини ҳам осонгина аниқлаш мумкин бўлади.

Бола ўзбек халқ рақси ҳаракатларини оҳиста ифодалар экан, у лой ёки пластилидан қўлларини ён томонларга ёйиб, бошини юқори кўтарган ёки бир қўлини юқорига кўтариб, иккинчисини белига қўйган одамнинг фигурасини ясайди. Оёқларнинг ҳолати ҳам ҳаракатдан далолат бериб туради: худди юргандаги сингари бири иккинчисидан кейин ёки бир оёқ тўлиқ босиб турилган, иккинчиси эса оёқ учларида, худди оҳиста бурилишдаги сингари. Шўх украин рақсларини тасвирлашда болалар фигураларни қўллари белда, оёқлари олдинга чиққан ёки тиззадан буккан ҳолда ясашади.

«Хоккей» ўйини тематик машғулотига тайёрланишда болалар билан биргаликда бир неча телевизион кўрсатувларни, иллюстрация ва фотосуратларни кўриш, шайбали ўйинни уюштириш лозим бўлади. Бунда шайбани ураётган, олиб кетаётган ўйинчи гавдасининг ҳолатига доимо эътиборни қаратиб туриш лозим.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар топшириқларни яхшигина уддалайдилар, уларнинг ясаган нарсаларида одам ёки ҳайвоннинг ҳаракати, кўп қирра кузатишларнинг натижалари (мушук сутни тили билан ичяпти, кучук югурияпти, товуқ донни чуқияпти ва бошқалар) ифодалайди.

И ж о д и й т о п ш и р қ л а р н и н г и к к и н ч и т и п и л о й ё к и пластилидан ҳайкалларнинг кичик группасини ясаш билан боғлиқдир.

Катта группадан бошлаб болалар олдига мураккаб бўлмаган сюжетларни ифодалаш вазифасини қўйиш керак. Бу жанрдаги темалар («Овчи ва кучук», «Қизча товуқларга дон беряпти», «Ўғил бола укасини чанада учиряпти», «Сават кўтарган қизча тўнка орқасидан қўзиқорин топди» ва бошқалар) ёки эртақ («Колобок», «Три медведя», «По шучьему велению» ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Болаларни «Кот, петух и лиса» эртаги бўйича лой ва пластилидан нарсалар ясашга тайёрлар экан, тарбиячи персонажларнинг характери ҳақида суҳбат ўтказади; иллюстрацияларни кўриб чиқишда санъаткор эътиборни образ характери қандай воситалар билан ифодалаётганлигига қаратади.

Бундан ташқари, костюмларнинг айрим деталларидан фойдаланиб, драмалаштирилган ўйинлар ўтказилади, ўйиндан сўнг тарбиячи болалар ижросини баҳолайди, образни аниқроқ бера олганларни қайд қилади.

Шунингдек, этюд характеридаги топшириқлар: яшириниб келаётган тулки, югуриб кетаётган мушук, қичқираётган хўрозни лой ва пластилидан ясаш ҳам топширилади.

Бу ишларнинг барчаси бола эртак персонажларининг образини яхшироқ тушуниб олиши, уларга нисбатан ўз муносабатларини шакллантириши учун зарурдир. Фақат шундай тайёргарликдан кейин машғулот бошланади.

Болаларнинг кўпгина ишларида образларнинг характери персонажларнинг ўзаро муносабати орқали берилади. Бола фақат қаҳрамонларни тасвирлабгина қолмай, балки уларни умумий ҳаракатлар билан боғлайди. Масалан, хўрознинг дарчадан қарашини илтимос қилаётган тулки ерга ёпишиб, тумшугини хушомад қилиб юқори кўтариб турибди. Уни тинглаётган хўроз эса дераза тоқчасига чиқиб, қанотларини ёйиб, ерга учиб тушишга тайёр бўлиб, бўйинини чўзиб турибди ва бошқалар.

Жанр ва эртак темаси бўйича лой ва пластилидан нарсалар ясашда яратилаётган фигураларнинг нисбатан мураккаблигини эътиборга олиш керак. Улардан бири — асосий, бошқаси — оддийроқ, ҳажми кичикроқ бўлиши керак. Фигураларни жойлаштириш учун болаларга лой суртилган картон парчаси берилади, унга фигураларни мустақкамроқ ўрнатиш мумкин (овчи ва кучук фигура-си бир-бирини суяб туриши мумкин).

Лой ва пластилидан ҳайкаллар группасини яшаш топшириғи болаларни коллектив ишларни бажаришга ўргатади («Мазай бобо ва қуёнлар», «Қизил майдонда парад», «Товуқ фермасида», «Ҳайвонот боғида» ва бошқалар). Бундаги асосий нарса болаларда ўзлари ясаган нарсалар ҳажмини бошқаларига мувофиқлаштириш малакасини ўстиришдир. Мактабга тайёрлов группасидаги болалар буни удалай оладилар.

Лой ва пластилидан нарсалар яшаш билан системали тарзда шуғулланиш натижасида болалар предметнинг характерли белгиларини, шаклларнинг хусусиятларини, пропорцияни, ҳаракатнинг ифодалилигини бера оладилар.

А п п л и к а ц и я бўйича ижодий машғулотларнинг асосий мазмуни табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари темаларида расмлар ёпиштиришдир.

Бир қатор темаларни келтирамиз:

— «Олтин куз», «Аквариум», «Сеҳргар қиш», «Ўрмондаги тулки», «Қарғалар қор устида», «Зағчаларнинг учиб келиши», «Баҳорги боғ», «Денгизда»;

— «7 Ноябрь куни», «Болалар байрамга кетишяпти», «Қосмонавтлар», «1 Май», «Қизил майдонда парад», «Болаларнинг байрамдаги хороводи», «Поезд», «Арча байрами».

Топшириқларни бажаришда рангли қоғоз танлаш катта аҳамиятга эгадир. Майин, ёрқин бўлмаган фоннинг туси хилма-хил ёрқин ранглар билан яхши бирикади. Масалан, «Қиш» темасидаги аппликация учун оқ, кул ранг, қора, жигар ранг ва қўшимча қилиб озгина яшил қоғоз бериш мумкин. «Баҳор» темасидаги аппликацияни бажариш учун эса оч яшил, жигар ранг, сариқ, қизғиш ва шу каби ранглардаги қоғозлар танланади.

Катта группада ишнинг коллектив формасидан кенг фойдала-

нилади. Улар хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, иккита бола тарбиячи тавсия этган ёки ўзлари мустақил танлаган умумий темани биргаликда бир қоғоз саҳифасида чизадилар. Бутун группа болалари битта умумий аппликацияни масалан, «Кузги ранг»ни яратишлари мумкин. Уларга турли рангдаги — сариқ, қизил, тўқ сариқ, яшил рангдаги қоғоз берилади. Ҳар бир бола тарбиячи ўзига берган қоғоздан заранг баргини қирқади, сўнгра барглар бир дарахтга ёпиштирилади. «Поезд», «Шаҳар кўчаси», «Болалар байрамда рақс тушишяпти» ва шу каби коллектив композициялар ҳам қизиқарлидир.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар йирик форматли аппликацияларни ҳам бажара оладилар. Бу одатда бирор байрамга атаб қилинади ва ундан зал ёки группа хонасини безашда фойдаланилади.

Олдиндан байрам мазмуни (Улуғ Октябрь социалистик революцияси, янги йил арчаси, 8 Март, 1 Май) ҳақида суҳбат ўтказилади, аппликацияни жойлаштириш учун зал кўриб чиқилади. Бу болаларнинг нимани ва қандай безатиш зарурлигини кўриб, тасаввур қилишларига имкон беради.

Зални безатиш учун рангли аппликатив силуэтлар тайёрланади. Панно учун қоғозлардан ҳар хил рангдаги заранг, дуб барглари ва шохлари, рябина мевалари етарли миқдорда қирқилади. Фриз учун солдатлар, матрослар фигураларидан, ҳарбий техника, авиация, Кремль миноралари ва шу кабилар тасвиридан фойдаланилади.

Коллектив безаш кўрсатмали «ориентир»ни, мувофиқлашган ҳаракатларни талаб қилади. Педагог бажарган фриз композицион схемасининг эскизи бундай «ориентир» бўла олади. У рангли бурлар билан умумий композицияни чизади, болалар эскиз асосида силуэтларни танлайдилар ва умумий фикр талабига мувофиқ келувчи композицияни елимлайдилар. Панно болалар билан биргаликда тузилади, мотиви, ранги ва композициясига кўра қизиқарлироқ бўлган элементлар танланади.

Иш натижаси кўрсатмалироқ бўлиши учун имкони борича безалиши керак бўлган хонада ўтказилиши лозим. Бунда болаларни группаларга (5—6 тадан) ажратиш керак.

Катта группада қирқишнинг барча усуллари: тўғри чизиқдан думалоқ шаклни кесишгача эгалланади. Тўғри қирқиш малакаси жуда пухта эгалланган бўлиши ва у ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Шунинг учун машғулотлар мазмунига ҳар хил предметларни сингдириб, буни эгаллашга етарлича вақт ажратиш лозим. Қоғоз полосасини кўндалангига қайчининг бир ҳаракатида қирқишдан болалар аста-секин анча узунроқ ва кенгроқ қоғоз полосаларини тўғри йўналишдан оғмай (букик ёки чизиқ бўйлаб) қирқишга ўтадилар. Фақат мана шундан кейингина бурчакларни думалоқлашни ўрганадилар.

Вазифа исталган предметларни қирқиш усулини умумлашган ҳолда тушунтиришдан иборатдир.

Топпириқни тушунтиришда болаларни активлаштириш ва

уларни фақат малакаларни эгаллашгагина эмас, балки ҳаракатларга мустақил оғзаки характеристика бериш, бошқаларга кўрсатишни тавсия қилишга ҳам ўргатиш керак. Қирқишга киришишдан олдин қайчини қоғоз варағининг қаеридан, қайси бурчагидан, қайси томонга қараб йўналтириш лозимлигини ўйлаб қўйиш лозим.

Катта группаларда контурнинг ифодалилиги асосий ҳисобланувчи силует қирқимлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунга ўргатишда индивидуал усуллардан фойдаланиш мумкин: тарбиячи бола орқасида туриб, фазода предмет силуетини секин чизади ва ўз ҳаракатини гапириб туради. Предметни фазода кўра билишга «Мен нимани чизаётганлигимни топ», «Сен айт, мен топаман» ўйинлари ёрдам беради. (Болалар ёки тарбиячи ўйланган предметини фазода чизади ва топади.)

Силует аппликация учун предметларни танлаш болаларнинг таассуротлари ва техник кўникмалари доирасига боғлиқдир. Тўғри бурчакли ва думалоқ предмет шакллари қирқишни эгаллаш бино, машина, одам фигураси, ҳайвон, қуш, мева, гул, қўзиқорин, сабзавотларнинг силуетини ифодалашда ёрдам беради.

Аппликация ишларининг юксак даражаси силуетнинг ифодалилиги, предмет тузилишининг, характерли деталларининг берилиши, сюжет композицияларида ранг ечимининг гармониклиги, композициянинг оригиналлиги билан характерлидир.

Болалар бадий ижоднинг тадқиқоти иллюстратив материаллардан тасвирий фаолиятнинг ҳар хил турларида фойдаланиш йўллари кўрсатиб берди. Халқ амалий санъатининг предметлари, китоблардаги расмлар, иллюстрациялар ва бошқалар болаларнинг фантазиялари, ижодларининг ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Биринчи навбатда шуни қайд қилиш керакки, иллюстратив материал объектлар ва ҳодисалар ҳақидаги билимларга эга бўлиш воситаси сифатида қаралиши керак. Бу объект ва ҳодисаларни расм, лой ва аппликацияда ифодалаш керак бўлади. Масалан, «Биз Шимолда яшаймиз» ижодий топшириғига тайёрланиш процессида шу ерда яшовчиларнинг миллий кийимлари, турмушларини кўрсатиш мақсадида китоблардан иллюстрациялар танлаш мумкин.

Эртақ бўйича расм чизишга тайёрланишда болалар билан қадимги ўзбек кийимлари иллюстрациясини кўриб чиқиш ва уларни замонавий кийимлардан фарқ қилишга эътибор бериш мумкин (чакмонлари узун, тиззасига тушади, белбоғлари энли, кўйлаклари гулдор, этиклари пошнали, учи юқорига қайрилган, шароварлари кенг ва бошқалар). Бундан ташқари иллюстратив материал болага ўз фикрини амалга ошириш усулини топишда ёрдам беради. Санъат асарлари образли-ифодали воситалардан қандай фойдаланиш мумкинлигига намуна бўлади.

Санъат асарлари билан таништиришнинг формаларидан бири суҳбат бўлиб, унда тарбиячи болаларга асарнинг мазмунини очиқ беради ва уларнинг эътиборини асарнинг ифода воситаларига қа-

ратади. Энг оддий савол болага маълум бадий приёмларнинг автор томонидан нима сабабдан танланганлигини тушунишида ёрдам беради: «Расом кечки пайтни, кузги булутли кунни ифодаламоқчи бўлганлиги расмдан билиниб турибдими? ва бошқалар. Ўзида умумлаштиришни мужассамлаштирган, образ характери бериш билан боғлиқ бўлган мураккаброқ асардан саволлар ҳам берилади. Икки асарни қиёслашни назарда тутувчи саволлар ҳам берилиши мумкин. Саволларга қўшимча сифатида кўрсатмали образнинг ифодалилигини таъкидловчи шеър ёки алоҳида бандни, бирор адабий кичик парчани ўқиб бериш мумкин.

Расм солиш, лой ва пластилидан нарсалар ясаш машғулотларидан олдин ҳамда машғулотларда ҳайкаллардан фойдаланиш болаларга бадий образни идрок этишларида, унинг қиёфасини, характерли хусусиятларини аниқроқ тасаввур қилишларида ёрдам беради. Бундай ҳолатларда чинни, фаянс, ганч ва бошқа материаллардан тайёрланган ҳамда қўлга олиб, ҳар хил томонга буриб батафсил кўриш мумкин бўлган кичик фигуралар жуда қўл келади. Персонажларнинг кўрсатмали образлари эртақлар темасидаги («Аленушка», «Иванушка на гусе», «Царевна-лягушка») ҳайкалларнинг кичик шаклини яратади.

Лой ва пластилидан нарсалар ясаш машғулотларида ҳайкалларни кўриш катта аҳамиятга эгадир. Бу иш болаларга шаклни бериш усулларини яхшироқ эгаллашларида ёрдам беради. Болалар ўзларига кўриш учун берилган ҳайкални аниқ қайта тасвирлай олмайдилар (нусха кўчира олмайдилар) ва буни улардан талаб қилиш ҳам керак эмас. Ҳар бир ёш группасида бола нарсаларни ўз кўникмалари ва ижодий имкониятлари доирасида ясайди. Бу ўринда муҳими унинг эътиборини фигураларнинг қандай қўйилганлигига, шаклнинг хусусиятларига, унинг характерли белгиларига, оддий ҳаракатларни қандай ифодалаш мумкинлигига жалб қилишдир.

Тарбиячи болаларга декоратив расм солиш усулларини ўргатар экан, уларга уни кўриш ва такрор чизиш учун энг оддий халқ декоратив санъатидаги предметларни безайдиган нақшларни тавсия қилиши мумкин. Чизиш учун композицияси ва элементларига кўра болаларга тушунарли бўлган декоратив безакларни танлар (Киров орнаменти, хохлом, городец наққошлиги, украин, белорус нақши ва бошқалар) экан, педагог уларни турли шакллардан тузишни, нарсаларни безашни ўргатади.

Бола нақш элементларининг жойлашиши, уларнинг ранг ва нисбий катталигини эгаллаётган, бўёқ билан расм солиш техник маъналарини ўзлаштираётган ўрта группада тарбиячи мураккаб бўлмаган намуналардан фойдаланади, ўз навбатида болаларнинг ўз ижодларидаги мустақилликларига ижобий таъсир этади. «Фартукчани безаш» темасидаги машғулотни намуна қилиб келтирамиз.

Асосий мақсад — болаларни тўғри ва тўлқинли чизиқларни чизишга, мўйқалам учи билан нўхат расмини солишга ўргатиш. Тарбиячи оддий элементли



намуналарни бажариб кўрсатади: фартукчалардан бири бутунлигича нухатлар билан иккинчиси тўғри ва тўлқинли чизиқларни алмаштириб безатилган Намуна болалар кўз олдида яратилганлиги туфайли, болалар кўрсатилганга амал қиладилар. Уларнинг мустақилликлари чизиқларнинг янги комбинацияларини, композицион ечимларни топа олишларида намоён бўлади.

Амалий санъат асарлари билан танишиш, бир томондан, бола тасаввурини бойитади, болаларнинг мустақил тасвирий ниятларини таркиб топтиради, бошқа томондан — бу ниятларни мужассамлаштиришни ифода воситаларини топиш имконини беради.

Мисол тариқасида «Вологда кашталари» темасидаги машғулотни келтирамиз:

Машғулот бошида тарбиячи халқ усталари тўғри қандай тўқишларини гапириб беради. Шундан сўнг Ю. В. Максмов ва В. Н. Чурикованинг «Русское народное декоративно-прикладное искусство в детском саду» (М., 1973) қўлланмасидан намуналарнинг фото суратлари келтирилган жадвални кўрсатади. Сўнгра болаларга тўр тўқишни мустақил топиш ва уни рангли қозғозларга чизиш тавсия қилинади.

Ҳар бир бола таниш шакллардан (доира, полоса, нуқталар, тўлқинли чизиқлар) фойдаланиб, ўзининг нафис расмини яратади. Булардан машғулот охирида коллектив фриз ташкил қилинади.

Санъат асарларининг намойиш қилиниши болалар расмларида чизиқларнинг пластик ифодаланишини таъминлайди.

Қатта группалардаги лой ва пластилиндан нарсалар ясаш тематикасига амалий декоратив санъат сезиларли таъсир кўрсатади. Халқ ижодининг намуналари лойдан қандай нарсалар ясаш мумкинлигини, пластик ечимнинг ифодалилигига қандай эришиш мумкинлигини кўрсатади, улар нақш билан таништиради, ранг палитрасини бойитади.

Болаларга лойдан ясалган ёрқин димков ўйинчоқларини, городец нақшини, ўймакорлик стол-стулини, ўйинчоқларни ва шу кабиларни кўриш учун бериш мумкин.

Бундай машғулотнинг асосий методи суҳбатдир.

Вятка ўйинчоғини кўрсатишда уни безовчи беш элемент: нуқталар, полосалар, тўлқинли чизиқлар, доира ва катаклардан ташкил толувчи нақшнинг орнаментига эътибор бериш керак.

Лойдан ясалган халқ ўйинчоқларининг ҳажмли шаклини билишга асосланиб, болалар лойдан қўғирчоқ, қуш, от, эчки ва шу кабиларни ясай оладилар. Халқ керамика буюмлари мотивлари асосида болалар ҳар хил хурмача, тувак, лаганларни ясашни ўрганадилар.

Қалам, мўйқаламни эгаллашнинг техник малакаларини ўргатишда ҳаракат усулларини кўрсатиш билан бирга оғзаки тушунтириш, қиёслаш, муҳокама қилиш ҳам қўлланади. Бунда болаларнинг эътибори мўйқалам билан энли ва ингичка чизиқларни, қалам билан бир текисдаги штрихларни ўтказишдаги ҳаракат харақтерига қаратилади, ҳаракатларнинг сифати — тезлиги, кўлами, майинлиги, ритмлилиги ва бошқалар қайд қилинади. Материал билан ишлашнинг баъзи усулларини болаларнинг ўзлари бир-бирларига тушунтира оладилар.

Болалар боғчасида қалам ва гуашь билан расм солинади. Би-



Катта гурпуада тасвирий фаолият бўйича машғулот

роқ акварель, сангин, кўмир қаламнинг киритилиши ҳам расмлардаги образларни ифодали беришга ёрдам беради (дарахт фактураси, унинг шохларининг нозик нақшлари). Болаларни янги материаллардан тўғри фойдаланишга уларнинг таниш бўлиб қолган материаллардан фарқини таъкидлаб, ўргатиш лозим. Кўмир қалам ва сангин жуда мўрт, шунинг учун улар билан расм солганда уларни қоғозга енгил тегизиш керак.

Бир расмда кўмир қалам ва гуашь, сангин ва гуашь, гуашь ва рангли қаламларнинг пухта ўйланган турли бирикмаларини ҳам тавсия қилиш мумкин. Бу тасвирда катта ифодалиликка эришиш имконини беради.

Мактабгача катта тарбия ёшидаги болаларни, улар рангларнинг турли оттенкаларини бера олишлари учун палитрада бўёқларни аралаштириш билан таништириш керак. Агар белилага қизил ёки кўк ранг аралаштирилса, ранг ўзгаради, очроқ бўлиб, янги ранг жилоси пайдо бўлади. Зумрадли-яшил ранг белила билан аралаштирилганда ёқимли зангори-яшил денгиз тўлқини рангини эслатувчи рангни беради ва бошқалар. Қора бўёқнинг қўшилиши ҳам асосий рангни ўзгартиради, тўйинганликни камайтириб, унга кул ранг тус беради.

Бундан ташқари бир неча хил бўёқларни ҳам аралаштириш мумкин. Яшил ўт ранги белила билан аралаштирилганда оч кўк,

унга сариқ кадмий қушилганда эса у ёрқин оч яшил тусга киради. Шундай қилиб, ёрқин, тўйинган, нафис, майин ранг ва оттенкага эришилади.

Сенсор тарбия<sup>1</sup> бўйича ўтказилган тадқиқотлар агарда болалар асосий нарсани ажратиш принципини эгаллаб олсалар, уларда предметни тадқиқ қилишнинг умумлашган усуллари таркиб топишини кўрсатди, бу эса ўз навбатида ҳар бир янги топшириқни бажаришда мустақил ҳаракат қилиш имконини беради.

Бир неча машғулотларда болаларни фаолиятнинг усуллари, яъни нима, қандай приёملар билан бажарилиши кераклиги ҳақида кенгайтирилган ва изчил таништиришни ташкил қилиш мумкин. Болаларни ўзлари эгаллаган умумлашган ҳаракат усуллари ва кўникмалар асосида лой ва пластилиндан янги предметлар ясашга ўргатиш вазифаси илгари сурилади.

Тарбиячи кўп карра кузатишлар процессида ҳайвонларни лой ва пластилиндан статик ёки ҳаракат ҳолатида яшаш мумкинлиги билан болаларни таништиради. У ҳаракатни ифодалашнинг баъзи усуллари кўрсатиб бериши керак (ҳайвон гавдасининг ҳолатини ўзгартириши, тумшугини чўзиши, оёқларини букиши ва бошқалар). Бу боланинг мустақил ечимларни излашига албатта таъсир кўрсатади.

Масалан, «Ҳайвонот боғи» тематик машғулотини бошлашдан олдин тарбиячи болаларга: «Бугун ҳайвонот боғида кўрган ҳайвон ва қушларни лой ва пластилиндан ясаймиз. Ҳар ким ўзига кўпроқ ёққан нарсани ясайди. Бу фил ёки йўлбарс, айиқ ёки кийик, тимсоҳ ёки тўтиқуш ҳам бўлиши мумкин» дейди. Болаларнинг истакларини эшитгандан сўнг, у агарда ҳайвонлар ҳаракат ҳолатида тасвирланса, қизиқарлироқ бўлишига эътиборни қаратади. Болалар объектни мустақил танлаб, тарбиячи илгари кўрсатган ҳаракатни ифодалаш усулларида фойдаланиб, предметни ясашга киришадилар. Хартумини кўтарган фил («гўё у ўзининг устидан сув қуйяпти»), оғзини очган тимсоҳ, тумшугини олдинга чўзиб қафасда югуриб юрган тулки пайдо бўлади.

Ҳаракатни лой ва пластилиндан нарсалар ясашда бериш усулини болалар эртақлардаги образларни ясашга ҳам мустақил кўчирдилар, аввал этюд характеридаги топшириқларда — бекиниб келаётган тулки, югураётган мушук, қичқираётган хўрозни ясашда, сўнгра ҳаракатда берилган образлар, персонажларнинг ўзаро муносабатларини ифодали намойиш қилувчи айрим эпизодларни ясашга кўчирдилар.

Тасвирий фаолият мактабгача ёшдагилар томонидан турлича ўзлаштирилади. Баъзилари малакаларни тезда эгаллаб оладилар ва уларнинг ишлари қизиқарли бўлади, бошқалари бу малакаларни

<sup>1</sup> Қаранг: Сенсорное воспитание дошкольников. А. В. Запорожец ва А. П. Усова таҳрири остида. М., 1963; Теория и практика сенсорного воспитания в детском саду. А. П. Усова ва Н. П. Сакулина таҳрири остида. М., 1965; Сенсорное воспитание в детском саду. Методик кўрсатма. Н. П. Сакулина ва Н. Н. Подьяков таҳрири остида. М., 1969; Дидактические игры и упражнения по сенсорному воспитанию дошкольников. Л. А. Венгер таҳрири остида. М., 1978.

унчалик бемалол қўллай олмайдилар. Бир хиллари декоратив расм чизишда, иккинчилари лой ва пластилиндан нарсалар яшашда, яна бошқалари ўймакорликда ўзини тўлиқ ҳамда ижодий намоён қиладилар. Педагог қўшимча кўрсатмалар, маслаҳатлар бериб, унинг ташаббуси, ихтиросининг намоён бўлишига эътибор билан қараб, болага актив ёрдам бериши керак. Энг яхши расм, лой ва пластилиндан ясалган нарсаларни қизиқарли, мустақил бажарилган ишнинг ижобий намунаси сифатида, бутун коллектив эътиборига ҳавола қилиши керак. Ижодий мустақилликни ҳамма вақт осонлик билан намоён қилиш мумкин. Болалар боғчасининг программаси унинг барча болалар томонидан эгалланишини назарда тутаяди, бироқ бир хил натижаларга эришилишини кутиш ва ҳар бир машғулотнинг фойдалилиги ҳамда тўғрилигини шунга кўра баҳолаш хато бўлган бўлади. Шу билан бирга программада мўлжалланган талаблар маълум вақт ичида барча болалар томонидан ўтилган бўлиши керак. Ҳар икки-уч ойдан кейин индивидуал текширишлар **ўтказиш, ким** нимадан орқада қолаётганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир боланинг кузатувчанлиги қай даражада ўсганлигини, предметларнинг шакли, уларнинг тузилишини ифодалашда қай даража ўсганлигини, ёрқин бадий образларни беришда бўёқ, елим, қаламлардан фойдаланишнинг техник малакаларини қанчалик эгаллаганини доимо қайд қилиш лозим.

### *Мустақил бадий фаолият*

#### *Мустақил бадий фаолиятнинг мазмуни*

Тарбия программасида, «Ўйин ва болалар ҳаётини ташкил қилиш» бўлимида ўрта группадан бошлаб, мустақил бадий фаолият махсус ажратиб берилган. Унинг мазмуни ижодий қобилиятларни ўстиришга, болаларни активлаштиришга йўллангандир. Болалар ўз ташаббусларига кўра бадий фаолиятнинг ҳар хил турларида: музыка, бадий нутқ, тасвирий, театр-ўйин турларида ўзларини намоён қилишлари мумкин.

Кичик мактабгача тарбия ёшида мустақил фаолиятнинг энг оддий формалари пайдо бўлади; масалан, кичкинтойлар китоблардаги иллюстрацияларни мустақил кўздан кечирадилар, ўз иштиёқлари билан доскага рангли бўр билан, сайрлар вақтида қорга ва қумга таёқчалар билан расмлар чизадилар. Бироқ бу фаолиятнинг катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларда кузатиладиган кенгайган характери ҳақида гапиришга ҳали эртадир.

Агарда машғулотларда программани бадий фаолиятнинг у ёки бу тури (ашула айтиш, музыка тинглаш, расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, гапириб бериш ва бошқалар) бўйича бажарилишини тарбиячи мақсадга мувофиқ амалга ошириб турса, машғулотдан ташқари вақтда бола ўзининг мақсадлари, вазифаларини ўзи аниқлайди, уни ифодалаш воситаларини ўзи топади. Шунга кўра мустақил бадий фаолият кўпгина тарбиявий вазифаларни амалга оширишда, шахснинг ташаббускорлик, мус-

тақиллик, ижодий активлик каби сифатларини ўстиришда катта имкониятларга эгадир. Бунда хилма-хил ҳаётий таассуротлар сезиларли аҳамият касб этади. Мевазорга уюштирилган сайр, театрга, циркка бориш, иллюстрациялар, расмлар, ўйинчоқлар кўриш бола хотирасида ўз изини қолдиради, унда одатда ижобий эмоциялар туғдиради. Севимли эртақ, ҳикоя мультфильмлардаги қаҳрамонлар болаларнинг ўйинларида, бадий фаолиятларида ўз аксини топади. Болалар бу таассуротларга таяниб, шунга ўхшаш бирор ҳаётий вазиятни ўзлари яратадилар. Бундай ҳолларда улар ҳам фикрнинг автори, ҳам унинг ижрочиси бўладилар.

Бола машғулотларда эгаллайдиган бадий тажриба мустақилликни намоён қиладиган яна бир кучли восита сифатида юзага чиқади. Ҳар бир ёш группасида маълум система бўйича планли ўқитиш музика, бадий нутқ ва тасвирий фаолият соҳаларидаги малака, кўникмаларни аста-секин жамғариш ва ҳажмини ошириш имконини беради. Бу тажрибани мустақамлаш эҳтиёжи эгалланганларда қарор топади, бу мактабгача катта тарбия ёшида ёрқин намоён бўлади. Бу фаолиятнинг ўсиши ва янада бойишида тарбиячининг билвосита раҳбарлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақил бадий фаолият кўпинча синтетик характерда бўлади: болалар бир вақтда расм солишлари ва таниш куйни куйлашлари, расмларни кўришлари ва ўзларига маълум шеър ёки овутомачоқларни овоз чиқариб айтишлари, қўғирчоқ театридан саҳналар кўрсатиб, қўшиқ айтишлари ёки рақсга тушишлари мумкин. Ҳар хил фаолият турларининг бундай бирикиши болага ўзининг бадий тажрибасини тўлиқроқ сафарбар қилиш имконини беради. Тарбиячи кузатишларининг ёзувлари бу фаолият мазмунини таърифлайди.

Мактабга тайёрлов группасининг болалари «Тим и Том» (М. Красев музикаси) постановкасини тайёрладилар. Саша ва Юра айиқча бўлдилар, Оля ва Наташа декорациялар ишладилар, костюмлар танладилар. Кўрсатув вақтида «айиқчалар» ўз ролларини яхши ижро этдилар. Томошабин болалар спектаклни қизиқиш билан томоша қилдилар. Томоша тугагач, бир неча болалар яна қўғирчоқ театрида ўйнаш иштиёқини билдирадилар.

Кечкурун Наташа, Катя, Ира қўғирчоқлар билан «музика машғулотини» ўтказдилар. Наташа ўйинчоқ пианинони чалди, қолганлар «Хорошо у нас в саду» (В. Герчек музикаси) қўшиғини айтдилар.

Сўнгра болалар музикали лото ўйнадилар. Ўйин учун карточкаларни ўзлари ясадилар ва унга таниш музика асбоблари: доира, сурнайча, барабан, цитранинг расмини чиздилар.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мустақил бадий фаолият мазмунан аста-секин бойиб ва айни вақтда турларига кўра хилма-хил бўлиб борган. Музика, ашула, расм солиш, ҳаракатнинг бирикиши ўйин, музика ва график образнинг ёрқинроқ мужассамлашишига ёрдам беради. Мустақил фаолиятнинг бундай даражаси болаларда керакли билим ва кўникмаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шу билан бирга агар бола керакли ҳаракат усулларини маш-

гулотлардаги ўқитиш даврида эгаллаб олмаган бўлса, мустақиллик даражаси паст бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, болалар бадий фаолиятнинг ҳар хил турларини ўз иштиёқлари ва қизиқишларига кўра танлашлари учун уларга етарли билим бериш, маълум малака, кўникмалар таркиб топтириш лозим.

Машгулотларда болалар бадий асарларни идрок этишни чизик, шакл, рангларни синчиклаб кўришни, товушни танлаб, уни бўғин ингичкалигига кўра фарқлашни ўрганадилар. Улар практик ҳаракатларни ҳам эгаллайдилар: таниш образларни қайта айтидилар ҳамда эртак мазмунини ўзлари ўйлаб топадилар, турли характердаги музикани ижод қиладилар, ўз фикрларига кўра расм соладилар, лой ва пластилидан нарсалар ясайдилар. Демак, агарда тарбиячи машгулотларда мустақил ҳаракатлар усулларини шакллантирса, болалар бадий фаолиятнинг маълум турини ўзлари учун ташаббускорлик ва активликни намоён қилиб танлайдилар.

Мустақил бадий фаолиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан топшириқлар тематикасига, машгулотлар мазмунига боғлиқ бўлади. Агар бола машгулотлар даврида қониқиш билан расм солса, кўшиқ куйласа, шеър ёки эртаклар айтса, у ўзининг мустақил фаолиятида худди шу темаларга гўё музика, тасвирий санъат, нутқ машгулотларида эгаллаганларини таъкидлаётгандек, такрор-такрор қайтади.

Мустақил шуғулланар эканлар, болалар ўз майлларини намоён қиладилар: бирлари керакли материални (қалам, бўёқ, лой) шахсий ташаббусларига кўра танлайдилар, бошқалари эса тенг-қурларига тақлид қилиб, ҳаракат қиладилар.

Наташа (тўрт ярим ёшда) стол олдига келди-да, қоғоз, қаламларни олиб уйча, гуллар, қуёнчанинг расмини чиза бошлади. Андрюша ҳам унинг ёнига келиб ўтирди ва қаламларни олиб, у ҳам расм чиза бошлади. У Наташа чизаётган расмга қараб, унга тақлид қилиб, уйча, гулларни чиза бошлади, сўнгра машинанинг расмини чизди «Би-биб — дейди Андрюша — машина юриб кетди, гувиллай бошлади». Бола ўз расмининг мазмунига берилиб кетиб, Наташа чизаётган расмларга қарамай қўйди.

Тасвирий фаолиятни афзал кўрувчи олти-етти ёшли болалар, одатда, аниқ мақсадга эга бўладилар ва уни мустақил равишда амалга ошира оладилар. Расмлар тематикасида уларнинг қизиқишлари, борлиқни идрок этишлари намоён бўла бошлайди.

Алёша расмларининг сюжети ва композицияси кўпинча нотабий бўлади. Агарда у байрамни тасвирласа, унинг расмларида таниш персонажлар кийимларидаги фигуралар, қувноқ масхарабозлар, петрушкалар пайдо бўлади. Алёша уларни ҳаракатда тасвирлайди. Алёша кўпинча расмларини гуашь билан чизади, бўёқни яхши эгаллаб олган, шунинг учун унинг расмлари анчагина чиройлидир. Алёша ўз ниятини амалга оширар экан, эътиборини бир жойга тўплайди, солаётган расми уни бутунлай қамраб олганлиги кўриниб туради.

Олег Алёшадан фарқ қилиб, ўз фикри бўйича расм солганда ёки нарсалар ясаганда кўпинча яқинда кўрганларини ёки унга ўқиб берилган китоблардаги нарсаларни тасвирлайди. Масалан, у яқинда тоғаси билан мусобақаларда кўрган пойга машинасини ёки қалқон кўтарган, қурол-яроғли қадимги рицарлар-

нинг фигурасини (бу тематика уни ўзига тортади) чизади. Олегга конструктив шакллар ёқади. Материал танлашда у қаламларни афзал кўради, бунда ҳам у декоратив рангли композициялар қилмайди, кўпинча персонажларни бир-икки қорамтир ранглар (қора, кўк, жигар ранг) билан тасвирлайди. Уни расмнинг ранг томони эмас, балки график томони кўпроқ ўзига жалб қилади. Олег ўз расмларини бажону дил шарҳлайди.

Болалар музика асбобларини чалар эканлар, таниш кушиқ куйларини мустақил ижро этишга ҳаракат қиладилар. Баъзан уларни янги чолғу асбобини эгаллаш жараёни жалб қиладди. Бундай ҳолларда улар бир-бирларига ўргатадилар: мазкур музика асбобини яхши чалишни билиб олганлар уни чалишни билмайдиганларга чалиш усулларини кўрсатадилар.

Марина (етти ёшда) Наташа билан машғулот ўтказади. У Наташага металлфонни қандай чалиш кераклигини, қўшиқчанинг куйини қандай танлашни кўрсатади. Наташа болалар боғчасига яқиндагина қатнай бошлади, шунинг учун умумий машғулотларда у ҳали ҳамма нарсани эгаллаб улгурмаган. Ўзининг қатъиятсизлиги ва тортинчоқлиги туфайли музика асбобларини чалишга уялар эди. Марина анча актив бўлганлиги учун Наташага ёрдам бера бошлады. Металлафонни чалиш Наташага борган сари кўпроқ ёқа бошлади ва бир оз ўтгач, у мураккаб бўлмаган таниш қўшиқлар куйини мустақил чала бошлади.

Бундай дўстона ўзаро ёрдамни катта ва мактабга тайёрлов гуруппаларида кўпроқ учратиш мумкин, чунки бу ёшдаги болаларда музикадан маълум тажриба жамғарилган бўлади.

Мустақил бадий фаолият баъзи қўлбола ўйинлар, «Фонус хаёл» ва қўғирчоқ театри учун атрибутлар тайёрлаш зарурияти билан ҳам пайдо бўлади.

Масалан, «Бизнинг оила» ўйини учун қизларга саватчалар керак бўлиб қолди («уларни кўтариб она магазинга бориши керак»). Улар рангли қоғоздан қутича ясаб, елимладилар ва унга тутқич ёпиштирдилар. Натижада саватча тайёр бўлди. Бошқалар чиройли безакли гиламчалар ясадилар ва уларни полга қўғирчоқ «қизчалари» учун солдилар. Қўғирчоқ хонаси дарҳол чиройли тусга кирди.

Агарда бир неча болалар эртақ ўйлаб топган бўлсалар ва уни саҳналаштиришни истасалар, декорацияни ўзлари тайёрлайдилар: ҳайвон, дарахтларнинг силуетларини чизадилар, уларни қирқиб, қалин қоғозга ёпиштирадилар. Кечқурун улар бу спектаклни қўйиб берадилар. Ижро вақтида болалар қўшиқ айтадилар; интонацияни ифодали ўзгартириб, текстни айтадилар, ҳар бир персонажнинг характерли хусусиятларини беришга ҳаракат қиладилар.

Болалар кўпинча қизиқишларига кўра бирлашадилар, коллектив бўлиб ҳаракат қиладилар. Бундай коллектив ҳаракатлар жараёнида улар бир-бирлари билан келишадилар, ҳамдўстлик билан ўйнаш, топшириқнинг тўғри бажарилганлигини баҳолашни ўргатадилар. Ўртоғининг ишини кузатар экан, ҳар бир бола ўз ишини яхшироқ бажаришга ҳаракат қилади. Болада аста-секин маълум машғулотларга қатъий қизиқиш шаклланади.

Боланинг мустақил бадий фаолияти турли бадий таассуротлар: байрам, кўнгил очишлар, тасвирий санъат асарлари, музика, бадий адабиёт билан танишиш таъсирида сезиларли бойийди.

Санъат асарлари фақат дунёни кўра олишни бойитиб, болалар билим доирасини кенгайтирибгина қолмай, балки уларда шахсий ижодкорликка интилишни ҳам уйғотади. Масалан, П. Чайковскийнинг «Осенняя песня»сини тинглаб, болаларда «Йироқларга учиб кетади қушлар, улар билан хайрлашув қайғули бўлар» сўзларига куй басталаш иштиёқи туғилди. Улар ёз тугаганлигидан ачинаш, хафалик кайфиятини беришга уриндилар.

Ўилнинг турли фаслларидаги табиат тасвирланган расмларни кўрар эканлар, болалар уларнинг ҳар бири нимаси билан фарқланишини биладилар ва ўзларига кўпроқ ёққанини танлаб оладилар. Группа хонасида бола ўзига ёққан картина ва расмларни томоша қила олиши учун жой бўлиши керак. Ана шунда мустақил фаолиятда ҳам бола кўрган таассуротлари маълум колоритни (қиш, куз, баҳор) бера олади, расм мазмунига мувофиқ келувчи материални (гуашь, акварель, қаламлар, пастель ва бошқалар) ҳам танлай олади.

Адабиёт, жумладан, классиклар, совет авторларининг шеърлари, эртаклари болаларнинг мустақил бадий фаолиятларини сезиларли бойитади. Болалар ўйинчоқлар, расмлар, китоблар иллюстрацияларни кўришда таниш шеърларни айтадилар. Масалан, Таня (6 ёш) копток билан ўйнар экан, С. Маршакнинг қўйидаги шеърини эслайди:

Тўпим  
Менинг —  
Қувноқ,  
Шодон,  
Қайга  
Қочиб қолдинг  
Бу он?

Эртакларнинг иллюстрацияларини кўрар эканлар, болалар баъзи халқ ибораларини такрорлайдилар: «хурилиқо», «ботир йигит», «офтоб чарақлайди», «сиҳат-саломат» ва бошқалар. Ўз эртакларини яратар эканлар, улар бу иборалардан кўп фойдаланадилар, уларнинг нутқи бойиб, образлироқ, ифодалироқ бўла боради.

Турли санъат асарлари катта ва айниқса мактабга тайёрлов группасидаги болаларнинг индивидуал ижодий намоён бўлишларининг ўсишига жуда кучли таъсир этади, чунки улар борлиқ ҳақида маълум билимлар ва тасаввурлар запасига эгадирлар.

Сценарийси тарбиячи ва музика раҳбари томонидан пухта ўйлаб чиқиладиган байрам эрталиклари ҳамда кўнгил очишлар — ҳар бир бола ҳаётида доимо тўлқинлантирувчи ҳодиса бўлади. Уларда актив иштирок этиш ҳам боланинг мустақил фаолиятида акс этади. Байрам ёки қизиқарли кўнгил очишдан кейин болалар ўз ўйинларида ўзларига кўпроқ ёқиб қолган нарсани (қўшиқчалар, шеърлар, рақслар) ўз интерператацияларида берадилар, болалар безакларни такрорлашга (қор учқуни, байроқчалар, гуллар ва бошқалар) ҳаракат қиладилар. Ҳар бир бола ўз таассуротини шахсий тажрибаси ва кўникмасига мувофиқ беради. Масалан, ўр-



та группа болалари ўйинчоқлар билан улар учун байрам гашкид қилиб ўйнайдилар. Улар қўшиқ айтадилар, рақсга тушадилар. Бунда икки-уч бола ўзини актив намоён қилади, қолганлари эса кўпинча тингловчилар, томошабинлар бўладилар. Катта ва мактабгача тайёрлов группасидаги болалар анчагина активдирлар. Улар ролларни ўзлари тақсимлайдилар, бир-бирларига ҳар хил рақс элементларини кўрсатадилар. Байрам ёки кўнгил очиш программасини аввал бир неча бола муҳокама қилади. Номерлар жуда хилма-хилдир. Баъзан болалар қўғирчоқ спектаклининг бутун саҳналарини киритадилар. Бундай кўрсатувларда айрим болаларнинг қобилиятлари жуда аниқ ва ҳар томонлама намоён бўлади. Кўрсатувда тарбиячи фақат томошабингина эмас, балки айни вақтда ёрдамчи ва маслаҳатчи сифатида ҳам иштирок этади.

Болаларнинг мустақил бадий фаолиятларининг мазмуни агар да группа керакли асбоблар ва қўлланмаларга эга бўлган тақдирдагина бойийди. Булар хилма-хил материаллар (бўёқлар, қоғоз, пастель ва бошқалар), музика асбоблари, мазмуни қизиқарли стол босма ўйинлари, чиройли иллюстрацияли китоблардир. Баъзи техник воситалар, масалан, проигриватель, радио ва бошқалар ҳам бўлиши керак. Бу болаларнинг санъат усталари ижросидаги қўшиқ, шеър, эртакларни мустақил тинглашларига имкон беради. Группада турли конструкциядаги столлар, мольбертлар, осма тахталарнинг бўлиши мустақил тасвирий фаолиятни ташкил қилиш формаларини турлабгина қолмай, балки гиподинамиyani бар-тараф қилишга ҳам ёрдам беради. Болалар агарда расм мольбертда, тахтада турса, картина тарзида идрок этилиши мумкинлигини тушунадилар. Бола мувофиқ келувчи материаллардан бемалол фойдалана олиши мумкин бўлган яхши жиҳозланган тасвирий фаолият зонаси ижодкорлик кайфиятини яратишга ёрдам беради. Зарур асбоблар музика, бадий нутқ ва театр-ўйин зоналарида ҳам бўлиши керак. Агарда бола ўзига ёқадиган чолғу асбобини топа олса, ўйин соатларида музикани мустақил чалиш жуда фойдалидир. У музика асбобларини бир-бирига қиёслар экан, уларнинг овозини фарқлашни ўрганати, улардан ёққан товушларни ажрата бошлайди. Болалар музика машғулотларида турла чолғу асбобларини чалиш малакасини эгаллаб олганларидан сўнг уларни ишонч билан танлайдилар, таниш қўшиқ, куйларни ижро этиб, «оркестр» тузадилар.

Мустақил бадий фаолиятнинг энг ёрқин формаларидан бири ўйиндир. У фаолиятнинг мазмунига кўра хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, болалар кутубхона-кутубхона, магазин-магазин ўйини учун жажжи китобчаларни танлайдилар; оила ўйинида қўғирчоқлар ўйинни безаш учун қоғоздан, лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясайдилар; музика машғулотини тасвирлаб қўшиқ айтадилар, қўғирчоқлари билан рақсга тушадилар ёки ҳаракатларни ўртоқларига кўрсатадилар. Мазкур ўйин учун керакли шароитни болаларнинг ўзлари яратадилар: томошабинлар учун қурилма барпо қиладилар ёки стуллар қўйиб, парда тутадилар, декорация тайёрлай-

дилар ва театр ўйини вақтида спектакль кўрсатадилар ва бош-қалар.

Шундай қилиб, болаларнинг ўз-ўзларини уюштиришлари, асо-сан, иккита формадан — сюжетли-ролли ўйинлар ва кўпинча ин-дивидуал характердаги (ўзини-ўзи ўқитиш) машқлардан иборат бўлади. Бу формалар параллел боради ва ҳар бир ёш группасида мавжуд бўлади. Машқлар формаси, катта группа ва мактабга тайёрлов группаси учун кўпроқ характерлидир, чунки болалар ўзлари чизган расмлари, ясаган нарсаларига, шунингдек, музика-ли фаолиятларига танқидий муносабатда бўлиб, яхшироқ расм чи-зишга, рақсга тушишга, қўшиқ айтишга, гапириб беришга, шеър айтишга ҳаракат қиладилар. Баъзан мустақил бадий фаолиятда улар ёрдам сўраб тарбиячига мурожаат қиладилар, бироқ, одат-да, ўзларига ёққан нарса билан индивидуал шуғулланадилар.

Болаларнинг мустақил бадий фаолиятнинг ҳар хил турла-рига яқинлашувига тарбиячининг билвосита раҳбарлиги ёрдам беради.

Бола кун давомида шу онда қилмоқчи бўлган нарсаси билан шуғулланиш учун вақт топади. Тасвирий фаолият зонасида расм солишни, лой ва пластилиндан нарсалар ясашни, аппликациялар қилишни яхши кўрувчи болалар тўпланишган. Улар бир-бирларига завқ билан ўз фикрларини айтадилар, бошқаларники қандай чиқа-ётганлигига қарайдилар. Уларнинг ёнига бошқалар ҳам келадилар ва улар ҳам қизиқиш билан томоша қиладилар.

Тарбиячи болаларнинг ишини эътиборсиз қолдирмайди, маса-лан, лой ёки пластилиндан ясалган нарсани кўриб, уларга қўши-либ шодланади, баъзи кўрсатмалар беради. У болаларга ўринла-ридан туришни ва ясалган нарсани турли ҳолатларда туриб (ол-диндан, ёндан, орқадан) кўришни тавсия қиладди. Бола фигурани айлантлар экан, силуэт характерини ҳис қиладди. Баъзи болалар расмни столчада, мольбертда чизадилар. Болалар чарчаб қолмас-ликлари учун тарбиячи уларга аввал композициясининг бирор қис-мини бажаришни тавсия қиладди. Бундай ишни бир неча кун да-вом эттириш мумкин.

Музика фаолияти зонасида болалар қўшиқ айтадилар, турли музика асбобларини чаладилар. Бирлари таниш қўшиқларнинг куйларини тиришиб чалишга ёки ўз куйларини басталашга ҳара-кат қиладилар, иккинчилари нота йўлига ноталарни жойлаштира-дилар, учинчилари навбатдаги машғулотдан эсларида қолган рақс ҳаракатини такрорлайдилар. Тарбиячи уларнинг ёнига келиб, куй-ни қайта айтишларига, музика асбобларини чалишларига қулоқ солади. Агарда бола қўшиқни нотўғри куйлаётган бўлса, тарбиячи ундан қўшиқни тўғри айтиб такрорлашини сўрайди ёки қўшиқни ўзи айтиб беради.

Болалар музикага катта қизиқиш билдиришлари туфайли тар-биячи баъзан уларга лентага ёзиб олинган таниш асарларни тинг-лашни тавсия қилиши мумкин. Болалар қўшиқ ёки куйни таний-дилар, унга жўр бўла бошлайдилар ёки рақсга тушадилар, бир ҳа-



Болалар музика асбобларини чалиш—сюжетли-ролли ўйинларини бойиғади.



Мустақил театрлашган фаолниятга тайёрланиш



Ҳар бири қизиқишини намоён қилади  
ва ўртоқларининг ижодини баҳолайди.

ракат иккинчиси билан алмашинади. Тарбиячи болаларни рағбатлантиради.

Мактабгача тарбия ёшидаги кўпгина болаларни китоб ўзига ром қилади. Улар иллюстрацияларни кўришни, таниш эртақ, ҳикояларни гапириб беришни яхши кўрадилар. Агарда группада фланелеграф бўлса, болалар ундан айрим эпизодларни такрорлашда фойдаланадилар, ўзлариникини ўйлаб топадилар. Ҳикоя қилувчи ўзига керакли персонажларни танлайди ва уларни фланелеграфга қўяди. Бу бадий нутқ фаолиятининг турларидан биридир. Худди шу вақтда бир неча болалар «пештахта»га китобларни қўйиб, китоб магазини ўйинини бошлайдилар. Ўйин бошланаётганини сезган тарбиячи ҳам ўйинда иштирок этади ва ўзига, масалан, ҳайвонлар ҳақидаги китобни беришларини сўрайди.

Айни вақтда болалар парда орқасида қўғирчоқ театри спектаклини тайёрлайдилар. Улар «Маша и медведь» эртаги асосидаги спектаклни кўрсатишга тайёрланмоқдалар. Тўсатдан арча етишмаслиги маълум бўлади (воқеа ўрмонда бўлиб ўтади). Тарбиячи тезда ёрдамга келиб, «артистлар» билан биргаликда «расомлар»дан бир неча арча расмини чизиб беришларини илтимос қилади. Мана энди ҳамма парса тайёр, спектаклни бошлаш мумкин. Бола-томошабинлар парда олдидаги стулчаларга ўтирадилар. Томоша давомида улар қувноқ куладилар, луқмалар ташлайдилар. Машенька билан биргаликда «Тўнкага ўтирма, сомсани ема» дейдилар.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мустақил бадий фаолият ҳамма болаларни ҳам қизиқтирмайди, улардан бирлари йирик қурилиш материаллари билан ўйнашни, бошқалари табиат бурчагида ҳайвонларни парвариш қилиб, меҳнат қилишни ва бошқа-



Мактабга тайёрлов группасида мустақил бадий-нутқий фаолиятнинг намоён бўлиши хилма-хилдир.

ларни афзал кўрадилар. Бироқ йил давомида барча болалар ҳам бадий фаолият билан қизиқиб қолишлари ва унинг ўзларининг иштиёқлари ва майлларига мувофиқ келувчи бирор турини танлашлари мақсадга мувофиқдир.

Болалар машғулотларда ва ундан ташқари вақтларда бадий фаолиятнинг ҳар хил турларида кучларини синаб кўрадилар, кўникмаларини шакмиллаштириб, у ёки бу даражадаги қизиқишни намоён қиладилар.

Аниқроқ қилиб айтганда, мустақил ҳаракат малакалари: ўзгаларнинг ёрдамсиз ўз режасини ўйлаб топа билиш, уни амалга ошириш учун тасвирий-ифодали воситаларни топиш, ўйланганини изчил рўёбга чиқариш, ўз ҳаракатини бадий фаолиятнинг ҳар хил турларида контрол қилиш, янги вазиятларда ҳаракат қила билиш, образни бериш учун тасвирлаш приёми ва воситаларини топа билиш демакдир.

Мустақил бадий фаолиятнинг мазмуни фақат болалар боғчасида олинган таассуротлар билангина бойимайди. Боланинг болалар боғчасидан ташқаридаги кузатишлари, ота-она, ака-ука, опа-сингиллари билан муомала процессида олган барча таассу-

ротлари ҳам уларнинг расмлари, ясаган нарсалари ҳикояларида, қўшиқ, рақс, ўйин ижодларида ўз аксини топади.

Болага айниқса қўғирчоқ театри персонажлари спектакллари, мультфильмлар, уйда радио орқали эшитадиган, телевизорда кўрадиган болалар эшиттиришлари кучли таъсир кўрсатади, сўнгра улар буларни ўзларича ифодалайдилар.

Ота-онанинг санъатга қизиқиши болаларда ҳам қизиқишнинг ўсишига ёрдам беради, бу эса уларнинг мустақил намоён бўлишларида акс этади. Масалан, бола отаси ёки онасининг музыка, тасвирий санъат билан қандай шуғулланаётганлигини кўради. Улар билан биргаликда музей, театрларга боради, олинган таассуротларини эса ўз бадний фаолиятида акс эттиради. Унинг расмида янги тематика, қўшиғида — эшитилган янги куйлар, гапларида — кўрилганлар ҳақидаги ҳикоялар пайдо бўлади. Болалар ўзлари кўрган нарсаларини жуда эмоционал ифодалайдилар.

Боланинг оилада оладиган таассуроти қанчалик бой бўлса, унинг мустақил фаолияти ҳам шунчалик бойроқ, қизиқарлироқ бўлади.

Болалар боғчасида ва оилада икки болани кузатишдан иккита мисол келтирамиз. Наташанинг отаси расм чизишга уста, қизи билан кўп шуғулланади, нимани чизиш ҳақида маслаҳатлар беради. Бу ҳамкорликдаги ижод қизчани қизиқтиради ва у исталган эртақ сюжетини мустақил ўстира олади. Болалар боғчасида Наташа расм чизишни афзал кўради. Унинг эртақлар сюжетлари боғича яратган расмлари фикрнинг оригиналлиги, ёрқинлиги билан ажралиб туради. Наташа — таъсирчан қиз. Болалар боғчасига келган расм-мультипликатор билан учрашувдан сўнг, Наташа қурбақа боласининг тасвирига бир неча марта қайтди (уни расм болалар олдида чизган эди). Бироқ, расмнинг ҳаракатларига бундай тақлид қилиш Наташани ижодий изланишлардан маҳрум қилмади. У қурбақа боласининг расмини ҳар сафар такомиллаштириб борди.

Наташа шунингдек, музикани ҳам севади, у ритмни яхши ҳис қилади. Рақс элементларини унинг ўзи ўйлаб топади. «Болалар учун концерт» телевизион кўрсатувига кўрганларини болалар боғчасида қизлар билан ўрганади.

Алёшанинг қизиқишлари Наташаникидан фарқ қилади. Бу унинг расмларнинг тематикасида, машғулотларда лой ва пластилиндан ясаган нарсаларида ва мустақил фаолияти процессида акс этади: у, асосан, қуролларнинг ҳар хил турларини, кемаларни, спорт сюжетларини (хоккей ўйинини) акс эттиради. Болалар боғчасига расм келиб кетганидан сўнг у «Шайбу, шайбу» мультфильми персонажларининг расмини ҳаммасидан кўп чизди ва ясади. Уни динамик, ҳаракатга бой сюжетлар жалб қилади.

Алёша расм солиш учун кўпинча рангли қаламларни танлайди, булар унга фикрини ифодалашда ёрдам беради. Унинг расмларида хоккейчилар, футболчиларнинг фигуралари аниқ, дадил чизиқлар билан тасвирланган.

Алёшанинг ота-онаси ҳам унинг ҳарбий темалардаги кинофильмларга, ҳарбий тематикадаги ўйинларга (кемалар, солдатлар, самолётлар) қизиқишини қайд қиладилар. Туғри, унинг қизиқишлари шулар билан чекланади, деб бўлмайди. У бувисининг туғилган кунига атаб Африка расмини зўр қизиқиш билан чизди ва совға қилди. У табиатни севади. Уйда ота-онаси Алёша билан шуғулланишади, нимани, қандай қилса яхши бўлиши ҳақида маслаҳатлар беришади, унинг расмлари, ясаган нарсаларининг мазмуни билан қизиқшади. Шуғулланиш учун Алёшага турли материаллар — бўёқлар, қаламлар, настель, пластилин муҳайё қилинади.

Ота-она ўлига турли темалардаги китобларни кўп ўқиб беришади, бироқ унинг расмларида, ясаган нарсаларида битта ўша образлар (ҳарбий тематика, спорт) такрорланаверади.

Машғуллотдан сўнг Алёша кўпинча яна ўша темада расм чизишга қайтади: мустақил бадний фаолият мазмунининг бойини кенгайтириш билмайди.

Тарбиячи бунга эътибор берди ва Алёша билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида уни фаолиятнинг бошқа турларига жалб қилишга ҳаракат қилди.

Айтилганларнинг барчаси болани фақат болалар боғчасида эмас, балки уйда ҳам ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.

Умуман гурпуадаги мустақил бадий фаолият болалар ривожланиш даражасининг кўрсаткичларидан бири эканлигини айтиб ўтиш лозим. Бу уларнинг машғулотларда маълум малака, кўникма, хилма-хил бадий таассуротлар ҳажмини эгаллаганликларидан, ўзгаларнинг ёрдамисиз ҳаракат қилишни ўрганганликларидан далолат беради.

Машғулотдан ташқари вақтларда ҳаракатнинг бу усулларини тамоман янги шароитлар, вазиятларга кўчириш содир бўлади, энди бола ўз ташаббуси, ўз қизиқишлари, иштиёқи, эҳтиёжларига кўра машғулотларда олган малака ва кўникмаларини бу янги шароит ҳамда вазиятларда қўллаб, ҳаракат қилади.

### *Болаларнинг мустақил бадий фаолиятларига билвосита раҳбарлик қилиш методлари*

Мустақил бадий фаолият деярли доимо болаларнинг ташаббуси билан юзага келади ва гўёки, тарбиячининг бевосита раҳбарлигисиз бўлиб ўтади. Бироқ бу фаолиятга педагогик раҳбарлик қилишнинг зарурлиги ҳақида гапириб ўтиш лозим.

Тарбиячи таъсирининг хусусияти шундаки, у қулай педагогик шароит яратиб, бола учун сезиларсиз ҳолатда унда бадий фаолиятга қизиқиш уйғотади.

Бу қандай шароитлар?

Бу энг аввало, бадий машғулотларда шундай сафланишга ўргатишки, болалар фақат тарбиячининг буйруғи ва кўрсатмасига кўра эмас, балки унинг ёрдамисиз ҳам ҳаракат қила олсинлар. Агарда бола ўқув топшириқларини мустақил бажаришни ўрганиб олса, у машғулотдан ташқари вақтларда ҳам шундай ҳаракат қила олади: драмалаштирилган ўйинлар уюштириш, ўз хоҳишига кўра қўшиқ айтиш, расм солиш.

Бошқа педагогик шароит байрам ва кўнгил очишларнинг таъсиридир. Бола байрамларда музика, қўшиқ жаранглашидан, биноларнинг чиройли бадий безатилишидан, кийимлардан, бадий сўзнинг ифодали интонациясидан катта таассурот олади. У бадий образ шаклида акс этган ижтимоий ҳодисаларда қатнашадди, бу унда ўз таассуротлари ва кечинмаларини бошқа бадий шакл: расм, ўйин, рақсда ифодалаш иштиёқини уйғотувчи билвосита қўзғатувчи бўлиб қолади.

Кейинги шарт-шароит болаларга турли бадий материаллар (мўйқалам, бўёқлар, қоғозлар ва бошқалар), иллюстрацияли китоблар, театр қўғирчоқлари, музика асбобларининг эркин фойдаланиш учун бериб қўйилишидир. Уларнинг ҳар бири ўзига шу он-

керак бўлганини танлаб олади. Бу предметларнинг ҳаммаси болаларнинг мустақил ўйин фаолиятлари учун қулай бўлган жойларга қўйилади.

Ва сўнгиси тарбиячилар ва ота-оналарнинг боланинг болалар боғчаси ва уйда ижодий майллари таркиб топиши ҳамда ўсиши учун шароит ташкил қилишдаги узвий ҳамкорлигидир.

Ҳар бир бола ўзининг мустақил фаолиятида байрамлардан олган таассуротларини акс эттиради, унинг мазмуни маълум даражада байрам адабий-музикали репертуари, биноларнинг безалиши, кийим-кечак ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Болалар машғулотларда, байрамларда, кўнгил очишларда бир хилдаги бадий материаллардан фойдаланадилар. Бироқ машғулотларда бу материаллардан қандай фойдаланишни уларга кўрсатсалар, ўйинларда болалар уларни ўз хоҳишларига кўра танлайдилар, бунда улар эгалланган усулларни қўллайдилар.

Оилада ва болалар боғчасида болалар бадий фаолиятга турлича олиб кирилади. Ота-оналар тарбиячиларнинг тавсияларини ҳисобга олишлари керак, ўз ташвишларини айтишлари, ўз болаларининг қизиқишлари, уйдаги ўйинлари ҳақида гапириб беришлари лозим.

Бола фаолиятини ташкил этишнинг турли формалари ўртасида алоқа мана шундай ўрнатилади.

Ўқитишда қўлланиладиган методик приёملар хилма-хилдир. Улар фақат болага бадий тажрибани ўргатаётган, унга билим, кўникмалар бераётган катта кишининггина фаолиятини таърифламайди. Бу ўрнида мазкур фаолиятнинг тегишли усулларини эгаллаб олиши керак бўлган боланинг активлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Демак, икки томонлама процесс содир бўлади, унда бир томондан тарбиячи қўллайдиган ўқитиш методлари ҳаракат қилса, иккинчи томондан бола эгаллаётган ўқиш усуллари ҳаракат қилади.

Илк гўдаклик вақтида материал билан тапиштиришда тарбиячи тушунтириш-иллюстратив (ҳаракат усулларини тушунтириш ва кўрсатиш) методини қўллагани маъқул. Бола бу усулларни ўз навбатида репродуктив эгаллайди. Кейинроқ педагог тушунтириш-ундаш методини қўллайди, бола эса ҳаракатнинг мустақил изланиш усулларини эгаллашга олиб келинади. Кўрсатиш ва батафсил тушунтириш методи болаларни рақснинг бирор элементи-ни ижро этишга, хонандалик интонацияси, сўз, товушларни та-лаффуз қилишга ўргатишда ва шу кабиларда қўлланади.

Мустақил ҳаракат усулларини шакллантириш методи бола ижронинг керакли усулини ўзи топганда, ижронинг янги, ўз вариантыни яратганда қўлланади. Мустақил ҳаракат қилар экан, у илгари ўз тажрибасида бор бўлганлардан ижодий фойдаланади; намунага риоя қилиб, қандайдир даражада ўз ҳаракатларини анализ қилиб, энг қулай усуллар излайди.

Масалан, болалардан бирига қушиқ ижроси байрамга хос бўлиши учун нима қилиш кераклигини айтиш таклиф қилинади. У дарҳол «Ҳамма байрамлигини билиб олиш учун қушиқни шўх,



завқ билан айтиш керак»,— деб жавоб беради. Ёки бошқа мисол. Болага қалин ўрмонни қандай тасвирлаш мумкинлигини ўйлаб жавоб бериш тавсия қилинади. «Дарахтлар бир-бирига яқин туриши керак; уларнинг шохлари қалин, ҳамма нарса тўқ яшил рангга бўялган» дейди у.

Болаларни исталган фикрни амалга оширишда ҳаракатнинг маълум изчиллигига риоя қилиш зарурлигига одатлантирилади. Масалан, драмалаштиришда аввал ролларни тақсимлаш, қўғирчоқ персонажларнинг ўйнаши унун жой тайёрлаш ва бошқалар керак. Болани шундай вазиятга қўйиш керакки, у кўпгина вариантлардан биттасини, энг қулайини танласин — масалан, қўрқинчли айиқ ёки нозик Алёнушка ҳақида ҳикоя қилганда энг мувофиқ интонацияни топсин ва ҳоказо. Болалар бир неча марта уриниб кўрадилар, ўз ижроларини баҳолайдилар, уни ўзлари тўғрилайдилар.

Машғулотларда эртаки турлича бериш мумкинлигини кўрсатиш ҳам мумкин. Аввал болалар тинглайдилар, сўнгра расмларни кўрадилар ва улардан эртак тўқийдилар, сўнгра стол театрида инсценировка қиладилар ёки персонажларнинг расмини чизиб, фигуралардан фланелеграфда кўрсатиш учун фойдаланадилар. Шундай қилиб, болалар бир фикрни мужассамлантириш приёмларининг вариантлилигига ишонч ҳосил қиладилар, бадий нутқни ўстириш ва расм солиш бўйича машғулотлар ўртасидаги изчил алоқаларни тушуна бошлайдилар. Кейинчалик улар бу приёмларни тамоман мустақил қўллайдилар — машғулотлардан бўш вақтларда иллюстрациялар кўрадилар, бир-бирларига эртаклар айтадилар, уларни драмалаштирадилар. Баъзан болаларга газлама учун декоратив безакни ўйлаб топиш ва чизиш тавсия қилинади. Бу магазин-магазин ўйинининг бошланиши учун туртки бўлиши мумкин, болалар бу магазиндан мазкур газламарни «харид қиладилар».

Шундай қилиб, машғулотлар бола мустақил фаолиятининг ўсишига кучлироқ таъсир этиши учун тарбиячи:

— болалар осон ўзлаштирадиган, тематикаси жиҳатидан уларга тушунарли бўлган адабий ва музыкали репертуарни танлаш;  
— илгари машғулотларда фойдаланилган қўлланмалар, музыка асбоблари, тасвирлаш практикасининг материаллари, театрлаштирилган ўйинлар учун қўғирчоқлардан дам олиш соатларида болаларнинг фойдаланиш имкониятларини ўйлаб қўйиши;

— болаларни бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан мустақил шуғулланишга ундовчи хилма-хил усулларни қўллаш («эртак айтиб бер ва унинг бирор персонажини лойдан яса», «музыка асбоблари расмини картон қоғозга ёпиштир» — бу музыкали лото карточкаси бўлади ва бошқалар);

— болаларга кейинчалик амалда қўллашлари мумкин бўлган мустақил ҳаракат қилиш усулларини ўргатиш;

— «мустақил ўқишга» ёрдам берувчи («бу куйни металлофонда чалиши ўзинг ўрганиб олгин, кейин бизга чалиб берасан»), бо-

болалардаги ўзаро ёрдам ҳиссини ўстирувчи («ўйнаётган вақтин-  
гизда қўғирчоқ театрида қўғирчоқлар билан қандай ҳаракат қи-  
лиш яхши бўлишини кўрсат» ва бошқалар) приёмларни қўллаши  
керак.

Айтиб ўтилганидек, байрамлар болаларнинг мустақил фаолият-  
ларининг ўсишига катта таъсир кўрсатади, бу сюжетли-рол-  
ли ўйинларда ўз аксини топади. Агарда баъзи ташкилий форма-  
лардан фойдаланилса, байрамларнинг аҳамияти янада оширили-  
ши мумкин.

Энг аввало бевосита байрамдан сўнг яқинда бўлиб ўтган тан-  
танали ҳолатни эслатувчи вазиятни яратиш мумкин: бинони бай-  
рамга хос безатиш деталларини киритиш, болаларга адабий қаҳ-  
рамонлар, ҳайвонлар, эртак персонажларининг кийимларини тар-  
қатиш ва бошқалар. Одатда, болалар айрим чиқишлар, ўйинлар-  
ни дарҳол эшлашга ва уларни такрорлашга ҳаракат қиладилар.  
Ташкилотчилар ҳам пайдо бўлади, улар тенгдошларини ат-  
рофларига бирлаштириб, ўйинга жалб қиладилар. Бироқ бундай  
шароитларда мустақил фаолият бир томонлама, кўпинча болалар-  
га тавсия этилган атрибутларни ижро этиш билан боғлиқ тарзда  
намоён бўлади.

Бошқа форма анча самаралироқдир: байрамларда ва кўнгил  
очишлар вақтида болаларга тамоман мустақил ҳаракат қилиш  
имконияти берилади. Масалан, бошқалар рақс тушаётган вақт-  
да зарбли асбобда уларга жўр бўлишни кутилмаганда тақлиф  
қилиш мумкин. Ёки болаларни кичик группачаларга тақсимлаб,  
уларга навбатма-навбат ўз ҳаракатларини ўйлаб топиб, рақсга  
тушиш тавсия қилинади. Байрамлар ва кўнгил очишлар жараё-  
нидаги бундай мустақил намоён бўлишлар болаларга бундай  
ҳаракатларни ўз ташаббусларига кўра ташкил қилишларига имкон  
беради. Шунинг учун байрамлар, томошалар, дам олиш кечалари  
сценарийларини тузишда ҳар бир болага мустақил ҳаракат қи-  
лишга ёрдам берувчи воситаларни назарда тутиш жуда муҳимдир.

Ва ниҳоят, тарбиячи байрам-байрам ўйнашни тавсия қилиши  
мумкин. Маълумки, байрам кўнгил очишлар, турли бадий чи-  
қишлар, ўйинлар, томошаларнинг ўзига хос композициясидир.  
Улар умумий ғояга бўйсунди, театрлаштирилган фикр билан  
бирлашган, динамик, уларда кульминация мавжуд. Байрам қис-  
ман концерт кўринишида бўлиб, унда навбати билан қўшиқлар,  
рақслар, шеърлар ижро этилади.

Сюжети тарбиячи томонидан айтилган, бироқ тафсилоти бе-  
рилмаган ўйинда болалар нималарни акс эттирадилар?

Тўрт-беш ёшли болалар байрам ва кўнгил очишларнинг айрим  
эпизодларинигина такрорлай оладилар. Турли кийимларнинг де-  
талларини кўриб, улар одатда уни томоша қиладилар, кийиб  
кўрадилар, баъзан куйлаб, рақсга туша бошлайдилар. Бироқ, бу  
ўйин тезда тугайди. Байрам атрибутларидан фойдаланиш нати-  
жасида пайдо бўлган ассоциациялар сўнади ва бола бошқа ўйин-  
ларни ўйнашга ўтади.

Беш — етти ёшли болалар байрамни деярли бутунлайича эслайдилар. Улар ўзлари иш кўришлари керак бўлган ҳолатни баҳолашга урниниб кўрадилар. Масалан, янги йил байрамидан сунг кийимлар элементи, бинонинг безатилишини кўриб, персонажларнинг кийимлари тўлиқ берилмаганлигини, арча байрамидагидан бошқачалигини (масалан, синтетик, кумушсимон «игна барги»дан қилинган) ва шу кабиларни қайд қиладилар. Уларнинг мустақил ҳаракатлари, худди ўрта гурпуада бўлганидек, адабий ва музикали репертуарни ижро этишдан кўра ўйин вазиятида яхшироқ намоён бўлади. Бироқ баъзилари шеърни мустақил, етарлича ифодали ижро этишга, рақсга тушишга қодирдилар. Бунда ижрочилик фаолиятига муносабат ўзгаради — болалар унинг эстетик вазифасини ҳис қила бошлайдилар. Улар ўртасида ролларнинг тақсимланиши, умумий фикрнинг у ёки бу ечими муносабатидаязага келувчи жўшқин баҳслашиладиган ва шундай қўллаб-қувватланадиган анча мураккаб ўзаро муносабатлар пайдо бўлади.

Байрам ўйини кўпинча тарбиячи таклифига кўра ўтказилишига қарамай, болалар ижодий иш кўрадилар. Улар кийим-кечакни безайдилар, ролларни тақсимлайдилар, ўзларининг сеvimли қўшиқ, рақс, шеърларининг ижро этилишини таклиф этиб, байрам сюжетини кенгайтирадилар.

Тарбиячининг раҳбарлиги билвосита характерда бўлади. Кўп ўринда болалар эътиборини бирорта қизиқ нарсага жалб қиладиган, боланинг ҳаракатини йўллайдиган, унинг хатти-ҳаракатини бошқариб борадиган қисқа луқмалар айтиб туради. «Байрам-байрам ўйнаймиз» таклифида маълум кўрсатмалар деярли йўқ. Шунинг учун ўйин давомида ҳар бир боланинг индивидуал майллари, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари айниқса ёрқин намоён бўлади. Тарбиячи эса болаларни кузатиб туриши, уларнинг бадий қизиқишларини ўрганиши, қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши лозим. Педагог раҳбарликни амалга оширар экан, дўстлик муҳитини яратади, болаларни бир-бирлари билан эркин муомалада бўлишига ундайди. Тарбиячи болаларнинг театрлаштирилган ўйинларининг актив иштирокчисидир. Бу иштирок айрим қўшиқ, шеърларни ижро этишдагина намоён бўлмайди, у болалар тасаввурида яқинда бўлиб ўтган байрамни қайта тиклайди, эрталикда бўлиб ўтган ҳодисаларни ёдга туширади, коллектив ҳаракатларни рағбатлантиради.

Мустақил бадий фаолиятни ташкил қилишда болалар бу билан қаерда шуғуллана олишлари, керакли предметлар, материаллар, музика асбобларини қаерга қўя олишларини ўйлаб қўйиш лозим. «Китоб бурчаги» деб аталмиш бурчакни ташкил қилиш маълум одатга айланиб қолди. Айтайлик, бола бирор нарсани чизини, декоратив предметлар ясашни, рақсга тушиш, музика чалишни истаб қолса нима қилиш керак? Мана шунинг учун ҳам зоналаштириш, яъни гурпуа хонасида бирорта кичикроқ жойни ажратиш масаласи кўтарилади. Табиийки, булар тўсиқлар билан ажратилган кичик «хоначалар» эмас. Булар ҳатто «бурчаклар»



Группа хонасида музика фаолияти учун жой ажратилиши музика ишқибози бўлган болаларни бирлаштиради.

ҳам эмас. Оддий қилиб айтганда, болалар қўғирчоқ театри, тасвирий фаолият учун материаллар ва музика асбоблари қаерда туришини жуда яхши билишлари керак. Тарбиячи, айтишлик, болаларнинг музика асбобларини чалишни ёки декоратив нарсалар ясашни истаб қолганларини сезиб қолса, пастак кўчма тўсиқ, йигма мольберт ёки қўғирчоқ театри учун енгиллашган конструкция қўйиб, қулайроқ шароит яратиб бериши мумкин. Буларнинг барчаси фақат чиройлигина эмас, балки болаларнинг фойдаланишлари учун қулай, ихчам ҳам бўлиши керак.

Группа хонасида қўлланмаларни сақлаш учун жой ташкил қилиш болалар ўз қизиқишларига кўра танлайдиган фаолият турига боғлиқ бўлади. Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳам назарда тутиш муҳимдир. Бу зоналарни безашда, бадний материаллар ва қўлланмаларни танлашда акс этади.

Ўрта группа зонасини безашда ўйин характери бериледи. Масалан, ўйинчоқ айиқ панжалари билан металлофонни ушлаб турибди, треугольниклар арча шохларига илиб қўйилган. Бундай безаш баъзан эртакнамо характерда бўлади, болани қувонтиради ва завқлантиради. Болалар улғайган сари уларнинг фаолиятлари кўпроқ дифференциялашган характер касб эта боради ҳамда мазкур зонанинг педагогик йўналиши ва функцияси безаш орқали янада кучлироқ таъкидланади. Масалан, мактабга тайёрлов группасида «кутубхона» ташкил қилиш ва у ерга китоб тоқчаларидан ташқари болалар кичик китобчаларни мустақил ясашлари учун қулай, ихчам ме-

беллар жойлаштириш мумкин. Музыка фаолияти зонасида компози-торларнинг портретлари, фотосуратларни осиб қўйиш мумкин.

Мустақил бадий фаолиятда фойдаланиладиган барча матери-аллар доимо алмаштириб, енгилаб турилади. Бола турли қийқим-лар, тахта парчалари, иплар қоғозларда елканли қайиқ ёки «Три поросенка» эртагидаги чўчқа болаларни учун уйчалар ясар экан, ўз фантазиясини, ўз ижодий ниятларини бойитади. Ҳар бир болага ўз кечинмалари, таассуротларини ифодалашда, эгаллан-ган кўникмаларини қўллашида ёрдам берадиган тайёр ўйинчоқлар, китобчалар, қўлланмалар ҳамда хилма-хил техник воситалар ҳам анчагинадир.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бадий фаолиятнинг ҳар бир тури (театрлаштирилган, музыкали, бадий нутқ, тасвирий фаолият) ўзи-га мувофиқ келувчи жиҳозлар бўлишини талаб қилади. Жиҳозлар-ни болаларнинг ўзлари мустақил ёки тарбиячи ёрдамида фойдала-нишларига кўра икки гурпуага ажратиш мумкин.

Болалар тарбиячи ёрдамида фойдаланадиган биринчи гурпуага босиб чиқарилган (ўйинчоқ китоблар, кўрсатмали жадваллар ва б. лар), аудивизуал (диафильмлар, диапозитивлар, грамофон пластинкалари, магнит ёзувлари ва б. лар), ҳажмли (гербарийлар, макетлар, муляжлар ва б. лар) қўлланмалар кирити-лади. Техник воситалар (радио, телевизор) ва ёрдамчи предмет-лар, (пардалар, экранлар, мольбертлар) ҳам шу гурпуага кирити-лади.

Иккинчи гурпуадаги қўлланмалардан болалар муста-қил фойдаланадилар. Булар стол босма ўйинлари, бадий ўйинчоқ-лар болалар музыка асбоблари, қўғирчоқ театрининг ҳар хил тур-даги комплектлари, расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, декоратив ижод материалларидир.

Бироқ предмет-жой муҳитини яратишнинг ўзигина кифоя қил-майди. Болани турли қўлланмалардан ўз ижодий фаолиятида фой-даланишга ўргатиш керак.

Машғулотларда, ўйин ва кўнгил очишлар вақтида болаларга ас-та-секин турли материаллар, музыка асбоблари, ўйинчоқлар ва бош-қаларни бериш керакки, токи улар тарбиячи раҳбарлигида буларни эгаллаб олсинлар. Масалан, театрлаштирилган фаолиятда бола-лар бармоқда ўйнатиладиган қўғирчоқлар, бибабо ҳаракатининг усулларини, музыка чалиш вақтида металлофон, доира, цитра ва шу кабиларни чалиш усулларини эгаллайдилар. Болаларни эртак маз-муни билан таништиришда тарбиячи улардан персонажлар фигура-ларини фланелеграфда кўрсатишни тавсия қилади. Болалар турли материаллар билан иш кўриш малакасини эгаллар эканлар, энди уларни ижодий фаолиятларида қўллай бошлайдилар. Масалан, му-зика чалиш усулларини ривожлантириш учун мактабгача катта тар-бия ёшидаги болаларга нота йўли билан фланелеграф берилиб, унга шартли белгилар (товушнинг узунлигини тасвиловчи доира, нота-лар ва карточкалар) солинади. Бола уларни маълум тартибда жойлар экан, у оддий куйларни фақат тинглаб туриб эмас, балки «нотадан» ҳам чалиш имкониятига эга бўлади. Турли музыка

асбоблари тасвирланган карточкалар ҳам тайёрлаш мумкин. Болалар асбобнинг овозини эшитиб, уларни тембридан танийдилар ва мувофиқ келувчи карточкани кўрсатадилар. Декоратив фаолиятни бойитиш учун ҳам хилма-хил материаллар: сопол тахтачалар, пастель бўрлар, темперали бўёқлар, оқ бўёқ ва шу кабилардан фойдаланилади.

Боланинг мустақил бадний фаолиятининг ривожланишини таъминловчи муҳим шарт оила билан алоқадир. Бола уйда эшитган, кўрган бирорта нарса ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Катталар ашула айтишади, рақсга тушишади, расм солишади, бинони безатишади, театр, кинога боришади, телевизор кўришади. Бола кузатиб, бунда иштирок этиб, бадний таассурот олади. Болалар боғчасига келиб, у таассуротларини тарбиячиси билан ўртоқлашади, кўрган ўйинларига ўз муносабатини билдиради. Бундан ташқари, бола болалар боғчасида оладиган бадний тажриба уни уйда ҳам сеvimли иши билан машғул бўлишга ундайди. Шунинг учун ота-оналар мустақил ижодий фаолиятнинг намоён бўлиши учун болага ҳамма шароитларни яратиши, уни бирор нарса билан шуғуллантириши, масалан, расм солиш билан шуғулланиш иштиёқини рағбатлантириши, қўғирчоқ томошасини кўрсатишини ташкил қилишида ёрдам бериши (нарда, сахна ўрнини босувчи предметларни тайёрлаш, у ёки бу ролни ижро этишнинг ифодалилигини назарда тутиб, қўғирчоқлар танлаш), унда иштирок этиши керак.

Оилада ўзининг бадний тажрибасини қарор топтиришга интиляётган бола билан тил топишиш осон. Муҳими, бу уринишлар оилада ўрнатилган тартиб билан боғлиқ бўлишидир, чунки бола кичик, ўзига яқин коллективнинг актив аъзоси эканлигини ҳис қилиши лозим.

Болалар боғчасидаги тарбия методлари билан танишиб, ота-оналар телевизор кўрсатувларнинг мазмунини ҳамда кичкинтой телевизор олдида қанча вақтини ўтказишини кузатиб боришлари керак, чунки баъзан у ҳамма кўрсатувларни ҳам кетма-кет кўраверади. Бундай ҳолатда болаларнинг соғлиғига ва албатта уларнинг бадний жиҳатдан ривожланишларига зарарли таъсир қилувчи таассуротларга кўмилиб кетиш хавфи туғилади. Бола кўпинча фаолиятнинг қандайдир бир турига кўпроқ қизиқиш билдиради. Бироқ, ҳатто махсус қобилиятлар ҳам жисмоний, бадний, ақлий фаолиятларни талаб қилувчи турли машғулотлар шароитларида яхшироқ ўсади.

Кўпинча ота-оналар ўз болалари ҳақида агарда уларнинг табиий таланти бўлмаса ҳам музыка, расм солиш билан шуғулланишлари мумкинми,— деб сўрайдилар. Жавоб фақат ижобий бўлиши мумкин. Сўзсиз, баъзи болалар (қобилиятлилари) рассом, музикачи, бўлиб етишадилар. Бошқалари (бундайлар, балки кўпроқдир) гарчи санъатнинг у ёки бу тури бўйича профессионал бўлиб етишмасалар-да, санъат билан умрбод дўстлашадилар ва унга муҳаббатни бутун ҳаётлари давомида сақлаб қоладилар.

Оилада мақбул эстетик вазият яратишга уриниш лозим. Энг аввало ғайри бадний предметлар, турли картиналар, вазалар,

двор декоратив буюмлари бўлмаслиги керак. Уйдаги шароитга кўра болани қизиқтирувчи китоблар, картиналар, қоғоз, қаламлар, музыка асбобларини жойлаштириш учун жой ажратиш лозим. Бунда бола болалар боғчаси анъанасини давом эттириб, ўз бурчагини жиҳозлашда, мазкур предметларни маълум тартибда жойлаштиришда иштирок этиши керак. Ота-оналар тарбиячиларнинг тавсиясига кўра грампластинкалар, иллюстрацияли китоблар, тасвирий фаолият учун турли материаллар, болалар музыка асбобларини харид қиладилар.

Агар на фақат болалар боғчасида, балки уйда ҳам катталар боланинг ижодий мойилликларини рағбатлантирсалар ва қўллаб-қувватласалар, улар муваффақиятли усадилар.

Демак, айтилганлардан бола бадий мустақил фаолиятининг ўсишига билвосита таъсир қилиш усуллари бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини кўрамиз.

Билвосита раҳбарлик қилиш методлари ҳар бир болага индивидуал хусусиятларини назарда тутиб, тадбиркорлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Шунинг учун тарбиячи ўз маҳоратини кундан-кун такомиллаштириб бориши, болаларни бирор севимли ишга жалб қилиши, уларнинг ҳар бири билан узвий алоқа ўрнатиши, ўз намунаси билан таъсир ўтказиши, ўз имкониятларига кўра бадий практика усулларини эгаллаган бўлиши керак. Буларнинг барчаси педагогик воситалар хазинасига киради.

## Турмуш ва байрамлардаги бадий фаолият

### Санъат — болалар боғчаси ҳаётида

Болалар боғчасига қатновчи боланинг умумий ривожланишида санъатнинг ҳар хил турлари: тасвирий санъат, адабиёт, музыка сезиларли ўринларни эгаллайди.

Бадий образлар болалар томонидан тез идрок қилинади, воқеликни чуқурроқ тушунишга ва тўлиқроқ англашга, гўзалликни ҳис қилишни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Махсус машғулотлар (музыка, бадий-нутқий, тасвирий фаолият ва бошқалар)дан ташқари тарбиячи куннинг ҳар хил қисмларида болалар билан бўлган муомаласида музыка ёки бадий сўздан фойдаланишга ва шу орқали болаларда атрофларидаги предмет ҳамда ҳодисаларга эстетик муносабат уйғотиб, уларнинг таассуротларини бойитишга ҳаракат қилади.

Эрталаб ҳар бир болани боғчада хушмуомала, илиқ сўз билан кутиб олишади. «Бизнинг жажжи Машагинимиз, ажойиб пўстин кийган қизчамиз келди»— дейди тарбиячи қизчанинг чиройли пальтосини мақтаб. «Мана бизнинг паҳлавонимиз ҳам келди»— дейди у зоқ бетоб бўлган болага кулиб қараб.

Болалар уйда дам олиш ёки байрам кунларида, болалар боғчасига келаётганларида йўлда олган таассуротларини зўр иштиёқ билан гапириб берадилар. Улар ўртасидаги муомалани, болажонли, образли тил билан гапирадиган қилиб йўллаб, қўллаб-қуватлаш

лозим. Бу телевизион кўрсатув ёки радио эшиттириш ҳақида, кино-ёки театрга борилганлиги, ёки янги китобча ҳақида, уйда тингланган ва ёдда қолган ҳикоя, эртақ ҳақида суҳбат бўлиши мумкин. Уз таассуротлари билан ўртоқлашишга интилиб, кўпчилик болалар китоб, диафильм, пластинкани ўзлари билан олиб келадилар ва тарбиячидан ёқиб қолган асарни албатта ҳамма болаларга ўқиб беришни, кўрсатишни, яхши кўриб қолган қўшиғини барча тинглашини илтимос қиладилар.

Бола ўзи иштирок этган ҳодисаларни алоҳида қизиқиш билан, ҳаяжонланиб ҳикоя қилади. Ҳатто кам гапирадиганлари ҳам ўзларини тинглашларини сўрайдилар. Олти ёшли Света ўз нутқидан уялади (у ш-шлаб гапирди). Бироқ у тўлқинланиб, ошиқиб ва тугилиб циркда ўтган ажойиб арча байрамнинг ҳаммасини айтиб беришга интилади. Унинг тенгқурни Шурик эса йўлда учратган кучук боласини конкрет ва образли таърифлайди «Жуни сарғишроқ, кул ранг, бароқ ва ўсиқ... Боши катта. Кулгили...»

Бундай ҳикояларни тинглар экан, тарбиячи болаларга худди шундай ҳолатлар, ўхшаш персонажлар ёки ҳодисалар тасвирланган адабий асарларни эслатади.

Нонуштагача кичкинтойларда яхши кайфият яратиш мақсадида уларга бураладиган музыкали ўйинчоқни кўрсатиш, металлофонда, триолда куй чалиб бериш, чиройли картиналарда чизилган хўроз, мушук, бир-бирини ювишни билган болаларнинг чаққон қўллари ҳақидаги қўшиқни («Водичка» «сув») Е. Тиличеева музыкаси) айтиб бериш мумкин.

Каттароқ ёшдаги болалар энди бадий фаолиятнинг маълум турларини афзал кўра бошлайдилар, улар ўзларига ёқадиган асбобни оладилар, қўғирчоқларига яхши кўрган қўшиқларини айтиб берадилар, рақсга тушадилар ва шу кабилар. Актив қизиқиш билдирмайдиганларни грамофон ёзувидаги янги пьесани тинглашга жалб қилиш, таниш қўшиқни бирор болалар музыка асбоби жўрлигида айтишни таклиф қилиш фойдалидир.

Музыка гимнастика вақтида ҳам турлича жаранглаши мумкин. Одатда (айниқса, кичик гурппада) тарбиячилар доирадан фойдаланиб, унда марш, югуриш, сакраш ритмини чалиб турадилар. Бироқ, кейинги вақтларда болалар боғчаларида проигриватель ва магнитофондан кенг фойдаланилмоқда. Юриш, югуриш, сакраш учун асарлар ёзилган махсус грамофон пластинкалари бор. Улардан катта гурппаларда фойдаланиш мумкин. Музыка раҳбари ижросидаги магнитофон ёзувлари ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Эрталабки гимнастика вақтидаги музыка фон хизматини ўтаб, болаларнинг ҳаракатини уюштиради, уларни маълум ритмга бўйсундиради. Эмоционал кўтаринкиликни келтириб чиқаради, улар ҳаракатларининг кўпроқ самаралироқ бўлишига ёрдам беради. Бунда асосий нарса машқларнинг тўғри бажарилиши эканлигини унутмаслик лозим. Болаларнинг грамафон ёзуви музыкаси жўрлигидаги ҳаракатлари дарҳол чиқа қолмайди ва у билан мувофиқлашмайди. Шунинг учун улар бу музыка жўрлигига кўникиб олишла-



риши назарда тутиб, уларни юриш, югуриш, сакраш буйича (граммофонга ёзиб олинган музыка жўрлигида) алоҳида машқ қилдириш лозим.

Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар табиат бурчагидаги ишга жалб қилинади (хона ўсимликларига сув қуйиш, уларни ювиш). Кичкинтойда ҳали керакли билим ва малакалар йўқ; у ўсимликка сувни кўп қуйиб юборади. Катта киши мулойимлик билан ҳазиллашиб уни тўхтатади:

Ёмғир, ёмғир,  
Билма тин.  
Болажонлар  
Чумилсин!

Катта группалардаги болалар ўсимлик ва жониворларга қараш вазифаларини мустақил бажарадилар. Улар учун тарбиячининг уларнинг меҳнатларини баҳолаши, қўллаб-қувватлаши, муносабати катта аҳамиятга эгадир: «Иш устасидан қўрқади, деб бекорга айтмайдилар». Насиҳат, танбеҳнинг пухта ўйлаб қилиниши жуда муҳимдир. Баъзан узундан-узоқ насиҳатдан қисқа матал, мақол анча ўринлироқ бўлади. Масалан, «Сабр қилсанг ғўрадин ҳалво битар», «Битта қалдирғоч келгани билан ёз бўлмас», «Ишни қойил қилдингми — қандингни ур».

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳар куни эрталаб табиат бурчагида об-ҳаво ўзгаришини қўлбола календарда мустақил қайд қиладилар. Бунинг учун улар тарбиячи ёрдамида расмлар тўплами ёки бадиий фотосуратлар тўпламидан йўлнинг шу вақтига мувофиқ келувчи расмларни танлайдилар.

Агар об-ҳаво кеч куз учун характерли бўлса (ҳаво булут, қалин булут, майда ёмғир), болалар шу даврни аниқроқ ифодаладиган расмни танлайдилар.

Болаларга кузатилаётган ҳодисани гуашь ёки рангли қаламлар билан мустақил чизишни тавсия қилиш мумкин. Расмлардан рангли ва композициясига кўра энг ифодалисини ҳамма коллектив бўлиб танлайди.

Кичик расмлар, китоблардаги иллюстрациялар, кичик ҳажмдаги ҳайкаллар ва айниқса декоратив-амалий санъат асарлари (халқ ўйинчоқлари — димковск, фильмоновск, богородск ва бошқалар) доимо жонли қизиқиш уйғотади, бола бадиий фаолиятини активлаштиради.

Эрталабки соатларда болалар эътиборини китоблардаги иллюстрацияларга тортиш мумкин. Бу кичик группа учун китобча-ўйинчоқлар («Машамиз ҳақида», «Мушукча», «Тилла тожли хўрозча» ва бошқалар) бўлиши мумкин. Тарбиячи уларни кичкинтойлар билан бирга кўриб чиқади, таниш овутмачоқларни ўқийди, персонажларнинг чиройли, ифодали тасвирланганлигини таъкидлайди.

Ёрқин ўйинчоқ ҳам кўриш объекти бўлиши мумкин. Бироқ кучукчани болалар силашлари, у ҳақидаги қўшиқни айтишлари, расмдан танишлари, жигар ранг, қора ранг ёки орқасидаги оқ доғларни қайд қилишлари мумкин.

Кўриш жараёни жонлироқ, эмоционалроқ ўтиши учун тарбиячи болаларга топишмоқ айтиши мумкин. Масалан, олмахоннинг

расмини кўрсатишдан олдин болаларга қуйидаги шеърни ўқиб, у  
нига ҳақида эканлигини сўрайди:

Эгнимда иссиқ пўстин,  
Масканим ўрмон — овлоқ.  
Дуб коваги ичра меч  
Чаққаним нуқул ёнроқ.

Қаттароқ ёшдаги болалар эрталаб группага келар эканлар, кўриш учун репродукцияларни, кичик ҳажмдаги ҳайкалчаларни ва шу кабиларни ўзлари танлайдилар. Бунинг учун тарбиячи бола табиатнинг ифодали тасвирлари, ҳайвонлар, эртақ персонажларининг расмларини танлай олиши учун рус ва совет расмларининг баъзи асарлари репродукцияларини, турли жанрдаги, чиройли безалган китобларни ҳозирлаб қўйиши керак. Оқ қорли кишини К. Юон, Л. Грабар, Т. Бродская, илиқ ёзни А. Пластов, М. Сарьян репродукцияларида кўриш мумкин ва бошқалар. Кўриб чиқиш вақтида тарбиячи болаларнинг эътиборини образлар характери, ҳаракати, персонажлар мимикаси расмом томонидан қандай берилганлигига қаратади.

Қўшиқ ёки шеърни эсга олиш ҳам мумкин. Масалан, қиш манзарасини томоша қила туриб С. Есениннинг «Поет зима — аукает...» шеърини ёки И. Суриковнинг «Белый снег, пушистый» картинасини кўра туриб, В. Қарасеванинг «Зима», М. Иорданскийнинг «Голубые санки» қўшиқларини айтиш мумкин.

Декоратив амалий санъат предметлари (хохлом нақшида ишланган курсилар, чўмич, қошиқ) ҳам болалар эътиборини жалб қилиши мумкин, бунда у шохлар, мевалар, барглардан таркиб топувчи безакни томоша қилади. Шундан сўнг бола бўёқ ва мўйқаламни олиб, масалан, чўмич шаклида қирқиб олинган қора рангдаги қоғозга декоратив нақш чиза бошлайди. Бола тайёр ишни завқланиб томоша қилади, уни тарбиячиси бошқа болаларга намойиш қилади.

Эрталаб, ҳамма тўпланаётган вақтда группаларда донмо тинчлик бўлади, бу бадий материални диққат бериб кузатишга имкон яратади. Тарбиячи ҳам ҳар бир болага кўпроқ эътибор бериши, у билан расм, ҳайкал ҳақида суҳбатлашиши, бир неча ўйинчоқлар, декоратив нарсалар орасидан ўзига ёққанини танлаб олишни тавсия қилиши мумкин.

Болалар бирор нарсани кўриб чиқишар экан, 2—3 тадан бўлиб бирлашишади, ўзаро суҳбатлашишади, таассуротлар алмашишади.

Нонуштадан кейин (машгулотларгача) ҳам бир оз вақт бор, ундан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Агарда жисмоний нагрузкани талаб қилувчи машгулот ўйналадиган бўлса, тарбиячи қўлланмалар билан оҳиста музыкали ўйинни тавсия қилиши мумкин.

Кичкинтойлар шақилдоқлар, қўғирчоқлар, овоз чиқарувчи ўйинчоқлар (мушук, кучук, хўрозча ва бошқалар) билан ўйнайдилар. Қаттароқ болаларга, масалан, таниш қўшиқлар ёзилган бир хил органчалардан таркиб топувчи «Музыкали лото» ўйини тавсия қилинади. Бола уни таниган заҳоти қарточкадан мувофиқ келувчи расм устини ёпади.

Асосида музика товушларининг хусусиятларини фарқлаш ётувчи баъзи музикали дидактик ўйинларни ҳам тинч ўйинларга кириштириш мумкин. Ўйинда қатнашувчилар бир-бирларига топишмоқ айтидилар (қайси барабан чалинди, каттасими ёки кичиги? Қўнғироқлар баланд жарангладими ёки секинми?), «Музика болғачалари», «Муштчалар ва кафтчалар»<sup>1</sup> ўйинларидаги маълум ритмни такрорлайдилар. Мактабда тайёрлов группасидаги болалар турли музика асбобларидан фойдаланиб («Нимани чалаяман»), тембрни ажратиш ўйинини мустақил ўйнашлари мумкин.

Агарда бўлажак машғулотда болалар фақат ўтирадиган бўлсалар, тарбиячи қисқа вақт талаб қилувчи ҳаракатли-музикали ўйинларни тавсия қилади. Масалан, кичик группаларда «Чики-чики чикалочки» (рус халқ хиргойиси). «Топ-топ-топотоп» (В. Жубинская музикаси); катта группаларда (кичик группаларга бўлиниб) — «Выходи, подружка» ва «Мост» (чех халқ куйи) ўйналади. Иккала ўйин ҳам навбатма-навбат ҳаракат қилишга асосланади ва қувноқ қўшиқ жўрлигида ўтади, қўшиқни болалар бажону дил ижро этадилар.

Музикага махсус машғулотлар бағишланиб, унда музика мустақил маънога эга бўлади, маълум фаолият билан мувофиқлашади. Бироқ, тарбиячи бошқа машғулотларда ҳам музика асарларидан фойдаланиш имкониятларини топиши керак, чунки музика болаларда қилаётган нарсалари ёки мазкур машғулотда билиб олишлари керак бўлган нарсаларга нисбатан ижобий эмоционал муносабатнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Атроф-муҳит, табиат билан таништиришда қўшиқ ва музика болаларда совет ватани, ижтимоий байрамлар, Совет Армияси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга; ўзига хос миллий қўшиқлар, рақслар, ўйинлар мамлакатимиз халқларини яхшироқ билиб олишга ёрдам беради. Кичик группада болалар йил фасллари, қушлар, жониворлар ҳақидаги қўшиқларни биладилар. Бу қўшиқлар уларга нисбатан хайрихоҳлик, меҳрли муносабатларнинг таркиб топишига ёрдам беради, шунинг учун уларни табиат билан таништириш машғулотларига киритиш мумкин.

Қўшиқ расм солиш машғулотида ҳам янграши мумкин. Кичкинтойларга мўлжалланган бир қатор топшириқлар<sup>2</sup> музикали ва тасвирий фаолиятни бирлаштиради. Тарбиячи болаларга қуёш ёки ёмғир ҳақидаги қўшиқни айтади ва болалар уни хиргойи қилиб, расм чизадилар. Е. Тиличеванинг «Вот как мы умеем» қўшиғи остида маршда юргандан сўнг болаларга қоғоз йўлкаларга ўз оёқ изларини чизишни топшириш мумкин.

Тасвирий фаолият машғулотларида, айниқса катта мактабгача тарбия ёшидагилар билан бўладиган машғулотларда тарбиячи расмлар, картиналарнинг репродукциялари, китобларнинг иллюстрациялари, декоратив-амалий санъат предметларидан фойдалана-

<sup>1</sup> Музыкально-дидактические игры для разных возрастных групп. См. в сб.: Музыка в детском саду. вып. 1—5. М., 1965—1975.

<sup>2</sup> Қаранг. Т. Г. Казакова. Рисуют младшие дошкольники М., 1971.

ди. Агарда болалар аввал порлаб турган қуёшни кузатган бўлсалар, сунгра китоблар иллюстрацияларида ёки А. Пластовнинг «Лето» расми репродукциясида кўрган бўлсалар, улар ёрқин қуёшли кунни осонлик билан чизадилар. Декоратив нақшни чизишга (димков, хохлом нақши) димков ўйинчоқларини, хохлом буюмларини кўриш ёрдам беради.

Адабий асарлар ва фольклор болалар бадий-нутқий тажрибасининг бойишига ёрдам беради. Бу тажрибани болалар боғчаси участкаси, ўз шаҳри, қишлоғининг кўчалари бўйлаб яқинда жойлашган истироҳат боғи, хиёбон, ўрмон, майсазор, дарё бўйига уюштирилган сайрлар ҳам активлаштиради. Тарбиячи баъзи жамоат бинюларининг нималарга мўлжалланганлиги, кўча ва майдонларнинг номи ҳақида суҳбатлар ўтказади. Ҳикоялар (масалан, С. Баруздиннинг «Страна, где мы живем», И. Винокуровнинг «Самолет летит») ўқиб беради.

Сайрлар болалардаги коллектив ўзаро муносабатларни ўстиришга ёрдам беради. Бунда икки бола ўртасида ўйин ёки меҳнат жараёнида пайдо бўлган дўстона муносабатни ва бола билан катта киши ўртасидаги дўстона самийий муносабатни (сборлар вақтида, атроф-муҳитни кузатиш процессида ва бошқаларда) қўллаб-қувватлаши, рағбатлантириши лозим. Ўз вақтида айтилган аниқ, образли сўз, мақол, топишмоқ, кичик шеър, ҳазил, маълум асардан таниш ва ёқиб қолган персонажни эслатиш — буларнинг барчаси юқоридаги муносабатларни чуқурлаштириш воситаларидир. Тарбиячи кичкинтойни сайрга кийинтирар экан, дейди:

Бу бармоқчам — бувам,  
Бу бармоқчам — бувим,  
Бу бармоқчам — дадам,  
Бу бармоқчам — ойим,  
Буниси — энг кенжамиз  
Кенжамиз

Исми... (Боланинг оти айтилади.)

Тарбиячи уч ёшли қизчага қўлқопини кийишига ёрдам берар экан. Н. Саконскаянинг «Где мой пальчик?» ўйин шеърини айтади. Каттароқ ёшдаги болалар мустақил кийинадилар. Кимдир ботинка ипини қаттиқ боғлайди, кимдир қўлқопи боғичини узиб юборади. Бу ўринда «Доимо кучдан эмас, баъзида кўникмадан, баъзида чидамдан фойдаланиш керак» дейиш ўринлидир. Катта ва мактабгача тайёрлов группасида шанкасини нотўғри кийган, шарфни нотўғри ўраган болага «Шошма-шошар бўлса киши — эл олдида кулгу иши» ҳазиломуз мақолини эслатиб қўйиш ўринлидир.

Сайр вақтида тарбиячи болаларга ҳажми жиҳатидан каттароқ асарларни — сюжетли ва лирик шеърлар, эртақлар, ҳикояларни ўқиб беришга имкон топади. У олдиндан таниш бўлган асарни такрорлаш ёки у билан биринчи танишиш бўлиши мумкин. Йилнинг иссиқ вақтларида боғдаги шинам жойда, ўрмонда давомли эртақ, ҳикояларни ўқиб бериш мумкин.

Табиат ёрқинлиги, хилма-хиллиги, таассуротларининг одатдан ташқарилиги билан боланинг барча ҳиссиётларига таъсир этиб,

қалбида чуқур из қолдиради, кучли эстетик завқ бағишлайди. Ифодали сўз, бадий асарнинг образи бу таассуротларни англаш, узоқ эслаб қолиш, табиат образларини «Ватан» деган кенг тушунча билан боғлаш имконини беради.

Баҳорда уйғонаётган табиатни идрок этишни кучайтириш мақсадида каттароқ ёшдаги болаларга рус классиклари ва совет шоирларининг шеърлари ўқиб берилади: Ф. Тютчевнинг «Весенние воды», А. Майковнинг «Ласточка», «В мае», А. Плещеевнинг «Сельская песня», А. Блокнинг «На лугу», Е. Благининининг «Черемуха», Я. Коласнинг «Песня о весне», П. Вороньконинг «Журавли», И. Токмакованинг «Весна», «Сосны», С. Маршакнинг «Весенняя песенка» ва бошқалар. Бироқ А. Плещеевнинг:

Майсалар яшилланар,  
Чарақлай бошлар офтоб...

А. Фетнинг:

Эркаланиб самбит тол  
Ажиб фараҳ ҳис этар;  
Юрт узра баҳор хушқол  
Қанотларин силкитар...

шеърларидаги баҳор образи энг кичкинтойларга ҳам тушунарлидир.

Тарбиячи баҳорда она юртга учиб келувчи қушлар ҳақидаги шеър, топишмоқларни билиши керак. Масалан, ўрта группа болалари Е. Трутневанинг «Ласточка» асарини осонлик билан эслаб қоладилар. Қаттароқ болаларга топишмоқ берилади:

Ҳамма қушлардан қора,  
Қурт терар шўлгор аро  
**Ошени дала, боғча...**  
бу қушнинг номи...

(Зағча)

Ошени дарахт учи  
Сайрашдир доим бурчи  
Номи унинг... (чуғурчиқ)

Болалар адабиёти йилнинг ҳамма фасллари ҳақидаги асарларга бойдир. Ёз — гуллар даври. Фольклорда, рус ва совет болалар поэзиясида она юрт ҳақида шеърӣй тилда гапириш, унинг гулларини куйлаш анъанаси мавжуддир. Каттароқ болалар Е. Серованинг «Гвоздика», «Незабудка», «Колокольчик», Е. Благинининг «Одуванчик» шеърларини билишади, уларга ўрмон (П. Воронко «Липка»), ўтлоқлар ҳақида ўқиб бериш, халқ қўшиқларини «Береза, моя березонька...», «Ивушка», «Рябиноушка»нинг баъзи текстларини эслатиш мумкин. Кичкинтойларга қулупнай ҳақидаги овутмачоқни айтиб бериш мумкин:

Мебалари қип-қизил,  
Қулупнайлар пишибди.  
Лай-ла-лай, лай-ла-лай,  
Қулупнайлар пишибди.  
Қайдан бўлибди қизил?  
Офтоб нури остида,  
Ётган эди муттасил...

Сайрларни планлаштирар экан, тарбиячи турли жанрлардаги асарларни белгилаш ва ижро этиш учун тайёрлаши мумкин. Маълум вазиятда ижро этилган бу асарлар болаларнинг фикри ҳамда ҳиссиётларига машғулотдагидан кучлироқ таъсир этади.

Масалан, янги кўча бўйлаб уюштирилган сайрдан сўнг тарбиячи болаларга Л. Кассилнинг «Москва», М. Ильин ва Е. Сеголнинг «Машины на нашей улице» ҳикояларини ўқиб беради, Е. Тилличеевнинг «Едим мы по улице» (М. Кравчук шеъри) ва «Наша Родина» (Л. Некрасова шеъри) қўшиқларидаги сўзларни эслашни тавсия қилади:

...Бу ерда битта кран  
Уй тикларди у чоқда,  
Энди юзтаси бирдан  
Юзта уй тикламоқда...

Сайрдан сўнг мактабга тайёрлов группасидаги болаларга Г. Ходасовнинг «Наша столица» шеърини ўқиб бернш, кичкина группаларга топишмоқ айтиш мумкин:

Рельс бўйлаб югурар,  
Жиринглаб садо берар.

(Трамвай)

Афсонавий қуш учар,  
Ичида талай одам —  
Узаро суҳбат қураар.

(Самолёт.)

Мактабгача тарбия педагогикасида мустақил ва ташаббусни ўстирувчи ҳаракатли ўйинлардан кенг фойдаланилади. Улар кўпинча ўйин бошидан бошланиб, ундаги роллар санашлар ёрдамида тақсимланади. Масалан, қуйидагича:

«Чуғур — чуғур», —  
Қушлар сайраб.  
Урмон сари сафар айлаб,  
Қурдилар тез уя-ин  
Қурмаган, деб бетайин.

Ўйинда қатнашувчилар қуръа ташлаш ёрдамида икки группага ажратилади: «Кимга пишган олма-ю, кимга олтин лаган?», «Кимга кўк от, кимга олтин ёлли от?». Ҳаракатли ўйинларда мазмун ўйин сюжетидан ташкил толувчи нақоратлардан, масалан: «Ғозлар, ғозлар!» «Ға-ға-ға». «Овқат ейсизми?»—«Ҳа-ҳа-ҳа» ва шу кабилардан фойдаланилади. Тез айтишлар ҳам муқаддима вазифасини ўташи мумкин.

Болалар сайрлар вақтида турли табиат ҳодисаларини кузатар эканлар, олтин куз, қорли қиш, ям-яшил баҳор, ёруғ иссиқ ёзнинг характерли хусусиятларини қайд қиладилар. Бу вақтда тарбиячи бу хусусиятларни рассом қандай тасвирлашини эслашиб ўтиши мумкин. Масалан, болалар сайр вақтида куз манзарасини завқланиб томоша қилаётганларида тарбиячи худди шунга ўхшаган манзара тасвирланган картина (И. Левитан «Золотая

осень») богчада ҳам борлигини эслатади. Шундан сўнг тарбиячи болалардан олдинроқ кўрган бошқа картиналарини айтиб беришларини сўрайди. Педагог сайрдан сўнг мазмуни йилнинг шу фаслига кўпроқ мувофиқ келувчи картиналарнинг репродукцияларини топишни тавсия қилиши мумкин.

Сайр вақтида болалар фақат табиатни кузатибгина қолмай, балки ўсимлик барглари, шохчалари, илдизларини бажону дил йиғадилар. Болалар уларни томоша қилиб, жонли мавжудот билан ўхшашлик топадилар. Қайрилган илдизни кўриб, бола «Қандай катта чувалчанг» дейди. Бошқаси эса «илонга ўхшайди, у ерда ана шундай ўрмалайди, ҳамма ёғи қайрилиб кетади» деб қўшиб қўяди. Ўрмонга экскурсияга борилганда табиий материал (сўта, мох, қарагай пўстлоғи) тўплаш ва улардан қушча, типратикан, тошбақа шаклини яшаш мумкин. Қўлбола ўйинчоқлар ўйин эпизодларини ўйлаб топиш учун қулайдир. Бундай ўйинларни ривожлантиришда «Чебурашка», «Крокодил Гена», «Львенок и черепаха», «Винни-Пух» ва бошқа мультфильмларни кўришдан олинган таассуротлар ёрдам беради.

Ерга, қорга, қумга расм чизиш ҳам болаларни ўзига тортади. Улар «ёвуз бўридан» яшириниладиган уйнинг, рангли бўрлар билан асфальтга одамлар, жониворларнинг расмларини чизадилар. Бу турдаги тасвирий фаолият одатдан ташқари ва гўё ўйин ниятининг бир қисми бўйлаб қолади.

Қишда қордан нарса, жонивор ва қушларнинг фигураларини болаларнинг ўзлари тайёрлайдиган рангли музчалар билан безаш қизиқарлидир. Ерқин қизил, тўқ яшил, сариқ рангдаги турли шакл ва ҳажмдаги бу музчалар оппоқ қорда нақш ҳосил қилиб, чиройли ажралиб туради. Болалар бу бирикманинг гўзаллигини ҳис қиладилар ва катталар билан биргаликда завқланадилар.

Сайрлар вақтида болаларнинг музика фаолиятларини рағбатлантириш учун қулай вақт топиш мумкин. Асосан, бу ёз ва эрта куз вақтида амалга оширилиши мумкин. Болалар билан сокин музикали ўйинлар (дидактик, қўлланмали, болалар музика асбобларини чалиш) ҳам, ҳаракатли, хоровод ўйинлар ҳам ўтказилади. Шунинг унутмаслик керакки, ёмғирли, нам ва совуқ ҳавода сайр қилганда қўшиқ айтиш боланинг товуш аппаратига салбий таъсир қилади. Кўпинча ўйинлар олдидан саноқ ўйин қўшиқлари ўтказилади<sup>1</sup>. Масалан:

Борар эди думалаб,  
Ариқчани ёқалаб  
Кўз уйнатиб нақш олма,  
Чиқар уни ким олса.

(В. Агафонникова музикаси.)

каттароқ болалар учун бир оз мураккаброқлари, масалан, қуйидагидек: «Сурнай сотиб оламан ва кўчага чопаман, оҳанг тарат

<sup>1</sup> Музикали саноқлар «Музыка в детском саду» тўпламларига киритилган. Вып. 3—5, М., 1965—75.

сурнайим, мен қувониб ўйнайин!» (В. Герчик музыкаси), «Янгра, янгра балалайка» (Т. Попатенко музыкаси) ва бошқалар.

Музыка сюжетли-ролли ўйинларга ҳам киритилади. Масалан, болалар парадга таклиф қилиниб, барабанлар билан труба ёки қўшиқ садоси остида марш қилиб юрадилар. Поезд, автомобиль, от, самолёт ҳақидаги қўшиқлар «саёҳатчилар»га ҳамроҳ бўлади.

Сайр вақтида катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар халқ ўйинлари — хороводларни, масалан, «Васька-кот», «У медведя во бору», «Уголки» ва рақсга асосланган «Вейся, капуста», «Выходи, подружка» ва бошқаларни мустақил бошлайдилар. Худди шу ўринда тарбиячи баъзи музыкали-дидактик ўйинлар: «Ўзнай по голосу». «Тише-громче» (Е. Тиличеева музыкаси) ўз ичига барча иштирокчиларнинг умумий ҳаракатларини ва ҳар бири киши учун айрим топшириқларни олувчи ўйинларни ҳам ўтказиши мумкин. Болалар ҳаракатига жўр бўлувчи куйни катта киши металлофонда ижро этади.

Болалар сайрдан қайтишди — тушликка яқин қолди. Улар қўлларини ювишаётган вақтларида тарбиячи уларга ёрдам бериб, мулойимлик билан дейди:

Ҳей тиниқ сув, зилол сув,  
Юзимни тозалаб юв,  
Кўзларим учқунлансин,  
Еноқларим қизарсин  
Лабим жилмайиб турсин,  
Тишим ярқиллаб юрсин.

Навбатчилар столни тузайдилар гапни давом эттиришга вақт йўқ, бироқ вақтида айтилган қисқа мақол, ибора ўринли бўлади. Масалан, ўрта гурпадаги навбатчилар столга нон қўйишни унутганлар. «Нонсиз овқат қорин тўйғизмас», — дейди катта киши. Овқат вақтида гаплашиб ўтирганларга ҳазиллашиб: «Овқат еяётганимда мен ҳам соқов, ҳам кар» дейди. Мактабга тайёрлов группасидаги икки бола группани кундузги уйқуга тайёрлаётиб, баҳслашиб қолдилар. «Гап кўп, иш кам» — дейди тарбиячи уларни тўхтатиб.

Кундузги уйқудан сўнг мустақил фаолият, ўйинлар соати бошланади. Ҳамма ўз қизиқишига кўра иш топади. Болага маълум вазиятни яратишда ёрдам бериш ёки тўғридан-тўғри нима қилишни айтиб бериш керак. Қичкинтойда ҳамкорликдаги сюжетли ўйин малакаси ҳали таркиб топмаган. Уни активлаштириб (сакраш, ҳаракат қилиш), тарбиячи қўйидаги овутмачоқни айтади:

Йўлакда у ён, бу ён  
Сакрарди митти қуён.  
Бирам эпчил ва чаққон,—  
Эплай олсанг тута қол!  
Кун ботгунча олмай тин  
Қўшиғин бошлар чивин  
Қўшилар пашша унга,  
Ҳожат қолмас чивинга



Уч ёшли болаларни ўйинчоқлар билан ўйнашга ундар экан, тарбиячи А. Бартонинг циклидан «Игрушки» шеърини такрорлайди. Тарбиячи ўрта группа болаларга сюжетли ўйинлар темаларини айтар экан, уларга С. Капутикяннинг «Маша обедает», Александрованинг «Мой мишка», Е. Благининанинг «Алёнушка» шеърларини эслатади, шунингдек, Я. Тайцнинг «Кубик на кубик», Е. Чарушиннинг «Как лошадка зверей катала» шеърларини эслатади ва ҳикоя қилиб беришларини сўрайди.

Каттароқ болалар эртақларни (рус ва бошқа халқлар эртақларини) шахсларга, ролларга бўлиниб ижро этадилар. Улар драматизациялар, ижодий ўйинларда болалар адабиёти асарларининг: Э. Цурюпанинг «Неизвестный друг», Б. Житковнинг «На льдине», «Обвал», С. Сахарновнинг «Два радиста», «Кто достал якорь», «Кит», С. Маршакнинг «Терем-теремок», «Двенадцать месяцев», «Цирк», «Волк и лиса», И. Винокуровнинг «Самолёт летит», К. Чуковскийнинг «Муха-Цокотуха», И. А. Криловнинг маълумлари мазмунини гавдалантирадилар.

Аста-секин (боғча даврининг охирига келиб) болалар узоқ вақт ўйнаш, ҳаракатни охирига етказиш малакаларини эгаллайдилар. Ҳамкорликдаги ўйин фаолиятида адабий асарлардан фойдаланиш қизиқишларни, ахлоқ нормаларини, коллективизмни ҳис қилишни шакллантиришга ёрдам беради. Бунда атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлар аниқланади ва бойиёди, тафаккур, тасаввур, нутқ, эстетик дид ўсади.

Болалар боғчасида бола албатта бир оз вақтини китоб «бурчаги»да ўтказади. Одатга кўра номлаш шартлидир, чунки кичик гуруҳларда бу фақат китоб тоқчаси бўлмай, балки яхши кўриб қолинган китобни томоша қилиш мумкин бўлган стол ҳамдир. Тарбиячи яхши ёритилган, ҳаракатли ва шовқишли ўйинлардан четроқ жойда бадний-нутқий фаолиятнинг ҳар хил турлари учун жиҳоз ҳамда қўлланмаларни тўплайди: кўриш учун китобли, альбомли тоқча; гапириб бериш учун картиналар комплекти; қайта айтиб бериш, ўз ижоди учун керак бўладиган фигуралар, терилган кўчма фланелеграф, ҳажмли болалар ўйинчоқлари ва юпқа фигуралар билан иш кўра оладиган жой (столча, горизонтал панель) ўрнатилади. Болалар адабиётдаги таниш асарларга ишланган картиналар ва иллюстрацияларнинг (ўрта ва катта форматдаги) репродукциялари ҳам шу ерда намойиш қилинади. Кичик ва ўрта гуруҳда китоб тоқчаси эртақдаги уйча кўринишида жиҳозланади. Мактабга тайёрлов гуруҳида кутубхона ташкил қилинади: «кутубхоначи» китобхонларни «рўйхатга ёзди»; ҳар бир бола ўз «формуляр»ини расмга кўра ёдида сақлаши керак, китоблар темалар бўйича қўйилади ва китобхон-болалар уларни ўзлари танлаб оладилар.

Бутун кун давомида бола китобни қўлига бир неча марта олади, расмларини кўради, тарбиячидан таниш ва янги шеър, ҳикоя, эртақларнинг текстини эшитади, севимли асарни ўзи ижро этади, топишмоқ топади, атроф-муҳитга муносабатини ўз ижодида ифодалайди.

Ўйинлар ва қизиқишга кўра шуғулланиш учун вақт кундузги уйқудан кейин кўпроқ бўлади.

Бу вақтда болалар музика (граммофон ёзувида), музикали радио эшиттиришни тинглашлари, оркестр ва турли музика асбобларининг овози билан танишишлари, диафильм кўришлари мумкин. Буларнинг барчаси билим доирасини кенгайтиради ва бадиий таассуротлар билан бойитади.

Музика фаолияти билан мустақил шуғулланар эканлар, болалар ўзларига ёққан қўшиқ, ўйин, рақсларни такрорлайдилар, қўғирчоқлар билан «музика машғулоти» ўтказадилар, ўз рақсларини бадиҳа қиладилар, индивидуал ёки кичик гуруппаларга бирлашиб, музика асбобини чаладилар.

Катта гуруппаларда театрнинг ҳар хил турлари: стол, текисликдаги бибабо ва бошқалар кенг қўлланилади. Болаларнинг драматизацияларида кўпинча қўшиқ материал хизматини ўтайди. У ҳаракатни яхши уюштиради, ижрога маълум ритм ва темп беради — спектакль давомида персонажлар қўшиқ айтадилар, рақсга тушадилар.

Куннинг айна шу қисмида болалар тасвирий фаолият билан мустақил шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Тарбиячи бу фаолият учун махсус зонани жиҳозлар экан, уни болалар активлигига мувофиқ келувчи турли методик қўлланмалар билан таъминлашга ҳаракат қилади. Бунда ҳар бир бола ўзини кўпроқ қизиқтирадиган нарса (бўёқлар, пастель, лой, рангли қоғоз ва бошқалар)ни танлайди. У бўлажак расм, лойдан ясаладиган нарса, аппликациянинг мазмунини мустақил ўйлаб топши, репродукцияни (манзара, натюрморт), одғам, жониворнинг ҳайкал шаклидаги тасвирини кўриши мумкин. Тарбиячи боланинг эътиборини рассом ҳаракатлар ифодалилиги ва пластиклигини қандай берганлигига қаратади. Масалан, тулки гавдасининг ҳолати (писиб келиш, яшириниб туриш, пойлаш ва бошқалар) эгик чизиклар билан берилган.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларни «Иван ловит жар-птицу» ҳайкали доимо ўзига тортади. Иванушка ва афсонавий қушнинг декоратив безатилган фигураси болаларда таниш эртакни эсга олиш иштиёқини уйғотади. Улар ҳайкалчани айлантириб ҳар томонидан томоша қиладилар, фигура контурини ушлаб, чизикларнинг силлиқлигини ҳис қилиб, текширадилар, шакл, рангнинг гўзаллигини сезадилар. Болалардан бирортаси эртакдан эпизодни гапира бошлайди, қолганлар уни давом эттирадилар. Тарбиячи болалар унутган эпизодларни эслатиб туради. Ҳайкал фигураларини кўриш, лой ёки пластилиндан бирор персонажни ясаш иштиёқини уйғотади.

Сашани (олти ёшда) чапаётган от фигураси жуда қизиқтиради. У отни бир неча марта лойдан ясашга уриниб кўрди, бироқ отнинг елдек учиб чопишини ҳеч ифодалай олмади. Тарбиячи кўрсатиш, образли қиёслаш («от чопади, худди ўқдек учади») орқали болага ёрдам беради. Саша отнинг олдинги оёқларини кескин олдинга чиқаради, думи гўё шамолда ҳилпираётгандек бўлади. Бироқ чавандозсиз от отми? Уни ҳам ясаш керак. Ишини якунлаб (чопиб кетаётган от устидаги чавандоз), Саша ясаган нарсасини ўртоқларига намойиш

қилади. Улар ундан завқланиб, уз кузатишларидан фойдаланиб, сюжетни тулдирди бошлайдилар: «Худди қўлга тушмас қасоскорлардек» — дейди бири. Иккинчиси «Отларимиз зотдор, отларимиз учқур — биз отлиқ чавандозлармиз» деб қушиқ текстини хотирлайди. Учинчисида худди шу сюжетда бирор нарса яшаш иштиёқи туғилади.

Репродукциялар ҳам катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мустақил тасвирий фаолиятларига сезиларли таъсир қилади.

Масалан, Света П. Кончаловскийнинг «Сирен» натюрмортини томоша қилишчи жуда яхши кўради. Бир куни у катта қоғоз варағини олиб, мольбертга ўрнатди, катта мўйқалам билан кўза ва гуллар расмини сола бошлади. Кўза олдида иккита катта олма. Расм ёрқин, декоратив, форматига кўра одатдан ташқари бир тарзда чиқди. Болалар буни сездилар ва «Светанинг чизган расми худди картинадагига ўхшайди», дедилар.

Байрамлар ёки кўнгил очишларга тайёрланишда тарбиячи болалар билан биргаликда (кундузги уйқудан сўнг) турли безаклар: гулчамбарлар, гуллар, арча ўйинчоқлари ва бошқа буюмларни ясайди. Болаларга расм, бадний фотосуратлар, откриткаларни олдиндан кўрсатиш, сўнгра янги йил арчасини безаш, Биринчи май тантаналари ва шу кабилар учун намалар характерли эканлигини сўраш мумкин. Болалар байрам безакларининг хусусиятларини фарқлаб, ҳар хил рангдаги байроқчалар, барглари қирқа бошлайдилар, гулчамбарларни ёпиштирадилар, сўнгра улар билан группани, зални безатадилар, таклифиномалар чизадилар. Уларнинг бу жараёнда иштирок этишлари коллективда ижодий муҳитни, умумий композициянинг бирор қисмини яхшироқ бажариш иштиёқини яратади.

Шундай қилиб, санъат ҳар бир боланинг ҳаётини фақат янги мазмун билан бойитибгина қолмай, балки ўйин, сайр, байрам ва кўнгил очишларда мустақил ижодий қобилиятларини намоён қилишларига ҳам ёрдам беради. Тарбиячи бола активлигини усталик билан рағбатлантириши, болаларда таниш қушиқ, музикали ўйин, оувтамчоқ ёки шеърни такрорлаш, расм, ўйинчоқ, декоратив буюмларни томоша қилиш иштиёқини уйғотиши лозим.

Болалар эгаллаган бадний таассуротлар уларнинг музика, бадний-нутқий: тасвирий, театр-ўйин соҳасидаги мустақил фаолиятларининг манбан ҳисобланади.

### Болаларни эстетик тарбиялашда телевизион кўрсатувларнинг роли

Кейинги йилларда телевидение мамлакатимизда жуда кенг тарқалди. У кўрсатмални информация билан бойитади, кўнгилни очади ва шодлик бахш этади. Борган сари кўпроқ тадқиқотчилар телевизорга санъатнинг бошқа турларини «уйга олиб кирувчи» техник мўъжиза дебгина эмас, балки ўзида театр, кино, радио, ҳужжатли хроника ва шу кабиларнинг имкониятларини қамраб олувчи мустақил, нисбатан ёш санъат деб қарашга мойиллик билдирмоқдалар, СССР аҳолисининг деярли 80%и Марказий телевидениенинг оқ-қора ва рангли тасвирдаги программасини

қабул қилиш имкониятига эгадир. Яқин келажакда телевизион курсатувлар стерео рангли, ҳажмли-тасвири, келажакда эса кўп ракурсли, предметни орқасидан ҳам кўриш имкониятини берадиган бўлади.

Зангори экран болалар ўртасида ҳам кенг тарқалган<sup>1</sup>. Улар борган сари бевосита идрок қила бошлайдилар: улар саволларга ёни курсатув иштирокчиларининг мурожаатларига жавоб берадилар, қаҳрамонлар учун ҳаяжонланадилар, хафа қилувчилардан ғазабланадилар, бахтли яқундан шодланадилар, кўп билим ва дастлабки таассуротлар оладилар, нима яхши-ю нима ёмон, нима гўзалу нима хунуклиги ҳақида баҳслашадилар. Телевизор кичкинтойлар учун қандайдир яқин, онгли, жонли нарсага айланади.

Телевидение боланинг эстетик, ақлий ва ахлоқий тарбиясига таъсир қиладими ва бу кучли фактордан мактабгача тарбия муассасаларидаги ўқув тарбиявий ишларда фойдаланиш мумкинми? Албатта мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина болалар боғчалари телевизорларга эгадирлар. Шунинг учун педагоглар у ёки бу курсатувлар болага қандай таъсир қилишини билишлари керак.

Тажриба шунини кўрсатадики, болаларнинг бу хусусдаги таассуротлари етарлича қатъийдир. Ҳатто анча вақт (2—3 ой)дан кейин ҳам беш, олти ёшли болалар спектакль, фильм сюжетини гапириб, расмда ифодалаб бера оладилар. Болаларга эмоционал таъсир этишда кадр, товуш, ранг композицияси катта аҳамиятга эгадир. Кўриш ва тинглашга бир вақтда таъсир кўрсатилади, бу таассуротни кучайтиради. Одатда, курсатувлар бадий жиҳозланган бўлади, уларда музика ва сўздан кенг фойдаланилади.

Марказий телевидение мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун мунтазам равишда ҳар хил курсатувлар бериб боради: «Шеър — болаларга», «Қуёш — дарвоза», «Болаларга ҳайвонлар ҳақида», «Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар», «Эртак ҳузурда меҳмонда» (уларнинг давомийлиги 15 минутдан 30 минутгача). Уларнинг баъзилари билиш аҳамиятига эга ва табиат, атроф-муҳит ҳодисалари билан, янги китоблар, болалар ёзувчилари, катталарнинг меҳнати билан таништиради.

Бошқалари — боланинг кўнглини очиши, унинг дам олишини ҳазиллар, кулги, қўшиқлар, рақслар билан тўлдириши керак. Булар, асосан, «Қувноқ нотачалар», «Қуйлаймиз ва ўйнаймиз» музикали курсатувларидир.

Баъзи курсатувларни ўқув курсатувлари дейиш мумкин: «Моҳир қўллар», «Буратино кўргазмаси». Булар мунтазам, маълум тартибда бериб борилади, тематик жиҳатдан «Болалар боғчасида тарбия программаси» га яқин ва расм солиш, нарсалар ясаш, конструкциялар, аппликациялар қилишнинг маълум малакаларига ўргатишда ёрдам беради. Уларни кўрсатиш вақтлари мактабгача муассасаларда машғулотлар ўтказиш ёки мустақил бадий фаолиятлар учун ажратилган вақтга тўғри келади. Телевизион

<sup>1</sup> СССР соғлиқни сақлаш министрлиги. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси илмий текшириш институти маълумотларига кўра мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳар кунини ўртача 1,5—2 соат телевизор кўрадилар.

Уқув кўрсатуви «АБВГДейка» саводдан дастлабки сабоқ беради, товуш ва ҳарфлар билан таништиради, сўзлар ва бутун гапларни тузиш ҳамда ўқишни ўргатади. Айтиб ўтилган кўрсатувларнинг ҳар бири билиш ва кўнгил очиш вазифасини бажаради.

Айрим циклларнинг таърифига батафсилроқ тўхталамиз. «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар» кўрсатуви мактабгача тарбия ёшидагилар ўртасида кенг тарқалган. Унда театрлаштирилган кўрсатувлар ва кўғирчоқ спектакллари, мультфильмлар ҳамда олиб борувчининг чўчқа бола Хрюша, қуён боласи Степашка, кучук боласи Фил ва типратикан Чичун билан очиқ дўстона суҳбатлари ўрин олади. Улар яхшилик ва ёмонлик, ёрдам ва ўзаро ёрдам, дўстлик ва гўзаллик, тенгдошлари ҳамда катталар билан муомала қила билиш ҳақида ҳикоя қиладилар. Бадий сўз усталари ижросидаги кечқурунги эртақ қаҳрамонларнинг характери ва кайфиятини таъкидловчи музика, мазмунни иллюстрация қилувчи видеофильм ёки мультфильм гўзалликни ҳис қилишни шакллантиради, нутқнинг ифодали бўлишига, адабий асарларни тўғри тушуниш ва идрок қилишга ўргатади. Масалан, таниш «Сестрица Аленушка и братец Иванушка» эртаги янгитдан онгли англанади, ўз таассуротини айтишга, расм чизишга, музика характерини қайд қилишга ундайди. «Эсингдами, паҳлавон йигит Аленушкани қутқазган ва улоқча яна Иванушкага айланган вақтда музика қандай шўхчан бўлган эди?», — деб сўрайди қизалоқ дугонасидан.

«Буратино кўргазмаси» ва «Моҳир қўллар» кўрсатувлари болаларда теварак-атрофга эстетик муносабатни тарбиялайди, тасвирий санъатга қизиқиш уйғотади, кузатувчанлик, фантазия, кўриш хотираси, қатъият ва меҳнатсеварликни ўстиради. Редакция ҳар бир кўрсатувиغا жавоб тариқасида болалардан минглаб расмлар, лой ва қоғоздан ясалган буюмлар, ўрмондан топилган нарсалар олиб туради. Боланинг шу йўсинда уюштирилган мустақил фаолияти кўпинча қизиқишга айланиб кетиши жуда муҳимдир. Расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, куйдириб пақш солишни яхши кўрадиган баъзи ўқувчилар бу қизиқиш «Моҳир қўллар» кўрсатуvidан, гугурт қутисидан машиналар, каштандан типратиканлар, ёнғоқ пўчоғидан тошбақа яшашдан бошланганлигини айтадилар.

«Буратино кўргазмаси»да (уни рассом В. Курчевский олиб боради) рассомликка қадам қўяётган болалар (мактабгача тарбия ёшидаги ва мактаб ўқувчилари) иштирок этадилар. Олиб борувчи уларнинг расмларини шарҳлайди, амалий маслаҳатлар беради. Шу йўсинда расм солишнинг айрим усулларини эгаллаётган телетомошабинлар расмни кўра билишни, унинг мазмунини моҳиятини ажратишни, аҳамиятлисини ҳис қилишни ўрганадилар. Бу ерда болаларнинг маълум темадаги бир неча расмларида айни бир ҳодиса ёки предметни турлича ифодалаш мумкинлигини кўрсатиш имконияти мавжуддир. Ҳар бир рассом атроф-муҳитни ўзича кўради ва ўзича ифодалайди.

«Қуёш дарвозаси» ва «Болаларга ҳайвонлар ҳақида» телевизион кўрсатувлари табиатга эстетик муносабатнинг шаклланиши-

га катта таъсир этади. Бола ҳайвон ва ўсимликлар, табиат ҳодисалари ва уларга кишиларнинг муносабати ҳақидаги қизиқарли ҳикояларни тинглайди ҳамда кўради. Бу уни шахсий тажрибасини хотирлашга, кўрганини эслашга ва уни янгича баҳолашга мажбур қилади. Бундай кўрсатувлар боланинг табиат ҳақидаги билимини чуқурлаштиради, унинг ички дунёсини шеърий образлар билан бойитади, она ўлканинг гўзаллигини тушунишига ёрдам беради. Масалан, В. Бианкининг «Лесная газета»ни ва Г. Скребецкийнинг «Приемыш» ҳикоясини телевидение орқали ўқиб бериш, «бобо» ва «набира»нинг куз, қушларнинг учиб кетиши ҳақидаги самимий суҳбатлари, чиройли манзараларнинг унга мос музика оҳанги жўрлигида кўрсатилиши болалар кайфиятини йўллайди, уларнинг ҳиссиётлари, тасаввурлари, фикрларига туртки беради. Улар ўзлари кўрганлари ҳақидаги таассуротлар билан бажону дил ўртоқлашадилар.

«Куйлаймиз ва ўйнаймиз» кўрсатуви кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларни кўпроқ жалб қилади. «Павлигимиз уч ярим ёшга чиқди,— деб ёзади Владимир шаҳридан бир буви — у қўшиқ, шеърлар айтишни, рақсга тушишни жуда яхши кўради, у ўзига ўхшаган болалар чиқадиган кўрсатувларни зўр мамнуният билан томоша қилади. Яқинда Москва шаҳридаги 425-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқишларини кўрдик. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам келажакда композитор ёки актёр бўлиб етишмайди, бироқ, биз кичкинтойларни санъат дунёсига эрта олиб кириш уларда бадиий диднинг шаклланишига ёрдам беришига, гўзаллик билан учрашганда эстетик лаззатланишни кучайтиришига қатъий ишонамиз». Бу фикрга қўшилмай бўлмайди.

Музыкали кўрсатувлар донмо қизиқарлидир. Кичик қўшиқлар, айниқса, «АВВГДейка» кўрсатувидагилар болаларга жуда ёқиб қолди. Болалар уларни уйда ҳам, меҳмонга борганда ҳам, болалар боғчасида ҳам айтишади. Бу ўринда Д. Б. Кабалевскийнинг СССР композиторларининг IV съездидаги гапларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «Радио ва телевидение орқали бериладиган ҳар бир эшиттириш худди ҳар бир кинофильм сингари, улар кўлами, жанри, темаси, характериға кўра қай даражада бўлишидан қатъи назар, халқни ғоявий-бадиий тарбиялаш ишига ё фойда, ё зарар келтиради. Бу ерда ўрталик ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

«Шеърлар — болаларга» цикли кичкинтойларни совет ва чет эл шоирлари: С. Михалков, А. Барто, И. Токмакова, Е. Благинина, А. Босев ва бошқаларнинг энг яхши, классик ва замонавий асарлари билан таништиради. Адабий-шеърий образлар болаларга атрофдаги ҳаётни, борлиқнинг таниш тасвирларини кўришларида, она тилининг гўзаллиги ва бойлигини эшитишларига ёрдам беради. Идрок қилиш музика, кино кадрлари ва фотосуратлар билан кучайтирилади. Телевизион кўрсатувларнинг эстетик

<sup>1</sup> Д. Б. Кабалевский. Прекрасное пробуждает доброе. М., 1973. 228-бет.

йўналганлигига тузилишининг адабий-драматик ва театр усуллари, персонажларнинг ифодали нутқлари, муваффақиятли бадиий ва музыкали безаш орқали эришилади.

Бироқ кўрсатувларнинг сифати ҳар хилдир. Бирлари жуда қизиқарли, уларда маълум ўқув ва тарбия нагрузкаси мавжуд, бошқалари унча муваффақиятли эмас, уларда болаларнинг ёшлари, идрок этиш хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Мактабгача тарбия ёшидагилар кўрган ва эшитганларининг ҳаммасига катта ишонч билан қарайдилар ва кўрсатувларни танқидий идрок қила олмайдилар. Шунинг учун болалар кўрсатувларни қандай идрок қилишлари ва баҳолашлари, кўрсатувдаги асосий ва иккинчи даражали томонни, гузал ва ўртамиёна кўра ва тушуна олиш-олмасликлари кўп жиҳатдан катталарга боғлиқдир.

Тарбиячи телевидение болаларнинг индивидуал хусусиятларини, ҳар бир болалар боғчаси ишининг режимини, айрим ёш группасини ҳисобга ола-олмаслигини билиши керак. Идрокнинг муваффақияти кўришнинг ташкил қилинишига тўлиқ боғлиқдир.

Телевизор гигиеник талаблар ва ҳар бир муассаса шароитларига кўра группа хонасига ёки залга ўрнатилади. Экран ва биринчи қатор ўртасидаги масофа икки метрдан кам бўлмаслиги керак. Болаларни бир неча қатор (яхши шахмат тартибиди), уларнинг хусусиятларини: бўйлари, кўриш, эшитиш ва бошқа қобилиятларини назарда тутиб ўтқизиш лозим. Кўриш учун қулай ёруғлик яратилганда, агарда қуёш нури тўғри тушиб турмаса, бинони қоронғилатмаслик керак. Кечқурунлари болаларнинг кўриш доираларидан четда турувчи хира лампочкани ёқиб қўйиш керак. Телевизорни тасвир сифати ва овоз аниқ бўлиши учун кўришдан олдин созлаш керак.

Агар дианозитивларни кўрсатиш, пластинка ёки магнитофон ёзувларини тинглаш вақтида темпни бошқариш, айрим кадр ёки парчаларни танлаш мумкин бўлса, телевидениедан фойдаланишда бундай имконият йўқ. Демак, болаларни идрок этишга тайёрлаш учун педагог кўрсатувнинг мазмунини, характерини билиши керак. Олдиндан ёки кўрсатув олдиндан болалар билан сайр вақтида ўрмонда ёки истироҳат боғида кўрган нарсалари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг табиат ҳодисалари ва ҳайвонлар ҳақидаги билимларини аниқлаш ва шу орқали болалар кайфиятини кўрсатувчи масалан, табиат ҳақидаги кўрсатувни кўришга йўллаш лозим.

«Болаларга ҳайвонлар ҳақида» кўрсатувини кўришни қандай ташкил қилиш мумкинлиги тўғрисида мисол келтирамиз. Тарбиячи телевизорни созлаб, ҳозир улар турли ҳайвонлар ва қушларни кўришлари ва овозларини эшитишларини; уларнинг хатти-ҳаракатларини билиб олишларини ёш натуралистларнинг ўз асрандилари ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари билан танишишларини маълум қилади. Кўрсатув тугагач, тарбиячи бир неча саволлар беради: «Сизга қайси қуш ва ҳайвонлар ёқди ва нимаси билан? Кимнинг ҳикояси қизиқарлироқ бўлди?» Жавоблар жуда хилма-хил эди. Бирларига оху ўзининг чиройли юриши, катта кўзлари билан, бошқаларига «бошида чиройли шохчалари бор жирафанинг ранги, учинчиларига тўтиқушларнинг патлари ёққан. Болаларнинг жавоб-

ларини тинглаб (улар катта қизиқиш ва телевизион кўрсатуви тушунишлари-  
намоён қилдилар), тарбиячи яна савол беради: «Болалар, бизлар ҳам ўз  
тутиқушимиз, олмахомимиз, балиқларимиз ҳақида шундай қизиқарли ҳикоя  
қилиб бера оламизми?» Ҳамада гапириб бериш иштиёқи бор эди. Тарбиячи  
кўрсатувга яқун ясаб, болалар эътиборини ҳикоялар, агарда болалар ҳайвон-  
ларни ўзлари парвариш қилиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борган-  
лари тақдирдагина қизиқарли бўлишига қаратади.

Мактабнинг иккинчи синф ўқувчилари учун табиатшунослик-  
дан телевизион кўрсатувлар ташкил қилинган бўлиб, уларнинг  
бир қисмини тарбияланувчилар болалар боғчасида ҳам бемалол  
кўришлари мумкин («Табиат билан танишамиз», «Мана, куз ҳам  
келди», «Куз — йиғим-терим фасли», «Қушларнинг кузда учиб  
кетиши», «Ёввойи ҳайвонлар қишга қандай тайёрланади?», «Куз-  
да фермада», «Ўрмонда қиш», «Салом, баҳор», «Баҳорги меҳмон-  
лар», «Ёввойи ҳайвонлар баҳорни қандай қаршилайди?», «Баҳор-  
да колхозда», «Ажойиб ёз келди», «Ёввойи ҳайвонлар ёзда»).

Шуни унутмаслик керакки, бу телевизион кўрсатувлар куза-  
тиш ва экскурсияларнинг ўрнида бўлмаслиги лозим, улар куза-  
тиш ва экскурсиялар учун қўшимча ҳамда суҳбат, ҳикоя қилиш,  
бадий адабиёт асарлари учун иллюстрация хизматинигина ўта-  
ши мумкин.

Баъзи педагоглар ўз иш тажрибаларида болаларга бевосита  
идрок этиш мумкин бўлмаган (жуда секин ва жуда тез), бошқа  
ўқитиш методларига бўйсунмайдиган (табиатда қуруқлик ва сув-  
да, йилнинг ҳар хил фаслларида, турли иқлим зоналарида бўлиб  
ўтадиган процессларни) тушунча ва ҳодисаларни болаларга ту-  
шунтириш мақсадида катталар учун бериладиган «Ҳайвонат ола-  
мида» кўрсатувидан фойдаланадилар. Фойдали таъсир албатта  
мавжуд, чунки бу қизиқарли кўрсатувдир, бироқ, умуман олганда  
у кичкинтойларга мураккаблик қилади.

Мультифильмлар ва «Куйлаймиз ва ўйнаймиз» каби музыкали  
кўрсатувларни томоша қилишни ташкил қилиш масаласи бошқа-  
ча ҳал қилиниши мумкин. Одатда бундай кўрсатувлар кечки пайт  
берилади ва ўзига хос дам олиш, кўнгил очиш хизматларини  
ўтайди. Уларда кўпинча болалар боғчаларининг тарбияланувчи-  
лари таниш қўшиқ, шеър ва ўйинлар ижроси билан чиқадилар.  
Болаларга (кўрсатув вақтида) топишмоқлар топиш, кўрсатув иш-  
тирокчилари билан бирга куйлаш, олиб борувчининг саволларига  
жавоб беришни тавсия қилиш мумкин. Бу болаларни активлашти-  
ради, ўзларининг ижодий жараёнга алоқадорликларини ҳис қи-  
лишларига ёрдам беради.

Машҳур актёрлар, болаларнинг сеvimли ёзувчилари, шоирла-  
ри, композиторлари, рассомлари иштирок этадиган телевизисн  
кўрсатувлар алоҳида қимматга эгадир.

Кўрсатуви томоша қилиш жараёнида педагог ўз группаси-  
нинг хусусиятларини ҳисобга олиб, болаларга экрани «кўриш-  
ларига» ёрдам беради, эътиборни асосий нарсага «Эътибор бе-  
ринг» луқмаси, турли эмоционал ҳолатлар (жилмайиш, маъқул-  
лаб бошни қимирлатиш ва бошқалар) ёрдамида йўллайди. Бироқ  
ортиқча аралаштиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. 9





Телекўрсатувни группа бўлиб кўриш.

Кўрсатувдан сўнг тарбиячи болалар билан суҳбатлашиши ва нима ёққанини, нима қизиқтириб қолганини, нима тушунилмай қолганини аниқлаши ҳамда кейинги ишларида кўрилганининг эмоционал таъсирини пасайтирмасликка ҳаракат қилиши лозим. Муҳими, ҳар қандай, ҳатто энг қизиқарли кўрсатувлар ҳам катта кишининг болалар билан жонли муомаласининг ўрнини ҳеч қачон боса олмаслигини унутмасликдир.

Кўпинча экрандан томашабинларга топшириқлар берилиб, уларни бажариш ва редакцияга жўнатиш илтимос қилинади. Бу ҳолат «бола — телевидениеда эшиттиришни олиб борувчи» ўртасида қайта алоқа хизматини ўтайди ва болага кўрсатилган таъсирнинг активлик даражасидан далолат беради.

Телевизион кўрсатувлардан олинган билим, кўникма ва малакалар, агарда бола уларни ўз амалий фаолиятида қўллай олса фойдали ҳамда мустаҳкам бўлади. Шунинг учун болаларни бу билим, таъриф, тушунчалар билан ҳаётнинг турли вазиятларида иш кўра билишга ўргатиш лозим. Кўрсатувдан олинган таассуротлар баъзан тарбиячи томонидан уюштириладиган бирор фаолиятга (расм солиш, ўйин) бирикиб кетиши мумкин. Масалан, «Ёввойи ҳайвонлар қишга қандай тайёрланади?» телевизион кўрсатувидан сўнг тарбиячи болаларга кузги ўрмон ва унда яшовчиларнинг расмларини чизишни, улар билан «микрофон», «сەхрли экран»ни жиҳозлаб ва ҳар бир бола билан чизган расмининг мазмуни ҳақида гаплашиб олиб, ўйин таклиф қилади: «Келинлар, бизнинг болалар ўрмондан тўппа-тўғри телевизион кўрсатувни олиб борапти-

лар деб тасаввур қиламиз, кўрсатувни «Кузги ўрмонга саёҳат» деб номлаймиз. Биз эса телетомошабинлар бўламиз. Кўрсатув охирида ўзингизга кўпроқ нима ёққанини менга айтасиз. Кўрсатувни олиб борувчилар эса саёҳат ҳақида шундай қизиқарли ҳикоя қилишлари керакки, биз ўзимизни худди ўрмонга бориб келгандек ҳис қилайлик».

Болалар боғчасида «Буратино кўргазмаси» ёки «Моҳир қўллар»ни ташкил қилиш ва унда иштирок этишга фақат болаларнинггина эмас, балки опа ва акаларни, оини ва дадаларни ҳам таклиф қилиш мумкин. Бундай ўйин-драматизацияларни худди шу телекурсатувлар музикаси жўрлигида олиб бориш мумкин.

Телевизион кўрсатувларни кўриш катта ақлий ва кўриш наг-рузкаларини талаб қилиши туфайли уларга ортиқча берилиб кетмаслик лозим. Кўрсатувларни шундай планлаштириш керакки, улар расм солиш, аппликация, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш машғулотларига тўғри келиб қолмасин.

Шундай қилиб, усталик билан фойдаланилганда ўта хилма-хил бўлган телевизион кўрсатувлар ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишда бебаҳо ёрдамчига айланиши мумкин.

### Кўнгил очишлар

Кўнгил очишлар болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг кўнгилларини хушлаш, кундалик ҳаётларига шодлик бағишлаш учун ўтказилади. Машғулотлар, ўйинлар, имкон даражасидаги меҳнат ҳар бир куннинг одатий программасидир. Кўнгил очишлар бола учун шодликка айланади, унда ижобий эмоциялар пайдо бўлишига, кайфият кўтарилишига ёрдам беради.

«Болалар боғчасида тарбия программаси»да ҳар бир мактабгача тарбия ёшидаги гурпуада, биринчи кичик гурпуадан бошлаб, кўнгил очишлар ўтказиш тавсия қилинади. Бу вақтда болалар қизиқарли, завқли формада атроф-муҳит, жонли ва жонсиз табиат ҳақида маълумотларни, унда яшовчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги сабоқ бўларли воқеаларни билиб оладилар.

Кўнгил очишлар шодлик эмоцияларини келтириб чиқариб, болаларнинг борлиқ ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг нутқини, эстетик дидини ўстиради, ижодий ташаббускорлик қобилиятининг намоён бўлишига, бола шахсининг қарор топишига, унда ахлоқий тасаввурлар (эзгуликнинг намоён бўлишига ижобий ёндашиш, қўполлик, эгоизм, лоқайдликни қоралаш, ўзаро ғамхўрлик қилиш)нинг шаклланишига ёрдам беради.

Болалар боғчасида ҳар бир боланинг бадий тарбиясига катта эътибор берилади. У тасвирий фаолият, нутқ ўстириш, музика машғулотларида амалга оширилади. Кўнгил очишлар гўё санъатнинг барча турларини бирлаштиради, улардан ижодий фойдаланиш имконини беради, болаларнинг шеърый сўз, куй тасвирий ва бадий образларни идрок этишларида эмоционал ҳис-туйғу пайдо қила-



Боалар Л. Толстойнинг «Три медведя» эртаги бўйича тайёрлаган спектаклидан сахнача.

ди. Спорт характеридаги чидам, ирода, жасурлик, топағонлик ва чаққонликни ўстирувчи кўнгил очишлар ҳам мавжуд. Бироқ, санъат билан боғлиқ бўлган кўнгил очишлар болаларнинг эстетик ва бадиий тарбиясига кўпроқ ёрдам беради. Бундай кўнгил очишлар санъатнинг бирор тури (адабиёт, музыка, тасвирий санъат) асосида тузилиши ёки ўзида санъатнинг икки турини ёки бир вақтнинг ўзида барча турларини бирлаштириши мумкин. Кўнгил очишларнинг баъзилари — болаларнинг фақат идрок этишларига йўлланган, соф томоша қилинадиганлар бўлади. Бу кўнгил очишларни катталар ўтказиб, унда болаларга пассив роль ажратилади. Бошқаларида — актив таъсирлиларида, болаларнинг ўзлари ижрочилар, актив иштирокчилар бўладилар.

Кўнгил очишларнинг томоша қилинадиган турларига артистлар, болалар боғчаси ходимлари, қўшни мактаб ўқувчилари, оналар томонидан тайёрлаб кўрсатиладиган спектакллар, театрлаштирилган томошалар, концертлар киради. Бундай томошалар бир группа болаларга алоҳида ёки болалар боғчасидаги барча группа болаларига бир вақтда кўрсатилади.

Темалар бўйича, масалан она ўлка табиати ҳақида тўпланган кўпгина шеърини музикали асарлар лирик концертлар мазмунини ташкил қилиши мумкин. («Березенка моя», «Рябинушка», «Скворушка прощается», «Здравствуй зимушка, зима!»). Бунда болалар олдинги машғулотларда тингланган ёки ёд олинган шеър ва қўшиқлар билан яна учрашадилар. Асарларни кичик томошабинлар-



Қўғирчоқ театри спектаклига тайёрланиш

га доимо катта қувонч бағишлайди. Тарбиячининг қўшиқни ижро этиши болаларда фақат машғулотлардагина эмас, ҳар доим қўшиқ айтиш унга тақлид қилиш иштиёқини уйғотади.

Концертнинг жанрга мувофиқ тарзда композицион усталик билан тузилиши, ифодали ижро этилиши, рангдор безалиши унинг болалар аудиториясига эстетик таъсирини кучайтиради. «Бир қоп кулги», «Эртаклар мамлакатига саёҳат», «Тутқич бермаслар» ва шу каби театрлаштирилган концертлар кайфиятни кўтаради, юморни ҳис қилишни ўстиради, фаолиятга актив тайёргарликни оширади. Бундай концертларда томошабин-болалар осон ва тайёргарлик билан иштирокчиларга айланадилар: саволларга бажону дил жавоб берадилар, мусобақалашадилар.

Бундай томоша, спектакллар асосида мазмун ётади. Спектакллар персонажлари образларида маълум ғоявий-ахлоқий нагрузка бўлади, улар ўзларининг ҳаракатлари ва луқмалари билан болаларда жавоб реакциясини, қаҳрамонлар билан биргаликдаги актив кечинмаларни, уларнинг хатти-ҳаракатларига мувофиқ баҳо бериш иштиёқини уйғотади. Бола қизқарли томошани, ҳатто унинг мазмуни ўзига яхши таниш бўлса-да, пассив идрок эта олмайди. Маълумки, театрлаштирилган томошаларнинг репертуарини халқ эртаклари, инсценировка қилинган эртаклар, шеърлар,

қўшиқлар ташкил қилади. «Теремок», «Репка», «Красная Шапочка», «Зайкина избушка» ва шу каби бошқа эртақларни зерикмай, кўп марталаб кўриш мумкин; болаларга уларда эзгуликнинг ғалаба қилиши ва севимли драматик коллизияларнинг хайрли тугаши ёқади. Динамик равишда ривожланувчи сюжет ҳаракатининг ўзи томошабинларни ёқимли ҳаяжонда ушлаб туради.

Театрлаштирилган томоша турининг танланиши болаларнинг ёшига боғлиқдир. Кичкинтойлар юмшоқ, образли ўйинчоқларни жуда ёқтирадилар. Айиқча, қуёнча, кучукча билан ўтказиладиган кичик саҳналар кичкинтойларни доимо қувонтиради ва одатда уларда ижобий эмоциялар уйғотади. Яхши образли ўйинчоқлар билан каттароқ мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ҳам театрлаштирилган томошалар кўрсатиш мумкин. Стол театрининг схематик, статик ясси фигураларини кичкинтойларга кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлмаса-да, катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар булар ёрдамида эртақни яхшироқ идрок этадилар ва кейинчалик стол театри фигураларидан мустақил театрлаштирилган фаолиятларида фойдалана оладилар. «Фонус хаёл» қўғирчоқ театрлари ва бошқа театрлаштирилган постановкалар доимо болаларда қизиқиш уйғотади, тасаввурларини бойитади.

Болалар учун концерт, театрлаштирилган томошалар ташкил қилиш доимо катта тайёргарликни, ҳар бир номернинг ишланган бўлишини талаб қилади. Фақат шу талаблар бажарилгандагина уларни болаларга кўрсатиш мумкин. «Репка», «Теремок» ва шу каби бошқа эртақлар мотивидаги қўғирчоқ спектаклларни барча болаларга кўрсатиш мумкин. Кичкинтойлар учун бу спектакллар оддийгина қизиқарли кўнгил очиш бўлса, у каттароқлари, текстни яхши биладиганларини мустақил бадий фаолиятга ундайди. Тўғри, уларнинг ҳамма уринишлари ҳам катталарники сингари чиқавермайди, бироқ болаларнинг ижодий интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Шундай қилиб, томоша қилинадиган кўнгил очишларнинг ҳар хил турлари бадий идрок, тасаввур, эмоционал илтифотлилик, эстетик дидни ўстиришда ҳамда болаларнинг қизиқишини шакллантиришда, уларнинг ижодий активлигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Кўнгил очишларнинг томоша қилинадиган турларига техник воситалардан: диапроектор, ихчам кино қурилма, телевизордан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган турлар ҳам киритилади. Диапозитивлар, диафильмлар, мультипликацион фильмлар, телевизион кўрсатувларни томоша қилиш болаларни ўзига жалб қилади. Фақат репертуарни танлашга ва бундай кўнгил очишларни рационал планлаштиришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Узоқ ва махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган кўнгил очишлар системасида улар баъзан устунлик қилади, бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган бошқа техника воситаларидан электрофон, магнитофон, радиони айтиб ўтиш мумкин. Граммофон пластинкаси ёки магнит лентасидаги ёзувни, шунингдек, ра-



Кўғирчоқ театрининг томоша кўрсатиши томошабинлар учун ҳам, «артистлар» учун ҳам қизиқарли ва кўнгиллидир

дио эшиттиришларни болалар кўриш образларига таянишларсиз тинглашлари туфайли кичкинтойлар уларни қийинроқ идрок қилдилар. Шунинг учун бундай кўнгили очишларни болаларга фақат ўрта мактабгача тарбия группасидан бошлаб ҳамда тинглаш учун олдиндан тайёргарлик кўрилгандан сўнг тавсия қилиш мумкин. Ёзув сифатининг яхши бўлиши, болаларга тушунарли бўлган музиканинг, бадий асарларнинг юқори бадий даражада ижро этилиши бу кўнгили очишларни мактабгача тарбия ёшидагиларни эстетик тарбиялашда энг қимматли воситалар қаторига қўяди.

Болаларнинг ўзлари ижрочилар тарзида иштирок этадиган кўнгили очишлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Булар болалар концертлари, драматизациялар, бутун театрлаштирилган томошалар, музикали ва адабий ўйинлар, аттракционлар, бўёқ ва қаламли кўнгили очишлар бўлиши мумкин.

Бу кўнгили очишларнинг ҳаммаси уларда болаларнинг қобилиятлари намоён бўлиши, уларнинг тортинчоқлигига барҳам бериши, активлигининг ўсиши, шахснинг ижодий сифатлари шаклланиши билан қимматлидир.

Бундай кўнгил очишларнинг асосларини одатда программа талабларига жавоб берувчи адабиёт ва музика материали ташкил этади, яъни концерт репертуари, драматизация, болалар қўғирчоқ театри спектаклининг мазмуни болаларга тушунарли бўлиши керак. Фақат ташкил қилишдаги қисман сирлилиқ, фавқулодданилик кина болалар фаолиятининг бу доирасида алоҳида муҳит яратади. Болаларнинг чиқишлари — фақат иштирок этувчиларнинг ўзлари учунгина эмас, балки томошабинлар — кичик дўстлари, тенгқурлари учун ҳам кўнгил очишлардир.

Болалар концертларида бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари (номерлари) бирикиб кетади. Бунда рақслар ҳам (якка, коллектив), бадий ўқиш ҳам, қўшиқ айтиш ҳам (якка ёки хорда), музика асбобларини чалиш ҳам бор. Болалар билганларини, бажара оладиганларини ижро этадилар. Тарбиячи болалар концертини кўнгил очиш тарзида тайёрлар экан, ҳар бир боланинг қизиқиши ва ижрочилик имкониятларини ҳисобга олиши керак. Ҳамма болалар концертга қизиққан бўлишлари ва актив иштирок эта олишлари муҳимдир.

Болалар концертлари, катта кишилар томонидан улар учун тайёрлангани ҳам, бир темага бириккан номерлардан ташкил топиши мумкин. Баъзан бу концертлар бир неча болалар ташаббуси билан тўсатдан пайдо бўлувчи бадихалардир. Бундай ҳолатда ижрочилик даражаси, албатта доимо ҳам юқори даражада бўлавермайди, бироқ бу ўринда болаларнинг мустақиллиги, улар ижодий активлигининг намоён бўлиши қимматлидир.

Болалар кўнгил очишларининг қулай шакли хилма-хил театрлаштирилган томошалардир. Эртақлар, шеърлар, қўшиқлар, музикали-ўйин композицияларнинг драматизацияси мазмуни ва ҳаракатига кўра оддий бўлиши, таркибига қисқа монологларни, асосан, иштирок этувчиларнинг диалогларини олиши керак. Бу кўпчилиқ болаларнинг фақат диққат бериб тингловчи томошабин эмас, балки қизиққан иштирокчи-ижрочи ҳам бўлишларига имкон беради.

Томошаларни тайёрлаш вақтида тарбиячи тинч, ижодий ҳолатни яратиши, ортиқча маслаҳатлар беравермаслиги керак. Баъзан у болалар ўйин ҳаракатининг тўғри тони ва ритмини ҳис қилишлари учун драматизацияга қўшилиши мумкин.

Болалар қўғирчоқ театрининг томошаларидан кўнгил очишлар тарзида драматизацияга қараганда камроқ фойдаланилади, бироқ бу тамоман тўғри эмас. Гарчи, албатта болалар театрлашган фаолиятининг бу турига раҳбарлик қилиш қўғирчоқлар ўйнатиш техникаси ва махсус саҳна ҳаракатларини ташкил қилишда махсус билимларни талаб қилади.

Қўғирчоқ театрининг болалар учун унғай бўлган турлари орасида ўйинчоқлар театри, бармоқ ва қўлқопда ўйнатиладиган театрлар мавжуд. Бундан ташқари, болалар ясси ва ҳажмли фигуралар билан «Фонус хаёл» ва фланелеграфда томошалар қўйишни ёқтиридилар. Персонажларни ишонч билан бошқариш, текстларни ифодали талаффуз қилиш ва ҳаракатнинг ўзи «артист»ларга ҳам, томошабинларга ҳам ҳузур бахш этади.

Театрлаштирилган кўнгил очишларнинг хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси қўшимча ташқи безашларни талаб қилади. Уларнинг томошабоплиги, театрлаштирилганлиги иштирокчиларни тарбиячи ёрдамида ёки тула мустақил равишда керак бўладиган костюмлар, декорациялар, атрибутлар, томоша пайтида керак бўладиган нарсаларни тайёрлашга мажбур қилади. Буларнинг барчаси болаларни эстетик тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб қолади.

Болаларнинг хилма-хил кўнгил очишлари орасида айрим болалар ёки бутун группалар ўртасидаги мусобақа типидagi қизиқарли ўйинлар маълум ўринни эгаллайди. Бундай ўйинларни одатда тарбиячи уюштиради ва ўтказди, бироқ уларнинг актив иштирокчилари болалар ҳисобланади. Бу ўринда адабий, музыкали ва бадийик викториналар, конкурслар, ҳаракатли ва тинч ўйинлар, хороводлар, турли характердаги (марш, рақс, алла) чолғу музика жўрлигида ритмик ҳаракатлар, аттракционлар бўлиши мумкин.

Ўйин ва овутмачоқлар узоқ давом этмайди, бироқ болалар эътиборини тўллаш ва бошқа томонга йўллашга, одатий ҳолатни юмшатишга, шод, кўтаринки кайфият яратишга ёрдам беради.

Бўёқ ва қаламлар билан ўтказиладиган кўнгил очишлар ҳам қизиқарли бўлиши мумкин, бу кўнгил очишлар жараёнида атроф-муҳит тўлиқ рангида, шакллариини хилма-хиллигида ифодалашга ёрдам берувчи материаллар билан танишиш қизиқарли шаклда ўтказилади. Кўнгил очишнинг «дидактик масаласиз» бу тури болага таниш материаллар билан эркин иш кўришига имкон беради, образли кўриш, бадийик ҳис қилиш ва эстетик дидни тарбиялайди. Масалан, аппликатив шакллар йиғимидан чиройли гулдаста яшаш, ҳар бир болада бор бўлган турли хил рангдаги барглари тезда лозим бўлган гулга бирлаштириш осон иш эмас, ammo қизиқарлидир.

Бўёқ ва қаламлар билан ўтказиладиган кўнгил очишлар тарбиячи томонидан олдиндан тайёрланади ва болаларнинг ёш хусусиятларини назарда тутиб ўтказилади.

Педагог кўнгил очишларни танлашда бир нарсани, яъни уларнинг кўпчилиги сценарийнинг адабий ишланишини (теманинг изчил очиб берилиши, ҳаракатнинг бир қисмидан иккинчисига мантӣқий боғланган ҳолда ўтиш ва бошқалар) ҳамда ҳаракат бўлиб ўтадиган бинони пухта ўйлаб жиҳозлаш талаб қилинишини унутмаслиги керак.

Болалар боғчасида системали тарзда ўтказиладиган кўнгил очишлар болалар ҳаётини бойитади, уларнинг тўлақонли ва гармоник ривожланишларига ёрдам беради.

### Байрам эрталиклари

Байрам эрталиклари болалар боғчасида эстетик тарбия системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар таъсир воситалари сифатида санъат ва бадийик фаолиятнинг ҳар хил турларини ўзига бириктиради.



Болалар боғчасида Октябрь революцияси, 1 Майга бағишланган эрталиклар ўтказилади. 22 апрель — В. И. Ленин туғилган куни, Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март, Совет Армияси куни нишонланади, Янги йил арча байрами ўтказилади, анъанавий эрталик ўтказилиб, унда мактабга тайёрлов группаси болалари боғча билан хайрлашадилар. Ҳар бир эрталик асосида болалар тушунишлари керак бўлган, демак уларга оддий, қулай шаклда бериладиган асосий бош ғоя ётади. Бунга байрамларда санъатнинг болада ахлоқий-эстетик ҳиссиётларни шакллантирувчи ҳар хил турларининг бирлаштирилиши ёрдам беради.

Байрамлар болага шодлик ва ҳар бир иштирокчига ўзининг бадий қобилиятларини, эмоционал заҳмлилигини, ижодий активлигини намоён қилиш имкониятини бериши керак.

Байрам олди вазияти, мамлакатда, болалар боғчасида, ҳар бир оилада бўлажак тантаналарга тайёрланиш болаларда бу ҳодисани шодлик билан кутиш ҳиссини уйғотади. Алоҳида хушчақчақ байрам кўтаришқилиги болалар ҳиссиётини ўткирлаштиради, улар ижро этилаётган қўшиқ, шеър, рақслар мазмунини одатдаги машғулотлардагидан бошқачароқ тушунадилар. Шунинг учун байрам эрталикларида болаларни эстетик ва ахлоқий тарбиялаш бир вақтда амалга оширилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни эстетик тарбиялаш вазифалари ҳар бир болада турли эстетик ҳиссиётлар уйғотиши керак бўлган эрталикларнинг хилма-хил программаларини бажариш жараёнида ҳал қилинади. Умумхалқ байрамининг тантанали қисмида болалар Ватан, Октябрь, 1 Май ҳақида қўшиқлар тинглайдилар ва куйлайдилар, шеърлар айтадилар. Бу улар қалбида ўз мамлакатидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади, илк ватанпарварлик туйғуларининг намоён бўлишига ёрдам беради. Серзавқ томошалар, қизиқарли драмалаштирилган ўйинлар мамнуният ҳиссиётини уйғотади, ўйин-аттракционлар эса кулги ва шодликни келтириб чиқаради. Тўғри, болаларнинг байрамдаги қувонч ва шодликлари доимо ҳам эстетик эмоциянинг намоён бўлиши билан боғлиқ эмас. Чинакам эстетик эмоция (болаларда пайдо бўлиши мумкин бўлган бошланғич шаклларида) фақат бола байрамда идрок этаётган ҳамма нарса етарлича юксак бадий даражада бўлганда ва болалар ижросининг сифати юқори бўлгандагина юзага чиқади. Бола қўшиқ куйининг ифодалилигини, шеърнинг гўзаллигини ҳис қилиши, ўйин ва рақсдаги ҳаракатларнинг ифодалилигини идрок этиши мумкин.

Байрам эрталиги болаларнинг эстетик тарбиясига ёрдам бериши учун қандай ташкил қилиниши керак? Болалар боғчаси практикасида байрам эрталикларини ўтказишда маълум бадий-педагогик талаблар шаклланган бўлиб, унда санъатнинг ҳар хил турларини бир-бирига таъсирини кучайтирадиган қилиб бириктириш асосий масала ҳисобланади. Бу бирикма эса ўз навбатида байрамнинг асосий ғоясини болаларга тулиқроқ тушунтириш имкониятини бериши керак.

Эрталик тематикаси ва ўтказилаётган йил фаслини акс эттирув-

чи бадий безашга катта аҳамият берилади. Масалан, Октябрь тананаларида байроқлар, қизил алвонлар, Кремль деворларининг силуэти безашга сиёсий маъно, ғоявий йўналганлик тусини беради. Октябрь байрами Ватанимизнинг туғилган куни сифатида нишонланади, шунинг учун ҳам унда меҳнат темаси: катта ҳосил ҳам, улкан қурилишлар ҳам, совет кишиларининг меҳнат ғалабалари ҳам жаранглайди. Буларнинг барчаси бошқарувчининг сўзларида таъкидланади:

Азиз, гузал Ватанимизнинг,  
Ҳа, туғилган кунини бу дам  
Байрам қилар хонадон минг-минг  
Катталар ҳам, болакайлар ҳам.

Г. Ходосов

Турфа орзу, турфа тилақлар,  
Азмига шай қодир билаклар,  
Зотан шундай инсонлар билан  
Ватанимиз истиқболи шан.

В. Викторов

Л. Кондрашенко

ва болаларнинг чиқишларида — байроқлар, бошоқлар ушлаб тантанали саф тортишларида, «Урожай» (М. Красев музикаси) қўшиғида, «Строим дом», (Е. Тиличеева музикаси) ўйинида, «Собирайся народ, в хоровод» (Е. Агафонников музикаси) рақсида жаранглайди ва бошқалар.

Биринчи май эрталигида тинчлик ва барча мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстлик темаси паннода ифодаланган тинчлик кабутари, миллий кийимлардаги болалар силуэтларида мужассамлашади. Байрам оҳанглари баҳор оҳанглари билан бирикиб кетади. Зал барг чиқарган ям-яшил шохлар, дастлабки гуллардан тузилган гулдасталар, ҳаво шарлари билан безалади. Болаларнинг байрамга хос сафланишлари, улар ижросидаги қўшиқлар, шеърлар, рақслар, шунингдек бошқарувчининг байрамни очувчи қуйидаги сўзлари тантанали шодлик кайфиятини яратади:

Ҳилпирангиз, алвон байроқлар!  
Янгра, қўшиқ, авжга чиқ яна!  
Замин бўйлаб отмоқда одим  
Биринчи май — улуғ тантана.

Г. Ладонщиков.

Болаларнинг ҳар бир чиқишларининг безалиши унинг мазмунига мувофиқ келиши керак. Бу тонларни муваффақиятли танлашда, уларни атрибутларга тўғри бириктиришда, девор безакларида, кийим деталларида, болаларнинг халқ рақсларидаги ҳаракатларининг ифодалилигида намоён бўлади.

Қишки қувноқ арча байрами ҳам кўпгина ёрқин таассуротлар олиб келади. Чиройли ясатилган, хилма-хил лампочкалар порлаб турувчи арча ҳам, залнинг безатилиши ҳам (қор парчалари, кумуш ёмғир, қишки ўрмон ва қор қизнинг уйи, деворлардаги завқли персонажлар) — булар болаларни янги тушунчалар билан бойитади. Болалар кўк фонда қор парчалари нозик нақшлари-

нинг гўзал кўринишини, қишки ўрмоннинг сеҳрлилигини, хира ёруғликда арчанинг қандай ёрқин порлашини ҳис қиладилар.

Ёзги байрам тамоман бошқачадир. Болалар боғча билан хайрлашадилар, севимли қўшиқ, рақс, ўйинларни эслашади. Агарда боғча шаҳар ташқарисида, дачада жойлашган бўлса, эр-талиқ бинода эмас, балки ёзги майдонда ёки ўрмондаги ўтлоқда ўтказилади — бу унга ўзига хос гўзаллик бахш этади, бироқ безаш плани маълум шартларни талаб қилади. Шамолда ҳилпирайдиган рангли байроқчалар, ёрқин ўйинчоқлар, гулчамбар ва ҳар хил гул нақшлар — буларнинг барчаси фонида байрам ўтадиган атроф-муҳитга табиий бирикиб кетади.

Болаларнинг диди шакллантирилар экан, байрамни ўтказишда санъатнинг ҳар хил турларини бириктиришни пухта ўйлаб чиқиш лозим. Улар бу темани ҳал қилишда бир-бирларини тўлдириб, болаларда эмоционал таъсир кучини оширади ва айни вақтда мактабгача тарбия ёшидаги болаларни эстетик тарбиялашда мустақил фактор сифатида юзага чиқади.

Демак, тасвирий санъат умумий фонни яратиш, эстетик идрокни ўстириш учун жуда муҳимдир. Шунинг учун бутун безашнинг мақсадга мувофиқлигини, деталларнинг ифодалилигини пухта ўйлаш, уларни миқдорига кўра тўғри танлаш керакки, кўпайиб кетиб, болалар эътиборини байрам гоёсини таъкидловчи асосий деталлардан четга тортмаслиги керак.

Шеърлий текст, сўзнинг роли болаларга байрамнинг мазмунини тўлиқроқ ҳамда конкретроқ етказиш, сценарийларнинг айрим қисмларини бириктириш, уларнинг маъноси ва аҳамиятини очиб беришдан иборатдир. Болалар шеърларни ўқир эканлар, турли ҳодисаларга ўз муносабатларини билдирадилар, асарларни шахсан ифодали ижро этиш қобилиятларини намоён қиладилар.

Ўйин-инсценировкалар болаларда катта қизиқиш уйғотади. Улар образ топширилган ролнинг характерли хусусиятларини ўзича ифодалаш имконини беради.

Байрамда музика санъати етакчи ўрин эгаллайди. Болалар тантанали марш садолари остида залга кирадилар, байрам юришини эслатувчи сафланишларни бажарадилар, қўшиқ айтадилар, ўйнайдилар, рақсга тушадилар. Музика ўйин-инсценировкаларга жўр бўлади, болаларни ягона туйғуга бирлаштиради, кайфиятлар алмашинувини яратади.

Эрталиқда фойдаланиладиган музикали ва адабий асарлар юксак бадний руҳда бўлиши керак. Ишга ижодий ёндашиш кўпинча педагогларда асосий программада тавсия этилганлардан ташқари қўшимча материаллардан фойдаланиш иштиёқини туғдиради. Эрталиқнинг ўйланган сценарийси учун керакли шеър, қўшиқларнинг етишмаслиги музика раҳбарларини тўқиб чиқариш — ижодга ундайди. Натижада сценарийга сифати паст шеърлар кириб қолади. Бундай материал бутун байрамнинг бадний даражасини кескин пасайтириб юборади, шунинг учун репертуар танлашда асарларнинг мазмунига катта эътибор бериб қараш керак.



Байрамга тайёрланиш бўйича болаларнинг кичик бир группаси билан ишләш.

Бундан ташқари, барча музика ва адабий асарлар яхши ижро этилиши керак. Нота текстини ижронинг енгиллатадиган қилиб исталганча ўзгартиришга, темпни ўзгартиришга, пьесанинг айрим қисмларини рақснинг тузилишига мувофиқ қилиб ихтиёринг так-рорлашларга, маъқулланмайдиган паузалар қилишга, арпеджио қилинган аккордлар қўшишга ва шу кабиларга йўл қўйиб бўлмайди. Ижронинг яхши сифати байрам эрталикларида эстетик тарбия вазифаларини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Байрамда бошқарувчининг нутқига ҳам катта талаблар қўйилади. Болаларга қаратилган, пухта ўйланган мазмунан тушунарли сўз, ифодали интонация — буларнинг барчаси болаларга эстетик таъсир этиш воситалари.

Сценарийга кўпинча томоша ва янги совга номерлари киритилиб, улар ўйин ҳамда аттракционлар билан галма-гал алмашиб, қувноқ, эркин суръатда ўтади. Бу номерлар катталар, баъзан меҳмонлар, мактаб ўқувчилари ёки мазкур группанинг бир неча болалари томонидан қолганлардан сир тутиб тайёрланади. Бундай чиқишлар доимо фавқулодда қизиқарли бўлади ва томошабинларда бевосита ҳайрихоҳлик уйғотади. Бироқ, булар ҳам пухта ўйланган, дид билан безатилган бўлиши, яхши ижро этилиши керак.

Болаларнинг байрамдаги фаолиятлари хилма-хилдир. Улар тантанали юришда, байрам йўқламасида қатнашадилар, байрам концерт номери сифатида тавсия этилган маълум тематикадаги қўшиқлар, шеърлар, рақслар билан чиқадиладар.

Агарда болаларнинг эрталигидаги фаолиятлари ҳақида эстетик тарбия вазифалари нуқтан назаридан гапириладиган бўлса, унда уларнинг ижролари ифодалилиги устида тўхталиб ўтиш лозим. Ифодалилика бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари учун зарур бўлган малакалар бола томонидан эгалланиши асосида, унинг узи ижро этаётган қўшиқ, шеърнинг мазмунига ўз муносабатини билдириши, маълум кайфият ифодалаш кўникмалари пайдо бўлиши натижасида эришилади.

Қўшиқ айтишда куйни аниқ ижро этиш, соф, уйғун, жаранглаш, нюансга риоя қилиш орқали; шеър уқишда интонациянинг хилма-хиллиги, яхши дикция орқали; рақсда — ҳаракатнинг музика характери, музика асарининг шаклига мувофиқ келиши орқали ифодалилика эришилади.

Болалар ижросининг сифати кўп жиҳатдан музика-адабий репертуарнинг улар ёшига мос ҳамда тушунарлилигига ва унинг мактабгача тарбия ёшидагиларнинг имкониятларига мувофиқ келишига боғлиқдир. Фақат мана шундагина у эркин, табиий бўлади ва болаларга ҳузур бахш этади. Шунинг учун мураккаб материалга берилиб кетмаслик лозим, чунки уни ўрганиш кўп вақтни олади, болалардан кўпроқ эътиборни жамлашни талаб қилади, бу эса ортиқча зўриқшни келтириб чиқаради, ижронинг эстетик аҳамиятини пасайтиради.

Бироқ, ёш группасига мослик ва тушунарлилик деганда қўшиқ ёки шеърнинг мазмуни болаларнинг мазкур ўсиш даражаларига аниқ мувофиқ келиши кераклиги тушунилмайди. Бундай ҳолда улар ўз кўникмаларини такомиллаштира олмайдилар. Болаларга ўрганиш учун тавсия этилаётган материалда янги нарса бўлиши керак, бироқ уни эгаллаш қўшимча машғулотлар, яъни болаларни ортиқча зўриқтириш ҳисобига бўлиши керак эмас. Байрам эрталиги асосан, қизиқарли вариантлаштириладиган ва янгича беза-ладиган яхши таниш программа материалли асосида тузилади.

Эстетик тарбия бадий-ижодий қобилиятларни ўстиришни назарда тутлади. Байрамда болалар томонидан ўйлаб топилган рақс ва ўйинлар ҳамда уларнинг бадихалари бўлиши мумкин. Бунда болаларнинг ижодий қобилиятлари даражасини ҳисобга олиб уларга индивидуал ёндашиш лозим. Группада программа материалли бошқаларга қараганда дарҳол ўзлаштириб оладиган ва уларнинг кейинги ривожланишлари мураккаброқ материалнинг қўлланилишини талаб қиладиган болалар доимо топилади. Худди мана шу эрталиқда уларга энг масъул ролларни топшириш, уларга қобилиятларини тўлиқроқ намоён қилишларига ёрдам берувчи, қийинроқ материалларни ўргатиш имконияти мавжуддир.

Ҳар бир бола билан унинг қобилиятларига мувофиқ келувчи, унга ҳузур бағишловчи чиқишлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу фақат оммавий ўйинлар, рақслар, қўшиқларда иштирок этишигина эмас, балки болаларнинг кичик группаси составида индивидуал чиқишлар: шеърларни навбатма-навбат айтиш, театрлаштирилган томошадаги оддий роллар, металлофонда оддий куйни чалиш ва бошқалардир.

Байрам эрталиги болаларни хилма-хил бадий таассуротлар билан бойитади. Бола унга ўз муносабатини ёшига кўра хилма-хил ифодалайди. Кичкинтойлар қўлларидаги байроқчалар, шарлардан шодланадилар-да атрофга деярли эътибор бермайдилар. Шунинг учун залнинг безалишига уларнинг эътиборини алоҳида тортиш керак. Педагог болалар билан биргаликда хонанинг безатилганлигини, уларга энг ёрқин, тушунарли деталларни кўрсатиб томоша қилади. Залда меҳмонлар кўп бўлганда (айниқса байрамнинг бошланишида) болалар вазмин бўладилар. Улар атрофга қизиқиш билан қарайдилар, бироқ унчалик активлик кўрсатмайдилар. Қувноқ музика, рангли рўмолчалар, байроқчалар, шақилдоқлар билан чиқишлар болада жилмайиш, ҳаракат қилишга иштиёқ уйғотади. Бироқ ёрқин тасаввурларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши ҳам болаларда баъзан тормозланишни келтириб чиқаради. Педагог ўз эътибори, илиқ муомаласи билан кичкинтойни руҳлантиради, шодлик кайфиятини яратади, байрамда куйлаш ва рақсга тушишга таклиф қилади.

Каттароқ болалар безашни, унинг рангли деталларини ўзлари сезадилар, уни яхлит қабул қиладилар. Ижронинг ифодалилиги уларда завқланиш ҳиссиётини уйғотар экан, уларнинг чеҳраларида акс этади. Улар ўз ҳаракатларида анча мустақил, рақс учун қандай туриш кераклигини биладилар ва хотираларида сақлаб қолганлар, ўз жойларини ўзлари эгаллайдилар. Болалар ўз кечинмаларида самимийдирлар. Масалан, улар «Колобок» эртагининг инсценировкасини томоша қилар эканлар, қувноқ рақс музикасига чапак чала бошлайдилар, бўғирсоқ қуён ва айиқдан қочиб кетганда шодланадилар, тулки пайдо бўлганда жим бўлиб қоладилар, ҳатто ўринларидан туриб кетадилар.

Қўшиқ ва шеърларнинг юксак бадий даражадаги ижроси катта мактабгача тарбия ёшдаги болаларда намоён бўлиши сипроқ, бироқ мазмуни бўйича аҳамиятлироқ кечинмалар ҳосил қилиши мумкин. Одатда уларда номернинг ташқи берилиши, ёритиш эффектлари, персонажларнинг чиройли кийимлари кўпроқ жонланиш ва завқланиш уйғотади. Бу ўринда болаларнинг ҳиссиётлари жўшқин ва бевосита қувноқ кулги, луқмалар, чапақларда ифодланади. Болаларнинг байрам эрталиклари ҳақида айтган гапларидан аниқланишича, уларнинг эътиборини олинган таассуротларнинг эстетик томони жалб қилади: «Залимизни гўё сеҳрли ўрмон дейсиз, арчалардаги қор худди ҳақиқийдек ялтирайди», «Байрамимизга қуёш ҳам чиқди ва биз билан қувнади» (марказий девор бегаи ҳақида). «Менга қорчалар кўпроқ ёқди, улар энгил ва ялтироқ, чиройли рақсга тушишди».

Мактабга тайёрлов группасининг болалари ижронинг ифодалилигини баҳолай оладилар. Уларни қўшиқ, шеърдаги маълум кайфиятнинг берилиши, муваффақиятли топилган интонация ўзига жалб қилади, уларда ўз чиқишлари учун жавобгарлик ҳиссиёти пайдо бўлади. Болалар рақсдаги сафланишни яхши биладилар ва хато қилганларни дарҳол тўғрилайдилар. Инсценировкаларда персонажларнинг сўзлари ва ҳаракатларини жуда яхши эс-

лайдилар. Шундай қилиб, қўшиқ, рақсларнинг эркин, ифодали ижроси, ўйин персонажларини образли бериш болаларда айни эстетик кечинмалар уйғотади дейиш мумкин.

Яхши тайёргарлик, ўйланган сценарий, аниқ ташкил қилиш — буларнинг ҳаммаси ҳар бир боланинг байрамдаги хатти-ҳаракати ва кайфиятини, санъатнинг ҳар хил турлари таъсирининг самарадорлигини белгилайди. Болалар ўзларини шод ва хуррам, эркин ва самимий тутишлари керак. Бироқ болаларни ортиқча қўзғовчи кучли шодланишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Байрам сценарийси номерларни миқдорини ҳаддан ошириб юбормаслик керак. Материални шундай тақсимлаш керакки, унда фаолият ва дам олиш тўғри алмашилиб турсин. Масалан, арча атрофидаги умумий хороводдан сўнг, инсценировка ёки индивидуал чиқишлар бўлиши мумкин.

Байрам муҳитини яратишда бошқарувчининг роли каттадир. Агар у байрамни мақбул темпада олиб борса, нутқи ифодали бўлса, фавқулодда пайдо бўладиган вазиятларга реакция билдирса, шодлик, эркин муҳит яратилади.

Байрам болаларнинг бадий фаолиятларини уюштиришнинг самарали формаси бўлиб қолиши учун ҳар куни уларнинг қобилиятлари, дидлари, музыка, бадий-нутқий, тасвирий фаолиятдаги активликларини ўстира бориб, улар томонидан маълум малакаларнинг эгалланишини таъминлаб, улар билан системали тарзда иш олиб бориш керак.

Болалар боғчаси практикасида эрталиклар ўтказишга баъзан нотўғри ёндашишни ҳам учратиш мумкин. Болани бадий ривожлантириш бўйича кундалик изчил иш навбатдаги байрам тантанасига тайёрланиш билан алмаштирилади. Бунинг учун мураккаб репертуар ўрганилади ва бутун музыка машғулоти болаларнинг чиқишларини ўрганишдангина иборат бўлиб қолади. Эрталиkning деярли бутун программасини тез-тез такрорлаш болаларни чарчатади, шунинг учун байрам зерикарли, қизиқарсиз ўтади.

Байрам эрталиги — бу энг аввало болалар учун шодлик эканлигини тарбиячилар унутмасликлари керак. Бу бола хотирасида узоқ сақланиши мумкин бўлган таассуротлар манбаидир. Бу ахлоқий-эстетик ҳиссиётларни шакллантиришнинг кучли воситасидир.

## **БОЛАЛАРНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА ПРЕДМЕТ, МУҲИТНИНГ РОЛИ**

### **ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯДА УЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ**

#### **Болаларнинг адабий ва театрлаштирилган фаолиятлари учун жиҳозлар (қуроллар)**

Болалар боғчасидаги болани ўраб турган вазият ва предметлар маълум тарбиявий функцияга эгадир. Уларнинг мақсадга мувофиқлиги, эстетик ўйланганлиги ўқув иши учун ҳам, болалар-

нинг мустақил фаолиятлари учун ҳам керакли шароит яратиш ҳақидаги интилишдан далолат беради.

Предмет муҳитидан бадний таъсир воситаси сифатида фойдаланиш предметлар ва интерьернинг гармоник бирикишига асосланади.

Ўйин ва машғулотларга мўлжалланган, фойдаланиш мураккаб бўлмаган, қулай ва олиш осон бўлган жойга жойлаштирилган предметлар боланинг мўлжалланган нарса учун ҳаракати ва фаолиятига омил бўлади. Болаларда уларга нисбатан қизиқишни сақлаб туришнинг муҳим шарти предметларнинг фойдаланиш учун даврий киритилишидир.

Предмет дунёсини болалар боғчаси фаолиятининг ҳар хил турлари бўйича таълим ва тарбиявий вазифаларига мувофиқ ташкил қилиш педагогика коллективи кундалик ишнинг бир қисмидир.

Болаларнинг адабий ва саҳналаштирилган фаолиятлари учун шароит яратиш, биринчидан, маълум жойни махсус мебель билан жиҳозлашга, иккинчидан, уни керакли қўллаш ва ўйин материаллари билан таъминлашга асосланади.

Болаларнинг исталган фаолиятлари уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади ва мазкур группадаги таълим-тарбиявий иш мазмунига боғлиқ бўлади.

Болаларнинг боғчадаги адабий-бадий фаолиятлари, юқорида айтиб ўтилганидек, энг аввало улар нутқларининг ўсиши ва бадний адабиёт асарлари билан танишишларига боғлиқдир.

Фаолиятнинг бу туридаги асосий предмет китобдир. Болаларнинг ёшларига кўра китоб улар учун сезиларли ўзгаради. Бу китоб мазмуни ва унинг безалишини идрок қилишнинг ёш хусусиятларига боғлиқлигига алоқадордир. Китоб-ширма, китоб-картина, китоб-ўйинчоқ кўпроқ уч-тўрт ёшли болаларга тўғри келади. Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларга турли ҳажм ва конструкциядаги, турлича безалган китоблар тушунарлидир.

Тарбиячининг вазифаси китобни болага яқинлаштиришдир, унга шундай жой топиш керакки, у бола учун қулай бўлсин, бола уни бемалол томоша қила олсин ва томоша қилатуриб гапириб берсин. Бунинг учун группа хонасида токча-секретар типдаги комбинация қилинган стенд бўлиши ва у ерга китоблар, болаларга танишлари ҳам, янгилари ҳам қўйилиши керак. Гарчи китобни исталган яхши ёритилган жойда кўриш мумкин бўлса ҳам «секретар» нинг очиладиган қопқоғига иллюстрацияларини томоша қилиш учун китоблар қўйиб қўйилади. Болалар китобларни фақат индивидуал эмас, балки коллектив бўлиб ҳам кўришларини назарда тутиб, группага махсус стол қўйиш лозим. Бу стол устида болалар стол театрининг ясси фигуралари билан сюжетлар ижро этишлари мумкин. Асарлар сюжетини гапириб бериш, персонажлар нутқини бериш болалар нутқини эркин баён қилиш шаклида ўсишига, интонацион ифодали бўлишига ҳамда болалар тасавгурининг ўсишига ёрдам беради. Ҳудди шу мақсад учун группада фланелеграф ҳам бўлиши керак.

Қизқарли расмлар, стол-босма ўйинлар, электрлаштирилган



ўйинлар, индивидуал фойдаланишга мўлжалланган ихчам диаскоплар, фильмоскоплар, диапозитив ва диафильмлар наборлари—буларнинг барчаси болалар учун қулай бўлган жойда туриши керак. Қўлланмаларни ўқув вазифаларига мувофиқ системали тарзда янгилаб туриш болаларнинг эътиборини доимо уларга жалб қилишда тарбиячига ёрдам беради. Бу эса программа материалларининг улар томонидан чуқурроқ эгалланишига кўмаклашади.

Адабий-бадий фаолият учун махсус жиҳозланган жой болаларнинг қизиқиш ва мойилликларини, шунингдек, ҳар бир боланинг ривожланганлик даражасини аниқлашга, тарбиячига эса улар билан бўладиган индивидуал ишни шунга мувофиқ ташкил қилишга ёрдам беради.

Тарбиячи томонидан моҳирлик билан танланган тематик материал болаларни турли ёзувчи ва шоирларнинг ижоди билан таништиради, болаларда рассом-иллюстрациячиларнинг индивидуал услубларини эстетик идрок этишни шакллантиради, фаолиятнинг бошқа турлари — тасвирий, қурилиш ўйинлари, кўнгил очишларга органикроқ ўтишга ёрдам беради.

Китоб тоқчаларида махсус ўрин болаларнинг театр фаолиятлари учун репертуарини ташкил қилувчи китобларга тегишли бўлиши мумкин ва керак.

Улар фаолиятлари китоб ўқишда, диафильмлар кўришда эгалланган таассуротлар ва билимлар билан узвий боғлиқдир. Диафильмларни боланинг тема ёки сюжетни драмалаштириб ижро этишга ўтишидаги туртки дейиш ҳам мумкин. Болаларнинг бундай ижодий ўйинларига китоб ва диафильмлардан уларнинг бадиҳаларидаги қаҳрамонлар — эртақ, қўшиқча, овутомачоқ персонажлари ҳам ўтади.

Вақт, фазодаги саҳна ҳаракати билан боғлиқ бўлган театр фаолияти жой ва жиҳозларнинг шунга мувофиқ ташкил қилинишини талаб қилади.

Декорация элементларини жойлаштириш ва персонажлар фигурасини ҳаракатлантириш мумкин бўлган ҳар қандай горизонтал текислик стол театри учун саҳна майдони бўла олади. Кўпинча бу столнинг устки қопламасидир. Ундан фойдаланишда саҳна ҳаракати учун талаб қилинадиган сатҳни бир оз чеклашни унутмаслик керак, акс ҳолда, у ёйиқ, ноаниқ бўлиб қолади. Махсус саҳна ҳам тайёрлаш мумкин — текислик, унинг атрофида болалар бемалол ҳаракат қилиб, фигураларни юргизадилар. Бу текисликка ранг бериш, унда бўладиган ҳаракатларга мувофиқ келадиган конструкция қилиш ва шу орқали болалардаги архитектура композициясини ҳис қилиш сезгисини, декоратив безаш қобилиятларини ўстириши мумкин.

Бундай саҳнада ясси фигуралар (фанер ёки картондан ясалган) билан ҳам, ҳажми полистироль, пластмасса каби материаллардан қилинган фигуралар билан ҳам спектакль ёки айрим эпизодларни ижро этиш қулайдир. Ижро этилаётган сюжет мазмунига мувофиқ келувчи ясси тасвирлар ҳам, контур тасвирлар ҳам

(уйчалар, дарахт шохлари ва бошқалар) декорация хизматини ўтайди. Ҳажмли-сатҳли декорациялардан ҳам, ҳар хил театр атрибутларидан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ бунда ягона стил ечимига риоя қилиш керак.

«Артистлар» юмшоқ образли ўйинчоқ бўлганда сахнани безашга алоҳида эътибор бериш керак, чунки улар ясси, ҳатто ҳажмли пластмасса фигураларга қараганда камроқ шартли, камроқ схематикдир.

Театр-ўйин фаолияти болаларда умуман театр санъатига эстетик муносабатни, уни тушунишни ўстиради, болаларни профессионал театр спектакллари идрок этишга тайёрлайди.

Театр-ўйин фаолиятини жиҳозлашда сезиларли ўрин чодирлар, ширмаларга тааллуқлидир. Уларнинг мўлжалланиши театрлашган ҳаракатнинг характери ва турига кўра турлича бўлиши мумкин.

Оч ярим шаффоф мата қопланган соя театр («Фонус хаёл») чодирлари кенг тарқалган, унга махсус ёруғлик туширилганда персонажлар фигурасининг контури аниқ кўринади. «Фонус хаёл» театр ширмаси (чодир)нинг экрани спектаклни қўйишда фойдаланиладиган фигура ва декорациялар билан албатта масштаб нисбатда бўлиши назарда тутилади. Ширма ижрочилар, болалар ёки катталарга ҳам, томошабинларга ҳам қулай бўладиган қилиб ўрнатилади.

«Фонус хаёл» театри фигураларини, спектакллар учун декорацияларни тарбиячи болалар билан ҳамкорликда тайёрлаши мумкин. Бу мақсадда китобларнинг иллюстрациялари, шунингдек, қуйидаги нашрларнинг махсус иловаларидан фойдаланиш мумкин: Т. Караманенко. «Кукольный театр в детском саду». М., 1960; Т. Караманенко. «Кукольный театр — дошкольникам». М., 1973; «Нам весело», тузувчи Ф. Орлов, Е. Соковнин. М., 1973; Г. Генов. «Театр для малышей». М., 1968.

Соя театрининг экран яссилигида очиб берилаётган ҳаракатнинг ясси чизиқ — контурли тасвири берилади. Қўғирчоқ театрига мўлжалланган ширма — фазовий ечимга эга бўлган чодир бошқача жиҳозланади. У одатда томошабинларнинг кўзини чарчатмаслик, эътиборини асосий воқеалардан четга тортмаслик мақсадида вазмин тусдаги бир тонли мата билан қопланади. Чодирнинг ранги спектаклнинг умумий ранг ечими билан ҳам мослашиши мумкин, бироқ унда мазкур безалиш фақат шу спектаклгагина тааллуқли бўлиб, у мувофиқ келмайдиган спектаклда алмаштирилиши зарур.

Чодирнинг «қатор» деб аталадиган олд томони декорацияларни ва персонажлар иш кўрадиган бошқа театр атрибутларини ўрнатишни назарда тутиши керак. Бундай чодир, соя театри чодир сингарини, ижрочиларнинг бўйига мувофиқ бўлиши керак. Чодирнинг ич томонидан томоша кўрсатиш вақтида болаларга қулай бўлишини назарда тутиб, қўғирчоқларни жойлаштириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар боғчасида қўғирчоқ театрини ташкил қилиш муайян

қуғирчоқлар — тарбия программасида тавсия қилинган эртақ персонажлари, шунингдек, болаларга кўпроқ ёқадиган айрим персонажларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Театр спектаклларининг декорациялари ҳамда бошқа атрибутлари катталар ёки болалар томонидан тайёрланиши мумкин. Бундай ҳолда болаларнинг ҳаракати синтетик характер касб этиб, тарбиячи учун болаларнинг турли мустақил ижодий фаолиятларини бирлаштириш имконияти туғилади.

Айтиб ўтилган чодирлардан ташқари ролларни болаларнинг ўзлари ижро этадиган — драмалаштирилган ўйинларни жиҳозлашда фойдаланиш мумкин бўлганлари ҳам мавжуд. Бу икки табақали, турғун, мустаҳкам ўрнашадиган чодирлардир. Уларнинг конструкцияси оддий, осонгина йиғиштирилади, шунинг учун сақлаш, қайта жиҳозлашда қулайликларга эга. Уларни ижро этиладиган ҳаракат мазмунига кўра декорация қилиш ва шу ҳаракат ижро этиладиган сахна майдончасига ўрнатиш лозим. Афсуски, бундай чодирлар болалар боғчаларида кам қўлланилади, уларнинг ўрнига анъанавий уйчалар, скамейкачалар, бута ёки дарахтчаларни учратиш мумкин.

Театр томошаларини безашда турли ҳажмли геометрик фигураларни — турли катталиқдаги кублар, ғўлалар, овал ёки думалоқ шаклларни бирлаштиришда катта имкониятлар мавжуд.

Болалар боғчасида болаларнинг театр фаолиятлари учун жойни ташкил қилиш ва безаш болаларда бу фаолиятга нисбатан доимий қизиқишни сақлаш, уларнинг театр-ўйинда ижодий намоён бўлишларига стимул бериш ҳамда болаларни санъатнинг мазкур тури ва воситалари ёрдамида эстетик ўстиришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Бола коллектив театр-ўйин ҳаракатлари жараёнида эгаллаган малака ва кўникмаларини, қуғирчоқ ва ясси фигураларни бошқариш усулларини, махсус ҳаракатларни ўз кундалиқ ҳаётига кўчиради ва бу унинг театр томошалари сахналари, кичик спектакллар тарзидаги мустақил ўйинларида намоён бўлади.

Болаларнинг олган таассуротлари уларнинг мустақил театр-ўйин фаолиятлари учун стимул хизматини ўташи туфайли бу нарса жиҳозлаш ва предмет руҳиятини яратишда доим тарбиячилар томонидан назарда тутилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, театр зонасидаги жиҳоз ва ўйин материаллари тасодифий эмас, балки персонажлар, декорация элементлари болаларда доимо ассоциацияни уйғотиши, бунинг устига бола фойдаланиши осон бўлиши керак. Жиҳозларга қўйиладиган бу талаблар муайян ёш группасидаги болаларни тарбиялашнинг умумий вазифаларига мувофиқ театр-ўйин фаолиятининг мазмуни билан аниқланади.

Театр санъати ижро этилаётган сюжетлар мазмунининг ахлоқий йўналганлиги орқали тарбиявий таъсир кўрсатади. Бироқ ахлоқий ғояларни эстетик кечинмалар орқали идрок қилиш улкан ҳаётий кучга эгадир, чунки театр санъатида барча ахлоқий ғоялар жонли, эмоционал образлар орқали очиб берилади. Эстетиклик ва

ахлоқийликнинг болалар фаолиятларида бирлаштирилиши уларнинг бадий ривожланганликлари кўрсаткичи ҳисобланади.

### Музикали фаолият учун жиҳозлар

Болалар боғчасида музика фаолияти болалар томонидан маълум билимларнинг ўзлаштирилиши, керакли кўникма, малакаларнинг эгалланиши, музика таассуротларининг жамғарилишига асосланади. Бунга музика машғулотлари, байрамлар ва кўнгил очишларни тўғри ташкил қилиш, шунингдек, тарбиячиларнинг билвосита бўлса ҳам болаларнинг мустақил музика фаолиятларига раҳбарликлари туфайли эришилади.

Болаларда бадий диднинг шаклланишига атроф-муҳит сезиларли таъсир қилади. Шунинг учун болаларга музика фаолиятига қизиқишни сингдириш ва бу қизиқишни доимий сақлаш учун гурӯпа хонасида махсус жой ажратиш ҳамда уни турли қўлланмалар — дидактик ўйинлар, техника воситалари (радио, электрон проигриватель, диапроектор, магнитофон ва бошқалар) билан жиҳозлаш лозим.

Ҳамма санъат турларида бўлганидек музикада ҳам атроф-муҳитни акс эттириш хусусиятлари («ўз тили билан») мавжуд. Унинг эмоционал мазмунини сўзлар орқали тушунтириш қийиндир. Музика асарларини идрок қилиш кишининг умумий эмоционал ривожланганлигига боғлиқдир. Болаларнинг музикавий ривожланишлари муваффақиятлироқ бўлиши мақсадида музикани идрок этиш жараёнини осонлаштириши мумкин бўлган, уни яхшироқ тушунишга ёрдам бера оладиган хилма-хил қўлланмалардан фойдаланиш зарур.

Масалан, болаларни товушнинг йўғон-ингичкалигини фарқлашга кўнғироқчалар, доиралар ёрдамида ўргатиш мумкин; тембр ҳақида тушунча бериш учун турли музика асбобларининг овозини эшиттириш ёки турли овозли ўйинчоқлар чиқарадиган (мушук, сичқон, кучук ва бошқалар) товушларни қиёслаш мумкин. Баъзи педагоглар музикани идрок этишни асарларни тинглаётган вақтда шунга мувофиқ келувчи иллюстрациялар, диапозитивлар, диафильмлар кўрсатиш орқали осонлаштирадilar.

Турли қўлланмаларнинг нималарга мўлжалланганлигини ҳамда улардан фойдаланиш методикасини аниқроқ тасаввур қилиш учун уларни шартли равишда кўйидагича гурӯпалаш мумкин:

1-группа — образли қўлланмалар: образли ўйинчоқлар, лот, иллюстрация типидagi қўлланмалар.

2-группа — болалар музикали ўйинчоқлари ва асбоблари, буларни ўз навбатида овоз чиқарадиган ва овоз чиқармайдиганларга ажратиш мумкин. Биринчи гурӯпадаги қўлланмалар ўйин вазиятини яратишга мўлжалланган бўлиб, бу вақтда болалар ўзларини музика асбобларини чалаётгандек фараз қиладилар. Иккинчи гурӯпадагилар овоз беришга кўра тўрт типга бўлинади. Йўғон-ингичкалиги номаълум товуши қайд қилинмаган ўйинчоқ-асбоблар (шақилдоқлар, доиралар, барабанлар, треугольниклар

ва бошқалар); фақат битта товуш берувчи ўйинчоқ-асбоблар (найлар, бурғулар, қамиш сурнайлар ва бошқалар); куйи қайд қилинган ўйинчоқ-асбоблар (кичик органлар, музыка қутичалари); диатоник ва хроматик товуш қаторли ўйинчоқ-асбоблар (металлофонлар, пианинолар, баянлар, флейтлар ва бошқалар).

3-г р у п п а — график қўлланмалар: нота лотоси (нота-доиралар, улар ёрдамида куйнинг ҳаракатини шартли равишда тасвирлаш мумкин, узун ва қисқалигини белгиловчи эни ҳар хил бўлган карточкалари ва бошқалар); нота стани (кичик фланелеграфда — индивидуаль фойдаланиш учун катта фланелеграфда — группа машғулотларида фойдаланиш учун); ясси тасвирлаш (товушнинг йўғон-ингичкалиги, куй ҳаракатининг йўналиши ва бошқалар ҳақида тасаввур берувчи нарвонча тасвири); геометрик фигуралар — музыка асарлари қисмларини шартли тасвирлаш учун;

4-г р у п п а — ўқишнинг аудиовизуал (тинглаш, кўриш) воситалари, буларни экранли, товушли, экран-товушларга ажратиш қабул қилинган. Экранли воситаларга овозсиз кинофильмлар, диафильм ва диапозитивлар; товушлиларга — магнитофон ёзувлари, грамофон пластинкалари, радиоэшиттиришлар; экран-товушлиларга овозли кинофильмлар, овоз берилган диапозитив ва диафильмлар, ўқув-телевизион кўрсатувлар тааллуқлидир.

Образли ўйинчоқлардан мактабгача кичик тарбия ёшидагилар билан ўйнашда фойдаланган маъқул. Катталигига кўра турлича (катта ва кичик кучук, товуқ ва жўжа, мушук ва мушук боласи ва шу кабилар) ўйинчоқларни танлаб, улардан ўйин вазиятларида фойдаланиб, кичкинтойларга товушлар йўғон ҳамда ингичка бўлишини кўрсатиш мумкин. Бунинг учун тарбиячи катта кучукнинг вовуллашига ва кучук боласининг ангиллашига, товуқнинг қағқағлаши ва жўжанинг чий-чийлашига тақлид қилади ҳамда болаларни ҳам шундай қилишга ундайди. Бунда у жўжа (мушук боласи) ингичка-баланд товуш билан чийиллашини такрор-такрор эслатади ва бошқалар.

Худди шу ўйинчоқлар билан бошқача усулда ўйналганда кичкинтойларни тембрларнинг хилма-хиллиги билан таништириш имкони туғилади.

Масалан, матрешканинг ўйинчоқ-уйига (қўғирчоқ театри наборидан унинг ясси тасвирини олиб, фойдаланиш ҳам мумкин) товуш тембри характеристикасини бериш осон бўлган ўйинчоқлар: кучукча, мушук, товуқ ва шу кабилар меҳмон бўлиб келади. Тарбиячи товушга тақлид қилиш ёрдамида болаларга барча меҳмонларни таништиради ва болалардан матрешканинг уйига нималар меҳмон бўлиб келишганлигини сўрайди. Болалар ўйинчоқни тўғри айтганларида уни болаларга кўрсатади.

Овозли ўйинчоқлар билан ўйнаш янада қизиқарлироқ ўтади.

Расм солинган ёки кичкина суратлар ёпиштирилган карточкалар лото типигади қўлланма воситасини ўтайди. Булар, масалан, группада мавжуд бўлган турли музыка асбоблари: металлофон, цитра, барабан, треугольник ва бошқаларнинг тасвири бўлиши мумкин. Тарбиячи бирор чолғу асбобни чалиб (буни бола кўрмаслиги керак), шундай овоз берувчи асбоб тасвирланган карточкани топшини топширади. Бошқа сафар исталган музыка асбобининг

расми тасвирланган карточкани олишни, унинг номини айтишни ва сўнгра чалиб кўрсатишни тавсия қилиши мумкин. Бу топшириқ анча мураккаб ва уни катта группаларда, болалар турли музика асбобларини чалиш усулларини етарли даражада эгаллаб олганларидан сўнг бериш керак.

Карточкаларга ёпиштирилган расмлар шартли равишда у ёки бу асарнинг характерини ифодалаши мумкин. Масалан, қўғирчоқни аллалаётган қизчанинг тасвири болаларнинг алла ҳақидаги тасаввурлари билан яхши бирикади; қўлида барабан билан ҳарбийларча қадам ташлаб юрган бола тасвири марш билан ассоциацияланади, сарафандаги қиз тасвири эса — рақс билан ассоциацияга киради. Тарбиячи болаларни музика асарларининг турли жанрлари билан таништирар экан, уларга тинглаган асарга мувофиқ келувчи расмни танлашни тавсия қилиши мумкин.

Болалар музика асбоблари ёрдамида таниш қўшиқ, ҳиргойиларнинг ритмик тасвирини бериш, ўзига жўр бўлиб қўшиқ айтиш, оддий куйларни бадиҳа қилиш мумкин.

Агар одатдаги металлофонни қия қилиб қўйилса, овозли нарвонча ҳосил бўлади, ундан ингичка ёғоч таёқчага ўрнатилган матрёшка юқорига ва пастга қараб «юриши», у ҳар бир зинадан ёки зина оша сакраши мумкин. Бу ҳар бир болага товушларнинг йўғон-ингичкалигини, куй ҳаракатининг йўналишини ёрқин тасаввур қилиш имконини беради.

Турлича овоз берадиган қилиб танланган сурнайчалар, доңрачалар, қўнғироқлардан ҳам болаларни товушнинг йўғон-ингичкалиги билан таништиришда ёки бу тасаввурларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Тембрни тинглаб ҳис қилиш қобилиятини ўстириш мақсадида машқ-топишмоқлар бериш мумкин: айтчи, бу қайси чолғу асбобининг овози? Бунда чолғу асбобларининг овозлари қарама-қарши бўлганларини ҳам, масалан, доира, металлофон, триол, шунингдек овози бир-бирига анча яқин бўлганларини ҳам трегольник, қўнғироқчалар, доиралар танлаш мумкин. Бундай топшириқларни, улар мураккаблиги туфайли, катта мактабгача тарбия ёшидагиларга бериш керак.

Музика асбоблари ёрдамида болаларнинг динамик қобилиятлари ҳам ўстирилади. Педагог болаларга «Баланд-паст» ўйинини ўйнашни тавсия қилар экан, аввал бир чолғу асбобида ҳам баланд, ҳам паст товушга қандай эришиш мумкинлигини кўрсатади, сўнгра у болаларни ҳам музика асбобини худди шундай чалишга таклиф қилади. Масалан, барабанни чалганда товуш пастроқ, бўғиқроқ чиқиши учун таёқчаларга юмшоқ мато ўраш керак.

Қўлланма-иллюстрация сифатида Н. Ветлугинанинг «Музыкальный букварь» идаги расмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Агарда имконият бўлса, уларни катталаштирган маъқул. Улар товушнинг турли хусусиятлари: йўғон-ингичкалиги, чўзиқлиги, тембри ҳақида кўрсатмали тушунча беради. Иллюстрациялар намоёиш қилиш музика асбобларини чалиш, қўшиқ айтиш, қўшиқ куйини нота-доиралар ёрдамида фланелеграфга

қўйиш билан бириктирилади. Бундай ҳолларда тинглаш гидроки кўриш ва ҳаракат гидроки орқали мустаҳкамланади.

Нота лотоси, айтиб утганимиздек, график қўлланмалар группасига киритилади. Лото учун нота-доиралар одатда қалин картон қоғоздан қирқилади ва унга турли рангдаги бахмал қоғоз ёпиштирилади, бироқ уларни бошқа материаллардан ҳам тайёрлаш мумкин, асосийси — уларнинг ҳажми товушларнинг нисбатан йўғон-ингичкалиги шулар ёрдамида белгиланадиган нота станига тўғри келиши керак. Нота лотосининг бошқа элементи картон қоғоз ёки бошқа материалдан (ёғоч, пластмасса) қилинган эни турлича карточкалардир; эни кенгроқ карточкалар шартли тарзда узун товушларни, торлари — қисқа товушларни ифодалайди.

Биз металлофондан қилинган музикали нарвонча ҳақида гапириб ўтган эдик, бироқ болаларни товушнинг нисбий йўғон-ингичкалиги билан таништиришнинг дастлабки босқичида фақат матрёшкагина эмас, балки шунга мувофиқ тайёрланган бошқа ўйинчоқлар (ясси тасвирлар) ҳам «юра оладиган» зинали нарвончанинг ясси тасвирини тайёрлаш лозим. Болалар йўғон ва ингичка товушларнинг жойлашиш принципини эгаллаб олганларидан сўнг, тарбиячи уларни чолғу асбобларида кўрсатишга ўтади.

Музика асарларининг қисмларини аниқлашда геометрик фигуралардан ҳам фойдаланиш мумкин. Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар айлана ва квадрат каби фигураларни яхши биладилар. Таниш асарни тинглаётган вақтда бола музика характери неча марта ўзгарса, столга турли фигураларни шунча марта қўяди. Масалан, агарда асар икки қисмли бўлса, бола столга икки фигура — квадрат ва айлана, уч қисмли бўлса, уч ҳар хил фигура — квадрат, айлана, учбурчакни қўяди. Бироқ яна оддийроқ вариантни тавсия қилиш ҳам мумкин: асарнинг қисмларини фақат бир хил фигуралар (масалан, квадратлар) билан қайд қилиш.

4-группа қўлланмалари, яъни ўқитишнинг аудиовизуаль воситалари йилдан-йилга мактаблардаги сингари болалар боғчасида ҳам ўқув жараёнларида борган сари кўпроқ қўлланилмоқда. Булар қаторига биринчи навбатда хилма-хил грампластинкаларни киритиш лозим. Булар болалар қўшиқлари, мультфильмлардан музика ва қўшиқлар, музика жўрлигидаги эртақлар, музикали эртақлар ва композициялардир.

Пластинкалар педагогга болаларни вокал ва чолғу музикаси билан, хор, оркестр садоси билан, алоҳида музика асбоблари музика жанрларининг хилма-хиллиги билан таништириш имкони-ни беради.

Болалар грамофон ёзувидаги асарларни тинглар эканлар, музикани диққат бериб, фикрни тўплаб идрок этишни ўрганадилар. Педагог уларнинг эътиборини музика тилининг бойлиги ва образлигига, масалан, А. Александровнинг «Медведь танцует под флейту» пьесасида айиқнинг оғир, бесўнақай ҳаракати) эшитил-

сэ. П. Чайковскийнинг «Болель кукулы» асариди тингловчиларди куғирчоқнинг касал булиб қолганига ҳамдардлик уйғотувчи аянчли интонация мавжуд. Р. Шуманнинг «Смелый наездник» асариди тез, кескин ҳаракатни ҳис қилиш мумкин, от туёқларининг овози эшитилади, бироқ шу билан бирга бу отни елдириб кетаётган оддий отлиқ эмас, балки ўзини чавандоз ўрниди тасаввур қилаётган бола рақсга тушаётганлигини англаш мумкин бўлади.

Болалар рақс тушишни яхши кўрганликлари учун группади рақс куйлари пластинкалари бўлиши керак. Пластинкалар болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, яхши танланиши концерт ва кўнгил очишлар уюштиришди ёрдам беради.

Магнитофон пластинкалар билан бир хил мақсадларди қўлланади, бироқ у баъзи афзалликларга эгадир. Масалан, болалар ижро этган қўшиқлари, қизиқарли радиоэшиттиришларни, кейинчалик кўнгил очишлар, байрамлар ва куғирчоқ театри томошалари вақтиди жаранглайдиган музыкаларни лентага ёзиб олиш имконини беради. Бу жуда қулайдир, чунки керакли пластинкалар ҳар доим ҳам топилавермайди.

Болаларнинг музыка таассуротларини жамғаришлариди радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар катта роль ўйнайди. Улар болаларни қўшиқ ва эртақлар, классик композиторларнинг асарлари ва замонавий музыка, болалар учун асарлар яратувчи турли композиторларнинг ижодлари ва шу кабилар билан қизиқарли таништиради. «Пригласительный билет», «В гостях у сказки», «Сказка за сказкой», «Композиторы — детям» ва шу каби радиоэшиттиришлар ҳамди «Театр», «Колокольчик», «Приходи, сказка», «Веселые нотки» телевизион кўрсатувларини айтиб ўтиш мумкин. Бу эшиттириш ва кўрсатувлар музыка, қўшиқ, қизиқарли сюжет, эртақ қаҳрамонлари билан учрашувларга бойдир. Бу эшиттиришлар мактабгача тарбия ёшидиги болалар учун тушунарлидир, улар севикли қаҳрамонлари, айниқса мультфильмлардиги қаҳрамонларнинг қўшиқларини бажону дил тинглайдилар ва эслаб қоладилар.

Кўпинча радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларнинг қатнашчилари болалар боғчаларининг тарбияланувчилари бўладилар. Уларнинг чиқишлари тенгдошлариди доимо катта қизиқиш уйғотади. Бундай эшиттириш ва кўрсатувлардан олинган таассуротлар туфайли болалар ўз мустақил фаолиятлариди ўзларининг ўйин-концертларини ташкил қиладилар ва уларди таниш қўшиқ, рақслар ижро этадилар, музыка асбобларини чаладилар, кичик сахналар ижро этадилар.

Тарбиячи радио эшиттириш, телевизион кўрсатувларни томоша қилишни ташкил қилар экан, уларнинг берилиш вақтини олдиндан аниқлаши ва болаларни бунга тайёрлаши лозим. Агарди бу кўрсатиш, эшиттиришларнинг вақти ноқулай, болаларнинг кун режимини бузадиган бўлса, радио эшиттиришларни ва баъзи телевизион кўрсатувларни магнитофонга ёзиб олиш ҳамди болалар учун қулай бўлган вақтди қўйиб бериш мумкин. ◀



Баъзи музика асарларининг болалар томонидан идрок этилишини осонлаштириш мақсадида диапозитив ва диафильмлардан фойдаланилади. Бир томондан, музика болалар экранда куриб олаётган таассуротларни кучайтиради, иккинчи томондан — аксинча, диапозитив ёки диафильмларнинг ўзлари музиканинг ўзига хос иллюстрацияси хизматини ўтаб, унинг мазмунини тушунишга ёрдам беради. Овозли диафильмлар, яъни овоз пластинкага ёзиб олинган диафильмлар жуда қулайдир. Баъзи диафильмларга мувофиқ келувчи музикани тарбиячининг ўзи мавжуд граммофон ёзувларидан танлайди. «Мойдодыр» диафильмини кўрсатишда пластинкага ёзилган болалар операси «Мойдодыр» (Ю. Левитин музикаси) парчаларидан фойдаланиш мумкин. «Сказка о царе Салтане» диафильмини намойиш қилишда Н. Римский-Корсаковнинг шу номли операсининг граммофон ёзувидан фойдаланиш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, группада хилма-хил қўлланмаларнинг кўп бўлиши музика тарбияси вазифаларини ўзидан-ўзи ҳал қилмайди. Бунинг учун маълум муҳит яратиш, тарбиячининг болалар музика фаёлиятини бевосита ёки билвосита йўлловчи, усталик билан доимий бошқариб бориши талаб қилинади.

Болаларнинг музикали фаолиятлари учун группа хонасида ўйинчоқларга кичкина шкаф, музика асбоблари, дидактик қўлланмалар, электропроигриватель ва пластинкалар учун пастак стол бўлиши керак. Агар шкафчанинг конструкцияси имкон берса, электропроигривателни ўша ерда сақлаш мумкин. Худди шу ерга болалар музика асбобларини чалиши ва қўлланмалардан фойдаланиш учун столча ва бир нечта стулчалар қўйилиши керак.

Қўлланмаларнинг миқдори ва ассортимент турли ёш гурупларидаги музика тарбиясининг вазифаларини аниқлайди. Қўлланмалар чиройли безатилган бўлиши, болаларда улар билан ишлашга қизиқиш ва иштиёқ уйғотиши, шакли оддий, фойдаланишга қулай, пишиқ ҳамда ишлатганда пухта бўлиши керак.

Янги қўлланмалар билан болалар аста-секин ўзлаштириб олишлари учун аввал машғулотларда таништириш ва шундан кейингина уларни группага олиб кириш мақсадга мувофиқдир. Группада бир вақтда тўрт-бешта ҳар хил музика асбоблари, икки-учта дидактик ўйин, бир нечта ясама ўйинчоқлар, эшитиш учун тўрт-бешта музика, севимли қўшиқ ёзилган пластинка, икки-учта рус халқ куйлари ёзуви, музикали эртактлар ва инсценировкалар бўлиши керак.

Қўлланмалардан фойдаланишда «оддийдан — мураккабга» ва шунингдек, ёш принципларига риоя қилиш керак. Масалан, кичик группада болалар ҳали музика асбобларини чалиш маънасини эгаллаб олмаган вақтларида уларга овоз ёки куйи қайд қилинган музикали ўйинчоқларни, турли сурнайчалар ҳуштакчалар, баъзи зарбли асбоблар — барабан, доира, треугольникларни тавсия қилиш керак. Музика асбобларини чалишни ўрганишга иштиёқи бўлган катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларга металлофон, цитра, триол, аккордеон берган маъқул.

Ўқитишнинг аудловизуаль воситаларидан ҳам болаларнинг ёш хусусиятларини назарда тутиб фойдаланиш лозим. Болаларнинг эътиборига кўра, тарбиячи уларга сеvimли асарларини (мультифильмлардан қўшиқлар, музыкали эртақлар) тинглашни, рақс кўришни, садолари остида рақсга тушишни, музыка жўрлигида (пластинка ёки магнитофон ёзуви) диафильмлар кўришни тавсия қилади.

Радиоэшиттиришларни тинглаш учун овоз сифати яхши бўлган радиоприёмник ёки транзистор бўлиши керак. Телевизион кўрсатувлар, одатда музыка машғулоти залида ёки махсус ажратилган хонада кўрилади. Агар қандайдир сабабларга кўра телевизион кўрсатувларни боғчада кўришнинг имконияти бўлмаса, тарбиячи буни уйда амалга оширишни, ота-оналарга тавсия қилиши мумкин.

Агар бола уйда ҳам сеvimли пластинкаларини тинглаш, музыка асбобларини чалиш имкониятига эга бўлса жуда яхши. Шунинг учун педагог уйда ҳам «музыкали бурчак» ташкил қилишнинг муҳимлигини ота-оналарга тушунтириши керак.

Болаларда мустақил музыка фаолиятига қизиқишни доимий сақлаб туриш учун даврий, тахминан икки ойда бир марта қўлланмалар составини янгилаш, янги асбоб-ускуналар киритиш лозим.

Натижада уларнинг мустақиллик даражалари ўсади, музыкавий қобилиятлари ривожланади, музыка ҳақидаги билимлари кенгайди. Бу болалар активлигини сезиларли ўстириб, музыка фаолиятини турли-туман қилишга имкон беради.

### Тасвирий фаолият учун ўқув қуроли

Тасвирий ижод — мураккаб процесс бўлиб, боладан кўникмаларнинг бутун бир комплексини ўстиришни: предметларнинг шакли, ранги, пропорцияси, фазовий муносабатини фарқлаш ва шу кабиларни талаб қилади. Болаларнинг ижодий-бадий қобилиятларини ўстириш вазифаларига кўра уларнинг тасвирий фаолиятларида педагогик процесснинг ўқув қуроли ҳақидаги масала ўз-ўзидан табиий равишда юзага чиқади.

Тарбиячининг ишидаги муваффақияти, асосан, методик қуролига боғлиқдир, деган фикр мавжуд. Жиҳозлар, кўрсатмали қуролининг роли ҳақиқатан ҳам каттадир, бироқ улар педагогик процессга «Болалар боғчасида тарбия программаси»да қайд қилинган вазифаларни ҳал қилишда ёрдам бериб ҳамроҳ бўладилар, холос.

Бадий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти, унинг программ мазмуни, болаларнинг ёш ва миқдорий состави предмет муҳитининг жиҳозланиш ҳамда ташкил қилиниш характериға, номенклатурасига сезиларли таъсир қилади. Ўз навбатида, жиҳозларнинг ташкил кўриниши, материалларнинг сифат ассортиментининг мавжудлиги ва болалар фаолияти учун жойнинг ташкил қилиниши болаларни эстетик тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

Болалар тасвирий санъат билан шуғулланишларининг самардорлиги улар бадий фаолиятларининг ўсишига ёрдам берувчи махсус мебель ва ускуналар, қўлланма ва материалларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Булар, энг аввало, умумий ва функционал мақсадлардаги столлар (тўрт ёки икки ўришли, трапециясимон, дераза тоқчаси тагига қўйиладиган лентасимон), қўлланма ва материаллар сақланадиган шкафчалар, болаларнинг ишларини намойиш қилиш учун витрина, тоқча, стеллар; тахта (доска) ва планшетлар, мольберт ва тагликлар, ширма ва экспозиция устунлари, фланелеграфлар ва магнит тахталари, этюдниклар ва палитралар, бўёқлар учун ванначалар (идишчалар) ва бошқа тарқатма материаллардир.

Бундан ташқари, тасвирий фаолият машғулотларини жиҳозлашга тасвирий санъат асарларининг идрок этилишини активлаштирувчи бошқа қўлланмалар составига расмлар ва жадваллар, натура предметлари, моделлар ва макетлар, шунингдек, ўқитишнинг аудиовизуаль воситалари — диапозитивларнинг тематик комплекслари (рангли ва оқ-қора), диафильмлар, кинофильмлар (видеофильмлар, мультипликацион фильмлар ва бошқалар) ҳам киради.

Атроф-муҳит, мактабгача тарбия муассасаси интерьерининг ташкил қилиниши ижтимоий тарбия вазифаларига хизмат қилади. Болалар боғчасида махсус предмет муҳити яратилар экан, ҳар бир конкрет вазиятда уларни ижодий қўллаб безашга қўйиладиган умумий бадий-педагогик талабларга риоя қилиш керак.

Болаларнинг тасвирий фаолиятларига мўлжалланган жиҳоз ва материаллар:

— бу энг аввало педагогик мақсадга мувофиқликдир (эстетик тарбия мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги), у жиҳозларнинг болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ келиши (антропометрия, ранг, шакл, ҳажмни идрок этишнинг психологик талаблари ҳисобига олиниши); хавфсизлик техникаси ва санитария-гигиена нормаларининг талабларига риоя қилиниши (ўткир, кесишган бурчак ва қирраларнинг, айланувчи деталлар ва қисқичларнинг бўлмаслиги, мазкур жиҳозлар фойдаланиладиган иқлим шароитлари ҳисобга олиниши ва бошқалар);

— чиройли ташқи кўриниш; бу барча предметлар чиройли, ёрқин, замонавий материаллардан тайёрланиши, уларни пардозлашда миллий колоритдан (нақш, ранг услублари, материал фактурасидан) фойдаланиш мумкинлиги;

— архитектура-бадий ва конструктив масалалар ечимидаги комплекслиликни, яъни стиль, ранг, шакл, конструкция, жиҳозлар комплекти, материалларнинг бирлиги каби баъзи умумий талабларга жавоб бериши керак.

Группада махсус қўлланмаларнинг мавжуд бўлиши тарбиячига машғулотларни, шунингдек бўш вақтларда мустақил бадий фаолиятни ташкил қилишида ёрдам беради. Тарбиячи машғулотлар учун жиҳозлар (мольберт, расмкор қўлланма, бўёқ, мўйқалам, қоғоз, дидактик материаллар)ни программа вазифаларига

мувофиқ тарзда танлайди. У турли жиҳозлардан алоҳида ёки машғулот давомида бириктириб ва бу орқали болага самаралироқ бадий-педагогик таъсир этишга эришиб, комплектда фойдаланиши мумкин.

Болаларнинг борлиқ ҳодисалари ва тасвирий санъат турларининг хилма-хиллиги ҳақидаги тасаввурларини ўстиришда расм, граюра, декоратив-тасвирий санъат асарлари ва китоб иллюстрацияларнинг репродукциялари тарбиячига катта ёрдам беради. Улар болаларга эмоционал таъсир кўрсатади, ўз ижодий кучини бадий фаолиятда синаш иштиёқини уйғотади. Масалан, тарбиячи мувофиқ келувчи ўқув материалларини тайёрлаб, машғулотларда болаларни тасвирий (рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика), декоратив-амалий санъат (анъанавий халқ ва замонавий санъат — шиша, керамика, ёғоч, суяк, лакли миниатюралар, кашта ва бошқалар), жанрлар (манзара, натюрморт, портрет, анималистика, батал-қаҳрамонлик) турлари билан таништиради. Болалар тасвирлаш саводи ва бадий ифодалилик воситалари (тасвир, ранг, композиция) ҳақида тасвирий ва амалий декоратив санъат материаллари ҳамда техник усуллари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Масалан, болалар пейзаж билан танишганда, рассом турли шакллар ва табиат бўёқларини ифодалашда фойдаланган бадий ифодалилик воситаларини онгли равишда англайдилар. Қиёслаш учун А. Левитаннинг «Золотая осень» ва А. Куинжининг «Березовая роща» репродукцияларини кўрсатиш мумкин.

Расм репродукциялари, альбомлар, бадий откриткалар тўплами болалар боғчасининг кўчма галереясини ташкил қилиши мумкин.

Тасвирий фаолият машғулотларидаги кўрсатмали қўлланмаларнинг бошқа тури рангли ва оқ-қора диапозитивлардир. Улар шуниси билан қулайки, болалар махсус аппаратдан<sup>1</sup> фойдаланиб, ҳар бир кадрни индивидуал ва коллектив бўлиб кўришлари мумкин. Диапозитивни экранда намойиш қилиш тарбиячига болалар эътиборини айрим кадрлар, расмнинг махсус йириклаштирилган деталлари ёки халқ усталарининг буюмлари, уларнинг шакли, бўёқлари, нақшларига қаратиш имконини беради; диапозитивлар ёрдамида болалар табиат ҳодисалари, унинг фаунаси ва флораси — ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар, ўсимликларни яққол ва рангбаранг ҳолда тасаввур қила оладилар. Уқитиш қўлланмалари сифатида таркибида болаларнинг мазкур фаолият турлари учун зарур бўлган бадий информацияли диафильм ва кинофильмлардан фойдаланиш мумкинлиги тамоман равшандир.

Бола мустақил иш кўра оладиган қўлланмалар алоҳида эътиборга лойиқдир. Булар мозаика, китоб-ўйинчоқлар, бўяш учун альбомлар, лото, стол-дидактик ўйинлари, аппликация ва конструкция қилиш тўпламлари, қўғирчоқлар ва декорация макетлари ва бошқалардир. Масалан, ранг юзасидан ўйинлар болаларга спектр ранглари, уларнинг оттенкаларини қизиқарли шаклда эгаллашларига ёрдам беради. Геометрик мозаика бир вақтнинг

<sup>1</sup> «Огонёк», «Ленинград» ва бошқа диаскоплар.

Ўзида ранг билан ҳам, шакл билан ҳам, композиция билан ҳам та-ништиради. Ўйин ва қўлланмаларнинг хилма-хиллиги улардан тар-биявий ишларда хилма-хил фойдаланишни назарда тутати.

Бугунги кунда болаларнинг тасвирий санъат машғулотлари учун анчагина хилма-хил материаллар ва тасвирий-ифодалаш во-ситаларини тавсия қилиш мумкин: булар турли фактура, ранг ва форматдаги қоғоз ва картонлар, калька ва газламалар, турли рангдаги журнал, проспект, газета қирқимлари; гуашь, темпера акварель бўёқлари, флюоресцент ва анилин бўёқлари, рангли релье-еф пастаси, фломастерлар, рангли қаламлар, сангина, кўмир, бўр ва пастеллар, турли фактура ва катталиқдаги мўйқаламлар; лой, рангли пластилин, қор, қумга расм чизиш учун стекалар ва таёқчалар, нур фильтрининг рангли ленталари; майда-чуйдалар яшаш учун турли қиқинди ва табиий материаллар. Шуни қайд қи-лиш керакки, материалларнинг фактураси ва сифати болалар ишларининг ифодалилиги ва ташқи кўринишига таъсир қилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўртасида тасвирлаш, ифо-далаш воситаларидан энг кўп тарқалгани рангли қаламлар дейиш мумкин. Уларни қулайлиги, фойдаланишдаги оддийлиги, ёрқинли-ги учун яхши кўришади. Қаламлар билан исталган қоғозга (силлиқ, ялтироқ қоғоздан ташқари) расм чизиш ва тасвирланаётган пред-метларнинг турли фактурасини ифодалаш мумкин. Рангли қалам-лар набори анчагина кенг палитра оттенкаларига эгадир.

Тарбиячи машғулотларда болаларга қаламлар билан «живо-пись» расм чизишни: штрихлаш, устидан ранг бериб, маълум ранг-га эришишни ўргатиши керак. Шунингдек, бир рангдаги, бироқ, бир неча оттенкали қаламларни кўрсатиш, уларнинг хилма-хиллиги устида тўхталиш, худди шундай ранглари атрофдан (кўйлак, лента, ўйинчоқ, девор ва шу кабилар ранги) кўрсатиш керак.

Болалар боғчасидаги машғулотларда болалар фақат қалам-лар билан эмас, балки бўёқ — гуашь ва акварель билан ҳам расм солади. Буларнинг иккаласи ҳам сув бўёқлардир. Бироқ гуашь анча зич, ёрқин, равшандир. У анчагина кенг ранг ифодалилик палитрасига— ёрқиндан бошлаб то спектраль тўйинтирилган пастель, нафис тонгача ифодалиликка эга, бунга асосий ранг-ларни оқ бўёқ (белила)қа аралаштириш орқали эришилади. Гу-ашь бўёғининг энг ёрқин хилма-хиллиги — бу люминесцент, у декоратив-безаш ишларида кенг қўлланади. Гуашь билан кат-та номерли мўйқаламлар (текис, думалоқ, юмшоқ ва ярим қат-тиқ, 8—14—16 номерли) да қаттиқ қоғоз саҳифаларига расм со-лиш маъқул, ҳатто гул қоғоз ва ўраш учун ишлатиладиган қоғоз-лардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Акварель гуашдан фарқ қилиб, пухта тайёрланган, ишқалаб майдаланган, қорилган қопловчи қатлами деярли шаффоф, оттен-каларининг нафислиги билан ажралиб турувчи бўёқдир. Агарда ис-талган қоғоз ва картоннинг сатҳига гуашь қалин бериладиган бўл-са, акварель билан ишлаганда қоғознинг сифати муҳим роль ўйнай-ди, чунки унинг фактураси бўёқнинг юпқа қатламидан кўрнингб туради. Буни назарда тутган тарбиячи машғулотга керакли ускуна

ва материаллар: сув учун идишлар, юмшоқ мўйқаламлар (6 — 8 — 12 — 18 номерли белка), бўёқларни аралаштириш учун палитра. альбом варағининг камида ярмига тўғри келувчи қалин оқ қоғоз тайёрлаб қўйиши керак.

Гуашь билан бўладиган машғулотларга тайёрланишда кўпинча бу зич бўёққа сувни кўп миқдорда қўшиб, рангсизлантириб юборилади. Расмлар ранглигини йўқотади, пала-партишлик касб этади (кўкарган, ёйилган ва шу кабилар). Гуашь билан ишлашнинг муҳим қоидаларидан бири унга сувни кам миқдорда аралаштиришдир. Бўёқ кичкина шиша банкачада суюқ қаймоқ тарзида аралаштирилгандагина у фойдаланиш учун тайёр ҳисобланади. Бундай ҳолда гуашь тамоман аниқ тўйинган ранг беради. Акварель билан ишлаганда эса, аксинча сувни рангнинг нафис, шаффоф оттенкасига эришгунча қўшиш керак, чунки қалин бўёқ рангни қоғозда қорайтириб, «эйтиборсиз» қилиб қўяди.

Бўр қаламлар, масалан, пастель анъанавий бўёк ва қаламлар олдида одатдан ташқари материал ҳисобланади. У тон ва ярим тонлар палитрасига бойдир. У билан исталган фактура ва рангдаги қоғозга расм солиш мумкин. Агар одатдаги қаламда чизиқ ингичка чизилса, пастель қалам билан исталган қалинликда чизиқни чизиш, қоғозда тасвирланган катта-катта жойларни бўяш мумкин, ранг устига ранг берилганда у яхши аралашиб кетади. Бироқ, пастель осон увалапади, расмдан худди кукун каби тўкилади, агарда расм биркитилмаса, қоғозга ёйилиб кетади. Расмни шундай чизиш керакки, қўл бўялган сатҳга иложи борича камроқ тегсин. Бунинг учун қоғоз мольберт (ёки индивидуал планшетга) ўрнатилади. Болаларнинг пастель билан чизган расмларини узоқроқ сақлаш учун унинг устига юпқа қоғоз ёки калька ёпилади, бундай расмни папкалар эса вертикал ҳолатда сақланади.

Бадий материалнинг бошқа тури мўмли бўрлардир, улар кам уваланади, чунки таркибида мўм бўлади. Бироқ улар тон палитрасига бой ва елимли пастелга нисбатан бир оз ёрқинроқдир. Мўмли ва пастель бўрларни бўёқлар сингари болаларнинг машғулотлардан ташқари бўш вақтлардаги мустақил бадий фаолиятлари учун тавсия қилиш мумкин.

Кейинги вақтларда тамоман ёрқин, анилин ранглар берадиган фломастерлар болалар ўртасида ҳам, катталар ўртасида ҳам кенг тарқалди. Фломастерлар тиниқ декоратив чизиқ (ингичка ва йўғонроқ) берувчи фетр ёки нейлондан қилинган грифель стерженга эгадир. Улар махсус рангли паста ёки «Радуга» типидagi сиёҳлар билан тўлдирилади. Бола фломастер билан чизар экан, ҳеч зўриқмайди. Бироқ қоғозга туширилган расм чизиқларини тўғрилаб бўлмайди — улар ўчмайди ва ювилмайди. Фломастер билан исталган материалга — қоғоз, картон, газлама, полиэтилен ва шу кабиларга расм солиш мумкин. Стержени энли фломастердан байрам ва кўнгил очишларга декоратив безаклар тайёрлашда фойдаланиш маъқулдир. Фломастернинг енгил юриши йирик ҳажмда тасвирлаш имконини беради. Ингичка

стерженли фломастерлар билан қоғознинг кичик қисмларига расм солинади, майда деталларга ишлов берилади.

Болаларнинг машғулотдан ташқари тасвирий фаолиятларини жиҳозлаш ҳақида икки оғиз сўз. Одатда машғулотларда қўлланилган ускуналар болаларнинг фаолиятларида ҳам қисман қўлланилади. Бироқ, машғулотларда болалар ўқитилади, демак, асбоб-ускуналар конкрет бадий-педагогик вазифаларга мувофиқ келиши билан бирга, содда ва ҳар бир бола учун қулай бўлиши керак. Дам олиш вақтларида, болаларда индивидуал қизиқиш, майл ва имкониятлар пайдо бўлганда у анчагина хилма-хил бўлиши мумкин. Тасвирий фаолият зонаси декоратив безагининг характери ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Бу бипонинг ҳажми, унинг умумий безалиш услуби ҳамда тарбиячилар ва болаларнинг конкрет имкониятларига боғлиқдир.

## ТУРМУШ ЭСТЕТИКАСИ

### Бинони бадий безаш

Болалар атроф-муҳитга нисбатан жуда таъсирчандирлар, шунинг учун ҳам болалар боғчасининг барча нарсалари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Предмет дунёси кўринишида пасив бўлса-да, кичкинтойларга актив таъсир кўрсатади. Улар нарсаларнинг нималарга мўлжалланганлигини билиб оладилар, ўйинчоқларни уларнинг шакли, ранги, пропорцияси, материалга эътибор бериб, ўзаро қиёслайдилар. Улғая борган сари улар мебелнинг турлича қўйилиши, ўйинчоқларнинг турлича жойлаштирилиши мумкинлигини, хона деворлари қандай безалганлигини сеза боладилар. Болалар аста-секин машғулотларга тайёрланишда, тушликка стол тайёрлашда, группа хонасини байрам ёки кўнгили очишларга безашда иштирок эта бошлайдилар. Болалар предметларнинг фазодаги ўзаро алоқасини шу йўсинда аниқлаб, ўзларини намоён қилишга чоғланадилар ва намоён қиладилар. Улар энди ўзлари учун яратилган ҳамма нарсалардан фойдаланибгина қолмай, балки керакли муҳитни яратишда ўзлари ҳам иштирок эта бошлайдилар. Болаларнинг бу қайта яратувчилик фаолиятлари катта кишининг доимий йўллаб турувчи ёрдами натижасида уларда гўзаллик ва фойда келтириш ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишида ёрдам беради, эстетик дид ва ижод эҳтиёжини тарбиялайди. Бу жараённинг муваффақиятли ривожланиши учун болани боғчада ўраб турган муҳит мазмунли-информатив, жозибали ва қулай бўлиши, педагог эса болаларнинг бадий тарбияси ва турмуш эстетикаси масалаларини яхши билиши керак.

Турмуш эстетикасининг ўзи нима? Педагогик процессни амалга ошира бориб, турмуш эстетикасини ташкил қилишда қандай қоидаларга амал қилиш керак?

Турмуш эстетикаси — мутахассислар фикрича — бизни ўраб турган гўзаллик, фойда келтириш қонуниятларига кўра ташкил қилин-

ган бутун вазият, бизнинг хатти-ҳаракат услубимиз, ташқи кўри-  
нишимиз, кийимимиз, яъни биз ва атрофимиздаги одамлар учун  
яхши кайфият яратадиган (бу эса тўлақонли меҳнат қилиш ва  
дам олишни таъминлайди) ҳамма нарсадир. Эстетиклик дега-  
ни — бу баъманилик, демак қулай ва албатта гўзаллик ҳамдир.

Болалар боғчасида турмуш эстетикаси масаласи мураккаб  
проблемадир. Бир томондан биноларнинг бадний безали-  
ши — умуман педагогик таъсир воситаси, болаларни эстетик  
тарбиялаш воситаси, иккинчи томондан — комплекс архитекту-  
ра-бадний вазифаларни ҳал қилиш воситаларидир. Бу позиция-  
ларни қарама-қарши қўймаймиз, бунинг устига мактабгача тар-  
бия муассасаларини безаш практикасида бундай бўлиниш йўқ.

Биноларни бадний безашнинг тарбиявий томонлари қуйида-  
гиларни:

— таълим-тарбиявий жараёнларни ускуналашнинг мақсадга  
мувофиқлиги, уларни «Болалар боғчасида тарбия программаси»  
талабларини бажариш учун керакли мебель, инструментлар,  
қўлланма ва материаллар билан таъминланганлиги, шунингдек,  
бинодаги болалар фаолияти зоналарида жойлаштирилиши;

— болаларнинг умумий ва бадний ривожланиши вазифасини ба-  
жаришда предмет-жой алоҳида компонентларнинг (эстетик  
таъсири);

— барча предмет-жой муҳитининг болаларга эстетик таъси-  
рини аниқлашни назарда тутади.

Бадний безашни муайян архитектура — бадний вазифаларни  
ҳал қилиш воситаси деб қараганда қуйидагилар:

— замонавий мактабгача тарбия муассасалари биноларининг  
типи, хоналарни зоналаштириш ва участкани планлаштириш  
принциплари, ривожланиш тенденциялари;

— болалар мактабгача тарбия муассасасининг ранг пардозини  
ва уни ёритиш принциплари;

— болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларини жиҳоз-  
лашда фойдаланиладиган махсус мебель, инструмент, қўлланма  
ва материалларнинг хусусиятлари;

— болалар боғчаси хоналарини декоратив безашнинг хусу-  
сиятлари (бу мақсадда газлама, керамика, металл, ёғоч, пласти-  
кадан тайёрланган халқ ва замонавий, декоратив-амалий санъат  
асарларидан фойдаланиш; расм, гравюра, ҳайкаллар репродук-  
циялари, шунингдек, катталар ва болалар томонидан табиий ҳам-  
да чиқинди материаллардан ясалган хилма-хил буюмлардан  
фойдаланиш);

— интерьер ва участкани кўкаламзорлаштириш ҳамда тирик  
табиат бурчакларини безаш принциплари эътиборга олиниши  
керак.

Энди айтиб ўтилганларнинг бир-бирига қандай бирикиб кети-  
шини кўриб чиқамиз. Агарда бола ноқулай шароитларда тарбия-  
ланаётган бўлса, унинг соғлиғининг яхши бўлиши тўғрисида га-  
пириш мумкинми? Албатта йўқ. Ёруғлик, тозаллик, кенглик инсон  
ҳаёт қобилиятининг гаровидир. Бу эстетик ташкил қилинган му-



ҳитнинг энг муҳим шартидир. Шунинг учун деразалар, шкафлар ва тоқчалар, гул туваклар, қафаслар ва аквариумлар билан тўсиб қўйилишига йўл қўйиб бўлмайди. Жонли бурчакни дераза ёнига жойлаштириш лозим. Хонадан ҳамма ортиқча нарсаларни чиқариб ташлаш лозим ва уни мебеллар билан тиқиштириб ташлаш, полга ўйинчоқларни кўпайтириб қўйиш керак эмас. Хона кенгроқ бўлгани маъқул. Агар болани ўраб турган муҳит оддий (қўпол, чекланган) ва мантиқсиз бўлса, бола булар билан муносабатда бўлганда, улардан прогрессив информация олмаса, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тўлақонли ақлий тарбияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун группа хонасидаги эстампларни ва бошқа тематик бадий-декоратив безак предметларни тез-тез алмаштириб туриш лозим. Боланинг эътиборини замонавий материаллар, ўйинчоқлар сайқали, жиҳоз предметларининг сифати ва услубига қаратиш керак. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг бадий идрок, фантазияси, тасаввурини ўстиришда бадий безашнинг роли каттадир. Бироқ бу айтилиши вақтда боланинг билиш фаолиятини ҳам ўстириш демакдир. Кичкинтой ўқув материални, агар бу вақтда у фойдаланаётган мебель қулай ва чиройли бўлса, агар унда у ёки бу фаолият учун янги тайёрланган анжомлар, жозибали ва сифатли материалларнинг керакли ассортименти бор бўлса, агар у намунани кўриш воситасида яхши идрок қилса ва унинг эътиборини ҳеч нарса четга тортмаса, яхшироқ ўзлаштиради. Агар бола яхши материалдан юқори сифатли қилиб тайёрланган предмет билан муносабатда бўлса, унда тартиблилик, тежамкорлик катталар меҳнатига қизиқиш сифатлари тарбияланади. Табиийки, бу ижобий сифатлар катталарнинг бевосита доимо таъсир этиб туриши натижасида мустақамланади. Бинони безашнинг педагогик йўлланганлиги болаларнинг машғулотида самарали ўқитилишини таъминлашда ва боланинг ўта хилма-хил мустақил фаолияти учун шароит яратишда намоён бўлади.


Болалар боғчасида ҳар бир боланинг коллективда бадий ривожланиши учун шароит яратилиши керак. Шундай экан, жиҳозлаш ҳам бир вақтда болаларни индивидуал ва коллектив тарбиялаш ҳамда ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга мувофиқ келиши керак. Масалан, машғулотларга мўлжалланган столлар барча болаларни педагогга нисбатан тўғри жойлаштиришга имкон беради, шу билан бирга, ҳар бир бола маълум ажратилган аниқ жойга ва ўз иш жойига эга бўлади. Беш тахтали стол ҳам шу талабларга жавоб беради, машғулотлардан бўш вақтда ёқтирган иши билан шуғулланишида — расм солиш, лой ва пластилиндан нарсалар яшаш, клейлаб ёпиштириш ва шу кабиларда ҳеч ким халақит бермайди. Агар кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар кичик группачаларда ўйнашни, баъзан эса ёлғизликни афзал кўрсалар, каттароқ болаларни, одатда, анча мураккаброқ ҳамда коллектив машғулоти ва ўйинлар ўзига тортади. Бироқ болалар боғчаси хоналарини жиҳозлашда кичкинтойларни бирлаштириш ва ёқтирган ишига берилиб кетган каттароқ



Мактабга тайёрлов группасидаги бадний-нутқий фаолият зонасининг жиҳозланиши



Тасвирий фаолият зонасининг жиҳозланиши.



Жисмоний тарбия машғулотлари зонасининг жиҳозланиши.

болаларнинг индивидуал машғулотлари учун шароит яратишни назарда тутиш лозим.

Исталган болалар муассасаси болаларга мўлжалланган асосий ва ёрдамчи деб аталмиш хоналарга эгадир. Асосийси — группа хоналари, ечиниш, ухлаш хоналари ва музика ҳамда жисмоний тарбия машғулотларига мўлжалланган зал, ёрдамчиси — вестибюль, коридор, зиналардир. Мудир кабинети, педагогика кабинети, медицина хонаси ва бошқа хоналар муассасанинг маъмурий-хўжалик блоки ҳисобланади. Табиийки, ҳар бир хона нимага ва қандай мақсад учун мўлжалланганлигига қараб жиҳозланади. Айтайлик, роялни ётоқхонага, медицина инвентарини эса ечиниш хонасига жойлаштириш бемаънилик бўлар эди. Бироқ турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган биноларни жиҳозлаш ва безашга келганда шуни айтиш керакки, мазкур бино қайси ёшдаги болаларга тегишли эканлигини ҳар доим ҳам дарҳол аниқлаб бўлмайди. Кўпинча кичик ва ўрта, айниқса катта ва мактабга тайёрлов ёшидаги болаларнинг группа хоналаридаги жиҳозларнинг бир-биридан деярли фарқи бўлмайди. Бир хилликни бино пардози рангини ўзгартириб, жиҳозларни бошқача жойлаштириб, таниш символикани киритиб, бартараф қилиш мумкин.

Мактабгача тарбия муассасасининг интерьери мактабгача тарбия ёшидаги болаларни бадий тарбиялаш вазифалари ҳамда архитектура ва дизайн (техник эстетика)нинг замонавий талабла-

рига мувофиқ безалади. Мазкур ҳолатда безашнинг асосий принципи комплекс ёндашиш принциpidир. Комплекс лойиҳалаштириш ўз натижасида ансамблнинг яратилишини назарда тутлади. Бадий безаш ансамбли тушунчасига биноларни ҳар хил рангда пардозлаш ва ёритиш характери; уларни функционал мебель билан комплектлаш ва жойлаштириш (планировка), интерьерни тасвирий ва халк декоратив-амалий санъати предметлари билан махсус безаш, табиат бурчагини ташкил қилиш ва безаш, хоналарни кўкаламзорлаштириш, шунингдек, группа хонасига болаларнинг хилма-хил фаолият турлари учун жиҳозларни жойлаштириш — биноларни зоналаштириш қиради.

Болалар атроф-муҳитни баҳолашларида рангнинг роли ҳақида кўп гапирилган. Рангнинг маълум эмоция, кайфият яратиш қобилияти ҳам маълум. Мутахассислар пардозлашдаги ёрқин, «илиқ» куёш нури тони болаларни ҳаяжонлантиради, қувонтиради, пастель, майин «сосойишта» тинчлантиради деб ҳисоблайдилар. Болалар муассасини рангли безашда рангнинг реал фазо жойни кўз билан (визуаль кўриш орқали ўзгартириш қобилияти ҳам ҳисобга олинади. Чунончи, тўйинган «илиқ» (спектрнинг сариқ-қизил қисми) кўришда фазони қисқартиради. Ва аксинча, бўзарган ҳамда «совуқ» тонлар (спектрнинг кўк-зангори; қисми) фазони кенгайтиради. Бундан пардозловчилар фойдаланишади. Агар масалан, узун коридорнинг деворлари бўшлиқни сурадиган оч тонга (ҳаво ранг, оч яшил, кул ранг) бўялса, ён деворларни тўқ сариқ, қизил ёки сариқ рангга бўяш мумкин. Рангларни мувофиқлаштириш вариантлари кўп.

Рангларни мувофиқлаштиришнинг асосий спектраль ранг ҳалқаси қонуниятларидир. Ранг гаммаси контрастига кўра: ранг ҳалқасининг диаметраль қарама-қарши томонларида ётувчи ранглар (сарик-бинафша, сариқ-яшил — қизил-бинафша); ранг доирасига киритилган томонлари тенг учбурчак учларида ётувчи ранглар; хроматиклар (рангли)ни ахроматиклар билан (оқ, кул ранг, қора) — ўхшашлигига кўра (сарикни ва сарғиш-тўқ сариқларни, кўкни ва оч кўкни, жигар рангни ва охра-тилла ранг оқни ва хира яшил билан бириктириш ва шу кабилар) бириктириб танлаш мумкин.

Болалар боғчалари хоналарини рангли пардозлашда деворларни панелсиз, жилосиз услубда безаш ўзини оқлайди. Бу — қараганда фазони кенгайтиради ва деворлар фонидан қўшимча жиҳозларда фойдаланишга ёрдам беради. Бироқ, деворларни панель услубида ҳам бўяш мумкин, бунини эшик баландлигида қилган маъқул, бу кўрганда фазони бирлаштиради. Болалар бўладиган хона очиқ тонга бўялади. Коридор, зинапоя, вестибюлни интенсивроқ рангга бўяш мумкин.

Кичик группаларда деворлар илиқ «куёш нури» тонида, катта группаларда анча тинч оқ, совуқ-кумуш ранг тусга бўялади. Ухлайдиган хона мавжуд бўлган биноларда группа хоналарининг ранги тўйинганроқ бўлиши мумкин. Кўпинча деворларни икки тонда бўяшади, бироқ бир тонда ечимга интилишни кўриш мумкин.



Педагогика кабинетининг жиҳозланиши.



Вестибюль тематик педпропаганда стенди.

Бундай ҳолда группа хонаси рангининг умумий тоници ечинадиган ёки ухлайдиган хона ранги билан бириктириш лозим. Айтайлик, майин сариқ тонга бўялган группа хонасининг эшигидан ухлайдиган хонанинг нозик кук ранги кўзга ташланиб туради. Девор учун ранг танлашда пол, мебель, бўлажак парданинг ранги ҳисобга олинади. Хонада қандайдир бир етакчи ранг гаммаси устунлик қилиши керак (у катта майдонни эгаллаши ва шунинг учун ҳам интерьернинг ранг фони ҳисобланганлиги туфайли устунлик қилади — бу деворлар, полнинг рангидир); бошқа гамма — иккинчи даражали, булар мебель, гилам, дераза пардаси, ўйинчоқлар, қўлланмалар ва бошқалар рангларидир.

Биоларни жиҳозлашда ансамбль яратиш учун, айтиб ўтилганидек, мебель ва бошқа асбоб-ускуналарни танлаш, жойлаштириш лозим. Болалар боғчаларига мўлжалланган мебелнинг тури жуда кўп: стол ва стуллар, шкаф ва кроватчалар. Бироқ, махсус машғулотлар ўтказиш ва болаларнинг мустақил фаолиятлари учун қўшимча асбоб-ускуналар — ўқув доскалари, мольбертлар, токчалар, ширмалар ва кўпгина бошқа нарсалар керак. Янги нарсаларни лойиҳалаштириш ва улар билан шундай ҳам кичик бўлган хоналарни тиқиштириб юбориш шарт эмас. Айтиб буюмдан турли мақсадларда фойдаланиш қўлайдир. Болаларнинг ўйин ва машғулотлариغا мўлжалланган очиладиган токчали, ўйин ва машғулот учун столчали секцияли шкаф-девор бунга мисол бўла олади. Полдан шипгача етадиган бундай шкаф-девор группа хонаси билан ўйнайдиган ва ухлайдиган хона ўртасида чиройли тўсиқ бўлиши мумкин. Дераза тагидаги ўйинчоқлар қурилиш материаллари ва бошқа қўлланмалар учун яшиқ ҳамда токчали лентасимон столлар ҳам зарур ва жуда чиройли кўринади.

Болалар боғчаларига мўлжалланган мебеллар ёғочдан енгил металл ва пластика қўллаб тайёрланади. Енгил металл, пластика ҳамда кўп қаватли панелнинг махсус туридан тўлиқ штамповка ва пресслаш методида ясалган, йиғиладиган мебелни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Смола шимдирилган ва махсус режимда чиниқтирилган газлама материаллари, қоғоз ва картоннинг ўта пишиқ навларидан болалар мебелини яшаш устида тажрибалар олиб борилмоқда. Болалар мебели енгил, пишиқ, болани жалб қиладиган ва тамоман хавфсиз бўлиши керак. Уни пардозлашда материал, шакл ва конструкция бирлигига риоя қилиш керак. Қўлбола ёки бошқа гарнитурадан олинган токча, тумбочка ва бошқа нарсалар мебель комплекти таассуротини бузади. Болалар боғчасини катталар хонаси мебели билан ивирситиш керак эмас. Хона бурчагига диагональ тарзда қўйилган шкаф, худди шунингдек, катта девор ёнида турган ёлғиз шкаф сингари кўзга хунук ташланади. Девор шкафларини блоklarга тўплаш, комплектлаш ва улар ўртасидаги деворларда болаларнинг ўйинлари ҳамда машғулотлари учун махсус бурчаклар ажратиш лозим.

Мебель ва жиҳозларнинг ранг пардозида ҳам гармониклик

принципига риоя қилинади. Ёғочдан қилинган комплект мебель ва жиҳозлар табиий услубга эга ёки улар эмаль билан бўялади ёхуд уларга очиқ пластика қопланади.

Баъзан мебель гарнитурини олиш имконияти бўлмайди. Бундай ҳолларда мавжуд мебелни бир оз замонавийлаштириш ва бунда рассомлар таъбири билан айтганда, ранг пардози билан тарқоқ предметлардан жиҳоз «йиғиш» мумкинлигини ёдда тутиш керак. Ранг ечимига кўра девор, пол ранги билан бирлаштирилган бир неча намуналар (столлар, стуллар, шкафчалар), уларга мослаб декоратив жиҳозлар (дераза пардалари, ўйинчоқлар, гиламлар, амалий санъат асарлари) танлаш учун асос яратишга ёрдам беради. Бундай ҳолларда ансамбль яратиш кўп жиҳатдан болалар муассасаси ходимларига боғлиқ бўлади. Масалан, ўрнатилган шкафлар билан тўсилган деворни қаттиқ навли дарахт (бук, шумтол, қайин, дуб) тахталари билан пардозлаш ёки ёғоч толали плиталарга рангсиз лак қоплаб безаш керак. Ёғоч шпон ранги ва фактурасини эслатувчи декоратив елимли пластик плёнкадан ҳам фойдаланиш мумкин. Эшик ва шкаф тўсиқларидаги юпқа тахталарни очроқ ёки умумий контраст оқ ранг билан ажратган маъқул. Ёғоч фактурасининг фурнитура (пластик, металл) билан бирақиши яхши натижа беради. Намуналарни рангли эмаллар катта сатҳларни очиқ тонда, фрагментларни ёрқин тонда бўяш мумкин. Пластика қопланган намуналар бўялмайди. Ювувчи воситалар билан тез-тез ювиб туриладиган сатҳларга рангли пластика қопланади. Бунда ҳам худди бўяшдагидек ранг тонини танлаш принципига риоя қилинади. Ёрқин ва ўрта олачипор рангли пластикани қўлламаган маъқул, чунки унинг тасвири жиҳознинг бошқа предметлари ранги билан бириктириш қийин. Ҳамма рангдаги оч (оқартирилган) сатҳлар кўзга яхши ташланади.

Болалар боғчасининг бадий безалиши бинолар ёки хонанинг айрим қисмларининг функционал вазибаларини англашиб туриши лозим. Бу бадий-лойиҳалаш акцентлари безашнинг мағзини ташкил қилади. Бинонинг бадий-лойиҳа воситалари билан функционал участкаларга ажратилишига зоналаштириш дейилади. Тахминий зоналаштириш архитектор-лойиҳачилар томонидан тавсия қилинади, бироқ, одатда, иш жараёнида тарбиячи томонидан ниҳоясига етказилади. Бундан ташқари, группа хоналарини безашда лойиҳалашнинг шундай акцентларини қўйиш керакки, у дарҳол болаларнинг ёшини, мазкур хона кимга мўлжалланганлигини кўрсатсин, яъни безаш орқали мазкур ёшдаги болалар фаолияти учун асосий нарсаларни таъкидлаш лозим. Масалан, кичик ёшдагилар группаларидаги лойиҳалаштириш акцентининг асоси ўйин майдонидир. Бунинг устига практикада ўйин зонаси қатъий белгиланмаслиги ҳам мумкин, чунки болалар хонанинг исталган жойида ўйнайдилар. Бироқ, зоналаштириш педагогик жараёни тартибга солишга имкон беради, тарбиячига болаларни у ёки бу ишни бажаришда уюштиришга ёрдам беради. Қўғирчоқлар бурчаги учун рейка ёки рангли мато билан безатиладиган енгил,

паст, йиғма чодирлар тавсия қиламиз. Бу чодирлар икки томонли, дераза ва эшикли бўлиши мумкин. Унга атаб, қараганда уйин майдонини ажратиб курсатувчи, рангли бир гиламча танлаган маъқул.

Катта группа хоналарида машғулотлар зонасини жиҳозлашга ҳам катта эътибор берилади. Тарбиячи столи, комбинация қилинган доска, экран, шкафли ўқув-экспозицион жиҳозлар комплектининг мавжуд бўлиши яхшидир. Болалар мустақил фаолиятлари учун материал ва қўлланмалардан эркин фойдалана олишлари керак. Бу болаларни безалиши ва материали, инструментлари, қўлланмаларининг хилма-хиллиги билан ишга жалб қилувчи шкаф-витрина, токчалар бўлиши мумкин.

Болалар машғулотларда ва ундан ташқари вақтларда кўп ҳамда бералиб расм соладилар, лой ва пластилиндан нарсалар ясайдилар, конструкциялар қиладилар, тарбиячи билан ҳамкорликда турли буюмларни ясайдилар ва сўнг улардан ўз уйин фаолиятларида фойдаланадилар. Зоналаштиришда болалар ясаган нарсалар учун жой топиш зарур. Бу нарсалардан иложи борича болалар боғчасини безашда фойдаланилсин ва улар эстетик тарбия мақсадларига хизмат қилсин. Болалар ижоди кўргазмаси қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли кўргазмалар болаларнинг машғулоти, ўйин ва бадний фаолият зоналарида ташкил қилинади. Болалар ишининг вестибюль, коридор ва бошқа хоналардаги кўргазмалари, одатда узоқроқ муддатга чўзилади, шунинг учун ҳам уларни безашни пухтароқ ўйлаш лозим.

Агарда болалар зални байрамга декоратив безашда қатнашган бўлсалар, улар тайёрлаган нарсаларнинг гарчи бир қисмидан бўлса ҳам такрор фойдаланиш керак. Декорацияларни сақлаш учун болалар боғчасида махсус хона бўлиши керак.

Ҳозирги кунда умуман сипо, замонавий интерьерни безашда қўл меҳнати предметларидан фойдаланиш қабул қилинган. Бу халқ ustalари ясаган нарсалар бўлиши мумкин. Замонавий услубдаги бинода халқ каштачилиги, тўқимачилиги элементини парда ёки гиламча, хохлом нақши ёки богород ўймакорлиги берилган столча кўзга яхши ташланади. Бу буюмлардан ўйин, китоб кўриш, болаларнинг музика ва мустақил тасвирий фаолиятлари бурчагини безашда фойдаланиш лозим.

Болалар боғчаси деворларининг декоратив безалиши асосида катта дидактик ва эстетик информация ётади. Деворларни безашда бир шакл ва рангни ўқинчиси қоплайдиган композициялар мақсадга мувофиқ эмас, тушуниш қийин бўлган шакллар (учбурчаклар, ромблар, оваллар ва бошқалар)га ҳам берилиб кетмаслик керак. Нақш ёки қоғозга кўчириладиган суратлар типдаги тасвирлар наклейка тарзида идрок қилинади ва умумий безашдан «тушиб» қолади. Безак элементларини деворлар, деразалар, эшикларга ёпиштирмаслик, санитария техникаси арматураларига, ёритқичларга, архитектурада назарда тутилган туртиб



чиққан жойларга ва шу кабиларга маҳкамлаш лозим — уларни осиладиган чизиқ вертикаль бўлган карнизлардан фойдаланиб намойиш қилиш керак. Декоратив безакнинг пала-партиш тайёрланганлиги ва жойлаштирилганлиги (жуда баланд, паст, қийшиқ, дунг ёки эгилган) шунингдек, бесўнақай, мураккаб композициялар ҳам унинг эстетик таъсирини пасайтиради.

Группалардаги табиат бурчаклари турлича безалади. Бундай зонанинг конструктив асоси ўсимлик, озуқа, қафас, аквариумларга мўлжалланган кўндаланг тоқча ва шкафчали устунлар бўлиши мумкин. Секцияли типовой ускуналардан ҳам фойдаланиш мумкин. «Табиат хонаси»ни, агар у бор бўлса, безаш учун табиий материаллар — тўнка, бутоқ, пўстлоқ, шох, қум, лой, тош, қум тошлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аквариумлар, «ўтлоқлар» рангли филтрлар ёрдамида ёритилади (ойна, лента, бўялган лампа). Ўсимликларни шундай танлаш керакки, гулларни йил бўйи очилиб турсин. Табиат бурчагини безашда сунъий гул ва ўсимликлар истисно қилинади, бироқ у ерда гербарий учун жой топилади.

Замонавий жамоат интерьерини мувофиқ келувчи техник ускуналарга тасаввур қилиб бўлмайди. Болалар боғчасида бу фақат бутун бинони ускуналарга эмас, балки болаларни ўқитишнинг аудиовизуаль воситалари ҳамдир. Масалан, группа хонаси ва ухлайдиган хоналарнинг ёритиш системасига зонал ёритишни ҳам қўшимча қилиш (машғулотлар, болаларнинг мустақил фаолиятлари — ўқиш, расм солиш, стол ўйинлари ва бошқалар учун) мақсадга мувофиқдир. Хоналар шинам, анча уйга ўхшашлик касб этади, бу айниқса қиш вақтларида тунги группа болалари учун муҳимдир. Таълим-тарбиявий ишларни яхшилаш мақсадларида болалар боғчасидаги асосий биналарнинг умумий ёки айрим жойини қоронғилатиш имкониятлари назарда тутилади.

Байрам ва кўнгил очишлар ўтказиладиган залда чизимчали энгил каркасди декорацияларни осийш учун «панжаралар» системаси бўлгани яхши («панжарача» чизимчалар пружинали илгак, полга эса пластик сурғичлар ёки балластар ёрдамида мустаҳкамланади). Залга эса турли кинофильмлар намойиш қилиш, моно ва стерео ёзувларини тинглаш (магнитофон, граммпластинкалар), шунингдек, болаларнинг чиқишларини ёзиб олиш ва қайта эшиттириш имконини берувчи аппаратуралар ўрнатилади.

Группа хонасида эса музика ихлосмандлари учун индивидуал ёки группа бўлиб (4—5 бола) фойдаланишга мўлжалланган музика ёзувларини автоном система (наушниклар) орқали тингланадиган жойни ускуналарга мумкин. Телевизион кўрсатувлар, кинофильмлар, диафильмларни кундузи кўриш учун экранга ўрнатиладиган махсус ускуна бўлиши мақсадга мувофиқдир.

## Болалар боғчаси участкасини жиҳозлаш

Участкада болалар кўп вақтларини ўтказадилар, бу ерда уларнинг актив фаолиятлари давом этади. Участкада бўлиш болани доим қувонтиради, ўйинга ундаши, хилма-хил фаолиятларга жалб қилиши, жисмоний соғломлаштириши учун участканинг жиҳозлари ва безалиши бир қатор бадий-педагогик талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар:

— группа, ўйин ва жисмоний тарбия майдончалари, ўтлоқлар, бассейн қуришда, айвонларни жойлаштиришни планлаштиришдаги архитектура-бадий ва педагогик мақсадга мувофиқлик;

— барча жиҳозлар (болаларнинг жисмоний тарбия, ўйин, бадий ва меҳнат фаолиятлари учун) нинг етарли миқдорда мавжуд бўлиши;

— участканинг мавжуд дарахт, бутазорлардан усталик билан фойдаланиб кўкаламзорлаштирилиши;

— йилнинг ҳамма фаслида ҳам участканинг бадий безалиши (бу мақсадда гулзор, бассейн, ариқлар, рельеф, тупроқ, ёзги экинлар ва қишда қордан қурилган қурилмалардан фойдаланиш);

— айвон, шийпон, арк, пергол, фонтанчалар, ўйин ва жисмоний тарбия жиҳозларининг бадий безалиши; кирадиган жой ва тўсиқлар, йўлкалар ва тупроқли майдончаларни безаш, бунда декоратив санъат асарларидан дарахтлар бирикмасида фойдаланишни назарда тутати.

Болалар боғчаси участкасининг планлаштирилиши таълим ва тарбиянинг программа талабларини бажаришга ёрдам бериши керак. Барча ёшдаги болаларнинг қизиқишларини назарда тутувчи йирикроқ ўйин қурилмалари ва аттракционлар умумий ўйин ва жисмоний тарбия майдончаларида қурилади. Бироқ, ҳар бир ёш группаси мазкур ёшдаги болаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ жиҳозланган ўз ўйин майдонига эга бўлади. Хўжалик қурилмалари зонаси иложи борича болалардан узоқлаштирилиши ва изоляция қилиниши керак.

Болалар боғчалари майдонлари архитектура бадий ечимининг бино типи ва сифими, иқлим, сейсмик ва бошқа шароитларга кўра хилма-хил вариантлари мавжуд, бироқ буларнинг барчасини участкаларни умуман ва зоналарни алоҳида жиҳозлаш ҳамда безашга комплекс ёндашиш принципи бирлаштириши керак. Бу композицион, ранг, пластик ва конструктив ечимлар услубининг биригида намоён бўлади. Участкани, унинг зоналарини планлаштиришда жой рельефидан, масалан, участканинг баланд-пастликлари, сув ҳавзалари, ариқлардан фойдалана билиш керак. Бу алпинарий, сунъий ғор, лабиринтларни кўкаламзорга моҳирлик билан бириктириб, яратишда, қишда эса — яхмалак, қор тепа, қор қурилмалари қуришда ҳисобга олинади.

Болаларнинг очиқ ҳавода бўлишлари уларнинг жисмоний, ақлий, эстетик ривожланишларига ёрдам бериши кераклиги тўғрисида участкага махсус жиҳозлар ўрнатилади. Жисмоний тарбия

ва группа майдончаларига бум, ёғоч, деворчалар, нарвончалар, улоқтириш учун мўлжаллар, сакраш учун тирговничлар, волейбол ўйини учун тўрлар, баскетбол ўйини учун саватли устун, стол тенниси учун столлар қурилади, городки учун майдонча жиҳозланади, коптоклар, болалар сакраб ўйнайдиган арғамчи, чамбараклар, қумли қопчалар, кеглилар, серсо ва бошқалар олиб чиқилади. Ўйин майдончаларида сув ва қум билан ўйнаш учун қурилмалар, шунингдек, хилма-хил ўйинчоқ ўйлар, «машиналар», «автобуслар», «самолётлар», «ракеталар» бўлиши керак. Ёзда участкада майда ҳайвонлар учун вальерлар тайёрлаш ёки қафас ва террариумларни олиб чиқиш, қишда қушлар учун донхўрак ўрнатиш мумкин. Группа майдончаларидаги фундаментал қурилишлар — соя туширувчи айвонлар, шийпонлар, ёзги душли бассейнлар, шунингдек, ойнаванд томлар ташқи кўриниши орқали болаларни гўзаллик билан таништириши керак. Очиқ ҳавода болаларнинг бадий ва амалий фаолиятларини ташкил қилиш учун майдончада мольбертлар, планшетлар ўрнатиладиган жой назарда тутилиши китоб ўқийдиган ва кўрадиган шинам жойлар қилиниши, театр томошалари учун чодир, болаларнинг чиқишлари учун сахна ўрнатилиши керак.

Болалар боғчаси участкасини безашнинг муҳим элементларидан бири дарахтлардир. Улар болалар боғчаси территориясини чанг ва шовқиндан сақлайди, группа участкалари ўртасида декоратив тўсиқ хизматини ўтайди. Бу мақсадда паст ўсадиган дарахтлар, яшил деворлар, буталар (рябина, сирень, ясмий, учқат ва бошқалар)дан фойдаланилади. Бино, тўсиқ, стационар ўйин ва жисмоний тарбия қурилмалари, айвонларни декорация қилишда чирмашувчи ўсимликлар (ёввойи ток, ширин мурч, боғ йўлкалар ёнига гуллар ўтқазиш лозим. Боғча экинзори ва парник дуккаклиси ва бошқалар)дан фойдаланилади. Группа ва жисмоний тарбия майдончаларига бир қатор ўт аралашмасини сепиш, бундан ташқари участкада бир йиллик ва кўп йиллик гуллардан гулзор, группа майдончаларида алоҳида гулхона барпо қилиш, хўжалигининг планировкаси ҳамда унинг тартибли сақланиши, шунингдек, доимо гуллаб турадиган зона яратилиши болаларга катта эстетик таъсир кўрсатади.

Болалар боғчаси биноси ва участкасини безашда декоратив амалий санъат асарлари (керамика, мозаика, нақш, қўйма буюмлар ва зарб қилиш, ўймакорлик ва газлама), парк ва боғ скульптурасидан фойдаланиш керак. Байрам кунлари участка болаларнинг тарбиячи билан биргаликда ясаган нарсалари билан безатилади.

Участканинг тўсиқлари одатда бетон блоклардан, баъзан эса металл конструкциялардан қилинади. Металл симлардан ясалиб тош, рангли пластмасса ёки ёғоч устунлар ўртасига қўйилган чиройли панжара дарҳол болалар эътиборини ўзига жалб қилади. Нақш беагаи ўта хилма-хил ўсимлик ёки геометрик шаклдан иборат бўлиши мумкин. Бетон тўсиқни бўяш керак эмас, металл

панжарани эса нейтрал қуюқ рангга — тўқ кўк, зангори, фишт ранг, кул ранг ва бошқаларга бўяш мумкин. Унга кириладиган дарвоза баланд бўлиши керак, шунинг учун у тўсиқдан анча баланд бўлиши мумкин. Киришнинг безаги — анча декоратив, контраст, ёрқин. Қўпгина болалар боғчаларининг номлари бор. «Елочка», «Солнышко», «Светлячок» ва бошқалар. Агар уларни керамика, металлдан қилинган декоратив символ тарзида тасаввур қилинса, арча, қуёш ва бошқаларнинг услублаштирилган тасвирлари билан бинонинг кириш жойи, ён томонларини безаш мумкин. Булутли кунларда ва кечқурунлари бу тасвирларни ёритиш керак. Бундай белги системасидан жиҳозларни безашда, болалар ва ходимлар кийимларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир ёш группаси учун умумий бўлган белги — символ қандайдир ўзига хос рангга бўялиши керак. Бу ҳам шинам, ҳам информатив. Учаткани жиҳозлашда декоратив белги — турли мақсадларга мўлжалланувчи (болалар «автотрассаси», жисмоний тарбия майдончаси, бассейн, жонли табиат бурчаги ва экинзор, кичкинтойлар майдони ва бошқалар) «кўрсаткичлари» ўрнатишни тасвия қилиш мумкин.

Кичкинтойлар учун группа майдончаларида қум солинган жой, уйча-айвон ва бошқа ўйин иншоотларини халқ эртаклари мавзуида безаш мумкин. Қумхона (қум солинган жой), ўйин чодири ва уйчалар, болаларнинг сюжетли-ролли ўйинлари учун қурилмалар («транспорт», «қурилиш» ва бошқалар), жисмоний машқлар учун конструкцияларнинг шакли ва бўёғи хилма-хил бўлиши мумкин, бироқ у ягона услубда ҳал қилиниши ва атроф-муҳит билан бирикиши лозим. Масалан, арғимчоқни капалак, ниначи, қақнус, олтин балиқ ёки улоқча, тойчоқ ва шу кабилар кўринишида қумхонани эса камалак, қип-қизил гулбарглари очилган лола — кўтарма столчали кўринишда яшаш мумкин. Бундай безаш болани жалб қилади, унда ўйнаш иштиёқини уйғотади. Бироқ, бу қурилмалар тамоман хавфсиз бўлиши кераклигини доимо ёдда сақлаш лозим.

Кўчма жиҳозлар (майда ўйин ва жисмоний тарбия инвентари) ва стационар деталлари асосий қурилмадан кўра интенсивроқ бўялади. Сув ва қум билан ўйнаш ускуналари — ёлғиз ва бириктирилган стационар ва кўчма, очиқ ва пана қиладиган тент остида — турли материаллар, ёғоч, фишт ва бетондан тайёрланган бўлиши мумкин. Болалар боғчасида ёрқин рангдаги пуфланадиган полимер плёнкадан ясалган оригинал шаклдаги кўчма сув ҳавзалари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг драмалаштирилган ўйинлари майдончаларда, очиқ хавода ўтказилади. Бунга йиғма-қисмларга ажраладиган декоратив айвонлар ёрдам беради. Енгил рангли газлама тентлар (капрон типидagi) дан қилинган ҳалқа тешикли, чодирлар металл каркас илгакларга тортилади. Устунларнинг баландлиги ва миқдори хилма-хил бўлиши мумкин. Чодир бетонлаштирилган тешиқлар — устунлар учун фиксаторлар бор жойга ўрнатилади. Чодирларни ўрнатиш, йиғиш ва сақлаш кўп қийинчидик туғдир-

майди. Худди шундай газламалардан ва мана шундай усулда чодирлар учун экран, ўйин уйчалари учун деворлар, «кораблик» (елкан ва борт), «автобус» ёки «трамвай» (корпус), «вертолёт» (винт парраклари) типидаги ўйин қурилмалари элементларини ясаш мумкин ва бошқалар.

Ўйин чодирлари, уйчалар, тўсиқчалар нарвончалар, декоратив қурилмалар ва ҳалқа ташлаш каби аттракционлар энг ёрқин рангларга ва уларнинг бирикмаларига бўялади, кўк, бинафша, жигар ранг, кул ранг бундан мустасно. Кўм-кўк дарахт барглари фониди оқ оч сариқ, тўқ қизил ва қип-қизил ранглар чиройли кўринади. Оч кўк ва сарғиш яшил, шунингдек спектрнинг барча «илиқ» рангларидан қум шағал ва шу кабилар қопланган очиқ майдончалардаги ускуналарни бўйишда фойдаланишни тавсия қиламиз. Ускунанинг бўёғини пластика, газлама, тент ва шу кабилар ранги билан мувофиқлаштириш керак.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар эркин, «ёввойи» майдончаларда ўйнашни ёқтирадилар. Шунинг учун катта мактабгача тарбия ёшидагилар майдончаларини ускуналарда табиий материаллар — ёғоч (дарахт танаси, тўнкаси, ғўласи), чим, қум, шағал ва шу кабилардан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу очиқ ҳавода ўйнаш вақтида болаларнинг фантазиялари ва тасаввурларининг ўсишига ёрдам беради.

Участкани металл конструкциялар билан жиҳозлаш йиғма-қисмларга ажраладиган кўшк, айвон, арклар — узини оқлади. Бу конструкциялар пишиқ ва уларни ўрнатиш қийин эмас. Уларни мустаҳкамлашда бирининг илгаги иккинчисининг учига тиқилади. Ёзда бу чиройли қурилмаларни печак, чирмовиқ билан қоплаш, қишда эса симлар ўраб қор билан қоплаш мумкин.

Болаларнинг очиқ ҳаводаги мустақил бадий фаолиятлари учун айвонда рангли бўрлар билан чизишга мўлжалланган махсус тахта ўрнатилади, мольберт, чодир, тахланадиган уйча ва бошқа бадий-ўйин ускуналари учун бокс ташкил қилинади. Стол-мольберт эътиборга лойиқдир. Бу чиқариладиган яшик бўлиб, таянч рамага қўйилади. Яшик қопқоғидан столнинг ўйналадиган сатҳи тарзида фойдаланилади, уни кўтариб икки томонлама мольберт ҳосил қилиш мумкин; бу ерда қаламлар ҳам бўёқлар ҳам, фломастерлар ҳам қўл остида бўлади.

Болалар қизиқишларига кўра тўпланишни яхши кўрадилар, уларга бу имкониятни яратиш керак. Йиғма-қисмлар ажраладиган ширмалар болаларга театр-ўйин вазиятларини яратишларида ёрдам беради.

Ёзда участкада соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади: болалар ҳаво ва қуёш ванналарини, сув процедураларини қабул қиладилар. Бу тадбир амалга ошириладиган жой, сув ҳавзаси — бассейн елвизак ва чангдан буталар қаторлари билан ҳимоя қилинган бўлиши керак, у ерга фақат печак, ёввойи ток, хмель ўраб олган орқа йўлдангина кириш мумкин. Бассейн ва бошқа сув ҳавзаларини сопол плиталар билан пардозлаш мақсадга

мувофиқдир, улар фонидан плёнкадан қилинган пуфланадиган хилма-хил ўйинчоқлар жуда чиройли кўринади.

Участкани жиҳозлаш ва безашда жўнлик, чиройлилик, гўзаллик ҳамда қурилма ва конструкциялардан фойдаланишда максимал қулайликка интилиш керак.

Болалар боғчаси биносининг тузилиши, участканинг айрилганларга мувофиқ жиҳозланиши болаларни эстетик тарбиялашга кўмак бериши шубҳасиз.

## МУНДАРИЖА

Кириш. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . . . .	3
<b>Болаларнинг атроф-муҳитга эстетик муносабатларини тарбиялаш</b>	<b>5</b>
Болалар боғчасида эстетик тарбиянинг вазифалари. Н. А. <i>Ветлугина</i>	5
Эстетик тарбиянинг мазмуни. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . . . .	9
Эстетик тарбия методлари. Ишни планлаштириш. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . .	24
Эстетик тарбия методлари . . . . .	24
Эстетик тарбия бўйича ишларни планлаштириш . . . . .	31
<b>Бадий фаолиятни ташкил қилиш формалари</b> . . . . .	<b>35</b>
Машғулот — бадий фаолиятни ташкил қилиш формаси . . . . .	35
Бадий-нутқий фаолият . . . . .	35
Бадий-нутқий тарбиянинг вазифалари. Л. Я. <i>Панкратова</i> . . . . .	35
Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг бошланғич бадий-нутқий фаолиятлари турларига раҳбарлик қилиш методикаси. А. Е. <i>Шибичкая</i>	36
Тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган болалар бадий-нутқий фаолиятларининг мазмуни ва ўқитиш методлари. Л. Я. <i>Панкратова</i>	46
Бадий адабиёт асарлари билан танишиш . . . . .	50
Ёдан ифодали ўқишга ўргатиш . . . . .	59
Нутқнинг ифодалилиги ва образлиглигини ўстириш . . . . .	62
Гапириб бериш ва ҳикоя қилиш . . . . .	63
Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг бошланғич музика фаолиятлари турларини бошқариш методикаси. И. Л. <i>Дзержинская</i> . . .	68
Музика фаолияти . . . . .	70
Музика тарбиясининг вазифалари. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . . . .	70
Тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни турли хил музика фаолиятларига ўргатиш методлари ва мазмуни. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . . . .	74
Тасвирий фаолият . . . . .	97
Тасвирий фаолият воситалари билан тарбиялашнинг вазифалари.	
Т. Г. <i>Қазакова</i> , В. А. <i>Езикеева</i> . . . . .	97
Туғилгандан то тўрт ёшгача бўлган болаларнинг тасвирий фаолиятига раҳбарлик қилиш методикаси. Т. Г. <i>Қазакова</i> . . . . .	98
Тўрт ёшдан то етти ёшгача бўлган болаларни тасвирий фаолиятига ўргатиш мазмуни ва методлари. В. А. <i>Езикеева</i> . . . . .	106
Мустақил бадий фаолият . . . . .	123
Мустақил бадий фаолиятнинг мазмуни Т. <i>Қазакова</i> . . . . .	123
Болаларнинг мустақил бадий фаолиятларига билвосита раҳбарлик қилиш методлари. Н. А. <i>Ветлугина</i> . . . . .	134
Турмуш ва байрамлардаги бадий фаолият . . . . .	142
Санъат—болалар боғчаси ҳаётида. Т. Г. <i>Қазакова</i> , И. Л. <i>Дзержинская</i>	
А. Е. <i>Шибичкая</i> . . . . .	142
Болаларни эстетик тарбиялашда телевизион кўрсатувларнинг роли.	
В. Д. <i>Сич</i> . . . . .	154

Кунгил очишлар. <i>Л. С. Фурмина</i> . . . . .	161
Байрам эрталиклари. <i>И. Л. Дзержинская</i> . . . . .	167
<b>Болаларни эстетик тарбиялашда предмет муҳитнинг роли . . . . .</b>	<b>174</b>
Таълимнинг техник воситалари ва эстетик тарбияда ўқув қуроллари .	
<i>Л. С. Фурмина</i> . . . . .	174
Болаларнинг адабий ва театрлаштирилган фаолиятлари учун жиҳозлар (қуроллар) . . . . .	174
Музика фаолияти учун жиҳозлар . . . . .	179
Тасвирий фаолият учун ўқув қуроллари . . . . .	185
Турмуш эстетикаси. <i>Г. Н. Пантелеев</i> . . . . .	190
Бинони бадний безатиш . . . . .	190
Болалар боғчаси участкасини жиҳозлаш . . . . .	201



*На узбекском языке*

**ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ  
В ДЕТСКОМ САДУ**

Методическая помощь  
воспитателям

Тошкент — «Ўқитувчи» — 1981

Махсус редактор — М. Агзамова

Таржимон М. Сагторов

Шеърларнинг таржимони М. Мирзаев

Редактор Н. Ғозиев

Бадний редактор П. А. Бродский

Техн. редактор Э. В. Вильданова

Корректор Д. Эргашева

ИБ № 2034

Теришга берилди 17. 12. 80 й. Босишга рухсат этилди 25.11. 1981й. Формат 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Тип. қоғози № 3. Кегли 10,8 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 13.0. +0,8 рангли вкл. +0,25 рангли форзац. Нашр. л. 12,82+0,6 рангли вкл. +0,46 рангли форзац. Тиражи 15000. Зак 2404. Баҳоси 65 т.


«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 234 — 80.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинати. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. 1981й.

Полиграфкомбинат Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Навои, 30.




Болалар майдончасини жикозлаш фрагменти




Болалар боғчаси биносининг безатилиш намунаси: юқорда — музика ва физкультурта машғулотлари зали, чапда — мудира хонаси, ўнгда — вестибюль, пастда —




Балалар бййрамлари учун костюмлар, безаклар элементи




Группа хонасида ўйин зонасини безаш намунаси, кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ухлаш ва ечиниш хонаси



Группа хонасида машғулот зонасининг безатилиш намунаси, катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ечиниш ва ухлаш хонаси




Болаларнинг музика ва театрлаштирилган мустақил машғулотлар ўтказиш зона-сининг безатилиш намунаси



Болаларнинг адабий ва тасвирий фаолият билан мустикал машғулотлар ўтказиш зонасининг безатилиш намунаси





Бо. Болалар ўзларининг ўйин бурчакларини безаш учун буларни коғоз ёки табиий материаллардан тайёрлашлари мумкин



10

65

NS

•УЧИТУВЧИ•